

**Зулайҳо
Машарипова**

**ҲАС ҲС
ҲИССИ**

Детектив қисса



7-КИТОБ


ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ
2015

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

М – 34

Машарипова, Зудайҳо

Қасос ҳисси: детектив қисса/З.Машарипова. – Тошкент:
Янги аср авлоди, 2015. – 400 б.

ISBN 978-9943-27-547-8

Ривоятларга кўра, аёл қалбининг туб-тубида оппоқ кабутар ва бир кўлвор илон бўлар экан. Агар аёл меҳр-муҳаббат, ҳурмат, эъзоз кўриб яшаса, кабутар қанотларини қоқиб турар, илон эса кулча бўлиб ётаверар экан. Аммо аёл ноҳақ хўрланса, зулм ва зўрликдан оёқости бўлса, илон бош кўтариб, аёл қалбидаги нафрат ва қасос ҳисси енгиб бўлмас кучга айланади.

З.Машарипованинг драматик воқеаларга бой навбатдаги асарида ўта тарбияли, хокисор аёл эрининг калтакларига, ҳақоратларига чидай олмай, охири ажрашиб кетади. Аммо ўзи ҳақидаги бўҳтонни эшитган Гулҳаё ажрашиб ҳам эридан қутулмаслигини билгач, қўлига болта олиб, эрини ўлдиргани боради...

Дарҳақиқат, инсон баъзан ҳаёти давомида ўта чигал, мураккаб вазиятларга тушиб қолади ва шундай аҳволга тушишига сабабчи бўлганларга нисбатан қалбидаги қасос ҳисси уни беихтиёр жиноятга етаклайди.

Жиноят содир этишдан эса инсонни фақат бир нарса – ёшлигида берилган тўғри тарбиягина асраб қолади...

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-547-8

© З.Машарипова, «Қасос ҳисси». «Янги аср авлоди», 2015 йил.

МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФДАН 5

БИРИНЧИ ҚИСМ. КАЙФДАГИ ҲАЛОКАТ..... 7

Ичкиликка муккасидан кетган Жаъфарнинг ота-онаси қанақа одамлар бўлган? Туроб ва Наргизаларнинг автоҳалокатга учраганликларига Гулҳаёнинг шумқадамлиги сабабми ёки... Нега Гулҳаё келин бўлиб тушган оилада «тошдек қотмади», уларнинг анъаналарини давом эттира олмади?

Жаъфар хотини ва болаларини уйдан ҳайдаб юбориб, ўзига ўхшаган ароқхўр аёл билан яшаётганда уларни ўлдириб кетишади. Терговчилар Собиржон ва Фарҳод қотилни топши учун тиним билмай ишляптилар. Марҳумнинг қайнонаси Муниса опа ва қайнотаси Солиҳ ака қотилликда шубҳа остидаги гумондорлар ҳисобланади. Чунки жиноят жойидан бирининг қўл телефони, яна бирининг тароғи топилган.

ИККИНЧИ ҚИСМ. ЗУЛМАТГА БИР ҚАДАМ...105

Гулҳаёнинг акаси Фаррух тасодифан синглиси шаънига Жаъфарнинг ёмон сўзлар гапираётганини эшитиб, уни ўлдириши пайига тушганини тан олди. Бироқ...

Гулҳаё қотиллик юз берган пайтда уйда бўлмаганини гувоҳлар тасдиқладилар, унинг айнан ўша жойга боргани ҳам аниқланди, лекин...

Терговчилар уларни қамоққа олишни режалаштираётганларида Худоёр отанинг олиб келган гувоҳи қотил бошқа одам эмасмикан, деган шубҳа уйғотди. У ўша тундаги аёл бақиринини анча йиллар олдинги аёл ноласига ўхшатганини гапирди. Аммо Фарҳоднинг гапи билан айтганда, амакининг кўчадан топиб келган гувоҳи – Кўпайсин бобо кўрсатмасига ишонса бўладими?

Собиржон сезгиларига қулоқ солмоқда.

УЧИНЧИ ҚИСМ. ШУБҲАЛИ КИШИ214

Худоёр ота қишлоқдаги 10 йил олдин бўлган қотилликни нега эслади ёки бу воқеа ҳар куни унинг ёдига тушадими? Унинг ҳамма кўнгилсизликни Тилаволди билан боғлашининг сабаби нимада? Ота нима учун Тилаволди «пес» билан қуда бўлишни истамай, ҳатто уни ўлдиришни ҳам режалаштирди? Наҳотки «Лақаб» қишлоғидагиларнинг Худоёр «синчков» деб атайдиган, улар ҳурмат қиладиган отахон ҳам шайтон васвасасига қулоқ солса? Бу унинг авлод покизалигини ҳамма нарсадан устун қўйганиданми ёки худбинлигининг кўринишими?

Ота терговчиларга расмини кўрсатган, қишлоқда икки марта кўзга ташиланган шубҳали киши ким?

Собиржон билан Фарҳод қотилни тополмай бошлари қотган. Улар тергов муддати тугаётганидан таишвида...

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ. ГИЛАМДАГИ БИТИКЛАР309

Инсон феълдаги энг ёмон қусур – лоқайдлик, ҳамма нарсага эътиборли бўлиш ҳеч қачон зарар қилмайди, деган гапларнинг тўғрилиги яна бир бор ўз исботини топди. Худоёр отанинг синчковлиги ноҳақ айбланган бегуноҳ йигитнинг озод бўлишига ва ҳақиқий қотилнинг жазоланишига сабаб бўлди. Ундан таишқари, отахон қишлоқдаги содда йигит Рашидни одам савдоси қурбонига айланишидан сақлаб қолди. Собиржон сезгилари алдамаганига амин бўлди. Жиноятчилар тажрибали терговчининг саволларига жавоб бериб, айбларини тан олишдан бошқа чоралари қолмади.

Хосият хола турмуш ўртоғи Худоёр отанинг етмиш беш ёшли тўйига аталган дил изҳорини назмда ифодаламоқчи бўлиб, беш йилдан бери шеър ёзади. Аммо шу йиллар давомида ёзгани атиги ўн беш сатрдан иборат... У ўзи учун қимматли бўлган бу сатрларни оддий қозғозга эмас, катта гиламга муҳрлашга жазм қилди...

МУАЛЛИФДАН

Агар таққослаш жоиз бўлса, ҳар бир қурилган оилани катта қўргонга, келин ва куёвни эса малика ва шаҳзодаларга ўхшатгинг келади. Балки бу қиёслаш кўпчиликка ёққани учун ҳам эртакларнинг аксарияти шаҳзода ва маликалар ҳақидадир. Эртаклар ҳаётга жуда-жуда яқин бўлади, аммо...

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда маҳобатли қасрда шаҳзода ва малика яшаркан. Нима бўлибди-ю, горда яшовчи қирқ бошли аждаҳо шаҳзодани сеҳрлаб қўйибди. Шаҳзода унинг қулига айланиб, маликани ва давлатни унутибди, деб бошланувчи эртақ, одатда, бир қанча қийинчиликлардан сўнг маликанинг севгиси шаҳзодани сеҳрдан қутқариб, яна бахтли ҳаётга қайтариши билан тугайди.

Ушбу асарда баён қилинган ҳаётий воқеалардаги «шаҳзода»ни ҳам қирқ бошли аждаҳо сеҳрлаган, лекин у улкан горда эмас, кичкинагина шишада яшайди. Ўйигит маликасидан, фарзандларидан бутунлай воз кечиб, уларни уйдан ҳайдаб, ўзи қули бўлиб қолган шишадаги хожасига сизинади. Энг ачинарлиси, эртақдагидан фарқ қилиб, у сеҳрдан қутула олмай, ҳалок бўлади. Аниқроғи, ўлдириб кетишади... Ҳамманинг кўз ўнгида чиройли оила қўргонларидан бири қулайди.

Бунга ким айбдор? Ўйигитнинг ичкиликка, маишатга муқкасидан кетишининг сабаби нимада? Нега яқинлари уни бу йўлдан вақтида қайтара олмаганлар? Ўйигит қандай оилада тарбияланган? Ота-онаси, авлод-аждоди қандай одамлар эди? Энди болаларнинг тақдири нима бўлади? Нимага беғуноҳ гўдаклар кўзидан ёши оқди? Не сабаб бечора, нажотсиз аёл болалари билан дий-

дираб қолди? Нега навқирон йигитнинг ёш умри хазон бўлди? Нимага қотиллик юз берди? Қотил ўзи ким? Атрофдаги одамлар-чи, улар бу мудҳиш воқеага қандай муносабат билдирдилар? Адолат қарор топиши учун кекса отахоннинг тинчи бузилганининг сабаби нимада?

Асарни ўқир экансиз, бу каби саволларга бирин-кетин жавоб топа бошлайсиз. Ҳақиқий қотилни топишда терговчиларга ёрдамлашган етмиш беш ёшли Худоёр отанинг жонкуярлигига, жасоратига ҳавасингиз келиб, хаёлингиздан кексайганда шу одамдек гайратли бўлиши қандай яхши, деган фикр ўтиши аниқ.

Азиз китобхон, отахоннинг синчковлиги, фикрлари теранлиги сабаб ўн йил олдин қотилликда айбланиб қамалган йигитнинг беғуноҳлиги аниқланишини ва одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларнинг кирдикорлари фош қилинишини ўқиётиб, тўлқинланиб кетсангиз, ажаб эмас.

Синчков терговчи Собиржон ва унинг содиқ шогирди Фарҳоднинг тергов жараёнидаги савол-жавобларидан қотиллик сабаблари аста-секин очила бошлайди.

Асар қаҳрамонларининг қисматларидан воқиф бўлгач, уларнинг феъл-атвори билан яқиндан танишиганингиздан кейин қасос ҳисси ҳар қандай одамда пайдо бўлиши мумкинлигини, бироқ ҳамма ҳам бу туйғу қурбонига айланавермаслигининг гувоҳи бўласиз. Фақат пок ниятлиларгина ўз имон-эътиқодига содиқ қолиб, эзгу мақсадлари йўлидан тўхтамаслигини яна бир бор ҳис этишингиз, шубҳасиз.

Муҳтарам ўқувчи, китобни ўқиб чиққанингиз учун Сизга олдиндан миннатдорчилик билдираман.

БИРИНЧИ ҚИСМ

КАЙҒДАГИ ҲАЛОКАТ

I БОБ

Тун зулмати оппоқ тонгга ўрнини бўшатиб беришига ҳали анча вақт бор эди. Аёл ўз шаънига ёғилган бўҳтон заҳридан бутун вужудини чаён чақаётгандек қийналиб тўлғанар, йиғлайвериб ёстиқни ҳўл қилиб юборганига эътибор бермас, аччиқ қисмати ҳақида ўйлаган сайин қайноқ кўз ёшлари селдай оқарди.

«У ароқ ичиб олгач, хоҳлаганча мени ҳақоратлар, инсон зотига ёт бешафқатлик билан дўшпослар эди. Нимаики тубанлик қилса, ҳаммасига фарзандларимни деб чидадим. Улар тирик етим бўлмасинлар, дедим, бироқ у андишанинг отини қўрқоқ, деб атади. Оиланинг қадрига етмай, ўз билганидан қолмади.

Болаларимнинг отаси бир куни ўзига келиб қолар деб, сабр-тоқат билан кутдим, ҳатто ҳолдан тойгунча курашдим. Ниҳоят, узлуксиз ичишига бефарқ қарай олмаганим учун иккита норасидага ҳам раҳми келмай, қон қақшатиб уйдан ҳайдаб юборди. Судда қонуний ажралдик. Унинг номини эшитишга, афтини кўришга ортиқ тоқатим йўқлигидан фарзандларим тарби-

яси учун ундан маблағ олишни истамадим, уйдан болаларга жой ажратишларини ҳам хоҳламадим. Икки йилдан бери ота-онамнинг уйида яшаяпман. У билан ишим йўқ, ҳаммасини унутишни истагандим.

Ҳозир акамнинг гапларини тасодифан эшитиб қолмаганимда, балки у аблаҳни эсламасдим ҳам. Лекин нима сабабдан у менинг шаънимни булғамоқчи? Ахир инсон ўз болаларини... Йўқ, уни инсон дейиш қийин. Менга нисбатан ҳамма разилликларни қилган кимса энди бузуқликда айбламоқчимиз? «Болаларнинг отаси ким экани ҳақида ўйлаб қолдим» дегани нимаси? Агар бу гапини бошқалар олдида ҳам вайсаса, нима деган одам бўламан? Гулдай ёшлигимни хазон қилгани, шўрлик фарзандларимни кўнглини ярим, тирик етим қилиб, кўзларини мўлтилатиб, дадам қачон келадилар, деб йўлга қаратиб қўйгани каммиди? Ҳаммасига чидадим, лекин шаънимни булғашига йўл қўймайман, уни ўлдираман! Ўлдирганда ҳам, болта билан чопиб ташлайман! Ҳозир у ифлоснинг ичиб, тарашадек қотиб ётгани аниқ. Ҳар куни ичишига шубҳам йўқ. Уни болталаб, пора-пора қилиб ташласамгина юрагимда ёнаётган олов озгина пасайиши мумкин. Ҳа, бундан бошқаси мени юпатомайди!»

Гулҳаё ўрнидан сакраб турди. У миясига келган сўнгги фикрни кенгроқ ўйлаб кўришни ҳам истамай, қўллари билан кўз ёшларини тез-тез артди-да, хонадан отилиб чиқди. Аламзада аёл куртқасини кийиб, туфлисини апил-тапил оёғига илганича ёзги ошхона томон юрди. Ошхона

шкафининг пастки бўлмасидан болтани олиб, кўча эшигининг калитини буради. У тун қоронғисида важоҳат билан бораркан, кўчадаги итларнинг вовиллаши, ниманингдир қарсиллаган овози қулоғига кирмас, қўрқувни умуман ҳис қилмасди...

* * *

Баҳор. Тун бўлишига қарамай, уйларнинг кўча эшиклари тепасидаги чироқлар ёғдусида орасталикни бемалол кўриш мумкин. Фақат бир уйнинг эшигида чироқ кўринмайди. Бу уйдагилар учун яшариш фасли, фаслар келинчаги баҳорнинг, ўзининг иссиқ тафти ила экин-тикинларни яйратиб юборадиган қайноқ меҳрли ёзнинг, тўкин-сочин кузнинг, совуқ, лекин оппоқ қори билан кўнгилларга қувонч бағишловчи қишнинг, умуман, тўрт фаслнинг аҳамияти йўқдай.

Агар деразанинг ифлосланиб кетган ойнасидан хира ёруғлик тушиб турмаганида, деярли харобага айланган бу уйда одам яшашига ишониш қийин эди. Бир йилдан бери қулфи бузилиб, эшикнинг қия очиқ туриши одатий ҳол бўлиб қолганди. Ичкарида бир эркак ва аёл гилам тўшалмаган полга солинган эски кўрпачада ёнбошлаганларича суҳбатлашяптилар. Эркак роса ичган, гапиришга аранг тили айланади.

– Б-биласанми, Сокина, умрим б-бино бўлиб, ҳеч қачон тушим эсимда қ-қолмаган. К-кеча кўрган тушимни эса унутолмаяпман, қ-қизиқ, – деди.

Жувон бепарво, тўзфиган сочлари орасига бармоқларини тиқиб, бошини қашлади ва кир ёстиқни тортиб, ўзига қулайроқ қилиб ёнбошларкан:

– Қандай туш? – деб сўради. Унинг кайфи ҳам шеригиникидан кам эмасди.

– Д-дадам билан ойимни кўрибман, ҳ-ҳиқ.

– Ш-шунақа дегин, ота-онанг ҳақида гапирганингни сира эшитмагандим. Улар бўлганми-йўқми билмасдим ҳам, с-савил.

– Б-бир нарсани т-тушунмаяпман, негадир улар ў-ўзларига сир-ра ўхшамасдилар.

– Қ-қандай?

– Қ-қорайиб кетишган, худди кўмирдек, афтлари буришган, қоқ суяк, кийимлари эса куйган, ҳатто тутун чиқиб турарди. Эсласам ҳам кўрқиб кетяпман. А-лаънати...

– Тутун деганинг нимаси?

– Чала ёнган кийимларидан чиқиб турган тутунни айтаман-да. Худди мана бундай, – деб Жаъфар сигаретани тортиб, оғзидан бурқситиб тутун чиқарди

– Иккаловининг ҳам-а?

– Икковининг...

– Қўйсанг-чи.

– Ҳа... Уларнинг ҳамма ёғи қ-қоракуя эди, юзлари ҳам. Қ-қўлларини кўрсанг... – Жаъфар одат бўйича гапининг охирида яна: – Лаънати, – деб қўшиб қўйди.

– Ундай бўлса қандай танидинг?

– Б-билмайман.

– Жаъфар, тушинг ҳам жиннича, с-савил. Балки улар бошқадир, нега ота-онам деб ўйла-япсан?

Жаъфар гавдасини кўтариб ўтиришга уринди, лекин эплай олмай, яна ўзини ёстиққа ташлади.

– Й-йўқ, уларни танидим. Аллақаерларидир ўхшарди. Менимча, овозларидан танидим. Ҳа, ҳа овоз-злари...

– К-каланг ишлайдими ўзи?

– И-ишлайди, н-нимайди?

– Уларнинг ҳамма ёғи тутаб ётган бўлса, куйган одамлар шу аҳволда қандай гапирдилар?

– Ойим инқиллаб зўрға «к-кел, ўғлим», деди. Мен уларнинг ёнига боришга қўрқдим. Шунда дадам, «келавер, қ-қўрқма, энди ҳаммамиз бирга яшаймиз», деди. Ойим б-бошини чайқаб, «бирга яшаймиз деманг, бирга азоб чекамиз, гулханда ёнамиз десангиз-чи», деди ва қўлимдан ушлаб қоронғилик томонга етаклаб к-кетди, – деб Жаъфар кўзларини юмиб, жим бўлиб қолди. Анчадан кейин: – нега индамайсан, бир нима десанг-чи? – деди.

Сокина ўрnidан қўзғалиб, чой қуймоқчи бўлди, бироқ чойнак бўшлигидан жаҳли чиқиб:

– Падарингга лаънат, – деб чойнакни қарсиллатиб жойига қўйди.

– Нега сўкинасан?

– Томоғим қақраб кетди, бир қултум ҳам чой қолмабди. Сен қайси гўрдаги гапларни валақлайсан. Туш дейсанми-ей, нима бало, шунақа гапларга ишонасанми? Балки художўй бўлиб қолгандирсан-а, савил? – деди Сокина беўхшов кулиб.

– Йўқ, ишонмайман. Худо менга нима бериб қўйибдики, унинг борлигига ишонсам. Мана, шип-шийдам уйда ётибман. Ҳатто ичадиган

ароғимни ҳам сен берасан. Лекин негадир тушимни эсладим. Ҳа, фақат тушимни эсладим, холос. Жин урсин, лаънати, қайси гўрданам аллақаяқдаги туш эсимга тушиб, кайфимни тарқатиб юборди. Ароқдан қуй! – деди Жаъфар овозини баландлатиб.

Ҳақиқатан ҳам унинг кайфи тарқадими ёки бошқа сабабданми, дудуқланмасдан гапиришга тили келиб қолган эди.

– Ўша бир хонали квартирамни сотсам, пулимиз кўпаярди. Нимага бу ҳовлингни менинг ўғлимга мерос қилиб қолдиришингни истаганимни биласанми?

– Уйингнинг ўрнига шундай йўл билан меникни олдинг-да. Майли, мен қарши эмасман. Кўрдинг-ку, дарров айтганингни бажо келтирдим. Қачон мен ўлсам, уй ўғлингга қолади, шартномада шундай деб ёзилган. Лекин ҳали-вери ўладиган аҳмоқ йўқ. Мени анча боқишингга тўғри келади, тушундингми? Ароғимга пулни вақтида бериб турсанг, олам гулистон. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

– Ўғлим Санжар эсини таниганидан бери детдомда. Ишонасанми, биринчи марта у ҳақида бош қотирдим. Нега деганда, сен барибир уйингни арзон-гаровга сотиб юборардинг, шунинг учун ўғлимга қолсин, дедим-да.

– Мен ҳеч ким ҳақида бош қотиришни истамайман, менга барибир... Лаънати...

Жаъфар кўзларини юмганича яна индамай қолди. У анчадан кейин жимиб қолган Сокинага қаради. Аёл кўзларини катта очиб, эшик тарафга қараб бақадай қотиб қолган эди.

– Ҳей, сенга нима бўлди, кўзингга ажина кўриндимми? – деди Жаъфар уни мазах қилиб.

Сокина эшикдан кўзини олмай, ёнбошлаб ётган жойидан секин туриб ўтирди ва:

– С-сенга нима керак? Мендан н-нима истайсан? С-савил... – деди кўрқувдан дир-дир титраб.

Жаъфар ўрнидан қўзғалиб, Сокина кимга гапираётганини билиш мақсадида ўтирилиб ортига қарамоқчи бўлди, бироқ улгуролмади. У бошига урилган қаттиқ зарбадан шилқ этиб деворга суянганича қолди. Иккинчи зарбадан кейин жон таслим қилди. Кутилмаган даҳшатдан кайфи тарқаб кетган Сокина овозининг борича бақириб юборди. У кетма-кет юрагига тушаётган ваҳшийларча тепкилардан тил тортмай ўлди...

II БОБ

Эрта тонгда уйғонишни одат қилган Мансур ўрнидан туриши билан балконга чиқиб, баҳор нафаси уфуриб турган соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. У қушларнинг чуғур-чуғурига қулоқ тутиб, атроф гўзаллигига назар соларкан, ҳар кунгидек спорт гантелини қўлига олиб, машқ қила бошлади. У бўртиб чиққан мушакларига қараб кайфияти кўтарилиб, ошхонага нонушта тайёрлаш учун чиққан рафиқасига:

– Гавҳар, полвонларни уйғотдингми? – деди қувноқ овозда.

– Йўқ, яна озгина ухлашсин, ҳали вақтли-ку, – деди Гавҳар эснаб.

– Майли, лекин кеч қолмайлик. Ишга эртароқ боришим керак. Кеча улгуролмаган чақириққа бориб, кейин бошқа жойларга ўтаман.

– Хавотир олманг, дадаси, ҳозир эркатойларни уйғотаман, соат саккизда ҳаммамиз таппа-тайёр бўлиб йўлга чиқамиз.

Мансур хотинини ишга, болаларини мактабга ташлаб, уни кутаётган шеригини йўлдан олди-да, кечаги қўнғироқ бўйича йўлга чиқди. Улар кўриниши маҳалладаги бошқа уйлардан ажралиб турган эски ҳовли олдида машинани тўхтатиб, ичкарига қараб юрдилар.

Апрел ойининг боши, айна мевали дарахтлар гуллаб, бошқалари барг ёза бошлаган пайт бўлгани учун ҳовлилар кўркам тусга кирган, эшикларининг олди, йўлаклар чиннидек тозалашиб, қараган одамда аллақандай завқ уйғотарди. Улар кираётган уйнинг олдидаги бир пайтлар экилган дарахтлар қуриб, ёғочлари қорайиб, сўппайиб қолган. Бултурги ўтлар сарғайиб, ғариб аҳволга тушган, хас-хашак билан қопланган йўлакдан юрган кишининг кўнгли ғаш бўларди. Эшик очиқ бўлгани сабабли улар тўғри уйга кириб боришди.

– Манзилда янглишмадикми, Мансур ака, ишқилиб, бу ташландиқ бино эмасми? – деди шериги атрофга аланглаб.

– Ким бор! Чаққон-чаққон жавоб берсаларинг-чи, ишимиз кўп. Сантехник чақирганминдинлар, ўзи! – деди Мансур овозини баландлатиб. У жавоб бўлмагач, эшиги ланг очиқ хонага бошини суқиб қаради ва тезда бошини тортиб, деворга суялиб қолди.

– Нима гап, тинчликми? – деди шериги ажабланиб.

– Иккита мурда...

– Эй, Худо, ўлиб ётишибди-ку! – деди хонага кириб қараган шериги ваҳимага тушиб.

Мансур телефонини чиқариб, ички ишлар бўлимига қўнғироқ қила бошлади.

* * *

Прокуратура, ички ишлар ходимлари, экспертлар, криминалистлар чўзилиб ётган эркак ва аёл мурдаларини кўздан кечириб, ҳар ким ўзига тегишли бўлган текширув ҳаракатларини бошлаб юбордилар.

Терговчи Собиржон Мирзаев уवादаси чиққан кўрпача устида тепага қараганича кўзларини катта очиб ётган аёлга, унинг тўзғиган сочлари, бўёғи чапланиб кетган юзи-кўзига, очиқ-сочиқ кийимига эътиборини қаратди. Деворга суялиб қийшайиб қолган эркакнинг бошидан оққан қон юзининг қандайлигини аниқлашга имкон бермас, аёлнинг эса ҳеч қаерида қон излари кўринмасди. Газета устидаги нон бўлаклари, ароқдан бўшаган иккита шиша, ликопчадаги шўр бодринг қолдиқлари, балиқ консерваси идишидаги еб тугатилмаган бўлаклари устида пашшалар ғужғон ўйнар, ушбу манзара ҳар қандай кишининг кўнглини айнитиб, назарини тезда бошқа томонга қаратишга мажбур этарди. Бироқ бу ердаги оғизларига ниқоб тортиб ишлаётган одамлар ҳаммасига чидаб, ҳар бир изни, ҳар бир ҳолатни синчиклаб текширишга, уларни суратларда муҳрлашга ва қотилликни очиш учун ўзларига юклатилган вазифани бажаришга мажбур эдилар.

Собиржон тепага қаради, қорайиб кетган шифтдаги, уйнинг бурчакларидаги осилиб турган ислардан кўзини олиб, девордан фарқ қилмайдиган даражада қорайиб кетган дераза ой-

насига назар ташлади, кейин ваннахонадан эшитилаётган шатирлаган сув овозидан ўша томонга қараб юрди. Жўмракдан оқаётган сув анчадан бери тўхтамасдан ифлос ваннага оқиб ётгани кўриниб турарди. У ваннахона полидаги билинар-билинмас изга кўзи тушиб, дактилоскопия билан шуғулланаётган йигитга:

– Анвар, бу ёққа қаранг, ниманинг изи экан?
– деди қўли билан кўрсатиб.

Йигит изларни текшириб, нусха олди.

– Менимча, бу катта газ калитининг изи, хўл-лигича пастга қўйиб, кейин яна олинган. Қотил газ калитини қондан тозалаш учун ювган кўри-нади. Мана бу кроссовканинг изи ҳам кечагидан қолгани кўриниб турибди, – деб дактилоскопист оёқ изларидан нусха ола бошлади.

– Ҳа... – деди Собиржон.

У чўнтагидан жиринглаётган телефонини олди.

– Ёлғиз эканми, раҳмат, – дея синчиклаб текширишда давом этди.

– Шариф ака, қотиллик қачон содир қилинган, аниқдай олдингизми? – деди у ёрдамчилари билан ишлаётган тиббий экспертга мурожаат қилиб.

– Тахминан тунги соат бир-иккилар орасида, деб ўйлайман, анигини мурдаларни ёриб текширганимиздан кейин айтаман, – деди эксперт ишини давом эттириб.

Прокурор Собиржонга:

– Бу кимнингдир уйими ёки ташландиқ биноми, аниқданглар-чи, – деди.

– Участка нозирининг гапларига унча ишонмай, мен ҳам шу билан қизиққандим. Маълум

бўлишича, уй Турдиев Жаъфарга тегишли, у ёлғиз ўзи яшаган. Бошқа ҳеч ким ҳисобда турмайди.

Ички ишлар бўлими бошлиғи оғзига тутилган ниқобни тўғрилаб, бошини чайқаб қўйди.

Собиржон ён қўшнилар билан суриштирув олиб бораётган милиция терговчисининг ёнига келиб, уларнинг суҳбатига қулоқ солди. Ёши саксонлардан ошган оппоқ соқолли чолнинг гаплари унинг диққатини тортди.

– Болам, ўлган одамни шайтон ҳам ёмонламайди, дейдилар, лекин марҳумнинг қандай одамлигини сўраганингиздан кейин мен ҳақиқатни айтишим керак-да. Очиғини айтганда, Жаъфар даҳрий эди. Ҳа, тўғри тушун, ўғлим. Унинг ота-боболари ҳам даҳрий ўтганлар.

Суриштирув олиб бораётган ички ишлар бўлимида ишловчи йигит чамаси «даҳрий» сўзининг маъносини тушунмади. У чолга бу нима деганингиз дейишга тортиниб, савол назари билан қаради ва:

– Илтимос, отахон, тушунарли қилиб гапирсангиз, – деди.

– Улар динсиз эдилар деяпман, омон бўлгур.

– Ҳа-а, – деди терговчи чўзиб. – Ҳаёт тарзлари-чи?

– Имон-эътиқодсиз кимсанинг ҳаёт тарзи ҳам ўзига яраша-да.

Терговчининг юз ифодасидан чол жуда қари экан, ишга тааллуқли кўзлаган жавобимни ололмайман, чоғи. Бекорга вақт сарфлаганим қолади, деб ўйлаётгани кўриниб турарди. Шунда Собиржонни прокурор чақириб:

- Собиржон, бу ёққа қаранг, – деди.
- Эшитаман.
- Ўзингиз ҳаммасига кўз-қулоқ бўлинг, чунки бу ишни ҳам сиз билан Фарҳодга топширамиз. Нусха олинмаган из қолмасин, – деди прокурор.
- Ҳа, албатта.
- Сизга ўргатишнинг кераги йўқлигини, тажрибангиз етарли эканини биламан, лекин кўриб турганингиздек, иккита одамни ўлдириб кетишган. Бу ниҳоятда жиддий воқеа.
- Тўғри, ҳеч нимани кўздан қочирмасликка ҳаракат қиляпмиз, – деди Собиржон.
- Улар гаплашаётганида суриштирув олиб бораётган ички ишлар бўлими ходими чол билан суҳбатини тугатганди.
- Майли, отахон, сиз бораверинг, – деди у чолга.
- Ие, мендан бошқа ҳеч нима сўрамайсанми, болам? Бу гапни неварамдан эшитиб атайлаб келгандим-а.
- Зарур бўлиб қолса сўрармиз, ҳозирча бораверинг.
- Эсизгина, айтмоқчи бўлган гапларим бор эди, майли, нима ҳам дердим, эшитмасанг гапирмайман. Балки уларни ким ўлдиргани унчалик муҳим эмасдир. Балки аллақачон қотил топилгандир? Омон бўлгурлар... – деб чол ўзича нималарнидир мингиллаб чиқиб кетди.
- Чолнинг гаплари Собиржонни қизиқтириб қўйгани учун у шошиб хонага кирди ва суриштирувчидан:
- Бояги отахон қани? – деб сўради.
- Кетиб қолди.
- Менимча, у бир нималарни гапирмоқчи эди. Ҳеч нима демадимми?

– Қизиқмисиз, Собиржон ака, шўрликнинг қулоқлари том битган, ёши камида тўқсонга борган, кўзлари хиралашиб қолган бўлса, ундан ишга алоқадор қандайдир гап чиқиши мумкинми?

– Билмадим, бироқ менга унинг нимадандир хабари борга ўхшаб туюлганди. Ҳамма нарсага эътиборли бўлишингиз керак, – деди Собиржон энди у билан тортишишнинг фойдаси йўқлигини билиб.

– Жиноят ярим тунда содир қилинган, чол кундузи нима бўлганини айтолмайди-ю, тундаги воқеани қаердан билсин? – деди суриштирувчи йигит ўзининг ҳақ эканини исботлашга ҳаракат қилиб.

Собиржон индамади.

Ҳамма тарқалди, мурдаларни олиб кетишди. Кўчада йиғилиб турган ўн-ўн бештача киши ҳам аста-секин уй-уйларига йўл олдилар.

III БОБ

Қотиллик жинояти бўйича тергов ишлари давом этарди. Терговчилар Собиржон ва Фарҳод ўз тергов тахминларига кўра иш олиб борардилар. Фарҳод тиббий экспертиза хулосаларини варақларкан:

– Собиржон ака, мен бу қотилликда асосий гумондор ўша сантехник йигит деб биламан. Экспертиза хулосаларига кўра марҳум Турдиев қирраси ўткир бўлмаган темир буюм билан бошига зарба берилиши натижасида ўлган. Унинг жароҳат олган жойида темирнинг занглаган қолдиқлари қолган. Қотиллик қуроли ўша ваннахо-

нада изи қолган газовой ключ эканига шубҳам йўқ. Бу ҳар бир сантехникнинг ёнида бўлади. Жамилова эса кўкрак қисмидаги оёқ изларига қараганда тепки зарбидан ўлган кўринади. Қандай шафқатсизлик...

Фарҳод марҳумларнинг жароҳатлари тасвирланган расмларига бирпас тикилиб ўтириб:

– Сиз нима деб ўйлайсиз, сантехникнинг жиноят ҳақида хабар бериши ҳеч нимани англамайдимми? – деди. Ҳамкасбидан ҳеч қандай жавоб бўлмаганидан кейин у: – Собиржон ака, сизнинг шу ҳақдаги фикрингизни билишни истагандим, – деди.

Дераза олдида хаёл суриб турган Собиржон пешанасини тириштирди:

– Ҳудди талабага ўхшаб савол берасиз-а.

– Мен сизнинг олдингизда ҳамиша ўзимни талаба, деб ҳисоблайман. Устоз, сантехник ҳақидаги фикрингизни эшитишни истардим, – деди Фарҳод доимгидек ҳазиломуз оҳангда.

– Тушунмадим, сантехникнинг қўнғироғи нимани аңлатиши мумкин? Ростини айтсам, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганман, – деди Собиржон.

– Наҳотки, ахир у қотил бўлиши мумкин-ку.

– Нима демоқчисиз? Фикрингизни аниқроқ айтинг.

– У тунда иккита ғирт маст одамни ўлдириб, ўзидан шубҳани соқит қилиш учун ҳеч нарса билмагандек эрталаб қўнғироқ қилган бўлса-чи.

– Лекин сантехник нима учун иккита одамни ўлдирган, деб ўйлаяпсиз? Ахир кимнидир ўлдириш учун бирор сабаб бўлиши керак-ку.

– Дейлик, талончилик мақсадида.

– Фарҳод, уйқусираяпсизми? Ўша ердан нимани ҳам олиб кетиш мумкин? Тўрт девордан бошқа ҳеч нарса йўқ-ку.

– Ким билади, балки ниманидир талашгандирлар? Мен сантехникни соат ўнга чақирганман, ҳадемай келиб қолади. Ана шунда ундан қотиллик сабабини билиб олсак ажаб эмас.

Собиржон Фарҳоднинг гапларига унча эътибор бермай, ўз фикрларини тиниқлаштиришга зўр бериб уринарди. Кўп ўтмай навбатчи Олимов Мансурнинг терговга келганини айтиб қўнғироқ қилди.

Салом бериб, биров ҳадиксираб кирган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги, ўрта бўйли, қотма, кенг елкали, қорачадан келган, қалин қошли, кўзлари катта, тагидан олинган сочи энди ўсиб чиқаётган, қулоқлари сал шалпангроқ йигит икита терговчининг қайси бирига мурожаат қилишини билмай қаради.

– Олимов Мансурсиз, тўғрими? Ўтиринг, – деди Фарҳод унга бошдан-оёқ разм солиб.

Фарҳод сўроқ қилар, Собиржон уларни кузатарди.

– Олимов, сиз иккинчи апрелдан учинчи апрелга ўтар кечаси қаерда эдингиз?

– Қаерда бўлардим, уйда.

– Буни қандай исботлайсиз?

– Ўз уйимда тунаганимни қандай исботлашим мумкин? Бу қанақа бемаъни савол бўлди?

– Демак, исботлай олмайсиз, шундайми?

– Хотиним, болаларимдан сўрашингиз мумкин...

– Хўш, сиз ҳамиша одамларнинг чақириқларига шу куни эмас, эртаси куни борасизми? – сўради Фарҳод терговни давом эттириб.

– Йўқ, одатда, шу куни бориб муаммоларни ҳал қиламиз.

– Шундай экан, Турдиевнинг чақириғини бундан мустасно қилишингларнинг боиси нима эди?

– Мен унга зудлик билан бориш керакми ёки эртага эрталаб борсам ҳам бўлаверадими, десам, фарқи йўқ, деганидан кейин...

– Эрталаб борганингизда ҳам ёнингизда газовой ключ бормиди?

– Ҳа, албатта.

– Сиз марҳум ва марҳумани қачондан бери танийсиз?

– Мен уларни умуман танймайман.

– Улардан қайси бирида шахсий адоватингиз бор эди, марҳамат қилиб ростини айтинг?

– Ҳайронман, сизлар ҳамма вақт жиноят ҳақида хабар берганлардан шубҳаланасизларми? – деди асабийлашиб гувоҳ.

– Агар уларда газовой ключ бўлса.

– Тушунмадим, менинг иш қуролимнинг қотилликка нима дахли бор?

– Чунки сиз иш қуролим деётган буюм қотиллик қуроли ҳам бўлган.

– Мендан нега шубҳаланаётганингизга тушунмаяпман. Сал мияни ишлатиш керак-да. Мен нима учун ўша жирканч алкашларни ўлдириб, қўлимни қонга булғашим керак, нима учун ахир?! – Мансур азбаройи жаҳли чиққанидан қўлини пахса қилганча гапириб, ўрнидан туриб кетди.

– Жойингизга ўтиринг! Мен ҳам худди шуни билишни истайман. Хўш, нима учун?

– Биласизми, ҳурматли терговчи, гапингизни ўйлаб гапиринг. Менинг иккита ўғлим бор,

бири ўн уч, иккинчиси ўн ёшда. Мен уларни ҳалол тарбиялаяпман, ўғилларимни ҳам ўзим каби спорт билан шуғулланишга ўргатяпман, – деди Мансур жойига ўтириб. У тез-тез нафас олар, ўзини босишга уринарди.

– Буларни нега менга гапиряпсиз? Нима, спорт билан шуғулланадиганлар бу ҳақда айтиб оламга жар солиши керакми? Кўриб турганингиздек, мен ҳам спорт устасиман, дзюдо бўйича, – деб Фарҳод ўрнидан турди. У кенг елкали, баланд бўйли эди, спорт билан шуғулланиши гавдасидан шундоқ кўриниб турарди. – Сиз фақат саволларимга жавоб беринг, тушундингизми? – деди Фарҳод бармоғини бигиз қилиб.

– Сизга бунни айтишимга сабаб шуки, бемаъни шубҳа-гумонларингиз билан асабларимни таранг қиляпсиз, бу болаларим тарбиясига ҳам таъсир қилиши мумкин!

– Бунни қаранглар-а, иккита одам ўлдирилади-ю, бу кишини сўроқ қилиш асабларига тегармиш. Ўша газовой ключни топширганмисиз?

– Ҳа!

Ниҳоят, Олимов шаҳардан рухсатсиз чиқмаслик ҳақидаги тилхатга имзо чекиб, хонадан чиқиб кетди. Шундан кейин Собиржон:

– Сизга маслаҳатим гувоҳни сўроқ қилаётганда унга худди жинойтчидек муносабатда бўлманг, бу қонунга ҳам, этикага ҳам тўғри келмайди. Чунки у жуда борса гумондор бўлиши мумкин. Сиз ҳам, мен ҳам жуда яхши биламиз, терговчининг далилларга асосланган қароридан кейингина у айбланувчи саналади, суднинг ҳукмидан сўнг жинойтчи деб тан олиниб, қамоққа олинганидан кейингина маҳкум ҳисобланади.

Сиз эса ҳеч қандай асоссиз Олимовга дағдага қилдингиз. Гапларингиз, гувоҳни бекордан-бекор сиқувга олишингиз ташқаридан қараган одамга қандай хунук кўринишини билганингиз-да эди, – деди ўта жиддий оҳангда.

– Ҳа энди, у шубҳа остидаги асосий шахс бўлгани учун озгина ошириб юбордим, шекилли...

– Ҳали сиз гувоҳ Олимовни асосий гумондор, деб ҳисоблайсизми?

– Албатта, жиноят қуроли эгасини бошқа яна ким деб аташ мумкин? Нима, сиз бошқа фикр-дамисиз?

– Унда жиноят жойидан олинган хотин-қизлар шиппаги, туфлиси излари, эркаклар туфлиси изларига қандай баҳо берасиз? Сиз марҳумнинг собиқ хотини, унинг оиласидан шубҳаланиш мумкинлигини ҳам ўйлаб кўрдингизми?

– Экспертиза хулосаларида изларнинг бир-икки кун олдинги бўлиши ҳам мумкинлиги айтилган. Шунинг учун майда-чуйда изларга унча эътибор бермадим, чунки улар ўлдирилмасдан олдин жиноятга алоқадор бўлмаган кимлардир келган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, деган фикрдаман.

– Худди шунингдек, жиноятга алоқадор шахсларнинг оёқ излари бўлиши ҳам мумкин. Ўзингиз қатнашмаган бўлсангиз-да, тинтув материаллари билан танишиб чиққансиз, деб ўйлабман. Кўриниб турибдики, танишмабсиз. Биласизми, у ердан марҳумнинг қайнонасига тегишли бўлган қўл телефони топилди.

– Йўғ-э, бу нимани билдиради? Наҳотки собиқ қайнона собиқ куёвни ўлдириб, телефонини жиноят жойига ташлаб кетган бўлса? Бироқ ўзин-

гиз айтганингиздек, кимнидир ўлдириш учун сабаб бўлиши лозим. Унинг қизи бундан икки йил олдин куёви билан ажрашган...

Собиржон Фарҳоднинг гапини бўлди:

– Кеча марҳумнинг уйини тинтув қилганимизда мерос шартномасини ҳам топдик. Боя айтганимдек, сиз тинтув ҳужжатлари билан танишмаганингиздан кейин, албатта, бундан ҳам хабарингиз йўқлиги аниқ. Биласизми, Турдиев уй-жойини бутунлай бегонага, ўша марҳума аёл Жамилова Сокинанинг ўн бир яшар ўғлига мерос қилиб қолдирган экан.

– Бу ёғи қизиқ бўлибди-ку, эндигина ўттиз икки ёшга кирган одам ўлимидан кейин мол-мулкини кимга қолдириш тўғрисидаги мерос шартномаси ҳақида бош қотирса-я, қаранг, – деди Фарҳод елкасини қисиб, қўлларини икки томонга ёйиб.

– Ҳа, жуда ғалати, айниқса, унинг ажрашган хотини тарбиясида ўзининг иккита фарзанди борлигини билганимдан сўнг мерос шартномаси қандайдир сирли туюлди, – деди Собиржон ўйга толиб.

– Демак, сиз марҳум уйини бегонага, тўғрироғи, унинг никоҳсиз бирга яшаётган аёлниги ўғилчасига мерос қилиб қолдириш ҳақидаги васиятномадан хабар топган собиқ хотини ёки унинг оила аъзоларидан кимдир улар фирт мастлигида гумдон қилиб қўя қолган, деган фикрда сиз, топдимми? – деб Фарҳод жим бўлиб қолди. – Ўйлашимча, – деди у бироздан сўнг, – қайнонанинг қўл телефони ўша уйдан топилиши унинг куёвини ўлдиришини билдирмайди.

Тинтув материалларидан беҳабарлиги ўзига қаттиқ таъсир қилди шекилли, қоғозларни Собиржоннинг столи устидан олиб таниша бошлади.

– Хўш, сизнингча бу нимани билдиради? – деди Собиржон.

– Биринчидан, қайнонанинг ёши бир жойга бориб қолган, у иккита навқирон одамни ўлдириши мумкин эмас. Иккинчидан, ўша телефон қачондан бери у ерда ётганини ҳеч ким билмайди, тўғрими? – деди Фарҳод тинтув ҳақидаги ҳужжатлардан бошини кўтармай.

– Фикрингизга қўшилмайман. Телефоннинг қачондан бери куёвникида пайдо бўлганини сиздан бошқа ҳамма билади.

– Қандай қилиб? – сўради Фарҳод эътиборсиз оҳангда.

Фарҳоднинг ишга масъулиятсизлик билан ёндашаётгани Собиржоннинг жаҳлини чиқарди, шекилли, беихтиёр овозини баландлатиб гапира бошлади.

– Ўзингизни билимдон санаб, бешта тилда бемалол гаплашишингизни пеш қилишдан чарчамайсиз. Лекин кечирасизу, айрим пайтларда гапингиз терговчиникига эмас, ҳатто фирт саводсиз кишиларникига ўхшайди! Ахир марҳумнинг уйи қай даражада ифлос эканини, у ердаги чанг қанақалигини кўргансиз, телефонга эса ҳали чанг тушиб улгурмаган. Асосийси, телефонда қайнонанинг қайси кунгача гаплашгани маълум!

– Ҳа-я, кечирасиз, Собиржон ака, хаёлим бошқа жойда, тўғрироғи тинтув ҳужжатларида, – деб Фарҳод гуноҳқорона тикилди. Унинг думалоқ, оқ-сарикдан келган юзига қизиллик югурган

эди. – Тинтув ҳужжатлари билан танишганимдан сўнг анча одамни қотилликда гумон қилиш мумкин, деган хулосага келдим. Демак, сиз қотилликда собиқ қайнонадан шубҳаланяпсиз, тўғрими?

– Ҳар ҳолда собиқ хотин оиласи шубҳадан холи эмас. Аниқроғи, қотиллик мерос шартномаси билан алоқадорми, дейман...

– Фикрингизга қўшиламан. Сиз ҳозир айтганингиздек, ўша ўттиз бешинчи ўлчамли аёллар оёқ кийимининг излари марҳумнинг собиқ хотининики бўлиши ҳам мумкин, полда ётган эркаклар тароғини марҳумники деб бўлмайди, чунки у пўстак бўлиб кетган сочини ҳеч қачон тарамгани кўриниб турибди. Ким билади, балки у собиқ хотиннинг акасиникидир.

– Бўлиши мумкин...

– Очиғини айтсам, Собиржон ака, аламзада собиқ хотин оила аъзолари билан тунда келиб, ими-жимиди маст эри ва унинг жазманини ўлдириб кетишган бўлиши мумкин, деб ўйлайман.

Собиржон ҳали ҳам жаҳлдан тушмаганди. У яна Фарҳодга аччиқ-аччиқ гапира бошлади.

– Боягина асосий гумондор деб, сантехник йигитни айтаётгандингиз. Шунчалик масъулиятсиз эканингизни сезмаган эканман. Ҳайронман, ҳозиргача ўтказилган тергов ҳаракатлари билан яхшилаб танишмай туриб, гувоҳни сўроқ қилишга қандай журъат этдингиз? Шарманда бўлишдан чўчимадингизми? Очиғи, бундай ҳолат яна такрорланса, сизга терговни ишониш мумкин эмас, деган хулосага келаман.

– Биламан, мендан хато ўтди. Ҳар ким ҳам хато қилиши мумкин-ку, Собиржон ака, яна қа-

чонгача уришасиз. Бироқ менда илгарилари ҳеч қачон бундай бўлмаган, тўғрими?

– Ҳа, лекин бундай хато бир мартагина содир қилинишининг ўзи кифоя. Бу сизнинг ишга нолайиқ эканингизни кўрсатади.

– Ҳаммасини тушундим, хижолатдаман, бошқа такрорланмайди, узр. Яна қандай кечирим сўрай, – деди Фарҳод йиғламоқдан бери бўлиб.

– Такрорланмаслигига умид қиламан, – деди Собиржон совуққина қилиб.

Улар иккаласи ҳам индамай қолишди. Иш материаллари билан тўла танишиб чиққан Фарҳод анчадан кейин ҳеч нима бўлмагандек жимликни бузиб:

– Шундай қилиб, терговни собиқ хотин оила аъзоларининг қайсинисидан бошлаганимиз маъқул? Менимча, унинг онасидан, яъни марҳумнинг собиқ қайнонасидан бошласак, нима дейсиз, Собиржон ака? – деб сўради.

– Майли, шундай бўла қолсин. Эртага эрталаб соат тўққизга сўроқ қилиш учун Жобирова Мунисани чақиринг.

IV БОБ

Собиржон қаршисида ўтириб, саволларига жавоб бераётган 60 – 65 ёшлардаги, ўрта бўйли, ёшига яраша тўлароқ, ёноқлари қизариб турганиданми оппоқ юзи истарали, сал қисикроқ кўзлари хавотирли боқиб турган, одмигина кийинган аёлнинг гапларини синчковлик билан эшитарди.

– Хўш, Жобирова, – деди аёлнинг гапини бўлиб Собиржон, – бу қўл телефони сизники эка-

нини инкор қилмайсизми? Стол тортмасидан миттигина телефон чиқариб аёлга узатаркан.

Муниса опа телефонни қўлида ушлаб, унга синчиклаб тикилди. Ўз телефони эканига ишонч ҳосил қилди чоғи, нима дейишини билмай терговчига жавдираб қаради.

– Агар саволни тушунган бўлсангиз, марҳамат қилиб жавоб берсангиз.

– Буни қаердан билдингиз?

– Нимани?

– Телефон кимники эканини...

– Жобирова, сиз мендан сўраманг, саволга жавоб беринг. Қаердан билиш бу бизнинг вази-фамиз.

– Меники... – деди аёл ноилож.

– Демак, телефон сизники. Унинг қаердан то-пилганини биласизми?

– Й-йўқ...

– Собиқ куёвингизнинг уйидан. Айнан иккита одам ўлдирилган ердан. Телефонингиз қандай қилиб қотиллик содир қилинган жойда пайдо бўлиб қолганини тушунтириб бера оласизми?

– Бу телефон... билмайман... Менгина ўлай...

– Қанақасига билмайсиз? Ахир телефон мени-ки деяпсиз-ку.

– Ҳа, лекин...

Муниса опа терлаб кетди. У пешанасидаги терларни артиб, нима дейишини билмай саро-симада ўтирарди.

– Нечанчи ўлчамдаги оёқ кийими киясиз?

– Буни нима қиласиз, болам?

– Жобирова, боя айтганимдек, мендан сўра-манг, сиз фақат саволга жавоб беринг, тушун-дингизми?

– Ўттиз бешинчи...

– Ана кўрдингизми? Оёқ кийимингизнинг ўлчами ҳам тўғри келяпти. Шу телефон ва ўттиз бешинчи ўлчамли оёқ кийими эгасидан қотилликда шубҳамиз бор. Мен буни сизга очиқ-ойдин айтишим мумкин.

– Нима?

– Ҳа, сиз иккита одамни ўлдирганликда гумон қилиняпсиз.

– Йўғ-э... Менгина ўлай!

– Нима, телефон сизники эканини тан оласиз-у, лекин ўша кечаси собиқ куёвингизникига борганингизни тан олмайсизми? Унда бу телефон ва оёқ изларингиз у ёққа қандай қилиб бориб қолганини тушунтириб беринг.

Аёл баттар саросимага тушиб, нима қилишини билмай атрофга аланглаб қаради, кейин дудқланиб:

– Мен... мен... бор...борганман... – деди.

– Ким билан?

– Битта ўзим.

– Бундан чиқди, ҳаммасини бир ўзингиз бажардингизми?

– Нимани?

– Уларни мастлигидан фойдаланиб, битта ўзим ўлдирдим, демоқчимисиз?

– Мен... Менгина ўлай...

– Балки сиз ўғлингиз, қизингизнинг жавобгарликка тортилишидан қўрқиб, уларнинг сиз билан бирга қотилликда иштирок этганларини яшираётгандирсиз?

– Мен фақат битта ўзим борганман. Худо ҳаққи, ишонинглар, ёлғон гапирмаяпман! – деб аёл хўнграб йиғлаб юборди.

– Жобирова, тинчланинг, йиғлашни бас қилинг. Ўзингизни босиб олгандан кейин гапиринг. Агар сиз қотиллик ҳақида ёлғон кўрсатма берсангиз, айбингиз янада оғирлашишини билдириб қўйишим лозим.

Муниса опа терговчининг гапларидан сўнг кўз ёшларини артди. У ўзини босиб олиш учунми, чуқур нафас олди. Кейин Собиржонга қараб:

– Биласизми, ўғлим, мен ҳаммасини бошидан гапириб бермасам, сиз ҳеч нимани тушунмаслигингиз аниқ. Шунинг учун ҳаммасини ипидан игнасигача айтиб беришимга рухсат беринг, илтимос, – деди.

– Албатта, мен бунга рухсат бераман. Бироқ ундан олдин сиз айбингизни тан олишингиз лозим, кейин эса нима сабабдан собиқ куёвингизни ўлдирганингизни, қотилликни қандай амалга оширганингизни ёки кимлар билан биргаликда жиноят қилганингизни гапириб беришингиз мумкин, – деб Собиржон аёлни зимдан кузатди.

– Агар очигини айтсам, бўлиб ўтган ҳамма ишга менгина ўлгур айбдорман. Буни бир эмас, минг марта тан оламан. Мендан бошқа ҳеч кимда заррача айб йўқ, ишонаверинглар.

Тез-тез ёзаётган Фарҳод компьютердан бошини кўтариб, йўғ-э, шу аёл қотилликни ўзим қилдим демоқчими, дегандек унга қаради, кейин яна ёзишда давом этди.

Собиржон бошини қуйи солганича ўтирган, кўз ёшларини артса ҳам тўхтамасдан дув-дув тўкилаётган Муниса опага ҳайрат билан тикилиб турарди. Унинг қарашларидан наҳотки мана шу қўй оғзидан чўп олмайдиган одамга ўхшаб кўринган аёл қотилликка қўл урган бўлса?

Қандай қилиб иккита одамни ўлдириб, ҳеч нима бўлмагандек юрган экан, деган фикрни илғаб олиш қийин эмас эди.

– Қайси айбингизни тан олмоқчисиз? – деди Собиржон аёлнинг гапларига унча ишонқирамай.

– Ўзингиз ҳозиргина ҳаммасини гапириб беринг, дедингиз-ку. Бошидан айтмасам, тушунмайсиз, болам.

Муниса опа кўз ёшларини артиб, бошлайверайми, деган маънода дераза олдида унга ҳайратланганича нигоҳини қадаб турган ўрта бўйли, барваста гавдали, қорачадан келган, тепа сочлари сийраклашган, қошларига яқин жойлашган кўзлари жиддий боқувчи, ўзини Мирзаев деб таништирган терговчига назар ташлади.

– Марҳамат, ҳаммасини гапириб беринг, фақат ростини, – деди Собиржон.

– Ёлғон гапириб ўлибманми, ҳаммасини айтаман.

Муниса опа бир нуқтага тикилганча гапира бошлади. У гапирарди, кўз ёшлари эса тўхтамасди. Собиржон ўзининг терговчи эканини унутиб, ҳаётнинг қанчалар мураккаблиги, тақдирнинг бешафқатлиги ҳақидаги Муниса опанинг ҳасрат билан сўзлаётган ҳикоясини эшитарди. Собиржон куйиб-ёниб дардини тўкаётган аёлни тўхтатиб, «Сиз фақат ишга тааллуқли саволларимизга жавоб беринг, қизингизнинг ёшлигидан бошлаб то ҳозиргача бўлган ҳаёти ҳақида эмас, жинойтни қандай амалга оширганингизни айтиб берсангиз кифоя, узундан-узоқ ҳикоянгни эшитишга вақтимиз йўқ», дейишга бир неча марта оғиз жуфтлади, бироқ индамади.

Чунки бундай дейиш унинг одатига хилоф эди. Собиржон тергов пайтида сўроқ қилинаётган одамнинг ҳамма гапини сабр билан эшитишга одатланган, чунки шундан кейингина бирор хулоса чиқариш мумкин, деб ўйларди.

V БОБ

Муниса опа Гулҳаёни жуда авайлаб ўстирди. Қизи ўн ёшида офир дардга чалиниб, шифокорлар умрбод ногирон бўлиб қолиш хавфи бор, дейишганида олам кўзига тор кўриниб, шифо излаб ҳар тарафга югурганди. Яратганнинг инояти, шифокорларнинг тўғри ташхиси, яхши даволашлари билан Гулҳаё соғайиб кетди. Унда касаликнинг асоратидан ном-нишон қолмаганини айтишганда, Муниса опа билан Солиҳ ака севинчларининг чеки йўқ эди.

Ниҳоят, Гулҳаё балоғат ёшига етиб, унга совчилар кела бошлади. Шу кезларда Солиҳ акани катта шаҳарга раҳбарлик лавозимига тайинлашди. Улар шаҳарга кўчиб келишди. Институтни битириш арафасидаги ўғиллари Фаррух бирга ўқийдиган қизга кўнгил қўйиб, унга уйланишини билдирганидан сўнг тезда тўйини ўтказишди. Тўйдан кейин Гулҳаёга совчилар илгаригидан ҳам кўпайиб кетди. Исми жисмига мос қизни тўйда кўрганлар бир кўришда ёқтириб, келинликка муносиб билиб, ўғилларига мақтардилар. Муниса опа эса қизи институтнинг эндигина биринчи босқич талабаси эканини айтиб, совчиларни қайтарарди.

Бир куни Муниса опа ишдан келиб чой ичиб ўтирган эрига:

– Дадаси, ростини айтсам, жуда чарчадим, кунига битта, ҳатто иккита совчи қайтаришимга тўғри келяпти. Қизимиз ҳали ёш, десам ҳам ҳоли-жонимга қўйишмаяпти, – деди зорланиб.

– Уларни танийсанми? Қандай оиладан эканини биласанми? – деди Солиҳ ака.

– Вой менгина ўлай, биттасиниям билмайман.

– Гапнинг пўсткаллеси, нима қилмоқчисан?

– Ҳайронман, қизимиз эндигина ўн саккизга тўлди...

– Бу дейман, гапнингнинг оҳангидан қизингни узатишни ўйлаяпсан, шекилли, – деди Солиҳ ака хотинидаги иккиланишни сезиб.

– Ахир кўп совчи қайтарган яхшимас, шуларнинг орасида қизнинг бахти ҳам қайтиб кетади, дейишади. Гулҳаёнинг бахтли бўлишини истайман, дадаси.

– Ҳаммамиз ҳам шуни истаймиз, хотин, лекин қизимиз ҳали ёш. Шошилиб тўғри келмайдиган жойга узатиб юбормайлик, дейман. Ундан ташқари, қизимизнинг кўнглига ҳам қарашимиз лозим. Гулҳаё, барака топсин, жуда одобли қиз бўлиб ўсди.

– Тўғри, шунинг учун ҳам совчиларнинг кети узилмаяпти-да, дадаси. Кўчага кам чиқсам ҳам, айрим қизларнинг юришини кўриб анчагача ўзимга келолмай юраман. Очиқ-сочиқ кийимлари, баланд овозда бақариб гаплашишларини айтмайсизми?

– Улар билан гаплашиб ҳам кўрдингми?

– Йўғ-э, ўша қизларнинг қулоғида телефон-ку. Атрофдагилар билан иши йўқ, ҳиринглаб, хоҳлаган гапини гапиришади.

– Ҳамма қиз шунақа эмасдир, хотин.

– Йўқ, албатта, фақат онаси тарбия беролмаганлари-да, – деди Муниса опа мақтангиси келиб.

– Тўғри айтасан, гапнинг пўсткалласи, бу болада сенинг меҳнатингга гап йўқ, фақат баъзида жуда ошириб юборасан. Ана шуниси унча ёқмайди.

– Вой, менгина ўлай, қачон оширибман? Худди қизимизни калтаклайдигандек, ҳамма нарсани чеклаб қўйгандек гапирасиз. Кўчадаги айрим қизларнинг юришини кўриб, қўрққанимдан кўпроқ тергаб юборишим мумкин, агар буни ҳам кўп десангиз...

– Майли, майли, эҳтиёт бўл, шошилма демоқчиман. Гулҳаёга ишонишинг керак, у ҳеч қачон юзимизни ерга қаратмайди.

– Албатта, дадаси, мен ҳамма совчиларнинг, айниқса, қуда бўлиш ниятидаги аёлларнинг гапларини яхшилаб эшитяпман. Уларга кўнглимдаги саволимни бериб, жавобини ўзимча муҳокама қиляпман.

– Гапнинг пўсткалласи, қиз узатишга тайёргарликни аллақачон бошлаб юборибсан. Билиб қўй, доимгидек яна такрорлайман, сен бироз ҳовлиқмароқсан. Ундан ташқари, одамларга тўғри баҳо беролмайсан. Шунинг учун эҳтиёт бўл, деган сўзни қайта-қайта айтаман, – деди Солиҳ ака пиёлани столга қўйиб.

– Битта ўзим эмасман-ку. Худога шукр, ёнимда камчилигимни тўғрилаб турадиган сизлар ҳам борсизлар, менгина бор бўлай.

– Биласан, мен иш билан бўлиб, бош қашлашга вақтим йўқ. Яна такрорлайман, қизимиз ҳали ёш. Биз бу ернинг одамларини унча яхши бил-

маймиз. Секин-аста ҳаммасини ўрганиб, билиб, шошилмасдан ҳаракат қилишимиз керак.

* * *

Баҳор кунларининг бирида Муниса опа навбатдаги совчиларни кузатиб қўйиб, Солиҳ аканинг ишдан қайтишини пойлай бошлади.

Тўйга бориш учун иш кийимларини алмаштирган Солиҳ ака ойнадаги аксига қаради. Баланд бўйли, бироз қорин қўйган, сочининг тепа қисми тўкилиб, ялтиллаб турган, оқ-сарикдан келган юзи тўлароқ, кўзлари маънодор боқувчи киши унга қараб турарди. Кўринишидан кўнгли тўлди шекилли, қўйлагининг ёқасини тўғрилаб, галстугини тортиб-тортиб қўйди. У оҳори тўкилмаган яп-янги костюмининг тугмасини қадаб хотинига қаради.

– Хотин, гапнинг пўсткалласи, айтавер, қараб-қараб қўяётганингни кўриб турибман, бир нима демоқчимисан? – деди.

– Ҳа, энди бу ҳам бир гап-да, яна бошқа нарса деб ўйламанг. Сизга айтсам, бугун келган совчилар кўзимга иссиқ кўринди, кейин билсам, уларга илгари ҳам рад жавобини берган эканмиз, қайта келишибди-я, дадаси, менгина бор бўлай.

Солиҳ ака кулиб юборди.

– Демак, улар илгари келганларини эсларидан чиқаришибди.

– Йўқ, ҳечам унақа эмас, уларнинг ўғиллари Гулҳаёни орқаворотдан кўриб, шу қизга уйлантирмасанглар бошқаси керакмас, деётганмиш. Ёлғиз ўғил экан-да, шунинг учун яна келишга мажбур бўлишган.

– Шунақами?

– Сизга айтсам, дадаси, уларнинг ўғиллари обрўли институтда ўқиркан, отаси ҳам органда ишларкан...

Муниса опа биров довдирроқ, содда, ўзи ёлгон гапирмагани учунми, табиатан ишонувчан аёл эди. У кўпинча жавобни айтилиши керак пайтда гапирмай, бевақт гапириб қўйиб, қовун туширарди. Ўзи олий маълумотли эмаслиги, ҳеч қаерда ишламаганлиги боис, ўқиган аёлларни ҳурмат қилар, уларни жуда маданиятли, замонавий, деб санарди. Солиҳ ака хотинининг бу одатларини билгани учун ҳазил аралаш:

– Обрўсиз институтлар ҳам бор эканини билмас эканман, – деди кулиб.

– Устимдан кулмасдан давомини эшитсангиз-чи, ахир гап қизимизнинг тақдири ҳақида кетяпти.

– Ие, ҳали шунақами? Гапнинг пўсткалласини айт, хотин, ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан ўзинг қизингнинг тақдирини ҳал этиб, куёвни ҳам танлаб қўйдингми? – деди Солиҳ ака жиддий тортиб.

– Очиғини айтсам, дадаси, мен шу совчиларни ёқтириб қолдим.

– Нимасини ёқтирдинг?

– Куёвнинг онасини айтишича, улар биз истаганимизча кутишаркан. Менга энг ёққани, у аёл келинининг ўқишида «максимум» ёрдам бераркан. Мен янглиш тушунмадимми, ўзи у нима дегани, менгина бор бўлай?

– Сўзнинг маъносини тушунмасанг, нега «менга энг ёққани» деясан, овсар? Қизинг нима деяпти?

– Сиз бир нима демасингиздан бу ҳақда Гулҳаёга айтармидим, дадаси.

– Айтмаганинг дуруст бўлибди. Гапнинг пўсткалласи, улар яна келишса, қизимиз ҳали ёш, деб қайтариб юбор, тушундингми? – деб Солиҳ ака кетиш учун эшикка қараб юрди.

Муниса опа эрининг қовоғи солинганидан гаплари ёқмаганини сезиб, индамай кузатиб қўйди. Қизининг хонасига секин мўраллади, у дарсларини қилаётганини кўриб, халақит бермай орқасига қайтди. Одатдагидек, телевизорнинг каналларини бураб, фильм қидира бошлади. Ниҳоят, бир неча марта кўрган бўлса ҳам ўзига ёқадиган кино бўлаётганидан қувониб, телевизор рўпарасига жойлашиб ўтириб олди. Узоқ давом этган ҳинд фильми тутаганидан сўнг эрининг тўйда ҳаяллаб қолганидан, бунинг устига, ўғли Фаррух билан келини Нилуфар ҳам ҳалигача қайтмаганидан хавотирланиб, Муниса опа ўғлига қўнғироқ қила бошлади.

– Ойи, ҳозир борамиз, сизларга айтадиган сюрпризимиз бор, – деди Фаррух қувноқ оҳангда.

Муниса опа ўйланиб қолди. Фаррух нима демоқчи экан, одамни хавотирга солмасдан очиқроқ гапирса бўлмайдими, боргина бўлинглар-эй. Балки сюрприз деганини Гулҳаё билар, деб унинг хонасига кирди.

– Қизим, ҳозир аканг телефонда аллақандай сюрприз ҳақида гапирди. Сен билмайсанми, балки кеннойинг айтгандир, нима демоқчи ўзи аканг? – сўради Муниса опа Гулҳаёнинг елкасини силаб.

– Йўқ, билмайман, ойижон, лекин менинг ҳам сизга айтадиган муҳим гапим бор эди, – деди

Гулжаё компьютердан кўзини узиб. Унинг узун-узун киприкларини пирпиратиб қараб турган кўзларида аллақандай ишончсизлик, хавотир борлиги кўриниб турарди.

«Вой менгина ўлай, бирортасига кўнгила қўйган бўлса-я, ундан совчи келишини айтмоқчимикин? Эндигина муносиб куёв танлаганимда», деган хаёлга борган Муниса опа шошиб:

– Нима гап, тинчликми, қизим? – деди.

– Менга ўқишимнинг қолган қисмини Англияда давом эттиришни таклиф қилишяпти...

Муниса опа қизининг гапи тугамасдан оғзидан узиб-юлиб олиб:

– Ки-им? – деди.

– Институтдан-да, ойижон.

– Вой, менгина ўлай, нималар деётганингни биласанми? Қиз болани бегона юртга юборадиган аҳмоқ борми? Ўзимизда ҳам бип-бинойидек ўқияпсан, инглиз тилини уларнинг мамлакатига бориб ўрганиш шарт эмас. Сен оилали бўлишинг керак, фалон мамлакатда ўқиган қизни ким ҳам келин қиларди, қизим. Мен сенинг бахтли бўлишингни истайман. Бу гапни бир айтдинг, бошқа қайтарма, тушундингми, яна битта-яримтанинг қулоғига етса, фалончининг қизи ёлғиз ўзи бошқа мамлакатга кетармиш, деган гап тарқалмасин, жоним қизим, эҳтиёт бўлгин-а.

– Нега бунча қўрқиб кетдингиз, ойи, бунинг нимаси ёмон ёки менга ишонмайсизми?

– Гап ишониш ёки ишонмасликда эмас, гап сен ҳақингда одамлар нима деб ўйлашида, қизим. Ўқиш учунми ёки бошқа нарсагами бегона жойларга кетганинг ҳамманинг назарида яхши қиз эмаслигингни кўрсатади.

– Бу нима деганингиз, ойи?

– Мен сенинг яхши жойларга келин бўлишингни хоҳдайман. Қаерда ўқишнинг нима фарқи бор, қиз бола учун асосийси оилавий бахт эмасми, сенгина омон бўлгур-а.

Онасининг гапларини эшитиб, анграйиб қолган Гулҳаё секин ўрнидан туриб, дераза олдига келди.

– Мен чет элда ўқишни жуда-жуда истардим, орзуим ушаладиган бўлди, деб қувонгандим... – деди деразадан ташқарига қараганича.

– Қўй бунақа гапларни!

– Ҳатто менинг орзуимнинг рўёбга чиқиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайсизми, ойи? Дадам-чи, балки улар бошқача фикрдадилар?

– Буни ўйлаб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Қиз боланинг тақдирини кўпинча оналар ҳал қилади, чунки мен ҳам бир пайтлар сенга ўхшаб бўлмагур хаёллар сурадиган қизалоқ бўлганман. Бироқ онамнинг гапидан чиқмаганим учун бахтли яшаяпман, тушундингми? – деб Муниса опа хонадан шахд билан чиқиб кетди.

Табиатан камгап, ота-онасининг истагига ҳеч қачон қарши бормасликка одатланган Гулҳаё онасининг сўзларидан титраб кетди. Унинг навниҳол, сарвдек расо, узун бўйли қадди букилди. Оппоқ юзидан оқиб тушаётган кўз ёшларини тиёлмасди. У ўзини кароватига ташлаб, овози эшитилмаслиги учун юзини ёстиққа босганча юм-юм йиғлай бошлади.

Муниса опа эшикдан табассум билан кирган ўғли ва келинининг саломига алик олиб:

– Яхши келдингларми, ҳаяллаб қолдинглар? – деди.

Фаррух келиннинг қўлини ушлаб:

– Ойижон, келинингиз сизга айтишга уяляпти, шунинг учун янгиликни мен айтаман, майлими? – деди.

– Вой сенгина ўлма, яхши гапни ким айтганининг нима фарқи бор, айтавермайсанми?

– Яқинда кўпайишиб қоламиз, шекилли...

– Вой, бунча яхши! Болаларим, Нилуфархон, сизларни табриклайман, бўйларингиздан онангиз ўргилсин, омон бўлинглар! – деб Муниса опа ўғли билан келинини қучоқлаб ўпди. Унинг кўзлари қувонч ёшлари билан тўлди. Улар ичкарига кириб кетганидан кейин ёлғиз қолган Муниса опа супада ўтириб, кўз ёшларини рўмолининг учи билан артди.

– Яратганга шукр, неварали бўларканмиз. Илоё келиним эсон-омон қутулиб олсин, паҳлавондек ўғил кўрсин, наслимиз кўпаяверсин, – деб қўлларини дуога очди. У супанинг ёнидаги гулдан чиқиб довучча туга бошлаган ўрик дарахтига қараб, – довуччалар каттароқ бўлгунча келинимнинг кўнгли ҳам нордон нарса тусаб қолса, ажаб эмас. Ишқилиб, қувончимизнинг чеки-чегараси бўлмасин, ҳамиша хурсанд бўлиб юрайлик, – деди пичирлаб.

Ўз хаёллари билан бўлиб Солиҳ аканинг кириб келганини пайқаманган Муниса опа бирдан унга кўзи тушиб чўчиб тушди.

– Ассалому алайкум, дадаси, вой, сизгина ўлманг-а, кирганингизни сезмай қолибман.

– Нақ дарвоза олдигача ванғиллаб келган машинанинг овозини ҳам эшитмаган бўлсанг, демак, хаёлинг жойида эмас экан-да, – деди Солиҳ ака ечиниб чиқиш учун уйга кираркан.

– Шундай деса ҳам бўлади...

Кийимларини алмаштириб чиққан Солиҳ ака:

– Тўй чўзилиб кетди, роса чарчадим. Хўш, гапир-чи, битта ўзинг кечаси супада нима қилиб ўтирибсан? – деб ўзи ҳам хотини ёнига ўтирди.

Эри ишдан келиши билан ҳол-аҳвол сўраб, чой ичиш-ичмаслигини, тўйдан келганида тўйнинг қандай ўтганини ипидан-игнасигача сўрашга ошиқадиган, камгап Солиҳ акага ёқиш-ёқмаслигидан қатъи назар шунга одатланган Муниса опа бу сафар жим эди. У гапни нимадан бошлашни билмай ўйлаб қолганди. Солиҳ ака унинг ғайриодатий ўтиришидан ажабланиб:

– Тинчликми, онаси? Сен билан шунча йилдан бери яшаб, бунақа аҳволда ҳеч кўрмаганман, – деди.

– Дадаси, гапни нимадан бошлашни билмаяпман...

– Ие, гапнинг пўсткалласини гапиравермайсанми?

– Ҳа, сизга айтмоқчи бўлган биринчи хабарим унча яхши эмас, иккинчиси эса жуда қувончли.

– Майли, ўша биринчисидан бошлайвер, – деб Солиҳ ака Муниса опага бетоқатланиб қаради.

Муниса опа эрига бир назар ташлаб, худди гуноҳ иш қилиб қўйгандек ерга қаради ва секин гап бошлади.

– Дадаси, Гулҳаёни Англияга ўқишга таклиф қилишаётган экан...

– Э-э, хурсанд қилиб юбординг-ку, хотин. Мен сенга гапни нохуш хабардан бошла дегандим, сен хушxabардан бошладинг. Хўш, иккинчи хабарни ҳам айт-чи, – деди Солиҳ ака жилмайиб.

– Вой менгина ўлай, бунинг нимаси хушхабар экан? Гулҳаё қиз бола боши билан чет элга кетса...

– Ахир уни Англияга ўқишга таклиф қилишларининг ўзи биз учун бахт-ку, хотин. Бу қизимизнинг ҳаммадан яхши ўқишини, унинг тартиб-интизомининг жойидалигини билдирмай-дими? Бундан хурсанд эмасмисан?

– Мен қиз боланинг бахти унинг оилали бўлишида деб биламан, дадаси. Ёшликдаги давру даврон ҳаммаси ўтиб кетади, ҳеч нарса оилавий бахтга тенг келмайди. Мана, ўзимдан мисол, ҳеч қаерда ўқимаганман, ишламаганман ҳам, мактабни битиришим билан сизга узатишди. Сиз, фарзандларим – менинг бахтимсизлар. Дунёда мендан бахтли одам йўқ, деб ўйлайман. Қизимиз олий маълумотли бўлиб турмуш қурса, мендан ҳам бахтли бўлишига ишонаман. Лекин у чет элга кетиб ўқиса, муносиб жойлардан ҳеч ким сўрамайди, бу кундай равшан.

– Бундан чиқди, қизимни ҳеч ким сўрамайди, деб унинг чет элда ўқишидан норозисан, тўғри-ми? – деди Солиҳ ака кулиб.

– Энди ҳеч ким сўрамайди, деб бўлмайди, албатта. Мумкин, аллақандай қаланғи-қасанғига тегиши, лекин биз унинг ўзимизга муносиб оилга келин бўлишини истаймиз, шундай эмасми? – деб Муниса опа эрига қаради.

– Шундайликка шундайку-я, лекин Гулҳаёнинг ҳам хоҳиш-истакларини ҳисобга олишимиз лозим.

– Нима десангиз ҳам, мен ёлғиз қизимнинг беғона жойларга кетишига йўл қўймайман, – деди Муниса опа қатъий қилиб.

– Қизимиз шуни хоҳлаётган бўлса-чи?

– Вой менгина ўлай, ҳали сиз қиз болани четга юбормоқчимисиз? Ўзимам сезувдим-а, отаси билан қизининг тили бир, деб. Менинг фикрим сизлар учун бир чақалик экан-да, – деб Муниса опа йиғлаб юборди.

Солиҳ ака хотинини тинчлантиришга уринди:

– Албатта, бу жиддий гап, фақат Гулҳаёнинг истаги билан амалга ошадиган иш эмас. Бу масалада ҳали маслаҳатлашамиз, ўйлаб кўрамиз, тинчлан. Онаси, менга хушxabарингни айтмасдан йиғлаб ўтираверасанми?

Муниса опа апил-тапил кўз ёшларини артиб:

– Вой, дадажониси, табриклайман, яқинда бобожон бўласиз, мен эса бувижон, келинимиз ҳомиладор экан!

– Мана буни хушxabар деса бўлади, барака топишсин, ўларидан кўпайишсин, – деб Солиҳ аканинг кўзлари қувончдан намланди.

VI БОБ

Гулҳаё онасини норози қилиб чет элга кетишни истамади. Бундан кўнгли тўлган Муниса опа совчиларни кутиб олиб, кузатишда давом этди. У совчиларнинг бирортаси кўнглига ўтирмагани учун ҳеч қайсисини қизига айтмас, фақат эрига совчилар келган экан, рад жавобини бериб кузатиб қўйдим, деб қўярди.

Бир куни ўша унга ёққан, ўғли «обрўли институтда» ўқийдиган аёл синглиси билан келди. У гап орасида ўғли бу йил институтнинг бакалаврини тугатиб, магистратурасида ўқимоқчи эканини айтди. Муниса опа эса:

– Наргизахон, қизимиз ҳали ёш, энди иккинчи курсда ўқияпти, – деди.

– Опажон, ўғлимнинг қизингизга меҳри тушгани каби, менинг ҳам сизга ҳурматим баланд. Сизнинг нур балқиб турган юзингизни биринчи кўрганимдаёқ ўртамизда аллақандай ришта бордек, худди бизлар энди ҳеч қачон ажралмайдиган опа-сингиллар бўлиб қолгандек туюлганди. Гулҳаёхон ўн саккиз ёшдан ўтиб, ўн тўққиз ёшга қадам қўйибдилар. Бу энди қизимиз катта бўлиб қолди дегани-да, опажон.

– Лекин у ҳали рўзғор юмушларини билмайди, ўқиш билан бўлиб, ошхона ишларига ҳам нўноқроқ. Ўзи жуда нозик, ёлғиз қизимизни куйди-пишди қилиб тарбияламаганмиз...

– Нималар деяпсиз, мен турганда Гулҳаёхон кухняда нима қилади? Ундан ташқари супур-сидирга ҳам помощницаларим бор. Опагинам, яхшилаб қаранг, мен келинга иш буюриб, ўзим томошабин бўлиб турадиган хотинга ўхшайманми-а? – деб Наргиза Муниса опага қараб беозор жилмайиб қўйди.

У Муниса опани тамоман ўзига ром қилиб қўйган эди. Наргизанинг русча қўшиб сўзлаган ҳар бир гапини жон-қулоғи билан эшитгани сайин, у ўзим орзу қилган, қизимнинг қўлини совуқ сувга урдирмайдиган меҳрибон қайнонанинг ўзгинаси, деб ўйларди. Наргиза эса тилидан бол томиб бўлажак келинини қандай қилиб ардоқлаб, меҳрибонлик кўрсатишини гапирарди.

– Опажон, сиз менга ишонсангиз, агар рози бўлсангизлар, Гулҳаёхон бизникига борганидан кейин ўқишини давом эттирамиз. Мен келиним-

ни ўқишга юбориб, неварамга қараб ўтиришни бир умр орзу қилганман. Агар билсангиз, орзуларим бир дунё, биттаю битта арзандамининг суюкли рафиқасига машина олиб бериб, унинг ишга ўз машинасида кетишини истайман. Невараларимни қўлчаларидан етаклаб садикка олиб борсам, уларга ойиси ишдан келгунча ширин-ширин овқатлар пишириб берсам, бу дунёда армоним қолмасди...

«Қандай яхши, Гулҳаёгинамининг бахти бор экан. Келишган, чиройли, ўзига оро берган, кийимлари ярашган бу аёлнинг ўғли ҳам яхши йигит экани аниқ. У келинини ҳам ўзи каби гўзал бўлиб юришига шароит яратиб беришига шубҳам йўқ. Агар ҳозир унинг умидларини пучга чиқариб қайтариб юборсам, хафа бўлиб бошқа келмаслиги кўриниб турибди. Чунки у бир йилдан бери қатнайди. Ҳа, энди унга фарзандларимиз учрашиб кўрсинлар, улар бир-бирларига ёқсалар, кейин ўйлаб кўрармиз, деб айтишим керак», деб ўйлади Муниса опа.

– Мен келинига зуғум қилиб қийнайдингиз, замондан орқада қолиб кетган қайноналарни ёмон кўраман. Ҳатто уларнинг қилиқларидан уялиб кетаман. Биз оиламиз билан современныймиз, эски урф-одатларни ёмон кўрамыз...

Наргиза бироз нозланиб, офиз кўпиртириб келажакда ўзининг қандай қайнона бўлишини гапирарди.

Унинг гаплари Муниса опанинг қулоғига мойдек ёқиб, берилиб тингларди.

– Хўш, опажон, болаларимизнинг учрашув кунларини қачонга белгилаймиз? – деб қолди Наргиза.

– Вой, жуда шошириб қўйдингиз-ку, синглим. Мен ҳали бу ҳақда акангиз билан гаплашмадим. Улар нима дейдилар...

Наргиза Муниса опанинг гапини тугатишига йўл қўймай:

– Э-э, қўйсангиз-чи, сиз рози бўлсангиз, акамлар нима ҳам дердилар? Кўриниб турибди, сиз жуда ақлли, фаросатли аёлсиз. Шунинг учун ҳам қизингизни ўзингизга ўхшатиб тарбиялагансиз. Болаларимиз учрашиб, бир-бирлари ҳақида фикрларини айтганларидан сўнг отасига айтарсиз, – деди.

Муниса опа унинг гапига «хўп» деб юборишига сал қолди. Лекин у эсини йиғиб, эридан берухсат ўзича масалани ҳал қилолмаслигини очиқ айтди.

– Йўқ, Наргизахон, бундай деёлмайман. Дада-си билан маслаҳатлашишимиз керак.

– Тўғри, тўғри. Бизда ҳам худди шундай, оилада эркакнинг гапи гап. Қаранг, оилаларимизнинг удуми ҳам ўхшаб кетаркан-а.

Муниса опа шошиб қолганиданми, Наргизанинг ҳар хил гапираётганига ҳам эътибор бермасди.

Муниса опа Наргизани кузатиб қўйди. Энди у эрига қизини ўша аёлнинг ўғлига бериш нияти борлигини қандай айтишни ўйларди. Ўқишдан келган Гулҳаё онасига салом берди. Хаёли парижон Муниса опа алиқ олиб:

– Қорнинг оч бўлса, овқатланиб олақол, – деди.

– Ойи, сизда гапим бор эди, – деди Гулҳаё ийманиб.

– Нима гап?

– Дарсдан чиқиб бекатга келаётсам, бир йигит машинасидан тушди-да, йўлимни тўсиб, нима деганини биласизми?

– Вой шўрим, нима деди?

– «Гаплашиб олишимиз керак, барибир сизни менга беришмоқчи, шунинг учун эртами-кечми гаплашамиз. Юринг, машинага чиқинг», деб қўлимдан тортди. Мен уни нари тур, деб итариб юбордим. Йўлда одам кўплиги учун улар орасига ўзимни урдим. У мени автобусга чиқиб кетгунимча машинасида кузатиб ўтирди. Ойижон, у бефаросат ким? Нимага менинг ҳеч нарасадан хабарим йўқ? Ўзи нима бўляпти?

Муниса опа ўйланиб қолди. «Наҳотки у йигит Наргизанинг ўғли бўлса? Ундан бошқа ҳеч кимни умидвор қилмаганман. Ахир Наргиза ўғлини бошқача таърифлаган эди-ку. Менимча, у бошқа йигит».

– Қизим, сенга келган совчиларнинг сон-саногии йўқ, билмадим энди, у ким бўлди?

– Мени кимгадир узатиш ниятингиз борми, ойижон? Менинг розилигимни олмасдан-а?

– Вой менгина ўлай, йўқ, унақа ниятим йўқ... – деди Муниса опа нима дейишини билмай.

Гулҳаёё қовоғини солганича ичкарига кириб кетди.

Муниса опа Солиҳ аканинг келишини кутарди. Ниҳоят, эри ишдан келди. Муниса опа эрининг олдига овқатини қўйиб, секин гап бошлади.

– Дадаси, ўша Наргиза деган аёл мени сиратинч қўймапти. Ундан қизимизни бериб қутуламиз, шекилли, – деди.

– Нима? – деди Солиҳ ака хотинининг кутилмаган гапидан оғзидаги овқатини ютолмай йўталиб.

– Ош бўлсин. Эҳтиёт бўлинг, дадаси, эҳтиёт бўлинг.

- Нега бирдан бундай деб қолдинг?
- Сизга ростини айтсам, дадаси, шу аёл ҳам, унинг ўғли ҳам менга ёқиб қолди.
- Сен унинг ўғлини танймайсан-ку, қандай қилиб ёқиб қолиши мумкин?
- Наргизахоннинг айтишича, ёлғиз фарзанди Жаъфарбек жуда ақлли йигит эмиш.
- Ўзи сенинг калланг ишлайдими? Онасининг ҳамма гапини рост деб ўйладингми? Қайси она ўз ўғлини ёмонлайди? Балки уларнинг учрашувига ҳам рози бўлгандирсан?
- Сиз билан маслаҳатлашиб, кейин айтаман дедим.
- Хайрият...
- Ҳайронман, нимага улар сизга ёқмаяпти, дадаси?
- Чунки мен танймайман, уларнинг оиласи ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман.
- Мана, мен Наргизахонни танийман-ку.
- Уни фақат ўзининг гапларидан биласан, лекин ишончим комилки, суриштириб кўрмагансан, тўғрими?
- Тўғри, бироқ сиз у жувоннинг сўзларини эшитганингизда эди, уларнинг оиласини суриштириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган бўлардингиз.
- Ҳа, устомонлиги кўриниб турибди.
- Солиҳ аканинг иштаҳаси бўғилди. У қўлидаги қошиқни ҳали ярми ҳам ейилмаган овқат устига қўйиб, косани ўзидан нари итарди. У Муниса опанинг сўзларига ишонгиси келар, бироқ хотинининг жуда соддалигидан, юзаки фикрлашидан кўнгли ғаш эди.
- Дадаси, сиз ҳадеб суриштирдингми, суриштирдингми, деявермасдан ўзингиз ҳам

мундоқ у ёқ-бу ёқдан секин сўраб кўрсангиз нима қилади? Йигитнинг отаси қаерда ишлаши маълум, уларнинг яшаш манзили маълум. Нима, ёлғиз қизимизнинг бахти учун фақат мен курашишим керакми? Сизлар ҳам ёрдам берсанглар, ҳеч нарса қилмас. Мен уйда ўтирган хотин бўлсам, кимни биламану, кимдан суриштираман?

Солиҳ ака ўйланиб қолди. У хотинининг гапларида жон борлигини англаб:

– Майли, мен уларнинг оиласи ҳақида суриштириб кўраман, – деди.

Муниса опа эрининг бу гапидан хурсанд бўлиб кетди. Чунки у бу билан хотинининг фикрига қўшилганини билдирганди-да.

* * *

Муниса опа уч кунгача эрига қизи ҳақида гап очмади. У Солиҳ аканинг ўзи гап бошлашини кутарди. Ниҳоят, кечки овқатдан сўнг эр-хотин ёлғиз қолишганда Солиҳ ака:

– Совчилардан гапирмай қўйдинг, қизингни узатиш фикридан қайтдингни, дейман, – деди.

– Сизнинг оғзингизни пойлаяпман-да, дадаси. Унутдингизми, ўзим суриштириб кўраман, дегандингиз-ку.

– Ҳа, дегандим. Суриштирдим...

– Ҳўш, унда гапиринг, нимани аниқладингиз?

– Аниқлаганим шу бўлдики... Гапнинг пўсткаласи, у одам оиласини, хотинини жуда ҳурмат қиларкан, ҳаммасини «сиз»лаб гапираркан...

– Вой, бу жуда яхши-ку. Ана кўрдингизми, сиз менинг гапларимга ишонмагандингиз.

– Билмадим, яхшими ёки ёмонми?

– Бунинг нимаси ёмон ахир. Қуш уясида кўрганини қилади. Демак, унинг ўғли ҳам хотинини сизлайди. Бу менинг орзуимдаги оиланинг худди ўзи. Болаларнинг учрашишига рухсат бераверинг, дадаси!

– Бунча ҳовлиқасан, йигитни ҳам суриштириб кўрайлик, кейин бир гап бўлар...

– Майли, буни қандай қилиб уддалаймиз?

– Ёшлар бир-бирларини яхши билишади. Фаррух бу вазифани бажаради.

– Ҳа, тўғри, каллангиз жуда яхши ишлайди-да, дадаси. Мен ҳозир Фаррухни чақириб чиқаман, – деб Муниса опа югуриб ичкарига кириб кетди ва бирпасда ўғли билан чиқди.

Фаррух супада чой ичиб ўтирган отасининг ёнига чўккаларкан:

– Тинчликми, дада? – деди.

– Ойинг синглингни катта қиз қилиб юбормоқчи, шуни сен билан маслаҳатлашсак дегандик, – деб Солиҳ ака қолган чойни сепиб, пиёла-ни столга қўйди.

– Нималар деяпсиз, Гули ҳали ёш-ку. Ўзи билладими?

– Нимаси ёш экан, ҳадемай ўн тўққизга тўлади. Мен бу ёшда битта болали бўлгандим, – деди Муниса опа норози оҳангда.

– Ойи, ўқиши нима бўлади?

– Ўқишига ўзимиз ёрдам берамиз, дейишяпти.

– Нима, ким шунақа деяпти? Ҳамма ишни битириб, сен билан маслаҳатлашамиз дейишингизга бало борми? Ким экан улар, мен танийманми? – деди Фаррух бироз жаҳли чиқиб.

– Йўқ, ўғлим, танимайсан. Мен ҳам ойингнинг гапи билан озгина суриштирдим. Бироқ йигит-

нинг қандайлигини билишимиз керак. Ана шундан кейингина уларнинг учрашиб кўришларига рухсат берамиз, – деди Солиҳ ака.

Улар йигитнинг исми Жаъфар эканини, қайси институтнинг қайси факультетида ўқишини Фаррухга яхшилаб тушунтирдилар. Фаррух эртаси куниёқ кечки овқатдан кейин топширилган вазифани бажарганини айтди.

– Хўш, хўш, нималарни аниқладинг? – деди Солиҳ ака билан Муниса опа бараварига.

– Тўғриси айтсам, бу иш унча қийин бўлмади. Дўстим Самаднинг укаси Жаҳон у йигит билан бирга ўқиркан. Ундан ҳаммасини суриштирдим, кўпчилик қатори бола, деди. Жаҳон билан бориб узоқдан кузатдим. Унинг бир оғиз гапирганини ҳам эшитмадим. У боланинг гап-сўзи қандай, деб сўрасам, Жаъфар кам гапиради, ҳамиша ерга қараб юради, ҳатто гапираётганда ҳам бировнинг юзига қарамайди, деди.

Муниса опага ўғлининг гаплари ёқиб тушди. У Фаррухнинг елкасини силаб:

– Барака топ, ўғлим, шунча ҳаракат қилибсан. Ростини айтсам, гапларингдан севиниб кетдим. Ахир ҳозирги замонда бунақа йигитларни топиш амри маҳол. Қаранг, дадаси, бировнинг юзига тик қаролмайди, дейди-я. Бизга шунақа куёв керак-да. Қизимизга қўли тугул, овозини ҳам қўтармаса, бундай мўмин-қобил йигитни яна қаердан топиш мумкин? – деди Солиҳ акага қараб.

– Мабодо ўша йигит ҳеч кимнинг юзига тик қаролмайдиган иш қилиб қўймаганмикин? А, Фаррух, буни суриштирмадингми? – деди Солиҳ ака ўғлига.

– Унақа томони бўлса, Жаҳон айтарди, дада. Яна билмадим, балки бошқатдан суриштирармиз?

– Нима қиласан қайта-қайта суриштириб. Агар у безори ёки ёмон бўлганида тенгдошлари дарров айтишарди. Қўшнимиз Фаридахоннинг қизи тушган оила жуда бадавлат, лекин унинг айтишича, куёв бўлмиш бўйингинанг узилгур, расво экан. Шодияни ҳар қуни бўлмасаям кунора дўппосларкан. Қаранг, қандай бахтсизлик.

– Буни нега гапиряпсан, онаси? – сўради Солиҳ ака ажабланиб.

– Вой, шуниям тушунмадингизми? Ахир бизга бой-бадавлат ёки мансабдор одамнинг оиласи керакмас, асосийси куёв ювошгина, ҳатто қизимизнинг юзига тик қарай олмайдиган бўлса, бас. Гулҳаёгинам эмин-эркин юрсин, унга ҳеч ким овозини баландлатмасин, дўқ урмасин дейман, дадаси.

– Ундай бўлса, ойижон, ўзингиз орзу қилган куёвни топганга ўхшайсиз. Агар яна суриштир десангиз, мен бошқалардан ҳам сўрайман.

– Қўйсанг-чи, ҳаммаси аниқ, қизимнинг бахти ярқираган кўринади. Эртага Наргизахон келади, чўзиб юрмасдан болаларимизнинг учрашишларига розилик бераман. Дадаси, сиз нима дейсиз? – деди Муниса опа суҳбатга яқун ясаб.

– Менга қолса, гапнинг пўсткалласи, қизимизни узатишга қаршиман, лекин сен нимагадир тезроқ тўй қилиб юборишга шошиляпсан...

– Қиз болани эртами-кечми, барибир, кимгадир узатиш керак, шундай экан, кўнгилдагидек жойдан чиққанда унинг бахтини бойламасдан

дарров эгасига топшириш ота-онанинг вазифаси-ку, дадаси.

– Ойи, мен ҳам дадамнинг гапларига қўшиламан. Шошилмай турсак-чи, балки Гулининг кўнглига қарармиз.

– Синглинг нимани ҳам биларди. Ота-она фарзандига ёмонликни истамайди-ку. Мен қизимнинг бахтли бўлишини хоҳлаб шундай қил-япман.

Ота-бола бир-бирларига қараб жим қолишди.

* * *

Онаси ва кеннойисининг қистовлари билан мажбуран учрашувга чиққан Гулҳаёнинг кайфияти тушиб қайтди. Муниса опа унинг хонасига кириб, йигит ҳақидаги таассуротларини билгиси келиб саволга тутди:

– Ҳўш, қизим гапир-чи, қандай йигит экан?

– Ўша шу экан...

– У нима деганинг?

– Бир марта йўлимни тўсди, дегандим-ку.

– Вой менгина ўлай...

– У менга ёқмади, гапирганида гашим келди. Сўзлари қандайдир пойма-пойми-ей.

– Шўрлик ҳаяжонланганидан гапини йўқотиб қўйгандир-да, қизим. Кўриниши қандай?

– Афтига бир марта қарадим, бошқа қарагим келмади.

– Нимага?

– Ёмон кўриб қолдим, кўнглим айнишидан қўрқдим!

– Унақа дема, қизим, гуноҳ бўлади-я. Ҳамма-ни ҳам Худо яратган. Бировни ундай, бировни бундай. Уни аканг хунук демаганди-ку. Кўриниши туппа-тузук деганди.

– Ким хунук деяпти? Хунук бўлса, майли эди...

– Юрагимни сиқвординг, Гулҳаё, хунук бўлма-са, кўриниши жойида бўлса, сенга нимаси ёқмади? Гапир, бунча тумтайиб олдинг.

Гулҳаё қошини чимирганича индамай ўти-рарди. У онасининг кейинги саволларига жавоб бермас, эшитмагандек ўз хаёллари билан банд эди.

– Сенга айтяпман, йигитнинг нимаси ёқмади?

– Ойижон, келинг, бошқа шу ҳақда гаплаш-майлик, у менга ёқмади, тамом-вассалом, – деб Гулҳаё ўрнидан туриб қўлларини ҳар томонга ёйди.

– Балки турмушга чиққинг келмаганидан шундай деётгандирсан? Сен ким билан учра-шувга чиқсанг, ҳаммасига шундай дейишинг турган гап. Сенга қолса, чет элга кетиб ялло қи-либ юрсанг!

– Қанақа ялло? Нималар деяпсиз, ойи?

– Менга қара, Гулҳаё, йигит нимага ёқмагани-ни айтмагунингча сўрайвераман, гапир!

– Ойижон, сизга қандай тушунтирсам экан, унинг гаплари, қарашлари қандайдир сохтага ўхшайди. Ҳаммаси ёлғон, туриши ёлғон! Унда са-мимиятдан асар ҳам йўқ. Кўзлари совуқ чақнай-ди, назаримда, унинг қарашларида меҳр деган нарса кўринмайди. Тушундингизми, ойижон?

– Йўқ, ўлай агар, бирор нарса тушунган бўл-сам, – деди Муниса опа бошини чайқаб.

– Майли, тушунмасангиз кейинроқ тушунар-сиз, нима бўлганда ҳам мени унга тегишга маж-бурламасанглар керак...

– Билмадим, қизим... – деди Муниса опа тар-вузи қўлтиғидан тушиб.

VII БОБ

Ўша учрашувдан кейин Жаъфар Гулҳаёни бирор кун тинч қўймади. Ҳар куни дарсдан чиқишини қўлида гул билан пойлаб турарди. Гулҳаёнинг уйига гул кўтариб келиши одатий ҳол бўлиб қолди. Муниса опа бундан хурсанд эди.

– Ойи, илтимос, айтинг, мени бошқа пойлама-син. Дугоналаримнинг олдида уятдан ўлай деяпман, – дерди Гулҳаё норози бўлиб.

– Вой, бунинг нимаси уят экан. Агар билсанг, сенга ҳамма қизнинг ҳаваси келяпти.

– Менга керак эмас...

Муниса опа қандай бўлмасин, қизини ўша Нарғизахоннинг «ювош» ўғлига тегиши учун жон куйдириб уларнинг оиласини мақтар, оила аъзоларини ўзи билмаса ҳам кўкларга кўтарарди.

– Жоним қизим, ўзинг ўйлаб кўр, сен келин бўлиб тушадиган уйингда ёлғиз ўзинг, кенг уйнинг келини бўлиб юрасан. Менга ҳаммасидан ҳам шуниси маъқул бўляпти.

– Бунинг нимаси яхши экан?

– У йигитнинг оға-иниси, опа-синглиси йўқлигининг яхши томони, сени турткилайдиган овсинларинг, дағдаға қилиб ёмонлайдиган қайинсингилларинг бўлмайди. Маза қилиб, ўзинг хон, қўланканг майдон юрасан. Жаъфаржон қўй оғзидан чўп олмаган, бип-бинойидек йигит экан. Сенга унча ёқмаса ҳам розилик беравер, қизим. Кейинчалик уни яқиндан билганингдан сўнг яхши кўриб қоласан. Мен сенинг бахтингни, келажакингни ўйлаб гапиряпман. Ахир онангман, сенинг пешананг тиришишини асло истамайман. Ҳамиша сени шодон кўришни хоҳдайман.

– Менга ёқмаса ҳам шу йигитга узатмоқчимиз, ойи? Менга раҳмингиз келмайдими? Ахир ёқтирмаган одам билан қандай яшайман? – деб Гулҳаё йиғлаб юборди.

Муниса опа қизини бағрига босди. Уни юпатиб, сочларини силади. Кейин аста сўз бошлади:

– Қизгинам, сени жонимдан ортиқ кўраман. Сенинг кўзларингдан ёш оққандан кўра менинг жоним узилсин, дейман. Шунинг учун ҳам мен сени гапирганида тилидан бол томадиган Наргизахонга келин бўлишингни истаяпман. Жаъфаржоннинг отасини айтмайсанми, каттадан-кичик ҳаммани сизларкан. Ахир қуш уясида кўрганини қилади-ку, ўғли ҳам худди дадаси каби бамаъни эканига ишонаман. Шу оилада бахтли яшашингга кўзим етгани учун сенинг хоҳишингга қарши боряпман, қизим. Сен ҳали ёшсан, гўдаксан. Ҳаётни тушунмайсан. Одамларнинг фақат ташқи кўринишига қараб баҳо берасан, улар аслида қанақа эканини билмайсан. Онангнинг гапларига қулоқ солсанг, толеинг порлайди, ишонавер, чунки ҳеч қайси она қизининг бахтсиз бўлишини истамайди.

– Қуш уясида кўрганини қилади, денг...

– Албатта, қизим, фарзанд ота-онасидан ортиб қаёққа боради. Ширинсўз Наргизахон кўнглимга жуда яқин.

– Ойижон, балки гапларингиз тўғридир, лекин турмушга чиққим келмаяпти... – деди Гулҳаё хўнграб йиғлаб.

Муниса опа навниҳол Гулҳаёнинг йиғлаганидан титраётган елкаларини қучиб, ўзи ҳам йиғлади.

– Қизим, эрга тегиш азалдан биз аёлларнинг пешанамизга ёзилган. Қиз бола эртами-кечми

барибир, кимгадир тегиши керак. Шунинг учун тақдирга тан бер, болагинам...

Гулҳаёнинг онасига айтмоқчи бўлган гаплари кўп эди.

«Ойижон, нимага қиз бола ўзи ёқтирган кишига эмас, ота-онаси ёқтирганга тегиши керак. Балки мен ҳам қачонлардир кимнидир яхши кўриб қолиб, севганимга тегишни хоҳларман? Нимага кўнглим учунгина бўлса ҳам, ҳатто бирор марта ёқтирганинг борми, деб сўрамадингиз? Мени яхши кўришингизни қайта-қайта айтасизу, ёқтирмаган одам билан яшашга мажбур этяпсиз? Агар мени яхши кўрсангиз, хоҳишимга қарши бормасдан, чет элда ўқишга юбормасмидингиз? Мени дунёни кўришга, билимларимни янада оширишга ёрдам бермасмидингиз. Менинг қачон турмуш қуришимни ўзимга қўйиб бермасмидингиз?»

Гулҳаё ҳар тунда ухламасдан онаси билан хаёлан гаплашар, эртага шуларни унга айтишни ўйларди. Бироқ ўйлаганларини айтолмас, у буларни гапирса, ота-онасининг раъйига қарши чиқадиган беҳаё қизга айланиб қоладигандек туйиларди. У охири тақдирга тан беришга мажбур бўлди.

VIII БОБ

Гулҳаё ёзги таътилга чиқиши билан тўйни бошлаб юборишди. Тўйдан олдинги маросимларни ўтказиш вақтида Муниса опа яккаю ёлғиз ўғлини қанчадан-қанча орзу-ҳаваслар билан уйлантираётган Наргизанинг тўй ҳаракатларида кутган нарсасини кўрмай ҳайратга туш-

ди. У қуда томондан келган дастурхонни юрак ҳовучлаб очадиган бўлиб қолди. Чунки дастурхон жуда ғариб эди. Бунинг устига, қуда фақат сингиси билан келар, у на қариндош-уруғини, на қўни-қўшнисини ёнида ҳамроҳ қиларди. Ҳеч кутилмаганда тўй харажатлари ҳам асосан Солиҳ аканинг зиммасига тушди. Номусдан тишини-тишига қўйиб ҳаммасига чидаётган эрига Муниса опа:

– Дадаси, Наргизага айтсамми, дегандим... – деди қўрқа-писа.

– Нимани?

– Ахир улар номарднинг ишини қилишяпти-ку.

– Осмонга чиқариб мақтаган қудаларинг ўзларининг қанақалигини кўрсатишди, шуни билган бўлсанг, жим ўтир!

– Энди нима қиламиз, дадаси?

– Билмайман, бошим қотиб қолди, хотин. Эр-тага тўйни қайтариб юборсакми, деб ҳам ўйлашман.

– Вой мен ўлиб қўя қолай, бу нима деганингиз? Ҳамма тўйга айтилган-ку, одамлар нима деб ўйлайди. Ундан ташқари, тўйи қайтган қизни кейин ким ҳам келин қилади? Майли чидай-верайлик, қизимизнинг бахтини ўйлашимиз керак ахир, у ерда яхши яшаса бўлди.

– Тўғри, лекин тўйдан сўнг ҳам қудаларинг гапидан тониб, Гулҳаёни қийнасалар-чи? Унда нима қиламиз?

– Йўғ-э, ўлибдими, Наргиза шунчалик орзу-ҳавас билан олган келинини қийнаб... – деди Муниса опа ўзининг гапларига ўзи ҳам ишонқирамай.

– Билмадим, – деди Солиҳ ака бошини чайқаб.

Ҳаммаси тўйдан кейин бошланди. Келинимни ўқишига жўнатиб, ўзим уй ишлари билан шуғулланаман, деб оғиз кўпиртирган Наргиза, мана, бир ой бўляптики, Гулҳаёни остона ҳатлатиб ташқарига чиқармаяпти.

Кўнғироқларига ҳатто жавоб ололмаётган Муниса опа қизидан хавотирланиб, қудасиникига йўл олди. Унга эшикни очган Наргизанинг муносабатини кўрган Муниса опа ҳангу манг бўлиб қолди. У бутунлай бошқа одамга айланган эди. Қизининг аҳволини сўрашга энди оғиз жуфтлаган Муниса опанинг қўлидан тутунини олиб, беписандлик билан столга қўйиб:

– Қизингиз жуда тегманозик экан-да, гоҳ у ерим оғриди, гоҳ бу ерим оғриди, деб жонга тегди, прямо надоела, – деди қўлини белига қўйиб керилганча.

– Вой менгина ўлай, Гулҳаё оғриб қолдимми? – деди Муниса опанинг ранги ўчиб.

– Йўғ-э, эшикдан кирмасдан совуқ гапларни гапирманг, келинг, ўтиринг, қуда. Арзандангизнинг фақат иш қилсагина қаеридир оғрийди, бўлмаса соппа-соғ, – деб унга стулни кўрсатди Наргиза.

Муниса опа тўйдан олдинги тилидан бол томиб сўрашишлару, Гулҳаёхон келиним эмас, қизим, деган сўзлар қаерда қолди, деб ўйлаб қотиб қолди. У титроқ қўллари билан стулни тортиб ўтириб, фотиҳа қилди ва тушкун овозда сўраша бошлади:

– Наргизахон, яхши ўтирибсизларми, қудам яхши юрибдиларми, куёвим яхшимилар...

– Ҳа, ҳаммамиз яхшимиз, всё нормально. Только что уйга кирдим, лекин ҳалигача қизингиз ёнимга келиб хабар олгани йўқ. Кўриб турганингиздек, эшик қўнғироғи чалинганини эшитса ҳам, ким экан, деб қорасини кўрсатмади. Мана, сизнинг қизингиз қандай?

Шу пайт ичкаридан бошидаги рўмоли қийшайган, озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб қолган, олдидаги фартугига қўлларини артиб-артиб Гулҳаё кўринди. У онасига аллақандай саросимали назар ташлаб:

– Ассалому алайкум, ойижон, яхши келдингизми? – деди.

Она-бола қучоқлашиб кўришиб, иккаласи ҳам унсиз йиғладилар. Наргиза энсаси қотиб:

– Вой-бў-ў, худди душман томонга асир тушган одамларга ўхшаб кўришяпсизлар. Қизингиз кенг уйнинг келини бўлиб юрибди-ку, намунча ношукур бўлмасанглар, не надо так, – деди қошларини кериб.

Муниса опа «Шўрлик қизим душманга асир тушгандан ҳам баттар бўлибди-ку. Тўйгача қандай ваъдалар берган эдингиз, наҳотки шунчалар уятсиз хотин бўлсангиз», дейишига озгина қолди. Лекин у биринчи келишимданоқ орага совуқчилик туширмай деган фикрда тилини тийди.

– Қизим, яхшимисан?.. – деди Муниса опа кўз ёшларини сездирмасликка ҳаракат қилиб.

– Яхши... – деди Гулҳаё аҳволимни кўриб турибсиз-ку, дегандек онасига қараб.

– Келин, довдираб турмасдан тез-тез қимирламайсизми? Ишдан келганимдан бери энди

кўриндингиз, яна шалвираб туришингиз нима-си? Чаққонроқ ҳаракат қилсангиз-чи.

– Ўғлингиз қусиб, ҳамма ёқни булғаб ташлаган эканлар, шуларни тозалаётгандим. Узр, ойижон, қўлларимни ювиб келгунимча анча вақт ўтди...

– Сиздан биров шуни сўраяптими, тилингиз бунча бурро бўлмаса?

– Вой менгина ўлай, Жаъфаржоннинг маза-си қочдими? – деди Муниса опа ҳеч нимани тушунмай.

– Йўқ, кўпроқ ичиб...

Наргиза Гулҳаёнинг гапини давом эттирмаслиги учун унинг сўзини бўлиб бақирди:

– Боринг, чой-пой келтиринг! Ўргилдим, сиздақа қоп-қоп гапдан бошқа нарсани билмайдиган келиндан! Тоже мне...

Гулҳаё индамай чиқиб кетди. Муниса опа Наргизага қараб секингина гап бошлади:

– Айланай Наргизахон, Гулҳаё ҳали ёш-да. Ўзингиз тўйдан олдин айтганингиздек, секин-секин ўргатаверасиз. Айтмоқчи, институтдан қўнғироқ қилишувди, энди ўқишига чиқса бўлармиди...

– Биласизми қуда, аксарият разводлар ота-онаси қизи тушган уйнинг проблемаларига аралашшиддан келиб чиқаётган экан. Сизга маслаҳатим, қизим тинч яшасин, десангиз, унинг ўқишигами, бошқасигами, вообше аралашманг. Ҳаммасини ўзимиз ҳал қиламиз. Жаъфаржон, хотинини биров ревнует, так что, ёшларнинг ўзлари билади. Бизнинг улар билан ишимиз бўлмагани яхши. Я так думаю.

– А, шунақами... – деди Муниса опа синиқ овозда.

Гулҳаё чой олиб келиб, пиёлаларга қуйиб узатди.

– Обедга нима тайёрладингиз? – деди Наргиза.

– Ўзингиз мошхўрда қилинг, дегандингиз...

– Майли, гапни кўп чўзмасдан нима пиширган бўлсангиз ҳам тез-тез олиб келинг, ишларим кўп, кетишим керак!

Муниса опа титраб кетди. У ўрнидан шартта туриб кетиб қолишига сал қолди. Лекин қизини ўйлаб, шаштидан қайтди. «Мени тезроқ кетсин деяптими? Бу нима деган гап, одам ҳам шунчалик юзсиз бўладими? Қудани ҳам шундай кутиб оладими? Мен унга нима ёмонлик қилдим? Айбим оқ ювиб, оқ тараб катта қилган ёлғиз, кўзимнинг оқу қораси – қизимни берганимми? Унинг ўзгариб қолганига сабаб нимада, сўрасам-микин? Йўқ, дадаси ҳамма вақт ҳовлиқмасдан, ақлни ишлатиб, ўйлаб гапиришимни маслаҳат берадилар. Сабр қилай-чи, балки гап нимадалиги маълум бўлиб қолар», деган андиша билан Муниса опа индамади. У ингичка қилиб терилган қошларини учуриб, ниманидир айтмоқчи бўлиб ўтирган Наргизага қаради.

– Чой ичинг, қуда, сиздан бир нарса сўрасам хафа бўлмайсизми? Мен откровенный одамман, так что, не обещайте.

– Бемалол, Наргизахон...

– Сизларни жуда бадавлат дейишганди, лекин қизингизнинг сепини кўрган одам бундай деб ўйламайди. Майли, ҳаммаси ўтиб кетди. Мен сўрамоқчи бўлганим, сизлар наҳотки биттаю битта қизингизнинг сиқилмасдан, бахтли яшашини истамасанглар, – деди Наргиза тирноғи узун қилиб ўстирилиб, қизил лак сурилган кўрсаткич бармоғини столга тикиллатиб уриб.

Муниса опа қудасининг кутилмаган гапидан каловланиб нима дейишини билмай қолди. «Ахир мен ёлғиз қизим ранжимасин деб, бир эмас, иккита қизнинг сепини қилдим-ку! Ҳамма хоналарига менинг сепга қўшиб берган гиламларимни солиб қўйибди-ю, яна унинг гапини қаранг. Бунча орсиз бўлмаса...» У хаёлига келган айқаш-уйқаш фикрларни айтмоқчи бўлди-ю, яна эрининг ўйлаб гапир, деган сўзларини эслаб индамади.

– Мен қизимнинг сиқилмай яшаши учун ҳамма нарсага тайёрман, Наргизахон, – деди Муниса опа.

– Ҳечам бунақага ўхшамайди-да.

– Тушунмадим, очиқроқ гапиринг, айланай.

Наргиза Муниса опанинг андиша қилиб, унинг гапларига ўзига яраша жавоб қайтармаётганини бошқача тушунди. У қудасини «оми, лақма аёл, қизи менинг уйимда тинч яшаши учун ўзи айтганидек, ҳамма нарсага тайёр. Омадим бор экан, энди уларнинг пулларини ҳам керакли нарсаларимга сарфлатаман, ҳам оёғимнинг остига ўзларини ташлатиб, ялинтираман. Қани, гинг деб кўришсин-чи, қизини эзиб, туғилганига пушаймон қилдираман. Ўғлимга айтсам, ўласи қилиб калтаклайди. Ундан кейин тавбасига таяниб, оиласи билан хизматимда бўлишади. Асосийси, олтин балиқни қармоққа илинтирдим, бу ёғига марра меники». Наргиза шуларни хаёлидан ўтказаркан, Муниса опага қараб истеҳзоли жилмайиб қўйиб:

– Биласизми, қуда, уйимизнинг қаршисидаги ҳовлига бизникидан сал олдин келин тушди. Деярли ҳар ҳафтада келиннинг ота-онаси машинани тўлдириб бозор қилиб келишади. Жуда

сифатли нарсалар эканини ўз кўзларим билан кўрганман. Қўшниларимиз келинларини жуда ардоқлашлари, куёв бола келинга ҳеч қўл кўтармаганининг сабаби шу бўлса керак, деб ўйлайман, – деди.

Муниса опа оғзини очганича Наргизанинг гапларини тўғри эшитдимми ёки уйқусираяпманми деб, анграйиб қолди. «Ё тавба, бу аёл одамми ёки қандайдир инсон қиёфасидаги махлуқми? Наҳотки булар қизимни бойлик учун келин қилган бўлса? Яна ҳеч қанча вақт ўтмасдан ҳафтада бозор қилишимизни талаб қилмоқда. Агар ҳаммаси кўнгилдагидек бўлмаса, ўғлининг қизимни калтаклашига шама қилдими?! Мен қаршимда ўтирган бу мавжудотга қандай жавоб беришим керак. Одатда, муҳим масалалардаги менинг кимгадир жавобим ёки ўзимча чиқарган қарорим ҳеч қачон тўғри чиқмаган. Ҳаммасида ишқал бўлган. Мана, оддий мисол, шундай тубан одамларга қизимни келин қилиб бериб, уни бахтиқаро қилдим. Ҳозир бу хотинга бирор нимани ўйламай гапириб қўйсам, бундан ҳам баттар бўлиши мумкин. Шунинг учун индамаганим маъқул, шекилли. Менгина ўлиб қўя қолай...»

Муниса опанинг бир нуқтага тикилганича жим бўлиб қолганини Наргиза бошқача тушунган эди. У андишанинг отини кўрқоқ қўйиб, қудасининг кўрққанидан оғиз очишга ҳам ҳоли қолмади, деб ўйлар, гаплари нишонга текканидан қувонарди. У ўрнидан туриб:

– Қуда, мен ишга кечикияпман, шунинг учун туришим керак, – деди.

Муниса опа юзига фотиҳа тортиб:

– Майли, мен ҳам бора қолай, – деди.

У уйига келиб, хонасига кириб кетганича қош қорайганда эрининг ишдан келишига яқин чиқди. Бошини рўмол билан танғиб олган хотинига Солиҳ ака:

– Гулҳаё яхши юрибдими, нега қовоғингдан қор ёғиляпти? – деди.

– Дадаси, ечиниб чиқиб, овқатланинг, кейин гаплашармиз, – деди Муниса опа инқиллаб.

– Тушунарли... – деб Солиҳ ака ичкарига кириб кетди.

Кечки овқатдан сўнг Муниса опа Солиҳ акага супада ўтириб, қудасиникида бўлиб ўтган гапларни гапириб берди. У Наргизанинг ҳар бир гапини титраб-қақшаб гапирар, кўз ёшларини тўхтатолмасди. Солиҳ ака уни тинглаб бўлиб:

– Наҳотки сен ҳеч нима демадинг? – деди.

– Индамадим...

– Нимага?

– Менгина ўлай, унга нима дейишим мумкин эди, ўзингиз ўйлаб кўринг. Унга жавоб бериш учун фақат энг ҳақоратли сўзлар айтиш керак. Бир нима десам, бошимга бало бўладими, деб жим ўтиравердим.

– Сен ҳаммамизнинг бошимизга бало олиб келдинг-ку, бундан баттар бало ҳам бўладими?

– Мен ўлай...

– Кимдан нимани талаб қиляпман-а. Шу ёшгача ҳеч қачон керакли жойда тўғри жавоб бера олмаган одам, бу сафар тўғри йўл тутармиди? Эй Худо, бу қандай жазо бўлди? Қайси гуноҳларим учун? – деб Солиҳ ака бошини қўллари орасига олиб ўтириб қолди.

Йиғидан ўзини тўхтата олмай ҳиқиллаб ўтирган Муниса опа ўзини босиб олгандан кейин эрини секин туртиб:

– Дадаси, мен унга нима десам тўғри бўларди, ўзингиз айтинг, – деди.

– Яхшиси жим бўл, энди нима десанг ҳам тўғри бўлмайди. Фишт қолипдан кўчди...

– Бироқ улар биздан оилаларига хизмат қилишни талаб қилишяпти. Акс ҳолда қизимизни қийнашда давом этишаркан...

– Такрорлайверишинг шарт эмас, буни тўйнинг эртасигаёқ тушуниб етганман.

– Ҳаммасига мен айбдорман, энди бу азоблардан ўлиб қутуламан, дадаси, фақат ўлиб!

– Сен ўлиб қутулишинг мумкин, лекин қизинг-чи, Гулҳаё нима қилади? Уни жаҳаннам азобига ташлаб, ўзинг осонгина қутулишни ўйлаяпсанми? У ўқишига ҳам бормасдан, ароқ ичиб ётган куёвинг билан қандай яшайди? Уни уйга олиб келишдан бошқа чорамиз йўқ. Қаттиқ янглишганимизнинг жабрини қизим тортишини истамайман.

– Йўқ, бундай деманг, дадаси. Узатганимизга бир ой бўлмай уни олиб келсак, одамлар нима дейди? Қизининг бир балоси борлигидан куёви қувиб юборган дейишлари аниқ. Ундан кўра мени ўлдириб қўяқолинг.

– Кошки эди сени ўлдирсам, ҳаммаси қайта жойига тушса. Гапнинг пўсткаллеси, ким нима деса, десин. Лекин мен қизимнинг ортиқ қийналишига қараб туropolмайман. Сенинг гапларингга ўшанда нимага қулоқ солдим-а, – деб Солиҳ ака пешанасига бир мушт туширди.

– Дадаси, ўзингизни қийнаманг, ҳаммасига мен айбдорман. Менгина ўлгурнинг гапига яна бир марта қулоқ солинг, ўтинаман. Озгина сабр қилиб турайлик, пича вақт ўтсин, кейин ўйлаб кўрармиз. Ахир мен сизнинг обрўйингизга пуртур етмасин, деяпман...

Солиҳ ака кўз ёшларини артди. У овозини чиқармаса-да, елкалари силкенишидан йиғлаётгани кўришиб турарди. Муниса опа эрининг йиғлаганини биринчи марта кўриши эди. Унинг баттар ўпкаси тўлиб, аламидан лабларини тишлаб йиғлар, овозини ичкаридаги келини эшитиб қолмаслиги учун рўмолчасини оғзига босиб олганди.

IX БОБ

Ярим тунда уй телефонининг тинимсиз жиринглашидан Муниса опа чўчиб уйфонди. У ҳомиладор келиним кўрқиб кетмасин деб, оёғига шиппагини ҳам илмасдан телефонга қараб югурди. Гўшакни олиб:

– Ким бу! – деди уйқутираб.

– Ойи, менман...

– Вой мен ўлай, нима бўлди, Гулҳаё, тинчликми?

– Ойижон... – деб Гулҳаё йиғлаб юборди.

– Менгина ўлиб қўя қолай, қизим, йиғламасдан гапир! Қўлинг сингур урдими ёки қайнонанг бир нима деб хафа қилдими?

– Ойим билан дадам тўйга кетгандилар, қайтаётганда автоҳалокатга учрашибди.

– Ишқилиб тирикмилар?

– Йўқ, иккаласи ҳам ўлибди, ойижон! Тезроқ келинлар, кўрқиб кетяпман. Куёвингиз ичган, кайфда нима қилишини билмаяпти.

– Ҳозир етиб борамиз...

Муниса опа бемажол стулга ўтириб қолди, қўлидан гўшак тушиб кетди.

– Нима гап, тинчликми, гапирсанг-чи?! – деди Солиҳ ака хотинининг ранги докадек оқариб кетганидан қўрқиб.

– Улар ўлибди...

– Ким, аниқроқ гапир, ким ўлибди?!

– Қудаларимиз, автоҳалокатдан... Гулҳаё нима қилишини билмаяпти, тезроқ боришимиз керак...

* * *

Фирт маст ҳолда автоҳалокатга учраган қудаларининг дафн маросимидан чарчаб келган эрига Муниса опа:

– Буни қаранг, дадаси, қизимизнинг келин бўлиб тушганига бир ой бўлмай қудаларимиз вафот этишини ким ўйлабди, – деди.

– Ўзи қизимизни узатганимиздан бери ҳеч ким ўйламаган ишлар бўляпти, хотин. Улар оилавий ароққа ружу қўйгани хаёлимизга ҳам келмаганди. Куёв бола эндигина йигирма тўртта кирган бўлишига қарамай, ҳар куни ичишини айтмайсанми? Аёл қуда ҳам ичаркан, астаффируллоҳ.

– Буни тўй куни пайқаганман, Наргиза раҳматли оёғида туролмайдиган маст бўлиб қолганида қаттиқ севинганидан ичган деб ўйлагандим. Уларнинг ичишлари ўзларининг бошига етдику-я, лекин Гулҳаёга янада қийин бўлмасайди, деб қўрқяпман, дадаси.

– Нега бундай деяпсан, қизимизда нима айб?

– Уларнинг қанақа пасткаш кимсалар эканини билганимдан кейин шундай ўйлаяпман-да,

дадаси. Энди куёв қизим шўрликни шумқадамликда айбламаса гўргайди.

– Э, қўйсанг-чи бунақа гапларни. Жуда чарчадим, эртадан кечгача тик оёқда туриш қийин бўлди, аччиқ чой келтир, – деб Солиҳ ака кўрпачага ёнбошлади.

Муниса опа чой дамлаб чиқаётган келинининг кўлидан чойнакни олди.

Эр-хотин ҳеч нима демасдан супада анча ўтиришди. Вақт алламаҳал бўлганида Фаррух чиқиб:

– Ойи, дада ухламайсизларми? – деди.

– Боравер, ҳозир уйга кирамиз, ўғлим, – деди Солиҳ ака.

Муниса опа билан Солиҳ ака қудаларининг маъракаларини ўзлари бош бўлиб ўтказдилар.

Шундан кейин Гулҳаёнинг азобли кунлари бошланди. У ҳомиладор бўлиб қолганди. Муниса опанинг ўйлагани тўғри чиқди. Жаъфар уни ота-онасининг ўлимида айбларди. Сен шумқадам бўлмаганингда остона ҳатлаб келишинг билан қайнона-қайнотангнинг бошига етмасдинг, ҳамма соғ-саломат юрарди, дейишдан нарига ўтмасди.

... Кечаси қаердадир ичиб келган Жаъфар телевизорни варанглатиб қўйиб:

– Чой келтир, – деди. Ошхонани йиғиштиратган Гулҳаё буни эшитмай қолганидан жаҳли чиқиб:

– Шумқадам, нега чой келтир десам, индамайсан! – деб бақирди.

– Эшитмабман, ҳозир, – деди Гулҳаё секингина.

– Ота-онамнинг-ку бошига етдинг, энди кимни ўлдирмоқчисан?

Ҳар куни шу ҳақоратни эшитаверишдан бе-
зиб кетган қиз:

– Улар ичиб машина ҳайдасалар, менда нима
айб? – деди бир куни.

Худди шу гапни кутиб тургандек хотинининг
юзига тарсаки туширган Жаъфар қутуриб ҳақо-
ратлай бошлади. Унинг ота-онасини бўралаб
сўкаётганига чидамаган Гулҳаё:

– Мени қанча ҳақоратласангиз майли, лекин
ота-онамни тинч қўйинг. Уялмайсизми, бегуноҳ
одамларни...

– Сен ақлли бўлиб қолдингми, мен аҳмоқман-
ми. Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга!

Жаъфар унинг гапиришига йўл қўймай, тўғри
келган жойига ура бошлади. Умрида бундай хўр-
лик кўрмаган Гулҳаё жон ҳолатда:

– Ичгансиз, Жаъфар ака, ҳомиладорман-ку...
– деди.

Жаъфар дўппослашдан тўхтади. У бошқа хо-
нага ўтиб, хуррак отиб ухлаб қолди.

Гулҳаё гужанак бўлиб олганича йиғларди.
У аламидан қаери оғриётганини ҳам сезмас,
аъзои бадани қалтирарди. Шу пайт телефон жи-
ринглади. У судралиб бориб гўшакни кўтарди.
Муниса опанинг:

– Нега йиғлаяпсан, қизим? – деган овози эши-
тилди.

– Куёвингиз ичиб келиб дўппослади...

– Вой менгина ўлиб қўя қолай, бу нима дега-
нинг? Ахир кечагина бўйингда борлигини айт-
гандинг-ку!

Гулҳаё хўнграб юборди. У йиғидан ҳиқиллаб
бошқа гапиролмади.

Муниса опа Фаррух билан келиб, қизини олиб
кетди. У Гулҳаёни шифохонада врач кўригидан

ўтказди. Уни зинадан йиқилаб, думалаб кетган, деб ёлғон гапирган Муниса опа ҳомиласига шикаст етмаганини билганидан сўнг шифокор маслаҳатига кўра касалхонага ётқизди.

Даволаниб чиққан Гулҳаё энди ўқишига қатнай бошлади. У аста-секин ўзига келиб, ёмон туш кўриб уйғонганга ўхшарди. Икки ойгача Жаъфардан дарак бўлмади. Солиҳ ака узил-кесил қизини бошқа уларникига юбормасликка қарор қилган, Муниса опа ҳам қизининг шу уйдан қутулганига шукр қилиб, Гулҳаёнинг юзига қизил югуриб қолганига қувона бошлаганди. Оиладагилар Жаъфарни эсламасликка, уни номини тилга олмасликка ҳаракат қилишарди.

Дам олиш куни бўлгани учун Солиҳ ака боғда айланиб, меваларга суқланиб боқиб, яхши кайфиятда юрарди. У кузги олманинг қип-қизил бўлиб пишганини томоша қилиб турди-да, улардан бирини узиб, супада компьютерда ниманидир ёзаётган қизига:

– Гулҳаё, мана бу олма жуда чиройли пишибди, ушла, отаман, – деди.

Отаси отган олмани чаққонлик билан илиб олган Гулҳаё:

– Раҳмат, дадажон, – деб кулиб қўйди.

Шу пайт кўча эшигининг қўнғироғи жиринглади. Дарвозага яқин турган Солиҳ ака эшикни очди. Ёши олтмишлардан ошган нотаниш киши ва унинг ёнида Жаъфар турарди. Улар ичкарига киришди. Гулҳаё Жаъфарга кўзи тушиб сесканиб кетди ва уйга қараб югурди.

Солиҳ ака ўғли Фаррух олиб чиққан чойни дастурхонга қўйиб:

– Ўзинг ҳам ўтир, – деди.

Маълум бўлишича, Жаъфар маҳалла фаолларидан бири билан келган экан.

– Энди Солиҳжон ука, келин болани куёвингиз билан бирга уйига юборсангиз. Ёш оила бузилиб кетмасин, – деди ҳалиги киши.

– Буларнинг оиласи аллақачон бузилиб бўлган, оқсоқол. Ҳомиладор аёлни сабабсиз калтаклаган одам билан қандай яшаш мумкин?

– Жаъфаржон ҳаммасини маҳаллага чиқиб гапириб берди. Ўшанда ичиб олганлигини, қаттиқ пушаймонлигини айтиб, йигит боши билан роса йиғлади. Маҳалладагилар мени вакил қилиб юборишди. Уларнинг туғилажак фарзандлари тирик етим бўлишини сиз ҳам истамасангиз керак, ука.

Солиҳ ака Жаъфарга қаради. Кутилмаганда Жаъфар ўрnidан туриб, тиз чўкиб ўтириб олди.

– Мен аҳмоқни кечиринг, дада, илтимос, мени кечиринглар... – деди у йиғламсираб.

Солиҳ ака унга:

– Туринг ўрнингиздан, сиз мендан эмас, қизимдан кечирим сўранг, агар у кечирса, мен қарши эмасман, – деди.

Очиқ деразадан ҳаммасини эшитиб турган Гулҳаё беихтиёр қорнини силаб қўйди. У ёнидаги жим турган онасига:

– Уни ўзим тарбиялайман, – деди.

– Қизим, у кечирим сўраяпти...

– Мен унга ишонмайман, илтимос, мени қийнаманглар.

– Қорнингдаги болангни отасиз туғсанг, даданг қандай бош кўтариб юради, бизни ҳам ўйлайсанми, менгина ўлай?

– Мен айб иш қилмоқчи эмасман-ку, неға ҳадеб бош кўтариб юриш ҳақида гапирасиз, ойи-жон?

– Ҳеч бўлмаса, бола туғилгунча бирга яшаб кўрасанми, дегандим, қизим.

Фаррух кириб, иккаласини ҳам дадаси чақи-раётганини айтди. Улар супа ёнига келишди.

– Ўтиринглар, – деди Солиҳ ака.

Улар супа чеккасига ўтирдилар. Муниса опа Жаъфарнинг саломига бошини қимирлатиб алик олди.

– Мени кечир, Гулҳаё. Қилмишимдан пушаймонман, илтимос, фарзандимиз отасиз ўсмасин. Бир умр хизматингни қиламан. Қаттиқ гапирсам, тилимни кесиб ташла, қўл кўтарсам, қўлимни кесиб ташланглар. Ўлдирсанглар ҳам майли. Фақат уйга мен билан бирга кетсанг бўлди. Ўша ҳувиллаган уйда битта ўзим жинни бўлиб қолишим ҳеч гапмас. Менга раҳмингиз келсин, дада-жон, ахир ота-онамни йўқотганимга ҳеч қанча вақт бўлмади. Қандай шарт қўйсангиз, ҳаммасига розиман.

– Шартимиз, ароқни оғзингизга олмайсиз! – деди Солиҳ ака қатъий қилиб.

– Розиман, ичмайман...

Жаъфарнинг кўз ёшлари оқиб юзи ҳўл бўлиб кетганди. У чўнтагидан кир рўмолча чиқариб, юз-кўзларини артди. Муниса опа қизини туртиб қўйди. Гулҳаё ҳаммасига тушунди. Онасининг раҳми келяпти...

– Келин, мен ҳам илтимос қиламан, Жаъфар ўғлимизга яна бир имконият бериб кўринг, ахир фақат ўзингизни ўйламасдан, туғилажак фарзандингизнинг тақдирини ҳам ўйлашин-

гиз керак-ку. Балки бундан кейин тотув оила бўлиб яшарсизлар. Бир уриниб кўрсангиз, жуда яхши бўларди, қизим, йўқ деманг, – деди маҳалла фаоли.

Гулҳаё индамай ерга қараб ўтирарди. Солиҳ ака қизига:

– Қизим, нима дейсан, ҳамма сенинг жавобингни кутяпти? – деди.

– Сиз-чи, ўзингиз нима дейсиз? – деди Гулҳаё ердан кўзини узмасдан.

– Менимча, гапнинг пўсткалласи, бу кишининг гапида жон борга ўхшайди. Куёв болага имконият бериб кўришинг керакми, дейман?

Гулҳаё бирпас жим ўтириб, кейин:

– Нима ҳам дердим, дадажон, мен сизларнинг гапингизни ҳеч қачон икки қилмаганман-ку, – деди.

– Барака топ, қизим, – деди Солиҳ ака кўзлари намланиб.

Х БОБ

Гулҳаё яна Жаъфар билан яшай бошлади. У ваъдасида турмади. Ичишни ташлаш қўлидан келмади. Солиҳ ака таниш-билишларидан илтимос қилиб, магистратурадаги ўқишини ташлаб, ишсиз тентираб юрган куёвини ишга жойлаштирди. У шу билан зора ичишни ташласа, деб ўйлаганди. Тўғри, бир ой давомида ичмай юрди, бироқ маоши қўлига теккан кунни уйга бўкиб ичиб келди.

Гулҳаёнинг кўзи ёриди, у ўғил кўрди. Бундан хурсанд бўлган Жаъфар баҳона топилганига севиниб, ҳар кунни ичарди. Солиҳ аканинг юзи-

дан ўтолмай, уни ишдан бўшатмасдилар. Энди Жаъфар Гулҳаёни дўппосламас, лекин унинг ҳар бир ҳаракатига бир баҳона топиб қарши чиқар, оғзига нима келса қайтармасдан сўкинарди. Гулҳаё унга ҳеч нима деб жавоб бермас, у фақат ичидан зил кетар, кўз ёшларини артиб, ўз иши билан шуғулланарди. Шу орада Солиҳ ака нафақага чиқди. Гулҳаё ўғилчаси Жасур икки ёшга тўлганида яна ҳомиладор бўлиб қолди. У қанчадан-қанча азоблар исканжасида эрининг қаршилигига қарамай, институтни тугатиб, дипломини олган эди. Жаъфар унинг ишга киришини кескин рад қилгани учун уйда ўтирганди. Бироқ Жаъфарни ишга ичиб боравериб безор қилганидан бўшатиб юборишди. У Гулҳаёни ота-онасидан пул сўрашга мажбур эта бошлади. Шундоқ ҳам уларга ёрдам бераётган Солиҳ ака куёви билан жиддий гаплашиб олгач, қизини ишга жойлаштириб қўйди. Уни олиб кетишса, оч қолишидан қўрққан Жаъфар бунга қаршилик қилмади. Гулҳаё қиз кўрди. У энди фақат ота-онасининг кўмаги билан яшар, эри ундан ароқ учун пул сўрар, бошқа пайтларда қорасини кўрсатмасди. Гулҳаё чақалогини онасига ташлаб, оиласи, иккита боласи учун ишлар, ундан ташқари мактабда ўзини яхши ҳис қиларди. Ўқувчилари билимдон инглиз тили ўқитувчисини ҳурмат қилишар, Гулҳаёнинг синиқ қалби бундан тўлқинланарди. Солиҳ ака куёвини бир неча марта ишга жойлаштирди, лекин уни ичиб, ишга бормаслигидан бўшатиб юборишарди.

Гулҳаёнинг ўғли беш ёшга, қизи икки ёшга тўлди, олти йил ичида кўрмаган куни, эшитмаган ҳақорати қолмади. Азалдан тортинчоқ Гулҳаё

ҳаммасини ичига ютар, болаларим катта бўлса, отаси ҳам қуйилиб қолар, деган умид билан яшарди. Онасига эрининг қилиқларини айтмасанда, Муниса опа ҳаммасини биларди. У куёвининг пул берса, биров тинчишини билгани учун кизининг қаршилигига қарамай, рўзфоридан орттириб Гулҳаёга пул бериб турарди. У эса онасининг нафақасига шерик бўлаётганидан виждони қийналиб, онасидан пул олмасликка ҳаракат қиларди. Бир куни у ота-онасининг ёрдамисиз яшайман, деб ўзига-ўзи сўз берди.

Қиш кунларининг бирида кечаси ичиб келган Жаъфар ошхонада юрган Гулҳаёга:

– Тезда пул олиб чиқ, ўртоқларим кўчада туришибди, – деди.

– Пул йўқ, маошимни ҳали олмадим, – деб жавоб берди Гулҳаё.

– Ёлгон гапиряпсан, тез бўл, уларга ваъда берганман, шарманда бўлишимни истаяпсанми?

– Менимча, ҳеч қаерда ишламай, хотинидан пул талаб қилишдан ортиқ шармандалик бўлмаса керак, – деди Гулҳаё тарелкаларни жойлаштираркан.

– Нима дединг, ярамас, қайтар-чи?

– Эшитганингиз, илтимос, секинроқ гапиринг, болалар ухлаяпти.

– Ҳали сен менга ақл ўргатяпсанми? Менинг уйимда ўтириб-а? Тилинг бир қарич бўлиб қолибдими, итвачча! – деб Жаъфар уни дўппослай кетди.

Унинг бақиршига уйғониб чиққан болалар қўрққанларидан дағ-дағ титраганича эшикдан қараб турардилар. Гулҳаёнинг уларга кўзи тушиб:

– Бас қилинг, болалар қараб туришибди! – деди инқиллаб.

– Ҳаммаларинг йўқолларинг, уйимдан кетинглар! – деб Жаъфар Гулҳаёни кўчага судраб чиқариб ташлади. Болалар унинг кетидан «Ойижон» деб йиғлаб югуришди. Жаъфар жазавага тушиб бақирарди:

– Йўқолларинг, итдан тарқаганлар!

Гулҳаё юпқагина уй кийимида, болалар тунги кийимда совуқда қолиб кетдилар. Нима қилишини билмаган, сочлари бетартиб ёйилган Гулҳаё эшикни тақиллатиб эрига ялинарди:

– Эшикни очинг, илтимос, болалар касал бўлиб қолади! Эсингизни йиғинг, ахир улар сизнинг ҳам болаларингиз-ку...

Жаъфар эшикни очмади. Гулҳаё кўшни ҳовли эшигини тақиллатишга мажбур бўлди. Уларнинг анчадан бери давом этаётган жанжалларидан аллақачон хабардор кўшнилар эшикларини очиб, ёрдам бердилар. Шундан кейин Солиҳ ака Жаъфарнинг бир неча марта болаларини олиб кетиш учун келишига қарамай, қизини неваралари билан уникага бошқа юбормади.

ХІ БОБ

Солиҳ ака уйдан икки хонани қизи ва невараларига ажратиб берди. У энди нима бўлса ҳам қизи ҳеч қачон эриникига бормаслигини қатъий айтиб, Муниса опани ҳам шунга кўндирди. Гулҳаё мактабда ишлар, болалари боғчага борарди. У ҳам кўпчилик қатори уруш-жанжалсиз яшай бошлади. Лекин Жаъфар келиб оиламни олиб кетаман, деб шовқин кўтарар, илгариги ҳа-

ётларини эслатиб, болаларни саросимага соларди. Гулҳаё у билан бутунлай ришталарни узиш ниятида никоҳларини бекор қилиш учун судга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят, бир йилдан сўнг никоҳлари суд орқали қонуний бекор қилинганидан кейин Жаъфар Гулҳаёни тинч қўйди.

Атроф баҳор нафасидан яшнаб кетганди. Солиҳ ака дарахтларни парваришлашни ёқтиргани учун эртадан кечгача боғдаги ҳар бир ниҳолга алоҳида эътиборини қаратар эди. Бир куни овқатдан кейин Муниса опа билан Солиҳ ака одатдагидек супага чиқиб чой ичиб ўтиришарди. Фаррух салом бериб, уларнинг ёнига келиб ўтирди. Муниса опа чой узатиб:

– Ўғлим, кайфиятинг йўқроқми? – деб сўради.

– Шунақароқ.

– Нима гап тинчликми, ишларинг яхшими? – деди Солиҳ ака ўғлига синовчан тикилиб.

– Ишларим яхши, бироқ...

– Хўш, бир нима бўлдими, гапиравер, нега чайналасан?

– Билмадим, дада, айтсамми, айтмасамми? Очиғи, сизларнинг дилингизни хуфтон қилгим келмаяпти.

– Фаррух, шу гапни бизни аяб сен айтмасанг, бегонадан эшитиб хафа бўлсак, ундан ҳам ёмон бўлади. Ўзи нима ҳақда, Гулҳаё билан алоқадор эмасми? – деб Солиҳ ака ёнбошлаб ётган жойидан туриб ўтирди.

– Ўзим ҳам бу гапни бошқалардан эшитиб қолишларингиздан қўрқиб айтмоқчиман. Аммо Гулининг қулоғига етмасин, ойи, илтимос, – деди Фаррух онасига қараб.

– Менгина ўлай, айтмайман, қандай гап экан, гапира қол энди.

– Кеча фирманинг ишлари билан нотариусга боргандим. Шошиб турганим сабабли котибанинг, «ичкарида одам бор, чиққанидан кейин кирасиз», дейишига қарамай, бош нотариус ўртоғим бўлгани учун эшикни озгина очиб мўраладим. Қарасам, Жаъфар ўтирибди. Улар мени кўришмади. Индамай орқамга қайтиб қабулхонада кутиб ўтирмоқчи эдим, уларнинг гаплари, тўғрироғи, исмим қулоғимга чалиниб, беихтиёр тўхтаб қолдим.

– Ие, у муттаҳам сен ҳақингда нима дейиши мумкин? – деди Солиҳ аканинг қизиқиши ортиб.

– Нима деганини эшитсангиз, ифлосни бўғиб ташлагингиз келади, шунинг учун унинг гапларини ўзимизга олишимиз керак эмас, ойижон, дадажон.

– Ўғлим, мен аллақачон ўзимни босиб олганман. Шунинг учун гапнинг пўсткалласини айтавер, хўш, у ярамас нима деди?

– «Мерос қолдириш ҳақида ўйлашга ҳали эрта эмасми? Янглишмасам, сиз Фаррухнинг куёви эдингиз. Ўзингизни ҳам фарзандларингиз бор, шекилли», деди нотариусдаги Дониёр. «Агар улар менинг болаларим бўлганида онаси билан кетмай, ёнимда қоларди, шунинг учун болалар мендан эканига ҳам ишонмай қолдим», – деди у юзсиз. «Э, уялмайсизми, шунақа гапларни гапиришга, қўйсангиз-чи», деди Дониёр. «Сизнинг вазифангиз мерос шартномасини тасдиқлаб бериш, уни кимга қолдиришимни белгилаш эмас!» – деди Жаъфар жаҳли чиқиб. «Ҳа, албатта, бу сизнинг ихтиёрингиз», – деди Дониёр. Мен

у ҳайвоннинг гапларидан тутақиб кетдим. Бир уриб ўлдириб қўйишдан қўрқиб, у ердан югуриб чиқиб кетдим.

Фаррухнинг гапларидан Муниса опа билан Солиҳ ака индамай бир-бирларига қараб қолишди. Ўртага оғир жимлик чўкди. Ниҳоят, Муниса опа:

– Бу ярамасни қандай қилиб ер кўтариб турганига ҳайронман. Уйинг бошингда қолгур, кимга берса беравермайдими? Фариштадек қизимни ёмонлагани нимаси? Норасида гўдакларда нима айб? Қизимни бир умрга бахтиқаро қилгани етмаганидек, энди уни нималарда айбламоқчи? Худонинг қаҳрига учрагур, ўз фарзандларини тан олмаяптими? – деб Муниса опа тиззасига уриб йиғлаб юборди.

– Ҳа, у бу гаплари билан Гулҳаёнинг номини булғамоқчи экани кўриниб турибди. Гапнинг пўсткаллеси, ҳаммасига чидагандим, лекин Худо менга қанча сабр-бардош берган бўлса ҳам, қизимнинг шаънига айтилган бу бўҳтонни ҳазм қилишга етмаса керак, деб ўйлайман, – деди Солиҳ ака муштларини тугиб.

– Дада, ойи, сизларнинг асабийлашишингларни билиб айтмоқчи эмасдим. Лекин буларни бошқа бировлардан эшитиб қолишинглардан қўрқиб, айтишга мажбур бўлдим. Илтимос, сиқилманглар, ҳаммаси ўтиб кетади. Фақат Гули эшитиб қолмасин, – деб такрорлади Фаррух.

– Майли, ўғлим, ўзинг ҳам қизишма, кимнинг қанақалигини ҳамма билади. Ит ҳуради, карвон ўтади, дейишади. Сен ҳам жаҳл устида бир нимани бошлаб юрма, тагин, – деди Солиҳ ака ўзини қўлга олишга уриниб, бошқаларни ҳам тинчлантириб.

– Мендан хавотирланманглар, ўзимни аллақачон босиб олганман. Фақат яна такрорлайман, Гули эшитмасин. У бу гапларга чидай олмайди, алаמידан ўлиб қолиши мумкин, тушуняпсизларми?

– Ҳа, ўғлим, гапинг тўғри, синглинг эшитмайди, агар унга бошқа биров айтмаса, – деди Муниса опа кўз ёшларини артиб.

Вақт алламаҳал бўлганди, лекин улардан ҳеч қайсиси чурқ этмас, ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

– Кириб ётайлик, Фаррух, эртага ишга боришинг керак, – деди Солиҳ ака ўрнидан туриб.

Муниса опанинг кўзига уйқу келмасди. Унга худди дунё абадий қоронғи бўлиб қолгандек, зим-зиё тун энди ҳеч қачон ёруғ кундузга йўл бермоқчи эмасдек туйиларди. У ҳамиша қизининг икки боласи билан бахтиқаро бўлиб қолишига ўзини айбдор деб билар, бунинг учун ўзини кечиролмасди. Лекин Фаррухнинг топиб келган гапларини ҳеч хаёлидан нари кетказолмай, кўзига дунё тор кўриниб, ўзини ҳар томонга ташлагиси келар, ишламаган бошини уриб ёргиси келарди. У юмшоқ кароватда эмас, тиканда ётгандек тўлғана-тўлғана, бирдан ўрнидан турди. Хаёлига келган фикрдан бироз кўнгли хотиржам тортгандек бўлди ва ечинмасдан, уйда кийиб юрган халати билан ётганини билиб, чўнтагидан телефонини олиб соатга қаради, тунги бир. У яна телефонини чўнтагига солиб қўйди. Муниса опа кароватда эри йўқлигини ана шундагина сезиб, қия очиқ эшикдан қўшни хонага мўралади. Солиҳ ака ерда, кўрпачада ухлаб ётарди.

Муниса опа оёқ товушини чиқармай даҳлизга чиқиб, кираверишдаги шкафнинг тепасига қўлини чўзиб, калитни олди. У ердаги калит ўша бехосият уйнинг калити экани аниқ. Гулҳаё сумкасидан олиб, шу ерга ташлаганини кўргандим, деб ўйлади ва ташқарига чиқди. У ёзги ошхонага кириб, чироқни ёқмасдан турган жойини билгани учун болгани осонгина топди-да, кўча эшигини очди. Эшикни қайта қулфламасдан секин бекитиб, йўлга тушди.

Муниса опа тез-тез қадам ташларкан, ўйларди: «Яёв бориб кўрмаганман, ярим соатларда, жуда борса бир соатда етиб бораман. У итдан тарқаган кайфда тарашадек қотиб ухлаб ётгани аниқ. Уйга киришим билан махлуқнинг бошига болтанинг орқа томони билан ураман, уравераман, уравераман. Токи мажақланиб кетмагунича. Агар болтанинг тигли томони билан урсам, итнинг ҳаром қони сачраб устимни булғаши мумкин. Уни ўлдирганимдан кейин қушдай енгил бўлиб уйга қайтаман ва келиб маза қилиб ухлайман, эртаси кундузи ҳам турмасдан ухлайман. Шўрлик қизимнинг азобланишидан сиқилиб, бедор ўтказган тунларим учун ҳам ухлайман.

Ҳайронман, нега илгарироқ уни ўлдириш хаёлимга келмаган экан-а. Ахир унинг қилган ишлари бир эмас, минг марта ўлдиришга арзирди-ку. Пичоқ суякка қадалганига қанча бўлди, қизимни неча марта лаб тепкилаб урди, лекин у аблаҳга ҳатто бир шапалоқ ҳам туширмабман. Дадаси бўлса у ит эмганнинг шунча ҳақоратларига жавобан бирор марта сўкиб, уришмаганлар ҳам. Фаррухни айтмайсизми, ахир йигитлар

қизиққон бўлишади-ку, бечора ўғлим синглисига ачинишдан нарига ўтмаган. Ҳеч бўлмаса, бир марта ҳам у ҳайвонни ўласи қилиб калтакламаган. Бу нима деган гап, балки у ҳеч ким мушугини пишт демагани учун қутуриб юргандир. Худони билмаганлар ҳамма вақт андишанинг отини қўрқоқ қўйишаркан. Биз бўлсак, у ифлосга оиланинг муқаддаслигини, уни асраб авайлаш лозимлигини яхши гап билан тушунтиришдан нарига ўтмабмиз. Қанчалар содда эканмиз-а.

Бироқ унга ҳеч кимнинг тегинмагани яхши бўлган. Унақа ярамасларнинг қўлидан ҳар қандай ифлослик келади. Балки дўппосласа ўғлимни қаматиб юборармиди. Қизим шўрлик уни устидан ҳеч қачон арз қилмаганини инобатга олиб ўтирармиди. Ахир унда одамгарчиликдан асар ҳам йўқ-ку!

Бу машмашаларга бош сабабчи ўзимман, менгина ўлай. Агар Наргиза гўрингда тикка ўтиргурнинг алдовларига лаққа тушиб, уйдаги ҳамманинг бошини айлантириб, унинг гапларига ишонтирмаганимда, қизимни ўша хонадонга узатмасдик. Хатони мен қилдим, энди уни ўзим тўғрилайман. Бутунлай тўғрилаб бўлмаса ҳам, ҳар қалай ўчимни оламан. Қизимни хўрлаганларнинг қасдини олиб, ҳеч бўлмаса, уни бу ёруф оламда яшашдан маҳрум қиламан!»

Муниса опа ана шундай ўйлар билан болта дастасидан маҳкам ушлаганича тез-тез одимлар, унинг қадамлари эгри-қийшиқ тушар, ёқлари чалишиб кетарди. У анча юрганидан кейин совқотаётганини сизди, ана шундагина энгил уй халатида, юпқагина кичик рўмолда уй-

дан чиққанини пайқади. Шиппак кийгани учун юриши ҳам қийинлашиб қолган эди.

«Дадаси ҳамиша ўйламасдан бир иш қилиб, қовун тушириб қўйишимни айтганларида қанчалар хақ эканлар. Шунчалик жиддий иш қилмоқчи бўлган одам ҳатто кийимларини эпақага келтирмай, оёғига қулайроқ нарса киймасдан, фақат болгани қўлига олиб чиқаверадими? Эҳ, менгина ўлай, ишламаган бошим, шу ёшгача бу бош панд бериб келяпти, ишқилиб олтмишдан кейин панд бермасин-да». Муниса опа шундай хаёллар билан Жаъфарнинг уйиги етиб келганини сезмай қолди.

Уйнинг кўча тарафдаги бир деразасидан чироқ ёруғи тушиб турарди. Муниса опа деразадан қарамоқчи бўлиб ойнага тикилди, лекин у жуда хира эди. Дераза ойнасининг ифлослигидан ҳатто парда йўқлигига қарамай, уйнинг ичи туман билан қопланганга ўхшаб кўринарди. У ойнани артмоқчи бўлиб қўлини узатди, бироқ фикридан қайтиб, қўлини тортиб олди. Гулжаёнинг кетганига икки йилдан ошди, шундан бери тозаланмаган, ўйлади Муниса опа. У эшикка калит тикиб очмоқчи бўлиб калитни эшикка олиб бориши билан эшик «ғийқ» этиб очилиб кетди. Муниса опа чўчиб тушиб, орқага тисарилди, кейин у эшик очиқ қолдирилганини фаҳмлаб, секин ичкарига қараб юрди. У кўча эшигининг очиқ қолдириб, йўлакдан кириб борди. Эшикдан тушиб турган ой ёруғида ҳамма ёқни бемалол кўриш мумкин эди.

Муниса опа чироғи ёниб турган хонага қараб юрди. У полда шиппагининг овозини чиқар-

масликка ҳаракат қилиб, секин қадам ташларди. Хона эшиги очиқ эди. Муниса опа ичкарига қаради. Полда иккита одам ётарди. У яхшилаб тикилди, улар ерга ўхшаб қолган кўрпачада ётишарди. Жаъфарни таниди, яна бири аёл киши эди.

Ароқ ичиб ўтирганларича ухлаб қолишган. Уйга тўшалган гиламлар қаёққа йўқолган? Нега ҳамма ёқ шип-шийдам? Э, ахир анави ҳайвонга ўхшаган ҳаммасини сотиб ичган-ку. Нималарга бош қотиряпман, ўзи? Мен қандай мақсадда келганимни унутмаслигим керак. Ҳозирча ҳаммаси осонгина кечяпти. Ана у тўнғиз ҳам пишиллаб ухлаб ётибди. Бироқ ёнидаги аёлни нима қиламан? У уйғониб кетади-ку, наҳотки уни ҳам ўлдирсам. Иккита одамни-я...

Муниса опа бўшашиб қолди. У эшик ёнида деворга суянганича турарди. Жаъфарнинг хурраги Муниса опанинг қулоғини тешиб юбораётгандек туюлар, у болтани ерга қўйиб, қулоқларини бекитди. Мен шаштимдан қайтмаслигим керак, иккаласини ўлдираман, ишончим комилки, у аёл ҳам Жаъфардан кам ифлос бўлмаса керак. Биринчи Жаъфарга, кейин у хотинга болта ураман. Иккаласи ҳам мастликдан тошдек қотиб ётгани аниқ. Қаршилиқ қилолмасликлари кўришиб турибди. Нима бўлса ҳам ўчимни олишим керак, улардан бири қўлимдан болтани қайириб олиб, ўзимга урса ҳам, майли. Фарзандимнинг кимдандир хўрлик кўриб яшашига сабабчи бўлиб юргандан кўра ўлиб кетганим яхши. Ўзимни ўйламаслигим керак!

Остонадан ҳатласам бас, уч қадамча юраман холос, деб Муниса опа шашт билан болтани

кўтарди, халатининг этаги болтага илашиб бир-га кўтарилиб, чўнтагидаги телефон ерга тушиб кетди. У тақирлаган овозга уйғонишмадимикин деб хонага мўралади. Улар ўликдек қотиб ётишарди. Муниса опа қоронғида тимирскиланиб телефонини топди. Жиринглаб қолиши мумкин, деб ўйлаб, телефонини ташлаб чиқмаганига афсусланиб, ўчириб қўймоқчи эди, ўзи ўчиб қолганини билди. Унинг қўли қалтираганидан телефон яна полга тушиб кетди. Энди унинг тақирлаган товуши ҳар қандай ухлаётган кишини уйғотиши табиий эди. Муниса опа қотиб қолди. У қочиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин жойидан жилмади. У Жаъфарнинг «Ким у?» дейишини кутиб турди. Лекин улар қимир этишмади. Муниса опа пастга эгилиб, телефонини қидирди, тополмади, кейин қидиришдан тўхтади. Ҳаммаси равшан, демак, уларни бомба ҳам уйғотолмайди. Иккаласини бемалол нариги дунёга жўнатишим мумкин, деб ўйлади Муниса опа.

У болтани кўтариб Жаъфарнинг тепасига келди ва бошини мўлжаллай бошлади. Унинг ҳурпайган, бу яқин орада сув тегмаган сочлари, кир ёстиққа қўйганича оғзидан сўлаги оқиб тушаётган лаблари, шишиб кетган юзи шу қадар жирканч эдики, Муниса опа беихтиёр юзини бошқа ёққа бурди. У маст аёлнинг калта кўйлақда увада кўрпачада оёқларини ҳар томонга очиб, рангсиз сочлари ёйилиб ётишига кўзи тушиб, баттар кўнгли айниди. У хонадан қандай чиқиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди.

«Мен ўзи бу ерда нима қиляпман, шуларни ўлдирмоқчиманми? Бунча аҳмоқ бўлмасам, ахир булар аллақачон ўлиб бўлишган-ку. Ўлдириш ту-

гул, ҳатто бу жирканч кимсалар жазолашга ҳам арзимаиди, чунки жазоланиб ҳам бўлишган. Ахир бир қултум ароқ учун оиласидан, фарзандларидан, ор-номусидан, ҳамма нарсасидан кечиш – энг оғир жазо эмасми? Бу ётганлар одамийлигини бутунлай йўқотиб қўйган кимсалар... Улар шарпалар, холос...»

Муниса опа кўчага отилиб чиқди. У болтани маҳкам ушлаганича югурарди. У қилмоқчи бўлган иши даҳшатини англаб титрар, тунги совуқ унинг аъзои баданидан ўтиб, баттар қалтиратарди.

«Шайтоннинг васвасасига қулоқ солиб, қўлимни қонга белашимга бир баҳя қолди-я. Ҳалиям Яратганга шукрки, вақтида ўзимга келдим. Шу пайтгача қилган тоат-ибодатим, рўза-наомзим қаерда қоларди? Қасдимни оламан, қизимнинг чеккан азоблари учун, фариштадек покиза боламга бўҳтон қилгани учун уни ўлдираман, деб ўйлабман. Нақадар, ношуқурлик. Мен сўқир бандангни ўзинг кечир, худойим. Адолат тарозиси ўзингнинг қўлингда эканини била туриб, яна сенга ишонмасдан, мен аҳмоқнинг қилмишимни ўзинг кечир. Мен осий бандангни кечирилмас гуноҳ қилишдан вақтида қайтарганингга беадад шукрлар бўлсин...»

Муниса опанинг кўзларидан ёш оқарди, у шу югурганича уйига келди. Унинг юраги қафасидан чиққудек даражада гупурлаб урарди. Болтани жойига қўйиб, хонасига кирди. Шкаф тортмасидан дорисини олиб, тили тагига қўйиб, бирпас ўтирди. Совқотганидан тишлари бир-бирига тегиб шақирлаши тўхтамас, ҳамма ёғи музлаб қолганди. У кўрпани бошигача ўраб ётди. Шу ётганича эрталаб келинининг:

– Ойижон, иситмангиз баланд-ку, – деб пешанасига қўлини босишидан кўзини аранг очди.

Муниса опанинг икки кунгача иситмаси тушмай, алаҳлаб ётди. У эртаси куни Солиҳ аканинг:

– Онаси, кўзингни оч, у мутгаҳамни кимдир ўлдириб кетибди, – деган сўзларидан ўзига келди.

– Кимни?

– Жаъфарни кеча тунда ўлдириб кетишибди...

– А-а, наҳотки? Ким, ким бўлиши мумкин? – дея Муниса опа ўрнидан туриб, кўзларини катта очганича ҳайратдан қотиб қолди.

XII БОБ

Муниса опа ҳикоясини тугатиб, терговчиларга қаради. Фарҳод елкасини қисиб, Собиржоннинг жим турганига сабри чидамай, беихтиёр:

– Сиз ҳозиргина айбимни минг марта тан оламан, дегандингиз-ку. Гапларингизга қараганда, энди қотиллик қилган мен эмас, деяпсиз. Бу ёғи қандай бўлди, тушунмадим? – деди.

– Нимасини тушунмайсиз, болам, менгина ўлгур, қизимнинг бахтсиз бўлишида айбдорман, демоқчи эдим, – деди Муниса опа кўз ёшларини артиб.

– Сиздан ҳеч ким қизингизнинг бахтсиз бўлишида ким айбдорлиги ҳақида сўрамади. Сиз саволларга тўғри жавоб беришингиз керак, – деди Фарҳод норози оҳангда.

– Кечиринг, ўғлим...

Дераза олдида турган Собиржон жойига ўтирди. У Муниса опага қараб:

– Сиз собиқ куёвингиз Турдиевни ўлдириш ниятида уникига соат нечаларда боргандингиз? – деб сўради.

- Тунги бир-иккилар орасида.
- Қайси куни эди?
- Биринчи апрелдан иккинчи апрелга ўтар кечаси, тунда.
- Сиз иккинчи апрелдан учинчи апрелга ўтар кечаси тунги соат бир-иккиларда уйда бўлганингизни қандай тасдиқлайсиз?
- Ахир сиз айтган вақтда мен ўзимни билмай, деярли ҳушсиз ётганман. Туни билан ёнимда болаларим, шифокор қўшнимиз Шафоатхон ўтирганлар. Айтишларича, иссиғим қирқдан ошганмиш.
- Айтинг-чи, сиз Турдиевнинг ўлимида кимдандир шубҳангиз борми?
- Йўқ, мен бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганман.
- Фарҳод Муниса опани шаҳардан рухсатсиз ҳеч қаерга чиқмаслик ҳақида огоҳлантириб, тилхатга имзо чектирди. У ручкани столга қўя туриб:
- Мен сизлардан бир нарсани илтимос қилишим мумкинми? – деди бироз тортиниб.
- Нимани? – сўради Собиржон ажабланиб.
- Агар иложи бўлса, менинг ўша ярамасни ўлдириш учун борганимни ҳеч кимга айтмасанглар, дегандим. Очиғини айтганда, бу ҳаётимдаги энг нотўғри иш эди. Ҳалиям вақтида ўзимни қўлга олдим. Шунисигаям шукр...
- Лекин сизнинг гапларингизни битта қолдирмай ёзиб олдик, ундан ташқари, қотил аниқлангунча тергов давом этади. Биз тергов давомида нималарни айтиш ёки айтмасликни ҳеч кимга ваъда беролмаймиз.
- Майли, нима ҳам дердим, агар иложи бўлса, дегандим... Менгина ўлай, буни биров эшитишидан жуда уяламан, айниқса, менинг ҳар бир

ҳаракатим қизимга, келинимга ўрнак бўлиши керак, деб уринардим...

Аёл чиқиб кетганидан сўнг Фарҳод:

– Ана холос, ҳеч кимга айтманг эмиш, – деди ўрнидан туриб, компьютерда кўп ўтириб қолгани учун бошини аввал ўнг, кейин чап елкаси томон буриб машқ қиларкан.

– Ҳа, бу жуда қизиқ... – деди Собиржон ўйлашиб.

– Собиржон ака, нима деб ўйлайсиз, унинг гаплари тўғримикин ёки олдиндан режалаштирилган ҳикояни сўзладими? – деди.

– Терговни давом эттираверайлик-чи, ҳаммаси ойдинлашиб қолади.

– Энди марҳумнинг собиқ қайнотасини сўроқ қиламизми?

– Ҳа, уни тушдан кейинга чақирганман, – деди Собиржон соатига қараб.

– Ростини айтсам, Собиржон ака, айрим пайтларда сизга тушунмай қоламан. Ўша Муниса опа деганнинг оилавий муаммоларини эрталабки соат тўққиздан роппа-роса биргача эшитиб ўтириш шартмиди? Унинг тинмай кўз ёш тўкишлари-ю, нолишлари жонингизга тегиб кетмадими? Ишга тааллуқли саволларга жавоб олишнинг ўзи кифоя эмасмиди?

– Агар билсангиз, эътиборли киши унинг ҳар сўзини ишга тааллуқли деб ҳисобларди.

– Тушунмадим...

– Тушуниш учун ҳозиргина айтганимдек, эътиборли бўлиш керак.

– Майли, майли. Яхшиси тезроқ тушлик қилайлик. Қорним очликдан ҳуштак чалаяпти, – деди эшик томон юраркан Фарҳод.

ХIII БОБ

Собиржон мархум Турдиевнинг собиқ қайно-таси Жобиров Солиҳни сўроқ қиларди. У қотил-лик жойидан топилган эркаклар тароғини кўр-сатиб:

– Бу тароқ сизга таниш эмасми? – деди.

Солиҳ ака қора, ялтироқ гардишли тароққа бир зум қараб қолди ва бирпасдан кейин:

– Йўқ, мен билмайман, – деди.

– Биз бу тароқни ўғлингиз Жобиров Фаррухни-ки, деб гумон қиялпмиз. Чунки у ердан олинган кроссовка излари ҳам унинг оёқ ўлчамига тўғри келяпти. Ўғлингизнинг қирқ тўртинчи ўлчамли кроссовка кийиши сизга маълум бўлса керак.

– Бу билан нима демоқчисиз? Фаррухни қо-тиллиқда айбламоқчимисиз? – деди Солиҳ ака-нинг ранги ўчиб.

– Буни тергов натижалари кўрсатади, мен фақат сиздан тароқ ҳақида сўрадим, холос, – деди Собиржон хотиржам оҳангда.

– Минг лаънат ўша тароққа! – деди Солиҳ ака бўғилиб.

Собиржон унга таажжубланиб қараб:

– Бу нима деганингиз? Сиз терговда ўтириб-сиз, ўзингиздан-ўзингиз бақирингизга йўл қўйилмайди. Кўринишингиздан оқ-қорани та-ниган, босиқ одамга ўхшагандингиз, – деди.

– Кечирасиз, узр, ўғлимни айбламоқчи бўла-ётганингизга ўзимни тўхтатолмай қолдим. Ишо-нинг, у айбдор эмас, у бормаган.

– Қаерга?

– Ўша ярамаснинг уйига.

– Сиз буни қаердан биласиз? Ундай бўлса та-роқ-чи, у қандай қилиб ўша ерда пайдо бўлган?

Агар билсангиз жавоб беринг, бўлмаса, ўглингиз шубҳа остида бўлади, – деб Собиржон гувоҳдан кўзини узмай унга диққат билан тикилди.

Солиҳ ака бошини чайқади. У ўзини ёмон ҳис қилди шекилли, чўнтагидан дори чиқариб оғзига солди, кейин ундан ҳамон жавоб кутиб кузатиб турган Собиржонга қараб:

– Тароқ меники... – деди.

– Нима?

– Кўриб турганингиздек, сочимни ҳар куни бир неча марта тарашга одатланганман, – деди у сийрак бўлса-да, силлиқ қилиб таралган сочини кўрсатиб.

Солиҳ аканинг кутилмаган гапидан Собиржон билан Фарҳод бир-бирларига қараб олишди. Собиржон ўрнидан туриб унга яқинроқ келиб:

– Балки сиз ўглингизни жазодан қутқариб қолиш учун ёлгон гапираётгандирсиз? – деди.

– Мен ростини айтдим.

– Бу билан сиз собиқ куёвингизни ва унинг жазманини ўлдирганингизни тан оласизми?

– Ҳа, мен уни ўлдиришни доимо истаганман.

– Кейин сиз истагингизни бажаргансиз, тўғрими? – деди Собиржон бармоғини бигиз қилиб.

– Мен ҳеч нарсани тушунтиролмаяман, бу сиз ўйлаганингиздек бўлмаган. Нима десам экан?

– Айбингизни тан оласизми?

– Қайси айбимни назарда тутаётганингизни билолмаяпман?

– Қотилликни.

– У жуда жирканч кимса эди. Агар сиз унинг қандайлигини билганингизда, балки... Буни сизга қандай тушунтирсам экан?

– Қотилликда айблаш учун марҳумнинг қандай одамлигини билишнинг аҳамияти бўлмайди. Тушунтиришнинг умуман ҳожати йўқ, айбдорлигингизни тан олсангиз, ўзи ҳаммаси тушунарли бўлиб қолади.

– Гапнинг пўсткаллеси, айбдорман. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Лекин буни бошидан айтиб беришим керак, деб ўйлайман.

– Албатта, ҳаммасини битта қолдирмай бошидан гапириб беринг.

– Майли, гапираман...

XIV БОБ

Солиҳ ака қизи Гулҳаёни узатган кундан бери ўзини айбдор деб ҳисоблар, қилган хатоси учун сиқиларди. «Тўғри, Муниса аёллигига бориб, уни тезроқ узатиш кўйига тушди. Мен-чи, мен қизимга ишонардим-ку, унинг ҳеч қачон юзимизни ерга қаратмаслигини билардим-ку. Уни онасининг қаршилигига қарамай чет элга ўқишга юборсам, олам гулистон эди. Мени ўзи нима жин урди? Ҳамиша маслаҳатларига қулоқ соладиган Худоёр амакимнинг гапига ҳам кирмадим-а. Амаким Гулҳаёни узатишимга кескин қаршилиқ билдиргандилар. Мен аҳмоқ хотинларнинг гапига лаққа тушиб, ўша ифлос оилани яхшилаб суриштиришга ҳам шошилиб, қўшқўллаб шўрлик қизимни қандайдир бир ярамасга бериб, хўрлатиб қўйдим. Энди қўлимдан ҳеч нарса келмайди», деган хаёллар билан сиқиларди.

Гулҳаё эри билан қонуний ажрашганидан сўнг эса тирик етим иккита невараси, йигирма

етти ёшида бева бўлиб қолган бечора қизига қараб эзилар, ўзини кечиролмай қийналарди.

Ўша кечаси Жаъфарнинг нотариусда айтган гапларини ўғлидан эшитганида юрагига пичоқ ургандек бўлди. Қизига шунча йил азоб бергани етмагандек, энди унинг шаънига доғ туширмоқчими? Гулҳаё шунга лойиқми? Бунга асло йўл қўймайман, ўйлади Солиҳ ака, гарчи хотинига ва ўғлига сир бой бермаса-да, ич-ичидан зил кетди.

У ўша куни хонасига кириб ётмади, ётоқхонасига қўшни хонада хаёлларини жамлаш ниятида кўрпачага чўзилди. У бошқаларни ташвишлантирмаслик учун хона чироғини ўчириб, ўзини ухлаганга солиб ётди.

Солиҳ ака Гулҳаёнинг кўп жиҳатларини ўзига ўхшатарди. «У ҳам юрагидаги кўп гапларини дастурхон қилиб юрмасдан ичига ютади. Ҳамма нарсани ақл тарозисига солиб, кейин гапиради. Қизим менинг бир офиз гапимни ҳеч қачон икки қилмаган. Ҳатто ота розилигини деб, ўзи ёқтирмаган, ёмон кўрган одамга турмушга чиқди. Шунча қийналган бўлса ҳам, дада, ойи, сизларнинг айбингиз билан мен бахтиқаро бўлдим ёки шунга яқин бирор нима демаган. Етти йилдан бери унинг ич-этини еб юрганини биламан.

Жаъфар пасткаш, «агар болалар мендан бўлганида онаси билан кетмасди...» деган гапни қандай айтди экан? Қизим шўрлик ундан энди қутулдим деганида, бундай тухматга қандай чидайди? У бу гапни ҳозир эшитмаса ҳам, қачонлардир бировдан эшитиб қолиши аниқ. Гулҳаё

калтакларга, ҳақоратларга чидади, бироқ у бу бўҳтонга чидай олмайди. Қизим ўзини бир нима қилиб қўйса-я!»

Солиҳ ака хаёлига келган бу гапдан кўрқиб кетди. У ўрнидан туриб ўтирди. «Нима қилсам, қизимга ёрдам бера оламан? Ўйлашим керак, ахир уни шу аҳволга солган ўзимман-ку». Солиҳ аканинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Қанча ўйласа ҳам, Гулҳаёнинг яна илгаригидек бахтли бўлишига ҳеч қандай чора тополмасди. «Бечора қизим, мени деб қай қўйларга тушди, бироқ мен унга ҳеч қандай ёрдам беролмасам. Қандай ношуд отаман, энди буёғига қандай яшайман? Ўша ярамаснинг дастидан шўрликнинг кундан-кунга аҳволи ёмонлашиб бораётганини кўриб, ҳеч нима билмагандек юравераманми?»

Солиҳ ака яна кўрпачага чўзилди. У кўз ёшларини артди. «Оҳ-воҳ чекиб, кўз ёши тўкиб ётганим билан бирор нимага эришаманми? Бу билан ҳеч нарсани ўзгартиролмайман. Мен миямни ишлатиб, унга яхши бўладиган бир нарса ўйлашим керак. Акс ҳолда ўн гулидан бир гули очилмаган фарзандимдан айрилиб қолишим мумкин», деб у яна туриб ўтирди.

«Уни ўлдиришим керак! Ўлдириганда ҳам бурда-бурда қилиб ташлайман! Ўлдира олишимга ишонаман. Мен жонли жонзотлардан ҳеч қайсисини ўлдиролмайман, ҳатто чумолини ҳам бехосдан босиб қўйсам, қанчалик ачинаман. Лекин ўша ит эмганни ўлдираман, чунки у одам эмас. Жаъфар ҳар қандай ҳайвондан ҳам тубан махлуқ. У пок аёлни ҳақоратлаб, шаънига бўҳтон ёғдириб, ўз пушти камаридан бўлган фарзандларини тан олмай ҳаммасини ароққа

алмаштириб юборган. Ярамаснинг яшашга ҳаққи йўқ. Бу ишни орқага суриб юрмаслигим керак. Қанча тез бажарсам, шунча яхши. Ҳозироқ бориб унинг бошига бир болта ураман, тамом-вассалом...

Солиҳ ака бу қароридан нимагадир енгил тортгандек бўлди. У ўрнидан туриб, соатига қаради – тўрт бўляпти. Ётоқхона чироғи ёнганида қия очиқ эшикдан секин қаради. Хотини дори ичаётганини кўриб, унга ачиниб кетди. Шўрлик унга ҳам қийин бўлди, ҳалигача ухламай, сиқилиб ётибди. Дорисини ичяпти, юраги безовта қияпти, шекилли. Аёл киши кўз ёши тўкишдан бошқа нима ҳам қила оларди? Бориб аҳволини сўрасаммикин? Йўқ, ҳадемай тонг отиб қолади, яхшиси ҳамма ишни бажариб келганимдан сўнг ёнига кираман, деб ўйлаб, Солиҳ ака оёқ товушини чиқармай ташқарига чиқиб кетди. У йўл-йўлакай курткази билан кроссовказини қўлига олиб, ташқарида кийди ва кўп ўйланиб турмай, ёзги ошхонада шкафнинг пастида турадиган ўткир болтани қўлига олди. Болтанинг дастаси унга нимагадир илиқ туйилди. Дарвозанинг қулфланмаганини кўриб, кечаги гаплардан кейин ҳаммамиз сиқилганимиздан қулфлашни унутибмиз, деб ўйлади. У буларга унча аҳамият бермай, тонг отишдан олдинги тушадиган қоронғиликда тез-тез юриб, зулмат қўйнига чўмиб кетди.

Ярамаснинг ҳар куни ичиши маълум, қотиб ухлаб ётган бўлса керак. Бир муаммо, эшикни қандай очаман?! Болта билан синдириб очаман. Очаману, унинг бошини эзаман, раҳмим келмайди. Оиламизнинг обрўси, қизимнинг шаъни

учун қотилликка қўл ураман. Кейин қамашса ҳам майли. Ҳеч ким мени нотўғри иш қилибди, демаслиги аниқ.

Солиҳ ака шундай хаёллар билан бир пайтлар қуда бўлиб кирган уйига етиб келди. Уйнинг бир хонасида чироқ ёниб турарди.

– Бу айни муддао, чироқни ёқиб ухлаб қолибди. Ҳозир кириб чоғиб ташлайман, – деб шивирлади у.

Солиҳ ака ташқари эшикнинг ланг очиқ турганини кўриб ҳайрон бўлди. Ичиб келиб бекиштишга ҳам мадори қолмаган чоғи, деб ўйлаб, ичкарига қараб юрди. У ёруғ хонага қаради. Подда ухлаб ётган иккита одамни кўриб, синчиклаб тикилди. Улардан бири Жаъфар, иккинчиси аёл киши эди.

Аллақандай сассиқ ҳиддан Солиҳ аканинг димоғи ачишиб, қутилмаганда аксириб юбормоқчи бўлди. У шошиб чўнтагидан рўмолчасини олиб, овози чиқмаслиги учун оғзи-бурнига босди. Шунда рўмолча билан бирга тароғи ҳам ўралишиб чиқиб, пастга тушиб кетди. Қоронғида тароғини излаганнинг фойдаси йўқ, барибир тополмайман, деб ўйлаб уни қидирмади.

Энди нима қиламан, бу аёлни ҳам ўлдирсам-микин? Бошқа иложим йўқ, ўша хотин бўлса керак. Иккаласи ҳам бир гўр... Солиҳ ака бутун вужуди титраётганини сезиб ажабланди. Менга нима бўляпти, ахир бу ерда қўрқадиган нарсанинг ўзи йўқ-ку, нега қалтираяпман? У тураверса фикридан қайтиб қолишини сезиб, болтани кўтарганича хонага югуриб кирди.

Жаъфар хуррак отарди, аёл эса вишиларди. Уларнинг ётишига бирпас разм солиб турган

Солиҳ ака, инсон ҳам шунчалик жирканч бўладими, деб бошини чайқади. У болтани кўтариб Жаъфарнинг тепасига келди. Ҳозир болта билан уни чошиб, бурдалаб ташлайман, деб ўйлади ва шу ҳолат кўз олдига келиб, кўнгли айниди. Унга ҳаво етишмай терга ботиб кетди, кимдир томоғидан бўғаётгандек бўлди ва у жон ҳолатда ташқарига югурди.

Солиҳ ака кўчага чиққач, нафас олиши равонлашди. У ўпкасини тўлдириб чуқур нафас олди ва ўзини яхши сеза бошлади. «Яратганга шукр, вақтида ўзимни тўхтатиб қолдим. Нималар қилмоқчи эдим-а? Қандай даҳшат! Қонга беланган қўллар билан қандай яшаш мумкин? Қотилликка қўл уриб, икки дунё азобини елкамга ортишимга сал қолди. Бу ердан тезроқ кетишим керак», ўйлади Солиҳ ака.

У болтани курткаси ичига яшириб, келган йўлидан орқасига қайтиб кетди. Тонг ёриша бошлаган эди. Қоронғида туртилиб-суртилиб келган йўли энди ғира-шира ёруғда кўриниб, бемалол қадам ташларди. Солиҳ ака маҳалла бўйлаб кетаркан, унинг димоғига баҳорда гуллаган, янги куртак ёзаётган дарахтларнинг ифори урилиб, тоза ҳаводан ютоқиб-ютоқиб нафас оларди. У уйига яқинлашиб қолганида ҳамма ёқ ёруғ бўлиб қолди. Кўчага чиқиб турган қўшниси Шермат ака Солиҳ аканинг саломиги алик олиб:

– Эрта тонгда қаердан келяпсиз, Солиҳбой? – деди.

– Ёмон туш кўриб уйқум қочганди, шунинг учун кўчаларни бир айланиб қайтдим.

– Сизга айтсам, ука, тушга мутлақо эътибор берманг, тушга нималар кирмайди, душман нималар демайди, деб бекорга айтишмаган.

– Тўғри айтасиз, Шермат ака, умуман олганда, эрталаб икки соатча пиёда юриш бизнинг ёшимизда кони фойда деганлари тўғрига ўхшайди. Мана, мен чиқиб кетаётганимда худди оёқларимга тош боғлангандек оғир эдим, ҳозир қушдек енгилман, ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман.

– Агар юрсанг пиёда, умринг бўлар зиёда, деб жуда тўғри айтишган. Мен ҳам эрталаб юрмаган куним худди касалга ўхшаб қоламан, – деб Шермат ака узоқлашди.

– Майли, Шермат ака, чиқинг, – деди Солиҳ ака ва уйига кирди.

У ечиниб уйга кириши билан ювиниш хонасига қараб юрди. Жаъфарникидан чиққанида унинг ҳамма ёғига уйнинг ислари, жирканч қорақуя ўралашиб қолгандек туйилаётганди. Тезроқ булардан қутилиш учун душ қабул қилди. Сийраклашган оппоқ сочларини ҳамиша орқага силиқ қилиб тараб юришга одатланган Солиҳ ака ваннахонада ойнага қараб сочларини тараётиб, Жаъфарникида тушиб кетган тароғини эслади. У ванна халатини кийиб, Муниса опанинг ёнига кирди. Гулҳаё унинг оёқларини уқалаётганди. Солиҳ ака хомуш ўтирган қизининг саломига алик олиб:

– Ойингга нима бўлди? – деди.

– Иситмалари кўтарилиб кетибди, оёғим тортиб оғрияпти, деяптилар. Акам Шафоат кеннойини айтиб келишга чиқиб кетдилар, – деди Гулҳаё.

– Дадаси, уйғондингизми? Қаранг, мазам қо-
чиб қолди, – деди кўзини аранг очиб Муниса опа.

Солиҳ ака унга раҳми келиб:

– Ҳамма гапни ўзингга олма-да, онаси. Худо
хоҳдаса кўрмагандек бўлиб кетасан, – деди.

– Ҳа, тўғри...

XV БОБ

Собиржон Солиҳ аканинг сўзларини диққат
билан эшитар, Фарҳод эса ёзиб оларди. У гапини
тамомлаганидан сўнг Собиржон:

– Сиз жиноят жойидан топилган тарақни ўзин-
гизники эканини тан олдингиз, тўғрими? – деди.

– Тўғри, меники.

– Турдиев Жаъфарни ким ўлдирганини била-
сизми?

– Гапнинг пўсткалласи, мен ўлдирилишидан
бир кун олдин уникага бориб, ўлдириш нияти-
дан қайтиб, уйга келганимни ҳозиргина айтиб
бердим. Ким ўлдирганини билмайман.

– Эртаси куни тунги соат бир-иккиларда қа-
ерда эдингиз?

– Уйда эдим.

– Сиз иккинчи апрелдан учинчи апрелга ўтар
кечаси тунги соат бир-иккиларда уйда бўлга-
нингизни қандай исботлайсиз?

– Ўша куни кундузи ҳам, тунда ҳам Муниса-
нинг аҳволи ёмон эди. Врач қўшнимиз Шафоат
унинг ёнидан жилмади. Болалар, ҳаммамиз уйда
ундан хавотир олиб, ухламасдан ўтириб чиқдик.
Тонгда иситмаси тушиб, ухлаб қолди. Эрталаб
Жаъфар воқеасини эшитиб, Мунисани уйғотиб
унга айтдим.

– Ўғлингиз-чи, ўша тунда у ҳам туни билан уйда миди?

– Ҳа, ҳеч қаёққа жилмади.

– Қизингиз қаерда эди?

– Менимча, у ҳам онасининг ёнида эди...

– Аниқроғи-чи?

– Куни билан онасининг ёнидан жилмаган Гулҳаё кечаси кўринмади, мен унинг қаердалигини кеннойисидан сўрасам, тоби бўлмаётганди, хонасида ётгандир, деди. Мен хавотир олиб, кейинроқ унинг хонасига бордим, қарасам кўрпага бурканиб, дағ-дағ титраб ётибди. Сенга нима бўлди, десам, совқотяпман, деди. Шафоатга ундан хабар олишини илтимос қилдим. Врач унинг ҳам иссиғи кўтарилиб кетганини айтди.

– Айта олмайсизми, сиз қизингиздан хабар олганингизда тахминан соат неча эди?

– Соат нечалигини билмайман-у, эндигина тонг ёришган эди, ҳа, тонг ёриша бошлаган пайт эди...

– Демак, сиз уни кечаси билан хонасида иситмалаб ётган деб ўйлайсиз?

– Ҳа, ҳамма онаси билан бўлиб, бечорадан ҳеч ким хабар олмаган. Тушунмаяпман, Гулҳаёга кечаси нима бўлганига нега қизиқяпсиз? – деди Солиҳ ака таажжубланиб.

– Жобиров, ҳаммасини билиш бу бизнинг вазифамиз, – деди Собиржон ўйга толиб.

Фарҳод унга тегишли ҳужжатларга имзо чектириб, кетавериши мумкинлигини айтганидан сўнг ҳам кетмасдан турганига ҳайрон бўлиб, Собиржон:

– Бир нимани айтиш эсингиздан чиқибдими, кетишга шошилмаяпсиз? – деб сўради.

– Ҳа... йўқ, гапнинг пўсткаллеси, сизларга бир илтимосим бор эди. Буни қандай айтишни билмай туриб қолдим, – деди Солиҳ ака ўнғайсизланиб.

– Нима экан? – деди Собиржон.

– Агар иложи бўлса, гапнинг пўсткаллеси, менинг Жаъфарни ўлдириш мақсадида уникага борганимни ҳеч кимга айтмасанглар. Ўтиниб сўрайман, менинг шундай жирканч, гуноҳ иш – қотилликка қўл уришимга озгина қолганини оиламдагилар билиб, мендан ҳазар қилишларини истамасдим...

– Биз бунга ваъда беролмаймиз, терговнинг боришига қараб йўл тутишимиз керак. Агар оиламиздагиларнинг терговда берган кўрсатмалари ичида ёлғони бўлмаса, ҳаммангиз рўй-рост гапирган бўлсангизлар, илтимосингизни бажаришга ҳаракат қиламиз, – деди Собиржон.

– Майли, ўғлим, айбга буюрмайсиз, узр, – деб Солиҳ ака чиқиб кетди.

Фарҳод ўрнидан туриб, қўлларини ёйганча, ўз хайратини намойиш қила бошлади:

– Буни қаранг-а, хотинининг илтимосини эри ҳам такрорляпти! Собиржон ака, бир нима десангиз-чи. Ҳеч бўлмаса уларнинг келишиб олганига ишончингиз комиллигини айтинг.

– Нега ёлғон гапиришимни сўраяпсиз? – деди Собиржон иш материаларини варақларкан Фарҳоднинг гапларига унчалик аҳамият бермай.

– Нима, улар келишиб олганига ишонмаяпсизми?

– Бу ҳақда ҳозирча бир нима деёлмайман.

– Мен эса, улар фирт ёлғон гапиряптилар, қотилликни биргалашиб қилиб, терговда ҳар ким

нималарни сўзлаб беришларини қатъиян белгилаб олишган, деб ўйлайман.

– Хўш-хўш, нимага асосан?

– Ўзингизга маълум, тинтув пайтида марҳумнинг уйидан Жобировлар оиласи аъзоларининг ҳар бирига тегишли бўлган ашъвий далиллар топилган. Топилган буюмлар ўзлариники эканини тан олмасдан асло иложлари йўқ эканини яхши билишади. Улар қийин вазиятдан чиқишнинг айёрона йўлини топиб, усталик билан бизни алдашяпти.

– Оқилона фалсафий фикрларингизга тан бермай иложим йўқ, – деди кулиб Собиржон.

– Мен ҳаммасидан ҳам уларнинг артистлик маҳоратига қойил қолдим. Эркагу аёлнинг кўз ёш тўкишларига гап йўқ.

– Ҳали терговни тугатмадик, Фарҳод. Бошқаларни ҳам сўроқ қилаверайлик-чи, балки вазият бутунлай бошқача тус олар. Фикрингизнинг ўзгарувчанлиги фақат менга эмас, ўзингизга ҳам маълум. Шундай экан, балки кутилмаганда гумондорлар ҳақидаги фикрларингиз ўзгарар?

– Ким билади, балки...

ИККИНЧИ ҚИСМ

ЗУЛМАТГА БИР ҚАДАМ...

I БОБ

Апрел ойининг охири. Эрталаб ишга келган Собиржон соат тўққиз бўлишига қарамасдан Фарҳоддан дарак йўқлигига ажабланиб, унга қўнғироқ қилди. Телефони ўчирилган эканидан баттар ҳайрон қолиб, унинг хонасига борди. Хона эшиги очиқ тургани учун кириб қараса, Фарҳод деразадан осмонга тикилганича қимир этмасдан турарди. Нима бўлди экан, деб Собиржон ҳам осмонга қаради. Кўм-кўк осмон, ҳар жой-ҳар жойда оппоқ булутлар сузиб юрарди.

– Нима гап, тинчликми? – деди Собиржон.

– Ассалому алайкум, асабларимни тинчлантир-япман, – деди Фарҳод осмондан кўзини узмай.

– Осмонга тикилиб-а?

– Ҳа, илтимос, бироз халақит бермай туринг, беш дақиқадан сўнг ўзим хонангизга кираман.

Собиржон ҳеч нарсага тушунмай чиқиб кетди. Анчадан кейин кириб келган Фарҳод бошқатдан саломлашиб, компьютер қаршисига ўтирди.

– Хўш, эрталабдан нимага асабийлашдингиз, агар сир бўлмаса, айтинг-чи, – деди Собиржон.

– Ҳеч нимадан.

– Ие, боя асабларимни тинчлантиряпман, дедингиз-ку.

– Биласизми, Собиржон ака, асабларни тинчлаштириш учун асабийлашиш шарт эмас экан. Кеча телевизорда бир шифокорнинг гапларини эшитиб, маслаҳатларига амал қилишга аҳд қилдим. Унинг айтишича, ҳар қандай касалнинг олдини олувчи энг яхши даво бу асабларни ҳамиша тинчлантириб юриш.

– Ўша шифокор асабларни қандай тинчлантириш йўлларини ҳам кўрсатиб бердими?

– Албатта, мусаффо осмонга тикилиб, ҳеч нимани ўйламай туриш ҳам асабларни тинчлантираркан. Эрталаб деразадан қарасам, осмон тиниқ, чиройли кўринди ва ўша шифокорнинг гаплари эсимга тушиб, уни амалда синамоқчи бўлдим. Сиз кириб халақит бермаганингизда, балки унинг гаплари тўғри экан, деган бўлармидим.

– Тушунарли, лекин асабга тегадиган воқеа бўлиб қолса, ҳар қандай тинчиган асаб ҳам чидамайди. Менимча, инсоннинг осойишталиги, тинчлиги, кайфияти унинг теварак-атрофидагиларга, яқинларининг қандайлигига ҳам боғлиқ, – деди Собиржон.

– Мутлақо ҳақсиз, энди шифокорнинг гапини ҳам ерда қолдирмай, дедим-да, – деди кулиб Фарҳод.

Хизмат телефони жиринглади.

– Эшитаман.

– Жобиров Фаррух терговга келган экан, кираверсинми? – деди навбатчи.

– Ҳа, уни кутяпмиз.

Собиржон Фаррухнинг шахсига доир саволлар бериб бўлганидан сўнг, жиноят ишига алоқадор саволлар бера бошлади.

– Сизнинг собиқ куёвингиз Турдиевга адоватингиз бормиди?

– Билмадим, буни адоват дейишадими, қандай сўз билан аташга ҳайронман. Ўлганни ёмонламайдилар, дейишади-ю, аммо ростини айтишим керак. Уни ёмон кўрардим, кўргани кўзим йўқ эди, чунки синглимнинг ҳаётини жаҳаннамга айлантирганди, – деб Фаррух бир чеккага қаради.

Фаррухнинг кўзлари, оқ-сарикдан келган юзи Муниса опаникига ўхшарди, бўйи эса отаси Солиҳ аканики каби баланд эди. «Дадасига ўхшаб ўйланиб, ўрни-ўрнида гапираркан», хаёлидан ўтказди Собиржон.

– Айтинг-чи, уни шу даражада ёмон кўрганингиздан ўлдириб юбориш ҳам хаёлингизга келганмиди?

– Билмадим...

– Марҳумларнинг ўлдирилган жойидан қирқ тўртинчи ўлчамли кроссовка излари аниқланган. Шубҳа остидаги кишилардан фақат сиз ва дадангизгина шу ўлчамли оёқ кийими кияркансизлар. Ростини айтишингиз керак, бу дадангизнинг оёқ изларими ёки сизники? – деб Собиржон унинг кўзларига қаради.

Фаррух бир нуқтага тикилганича қолди. Кейин Собиржонга қараб:

– Гапнинг ўфил боласини айтганда, ўша излар дадамнинг оёқ излари эмаслигига ишончим комил, – деди.

– Нега?

- Чунки дадам у ерга бормаганлар.
- Сиз буни қаердан биласиз, балки дадангиз ўша ерда бўлгандир?
- Мен у кишининг қандай инсон эканликларини биламан.
- Хўш, қандай?
- У киши ҳар бир қадамни ўйлаб босадилар, ҳеч қачон шайтон васвасасига қулоқ солмайдилар, гуноҳ иш қилмасликларига имоним комил. Бизга ҳам шуни ўргатганлар.
- Бундан чиқди, оёқ излари сизники экан-да? Фаррух индамай ерга қаради. Собиржон жавобсиз қолган саволини такрорлади:
- Ўша оёқ излари сизникими? Нега индамаяпсиз?
- Фаррух бошини кўтариб Собиржонга қаради. У, чамаси, ёлгон гапиришнинг фойдаси йўқлигини сизди чоғи, бошини қимирлатиб:
- Ҳа, меники... – деди.
- Бу билан сиз иккита одамни, яъни Турдиев Жаъфар ва Жамилова Сокиналарни ўлдирганингизни тан олаётганингизни биласизми? – деди Собиржон унга ҳайрат билан тикилиб.
- Фарҳод ҳам ёзишдан тўхтаб, наҳотки осонгина айбига иқдор бўлди, жуда мард эканми, дегандек унга бир қараб қўйиб, яна ёзишда давом этди.
- Нима, қирқ тўртинчи ўлчамли оёқ кийимининг излари кимники бўлса, шу одам қотил, деган фикрдамисиз? – деди Фаррух.
- Албатта, мен буни бир қанча далилларга асосланиб айтяпман. Суд тиббий экспертиза хулосаларидан, дактилоскопик экспертиза маълум

мотларидан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин. 44-ўлчамли кроссовка кийган гумондор шубҳадан ҳоли эмас. Қотил учи тўмтоқ темир буюм билан Турдиевнинг бошига уриб ўлдирган. Марҳума Жамилованинг баданида ҳам ўша кроссовка излари борлиги, қотил уни тепиб ўлдирганлигидан далолат беради.

Фаррух бошини чангаллади. У инграганга ўхшаган овозда гапирарди.

– Оёқ излари меники... Қандай даҳшат!

– Жобиров, қотилликни қандай содир этганингизни айтасизми?

– Қотилликни дедингизми?

– Ҳа, гап қотиллик ҳақида кетяпти. Ахир икки киши ўлдирилганини яхши биласиз-ку.

– Қотиллик... Қотиллик... Ҳаммасини гапириб беришим керак. Ҳа, ҳаммасини гапираман...

– Албатта, гапириб беришингиз шарт. Демак, сиз айбингизни тан оляпсиз. Фақат қандай қилиб қотилликни амалга оширганингизни сўзлаб беришингиз қолди, холос. Чунки иқрор бўлишнинг ўзигина кифоя эмас, – деди Собиржон унинг рўпарасига келиб, синчковлик билан қараркан.

Фаррух нимагадир ўрнидан турди ва яна жойига ўтирди. У рўмолчасини чиқариб пешанасидан мунчоқ-мунчоқ бўлиб қуйилаётган терларини артди.

«Шу йигит қотилми? Хаёлимга ҳам келмаганди-я. Мен уни ҳатто марҳумнинг уйига бормаган, деган фикрда эдим, тароқ ҳам уники эканига ишонмагандим, демак, янглишган эканман. Наҳотки, сезгиларим панд берди, наҳотки

Фарҳод ҳақ бўлиб чиқса», деб ўйларди Собиржон Фаррухга бошдан-оёқ тикилиб.

Фаррух ўзини босиб олди чоғи:

– Мен ҳаммасини айтиб беришга тайёрман, – деди.

II БОБ

Фаррух билан Гулҳаё жуда иноқ ака-сингиллар эди. У кўпчилик акалар сингари сингисидан кўз-қулоқ бўлиб юрар, уни бировга хафа қилдирмасди. Фақат тўйи бўлиб ўтганига ҳеч қанча ўтмай, сингисини ҳам узатиш кўйига тушиб қолган ота-онасининг куёвни суриштириш тўғрисидаги гапларига эътибор билан қарамади. Балки бунга сабаб севган қизига уйланиб, хурсандлигидан ҳали ўзига келмагани бўлгандир. Ҳар қанақасига ўйлаганида ҳам, Фаррух Жаъфар ҳақида нотўғри фикр билдириб, Гулҳаёни бахтсиз қилиб қўйишда ўзини айбларди.

«Аҳмоқ эканман, бир кунда кимнинг қандай одамлигини билиб бўлмаслигига ақлим етмади-я. Бировнинг гапи билан уйдагиларга дарров унинг яхши йигитлигини айтиб мақтабман-а. Шу мазмундаги мақтовни кутиб турган ойим эса совчиларга рухсат бериб юборайлик, деб даданинг ҳоли-жонига қўймадилар. Ҳа, ҳаммасига бош сабабчи ўзимман. Энг даҳшатлиси, тўйга икки кун қолганида яна бир танишим билан бўлиб ўтган суҳбат эди», деб Фаррух ўша кунги ҳеч унутолмаётган гапни эслади.

Фаррух мактабда ўзидан бир синф кейин ўқиган Султонни учратиб қолиб, у билан сўраша кетди.

– Шунча йилдан бери кўришмабмиз, бирга баскетболга қатнардик. Мусобақалар эсингдами? – деди Фаррух ўша кезларни эслаб.

– Эсдан чиқармиди. Сизга айтсам, мактабда ўқиб юрган вақтларимиз заб ажойиб вақтлар экан-да.

Султон қайси институтни тамомлаганини айтганидан сўнг, Жаъфарнинг ҳам шу институтни битиргани эсига тушиб, Фаррух у ҳақида сўради.

– Жаъфар деган бола ҳам сизлар билан бирга ўқиганми?

– Ҳа, ўзи бизда битта Жаъфар бор эди. Пасткашликда ҳам дунёда битта бўлса керак, менимча, унга етадиган ярамас, ифлос кимса йўқ.

Фаррух қотиб қолди, кейин ўзини ўнглаб:

– Исмини айтишим билан ҳақоратлай бошлаганинга қараганда қаттиқ уришгансизлар, шекилли, – деди.

– Унинг пасткашлигини кўпчилик биларди, уришиш шарт эмас, очигини айтсам, ёқтирмаганимдан у билан гаплашиб ҳам кўрмаганман. Оиласи ҳақида ҳам ҳар хил гаплар айтишади. Онасининг институтга келиб пул ундириш учун Шавкатга туҳмат қилиб, шаллақилик қилганини билмаган одам йўқ.

– Жаҳонгир бошқача гапирганди, демак, уни яхши билмас экан-да... – деди бўшашиб Фаррух.

– Жаҳон ўзи бизга охирги курсда келди-ку, бунинг устига у сал овсарроқ бола. Айтмоқчи, нега Жаъфарни суриштириб қолдингиз? – сўради Султон бирдан сергак тортиб.

– Ўзим, шунчаки...

Фаррух Султон билан бўлган суҳбатдан кейин ўзини тентак, хомкалла, деб бошига урди. У уйга келиб Жаъфар ҳақидаги Султоннинг гапларини отасига айтиб бериб:

– Дада, ёмон янглишибман, аҳмоққа ўхшаб Жаҳон овсарнинг гапи билан бўлажак куёвни кўкларга кўтариб мақтабман, энди нима бўлади? Гулининг бахтсиз бўлиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак, – деди.

– Ўзимнинг ҳам шу тўйга кўнглим чопмаяпти. Қуда бўлмиш аёлнинг ўзини тутиши, пойинтар-сойинтар гапларидан хулоса чиқариб, кеча ойингга тўйни тўхтатайлик, уларнинг нарсаларини қайтариб юборайлик, дегандим. Ойинг оёқ тираб туриб олган. Нима эмиш, тўйи қайтарилган қизни кейин ҳеч ким келин қилмас эмиш.

– Дада, сизга ўғил бола гапни айтсам, Гули бахтсиз бўлса, ўзимни кечиролмайман, чунки ҳаммасига мен айбдорман. Агар ўша Жаъфар ҳақида дастлаб илиқ гаплар топиб келмаганимда унаштирув бўлмасди, – деди Фаррух ерга қараб.

– Сенда айб йўқ, чунки сенинг ёшингда ким ҳам ҳаётни, одамларни беш бармоқдай биларди. Ҳаммасини ўзим ҳал қилишим керак эди. Бу ёқда онангнинг гаплари, нима қилишимни билмаяпман, ўғлим.

– Ҳали тўй бўлмади-ку, тўхтатиш мумкин. Гулининг кайфиятидан унинг ҳам кўнгли йўқлиги кўриниб турибди, дада, – деди куйиниб Фаррух.

– Гапинг тўғри, лекин одамлар нима дейди. Бугун тўйга рухсат бериб, эртага қайтариб

юборган бeбурд одам экан, дейишмайдими. Бунинг устига таклифномалар тарқатиб бўлинган. Маҳалла-кўйда қандай бош кўтариб юришимни ҳам ўйлашим керак...

III БОБ

Уйдаги ҳамма тўйгача Жаъфарнинг оиласини, унинг ўзи қандайлигини деярли билиб бўлишди. Бироқ ҳеч ким тўйни тўхтатишни қатъий таклиф қилмади. Энг қизиги, ҳамма тўйдан норози, лекин уни қайтариб юборишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Кимдир ўз обрўсини ўйласа, бошқаси қизи қари қиз бўлиб қолишидан қўрқар, яна бошқаси қўлидан ҳеч нима келмаслигидан куюнарди. Лекин улар энг асосийси, Гулҳаёнинг тақдирига эътиборсиз қарадилар. Унинг ўзи эса ота-онанинг гапини икки қилмасликка ўрганиб қолганди.

Ниҳоят, тўй бошланди. Гулҳаё янги ҳаёт бўсағасига қадам ташлаётган бахтли қизга эмас, онасининг гапини қайтаролмай, ўзига ёқмаган кўйлак кийиб меҳмонга келган қизга ўхшаб, хомуш ўтирарди. Муниса опа қизига эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, бутун диққатини тўйга келган хотин-халажга қаратган эди. Солиҳ ака қудаларининг пасткашликларини ич-ичидан ҳис қилиб, уларнинг юзидаги сохта табассумни кўрган сайин сиқиларди. У, ахир мен бир сўзли одамман, ҳар қалай одамларнинг олдида бeбурд бўлиб қолмадим-ку, Гулҳаё ҳам бир амаллаб яшайверар, қиз боланинг тақдири шу-да, деб ўзига тасалли берарди.

Фаррухга синглиси турмушга чиқиб кетган кунидан бери ҳеч нима татимас, Гулҳаёга Жаъфар томонидан етказилган ҳар бир азобда ўзини айбдор деб билар, бироқ уйда ота-онаси ҳал қилувчи қарорни чиқаришга ҳақли бўлгани учун қўлидан ҳеч нима келмаслигидан эзиларди. Гулҳаё етти йиллик азоб-уқубатлардан сўнг Жаъфар билан қонуний ажралиб, икки-та боласи билан уйга келиб ўтиргандан кейин Фаррух виждон азобидан сал қутулгандек бўлди. У энди синглимга, жиянларимга ғамхўрлик қиламан, уларнинг шу пайтгача кўрган жабр-зулмларини унутишларида ёрдам берман, деб ўзига таскин берарди.

Фаррух жиянларини хурсанд қилиш учун ҳар хил совғалар кўтариб келар, бироқ улар ортиқча хурсандчиликсиз, раҳмат, деб олиб қўя қолишарди. Иккаласининг юзида ҳам ўзи кутган табассумни кўрмаганига Фаррух ҳайрон бўлар, уларнинг қийқириб кулганларини, хурсанд бўлиб қичқирганларини эшитиш йўлини тополмай боши қотарди. Гули-ку, турмушга чиққанидан бери чеҳраси очилмаган, ҳамиша хомуш юради, ҳозир ҳам шундай, лекин болалар-чи? Ахир улар ҳали гўдак, хафагарчиликни тез унутиб юборишлари керак, деб ўйларди. Нимага уларнинг кўзлари жуда маъюс? Фаррух бунинг сабабини тушунмай ичидан эзиларди.

Бир куни у биринчи синфда ўқийдиган ўғил-часи Шоҳрухни тўполон қилаётганида секин қулоғидан ушлаб:

– Ҳозир хонангга бориб дарсларингни қилмасанг, қулоғингни узиб оламан! – деди дўқ уриб.

Шоҳрух вой-войлаб хонасига кириб кетди. Уларни кузатиб турган жияни Жасур қулоғини ушлаб жилмайиб турганини кўрган Фаррух:

– Шоҳрухнинг қулоғидан чўзганим сенга ёқдимиди? – деди унинг бошини силаб.

– Йўқ.

– Унда нимага жилмайдинг?

– Мен ҳам мактабга борсам, дадамлар қулоғимдан чўзишларини ўйладим. Улар қулоғимдан секин ушлайдилар-а, тоға?

Фаррух нима дейишини билмай серрайиб қолди. У анчадан кейин Жасурни чалғитиш учун:

– Сен мактабда яхши ўқийсанми ўзи, ўғил бола гапни гапир-чи, нима дейсан? – деди.

– Ёмон ўқисам, сизга ўхшаб дадам қулоғимдан чўзадилар, шундайми?

Эй, Худо, бу болага отаси нима қилиб берганки, ҳалиям уни унутмаяпти. Лаънат ундай отага! Отасидан ҳеч қандай меҳр кўрмаса ҳам, кўрганлари фақат бақирӣқ, дўппослаш бўлса ҳам, барибир, дадам дейди. Отасиз ўсган боланинг кўнгли яримта бўлади, деб шуни айтишаркан-да. Уларнинг кўнглини мен қандай қилиб тўлдираман? Ҳамма айтганларини беками-кўст бажараман, фақат отасини одам қилиб, тарбиялаб беролмайман. Мени кечир, Жасур, сенинг кўнглинг кемтик бўлиб қолишида мен айбдорман...

Фаррухнинг тасодифан нотариусга бориб, Жаъфарнинг гапларини эшитиб қолиши, гўё унинг ичидаги портлашга йўл қўйилмай турган бомбанинг энди ҳар қандай кучли тўсиқларга қарамасдан бирдан портлаб кетишига ўхшади.

Фаррух шу куни бу гапни ҳеч кимга айтмади. Жаъфар шунчаки вайсаган бўлса-да, унинг гаплари синглисининг шаъни билан боғлиқлиги учун ўзини қўярга жой тополмай, нима қилишини билмасди.

У иш вақти тутаган бўлишига қарамасдан, хонасидан чиқмай ўтирар, фикрларини жамларди, уйга ишдан кеч қайтди. Фаррух Жаъфарни ўлдириб, синглиси учун қасос олишга аҳд қилган эди. У кечаси ҳамманинг ухлашини кутди.

Фаррух тунги соат бирларда режалаштирганидек боққа чиқиб, ёзги ошхонада идиш-товоқ шкафининг пастки бўлимида турувчи болтани олиб, йўлга чиқди. Шу кечаси ҳаво очиқ бўлиб, ҳаммаёқ ёп-ёруғ эди. У ишдан келиб кираверишдаги кийим илгичли шкаф тепасидан олган, Гулҳаё ташлаб қўйган Жаъфарнинг уйи калитини чўнтагида турганини текшириб кўрди.

Жаъфарнинг ароқ ичмаган куни йўқлиги маълум. У бугун ҳам фирт маст ҳолда ётгани аниқ. Эшикни очиб тўғри ичкарига кираман-у, бошига болта билан тушираман. Шу билан ҳаммаси тугайди. Хотинини, норасида гўдак болаларини хўрлаган, ҳақоратлаган, бу ҳам етмагандек, энди унинг шаънига бўҳтон ёғдирган ярамаснинг яшашга ҳаққи йўқ. Қачонгача чидайман, шўрлик Гулини тепкилаб урганида ҳам, дадамнинг гапи билан «финг» демадим. Аслида, бу ишни илгарироқ қилиш керак эди, ўйларди Фаррух.

Фаррух етиб келди. Эшикнинг очиқ қолдирилгани учун калитга эҳтиёж бўлмади. У уйга кириши билан Жаъфарнинг хуррак овози эшитилди. Фаррух чироғи ёниқ турган хонага кирди. Ярми полда, ярми йиртиқ кўрпачада ётган Жаъфар-

нинг қўлида ароқдан бўшаган шиша бор эди. Унинг атрофида ичида овқат қолдиқлари айниб қолган ликопча, қотган нон бўлаклари сочилиб ётар, ифлос пиёла, синиқ чойнак ағдарилганича қолган эди. Яна бир увадаси чиққан кўрпачада сочлари тўзғиган аёл ётарди. Унинг ҳам мастлиги шундоқ кўриниб турарди. Фаррух Жаъфарнинг қай аҳволга тушиб қолганини кўриб кўнгли айниди. Қандай ниятда кирганини эслаб, ўзидан ҳам жирканиб кетди. «Бу ётган кимсаларни одам дейишга тилинг бормайди. Жаъфарнинг нима қилаётганини, нима деётганини биладиган аҳволда эмаслиги аниқ эди. У инсонда бор бўлган барча одамийлик туйғуларидан тортиб, бор-будини ароққа алмаштириб ичиб юборган. Мен-чи, мен унга ўзимни тенг деб ҳисоблаб, ўч олмоқчи бўлибман. Бу ерга келганимнинг ўзи нотўғри, ҳозироқ кетишим керак», деб ўйлади Фаррух ва вабо юқтиришдан қўрққан одамдек атрофдан ижирганганча тез-тез юриб уйдан чиқиб кетди.

* * *

Собиржон Фаррухнинг гапларини эшитиб:

– Сиз Жаъфарни ўлдириш ниятида бориб, унга қўлимни ҳам урмай ортимга қайтдим, демоқчимисиз? – деди.

– Ҳа, худди шундай. Мен ҳозир сизларга воқеа қандай бўлган бўлса, шундайлигича сўзлаб бердим. Бу ўғил бола гап, ҳеч қандай ёлғони йўқ.

– Бу воқеа қачон бўлганди?

– Ўттиз биринчи мартдан биринчи апрелга ўтар кечаси, тунга соат бир-иккилар орасида. Эртаси куни ўзимни босиб олганимдан кейин

Жаъфарнинг нотариусдаги гапларини ота-онамга айтдим.

– Иккинчи апрелдан учинчи апрелга ўтар кечаси тунда қаерда эдингиз?

– Уйда эдим. Ўша кечаси онамнинг мазалари қочиб, иситмалаб қолдилар, туни билан улардан хавотирланиб, ҳеч қайсимиз ухламадик.

– Доктор келдими?

– Ҳа, қўшнимиз врач, Шафоат опа оилавий шифокоримиз. У киши туни билан ойимнинг ёнидан жилмадилар.

– Синглингиз Гулҳаё ҳам шу ердамиди?

– У ҳам шу ерда эди, ҳа...

– Ишончингиз комилми?

– Албатта, дадам Шафоат кеннойидан Гулҳаёнинг ҳам тоби қочгани учун кириб кўриб қўйишини илтимос қилгандилар.

– Соат тунги бир-иккиларда синглингиз қаердалигини аниқ айтоласизми?

– Мен ойимдан хавотир олганим учун, очиги, Гулига эътибор бермагандим. У уйда бўлади-да, бошқа қаерга ҳам борарди.

– Майли, ҳозирча сизга бошқа саволимиз йўқ, кетаверишингиз мумкин. Ўзингиз сезган бўлсангиз керак, сизлар оилангиз билан ҳаммангиз Турдиев Жаъфар ва Жамилова Сокинанинг ўлимида шубҳа остидаги одамлар, гумондорлар ҳисобланасиз. Шунинг учун бизнинг рухсатимизсиз шаҳардан ташқарига чиқишга ҳаққингиз йўқ. Бу тўғрида огоҳлантирилганингизни билдириб имзо чекинг, – деб Собиржон Фаррухга бир варақ қоғоз узатди.

Фаррух ўрнидан тураркан, Собиржонга юзланди.

– Сизга бир илтимосим бор эди...

Фарҳод пиқ этиб кулиб юборди. Собиржон унга қараб қўйиб:

– Хўш, нима демоқчисиз? – деб сўради.

Фаррух Фарҳоднинг бемаврид кулганига ажабланиб назар ташлади, кейин яна Собиржонга қаради.

– Агар иложи бўлса, менинг Жаъфарникига борганимни оиламиздагиларга, умуман ҳеч кимга айтмаслигингни сўрайман. Очиғи, сизларга ўғил бола гапни айтсам, у ерга борганим – катта хатоим. Бу билан оиламиз шаънига доғ туширдим. Эшитсалар дадам ҳеч қачон кечирмасалар керак, деб қўрқаман. Шунинг учун ўғиниб сўрайман, агар мумкин бўлса...

– Мен «хўп» деб ваъда беролмайман. Бу нарса терговнинг бориши билан боғлиқ. Агар сизлар ҳаммангиз терговда фақат ростини гапираётган бўлсанглар, ким билади, балки айтмасман...

Фаррух чиқиб кетди. Фарҳод ўрнидан туриб:

– Мен сизга нима дегандим, эсингиздами? Ҳаммаси келишиб олган, деганим тўғри эканми? Энди сиз ҳам ишондингизми, Собиржон ака? Нима, булар бизни калака қиляптими ёки шунчалик гўл деб ўйлашяптими? Ҳаммаси безрайиб туриб, тўтиқушга ўхшаб бир гапни такрорлашини-чи. Улар ҳаммаси биргалашиб бориб, икки одамни ўлдирганларини яширмоқчи бўлишяпти. Одамга алам қиладигани, содда муғамбирлар ўзларини қўй оғзидан чўп олмайдиган кишилардек кўрсатиб, усталик билан қотилликларини хаспўшламоқчи бўлишлари.

Собиржон деразадан кўчага тикилганича қошларини чимириб хаёлга толган эди.

IV БОБ

Терговчилар марҳумнинг собиқ хотини Жобирова Гулҳаёни сўроқ қилишдан тергов учун муҳим ҳисобланган кўп нарса кутаётгандилар. Собиржон эшикни тақиллатиб кирган Муниса опага салом берди.

– Мен Гулҳаё билан келган эдим, – деди у олдин Собиржонга, кейин Фарҳодга қараб.

– Майли, қизингиз кирсин, сиз уни ташқарида кутиб ўтиришингизга тўғри келади, – деди Собиржон.

– Ҳўп. Гулҳаё, киравер, қизим, – деди у эшикка қараб.

Гулҳаё кириб терговчи кўрсатган стулга ўтирди.

Собиржон савол берар, Гулҳаё маънос жавоб берар, Фарҳод компьютердан кўзини узмай ёзарди.

– Марҳум Турдиев билан никоҳларингиз бекор бўлганидан кейин ҳам у сизни безовта қилдимиз?

– Йўқ...

– У сиз ҳақингизда кимгадир нималардир деб, шаънингизга доғ туширадиган гаплар айтганини эшитганмисиз?

– Йўқ.

– Сизнинг Турдиевнинг ўз уйини бегона бировга, тўғрироғи, у билан яқин муносабатда бўлган марҳума Жамилова Сокинанинг ўғлига мерос қилиб қолдириш ҳақида ҳужжатлаштириганидан хабарингиз бормиди?

– Йўқ.

– Агар бундан хабар топганингизда Турдиевдан хафа бўлиб, уни болалари билан кўришишига қаршилик қилармидингиз?

– Йўқ, чунки у шундоғам болаларини кўргани келмади, узр.

– Сизда Турдиевнинг бирга яшаган вақтин-гизда етказган жабрлари, унинг бегона аёл билан юриб, унинг боласига ғамхўрлик қилаётгани учун ундан қасд олиш ҳисси пайдо бўлганми?

– Узр, йўқ, мен фақат ундан қутулганимга енгил тортганман.

– Айтинг-чи, сиз иккинчи апрелдан учинчи апрелга ўтар кечаси тунда қаерда эдингиз?

– Уйда.

– Туни билан уйда бўлдингизми ёки икки-уч соатга уйни тарк этиб қаергадир бордингизми?

– Мен уйда эдим, ҳеч қаерга бормаганман, узр.

– Жобирова, ҳар гапда узр сўрашингиз шарт эмас. Фақат саволларга жавоб беришингиз керак.

– Узр, майли.

Собиржон ердан кўзини олмай, тортиниб аранг гапираётган Гулҳаёнинг «узр» сўзини қўшмасдан гапира олмаслигини билиб, ортиқ бунга эътибор бермай қўйди ва терговни давом эттирди.

– Мен гапингиз ёлғонлигини исботлаш учун оилавий шифокорингиз Шафоат Қурбонова кўрсатмасининг айрим сатрларини ўқиб бераман, – деб Собиржон бир варақ қоғозни қўлига олиб ўқий бошлади.

«Муниса опанинг алаҳсираб, иситмалаб ётишидан Гулҳаё қаттиқ қайғуриб, унинг атрофидан кетмади. Иккинчи апрелдан учинчи апрелга ўтар кечаси тахминан соат иккилардан кейин у кўринмай қолди. Мен бир нимани топиб бериш учун Фаррухдан Гулҳаёни чақириб келишини сўрадим. У сингисининг хонасида йўқ эканини айтиб, хотинини уйғотиб чиқди. Менга керакли

нарсаларни келинлари Нилуфархон бериб турди. ...Муниса опанинг кўзини очмай ётишидан қўрққан Солиҳ ака ва Фаррух унинг ёнидан жиламадилар. Тонг ёришиб қолганида Солиҳ ака менадан Гулҳаёнинг мазаси қочиб қолибди, хонасига бориб бир кўриб қўйинг, деб илтимос қилдилар. Мен борсам Гулҳаёнинг аъзои бадани қалтирар, у устки кийимида, енгил курткасида кўрпага бурканганича ётарди...» – Собиржон кўрсатмани ўқишдан тўхтаб, Гулҳаёга назар ташлади. У терлаб кетган, ерга тикилганича рўмолчаси билан юзи, пешанасини артарди.

– Хўш, бунга нима дейсиз? – деди Собиржон.

– Мен... узр, мен тобим қочиб хонамда ётиб қолгандим...

– Буни кимгадир айтганмидингиз?

– Ҳеч кимга айтмаганман.

– Жобирова, сиз иккинчи апрелдан учинчи апрелга ўтар кечаси тунги соат иккидан тонггача қаерда бўлганингизни бизга айтиб беришингиз керак, – деди Собиржон қатъий қилиб.

Гулҳаё индамай ерга тикилганича ўтирарди. У секин:

– Мен уйда эдим, – деди.

Собиржон ўрнидан туриб, дераза олдига келди ва туфлисига тикилганича букчайиб ўтирган Гулҳаёга қараб:

– Айтинг-чи, Жобирова, сиз ҳамиша устки кийимда, яъни курткада ухлайсизми? – деб сўради.

– Йўқ...

– Айнан ўша тунда нега устки кийимларингиз билан ётганингизни изоҳлаб беринг!

Гулҳаё жим эди.

– Сиз жим ўтирсам, бошқа саволга ўтишади, деб ўйламанг. Айнан мана шу саволга жавобингиз жуда муҳим, чунки шу вақт орасида иккита одам ўлдирилган. Бири сизнинг собиқ эрингиз Турдиев Жаъфар, иккинчиси у билан яқин муносабатда бўлган Жамилова Сокина. Ўзингиз сезаётган бўлсангиз керак, саволга фақат тўғри жавоб берсангизгина, бу савол бошқа такрорланмайди. Агар қутулиб кетаман деган ниятда нотўғри жавоб берсангиз, ўзингизга янада қийин бўлиб, сизга нисбатан гумонимиз баттар ортади.

Гулҳаё бошини кўтариб, Собиржонга қаради. У бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, бироқ яна фикридан қайтиб ерга қаради. Унинг гапиришга журъати етмаётганини сезган Собиржон:

– Жобирова, ростини айтинг, ўша тунда соат иккидан тонггача уйдамингиз ёки қаергадир чиқдингизми? – деди.

– Уйда эмасдим, узр...

– Қаерда эдингиз?

– Мен... – деб Гулҳаё йиғлаб юборди, кейин ёшларини артиб, – ўша ерга борган эдим, узр... – деди.

– Аниқроқ қилиб гапиринг, Турдиевнинг уйига борган эдим, демоқчимисиз? – деди Собиржон.

– Ҳа.

Фарҳод ёзишдан тўхтаб, Гулҳаёга ачиниш билан қаради. У «хайрият, жиноят очилди, лекин шу нимжонгина аёл иккита одамни қандай ўлдирди экан? Бечора, жаҳд устида ўлдириб қўйиб, энди пушаймон қиляпти. Шу иккита ароқхўрни ўлдириб нима қиларди, энди ёш умри қамоқда

ўтади. Умримда биринчи марта қотилга раҳмим келяпти...» деб ўйлаб яна ёзишда давом этди.

– Демак, сиз собиқ эрингиз ва унинг жазмани ўлдирилган вақтда ўша ерда эканингизни тан олдингиз, тўғрими?

– Т-тўғри...

– Сиз уларни ўлдириш учун олдиндан тайёр-гарлик кўриб, нимадир кўтариб борганмидингиз?

– Ҳа...

– Қўлингизда нима олиб боргансиз?

– Болта...

– Сиз Турдиевнинг бошига болта билан уриб ўлдирганингизни тан оласизми? Жамиловани қандай ўлдирдингиз? Ҳаммасини айтиб беринг!

– Ҳа, ҳаммасини айтиб бераман. Ниманидир айтишни эсимдан чиқарсам, воқеа қандай бўлганини тушунмай қолишларингиз мумкин, узр, – деди Гулҳаё терговчига қараб. Энди ундаги иккиланишдан асар ҳам қолмаган, бор ҳақиқатни гапиришга шайланиб ўтирарди.

– Хўш, қотилликни битта ўзингиз амалга оширдингизми ёки кимлардир ёрдам бердимиз? Ҳаммасини бир бошдан гапириб берасизми ё саволга жавоб берасизми?

– Агар қарши бўлмасанглар, бир бошидан гапириб берсам. Фақат гапим чўзилиб кетса ҳам, бўлманглар, илтимос.

– Вақтимиз бемалол, сиз ростини айтишингиз лозим. Чунки бу – айбингизни маълум даражада енгиллаштиради.

– Мен рост гапиришга одатланганман, узр, хавотирланманг, ёлгон ишлатмайман.

Гулҗаё Жаъфарнинг уйида кечган җаётини худди бошқа бир оламда яшагандек ҳис қиларди. У олам жуда жирканч бўлиб, меҳр-оқибат, уят-андиша, ор-номус каби одабийлик туйғуларидан йироқ эди. Бу ерда бир-бирини алдаш, ўзидан кучсизни хўрлаш, дўппослаш, ҳақоратлаш, ўзидан кучлига ялиниш, пул учун ҳамма нарсадан кечиб юбориш, адолатсизлик ҳукмронлик қиларди.

Гулҗаё разолат оламида қанча яшаган бўлса, у шунча пайт бу оламга кўника олмай азобланди. У онасининг «Қизим, аёл киши борган жойида тошдек қотиши керак, уларни қандай бўлсалар, шундайликларича қабул қилгин, деган гапларини ерда қолдирмасликка ҳамда фарзандлари учун бу ҳаётга кўникишга бор кучи билан уринар, лекин уддасидан чиқолмай қийналарди.

Гулҗаё ўзининг шундай балоларга гирифтор бўлишида ҳеч кимни айбламасди, бунда фақат ўзини айбдор деб биларди. «Мени ҳеч ким мажбурлаб эрга бермади. Ўшанда мен ўн тўққиз ёшга кириб, вояга етган, ақлим жойида, институтнинг иккинчи курсини тугатган, аълочи талаба эдим. Менга фақат ота-онам томонидан турмушга чиқиш ҳақида таклиф бўлди, холос... Мен аҳмоқ таклифни рад этиш ота-онанинг юзини эрга қаратиш, деб билибман.

Онарни айблашга мутлақо ҳаққим йўқ, чунки у уйдан кўчага чиқмаган, бундан қирқ йил олдин мактабни тугатганича қолиб кетган аёл, фақат рўзғор ишларининг устаси. Дадам эса деярли ҳеч нима демадилар, агар мен кескин қаршилик бил-

дирсам, улар ҳам мен томонда бўлишлари аниқ эди. Акамнинг менга раҳми келгани кўриниб турарди. Хуллас, ҳаммасига ўзим айбдорман...» Гулҳаё ана шу фикрда тўхтаганиди.

Жаъфар тўй куни бўкиб ичиб, ҳатто Гулҳаёга бир оғиз сўз айтолмай тарашадек қотиб ухлаб қолди. Жаъфар уйлангунча кайфда юришга ўрганиб бўлган эди. У ичмаган пайтлари оғзида носи ёки сигаретаси бўларди. У ичиб олса, мастлигидан жанжал кўтарар, ичмаганида ичгиси келиб тўполон қиларди. Хуллас, уйда ҳамиша уруш-жанжал бўлиши унинг учун одатий ҳол эди. Балки бу Жаъфар раҳматли ота-онасининг аллақарларда ичиб келиб, бақириб-чақириб уришганларини, бир-бирини ҳақоратлаганларини кўравериб кўзи пишиб қолганидандир, деб ўйларди Гулҳаё. Айниқса, уларнинг вафотидан сўнг Жаъфарнинг қандайлиги яққол кўриниб қолди.

У ишлаган пайтлари маошини ичкиликка сарфлагани, кўпинча ишсиз юргани боис, ҳамиша иқтисодий етишмовчиликда яшардилар. Гулҳаё ота-онасидан мунтазам ёрдам олишга мажбур эди. У шундай яшашга ҳам рози, фақат болаларнинг ёнида дўппосламаса, дерди. У эри ичмаган пайтларида:

– Дадаси, узр, кеча кўп ичиб юборибсиз, роса шовқин кўтардингиз, болалар қўрқиб ўтакалари ёрилди. Сиздан илтимос, шу зормандани ичманг, хўпми? – деб юмшоқлик билан тушунтиришга уринарди. Жаъфар ҳам бунга кўниб:

– Тўғри айтасан, ташлашим керак, – деб қўярди.

Лекин у яна ичиб келар, хотинини дўппослар, кайфи тарқаганида:

– Дадаси, кўряпсизми? – деб мўматалоқ бўлиб кетган ерларини кўрсатиб, – нима қилдингиз? Ахир болаларнинг кўзи олдида калтакладингиз, – деб йиғларди Гулҳаё.

– Ҳа, энди жанжал бўлмайдиган уй бўладими. Бир бўп қопти-да. Бошқа такрорланмайди. Сен озгина пул бериб тур.

– Нима, яна пул сўраяпсизми? Барибир ташлай олмайсиз. Сиз даволанишингиз керак.

– Нима дединг, мени алкашга чиқаряпсанми?

– Узр, хақиқатни тан олишингиз керак, илтимос қиламан, шифокорга учранг. Мен болаларни ўйлаб шундай деяпман, дадаси...

Гулҳаё сўзини тугатмасидан унинг юзига тарсаки тушди. У бу гап эрига ёқмай, охири жанжал билан тугабини билса ҳам, тез-тез такрорлашга мажбур бўларди. Жаъфар қайнотаси ва қайнонасининг оиласига аралашишини қатъиян ман қилиб қўйганди, фақат пулларини қабул қиларди. Хотинининг ор-номус туфайли ҳеч қаерга арз қилмаслигига ишонган Жаъфар уни ҳар хил баҳоналар билан истаганча дўппослар, ҳақоратларди.

Гулҳаё нима қилишини билмай қийналарди. Агар бу азоблардан қутулиш учун болаларини олиб уйга кетса, фарзандлари отасиз тирик етим бўлишади. Улар билан бу ерда қолса, болалар отасидан фақат шафқатсизлик, сўкиниш, ҳақоратлашни ўрганишади. Бу эса фарзандлари учун ёмон ўрناق, холос. Қандай йўл тутса тўғри бўлади?

Иккинчи январ кечаси Жаъфар ичиб уйга келди. У кириши билан:

– Бор, пул олиб чиқ! – деди эшикни очган Гулҳаёга.

– Пул қолмаган, маошимни энди оламан.

– Мен дўстларимга ҳозир пул олиб чиқаман, деганман. Тезроқ пул чиқар! – деб бақирди Жаъфар.

– Пул йўқ деяпман-ку, қаердан оламан, даси?

– Бор, қўшниларикидан қарз сўра!

– Шу маҳалда-я?

Жаъфарнинг бақиришидан уйғониб кетган болалар хоналаридан чиқиб титраб туришарди.

– Тез бўл, калтак емай десанг, пул топ!

– Илтмос, дадаси, уйга киринг, аччиқ чой дамлаб бераман, дамингизни олинг, – дейиши билан Жаъфар Гулҳаёни дўппослай бошлади.

– Дада, ойимга тегманг. Мен сизни ёмон кўраман, сиз ёмонсиз! – деб йиғлаб унинг куртқасидан тортқилаган беш яшар ўғлини Жаъфар итариб юборди. Бола юзтубан йиқилди.

Икки яшар қизалоқ қичқириб йиғларди.

– Дадаси, болалар кўрқиб кетишди. Шунчалар бешафқатмисиз, эй Худо, бу қандай кўргилик! – деб нола қиларди Гулҳаё.

Жаъфар анча пайт сўкиниб уйдан пул излаб, ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб изғиб юрди. Иккала бола кўрққанларидан онасидан паноҳ излаб, пинжига тиқилганича ўтирардилар. Гулҳаё эрининг кўзлари қонга тўлиб бақиришидан унинг бир балони бошламоқчи эканини сезиб, уйга қўнғироқ қилсаммикан, деб ўйлади. Ахир деярли ҳар куним шундай-ку, бундан баттарларига ҳам чидаганман, уларни безовта қилмаслигим керак, балки тинчиб қолар, деган хаёлда болаларини қучоқлаганича ўтираверди. Жаъфар

излаган нарсасини тополмаганидан сўнг жазавага тушиб бақира бошлади.

– Йўқол, чиқ уйдан, бор қўшнилардан қарзга пул олиб кел! – деб Жаъфар Гулҳаёни қўлидан тортиб, ташқарига итарди.

Болалар қалтирашиб:

– Ойижон, ойижон! – деб онасининг ортидан югурдилар. Жаъфар уларни ялангоёқ қорга чиқиб кетганларига мутлақо эътибор бермай:

– Бор, ҳаммаларинг йўқол, кўзимга кўринмаларинг! – деб қутуриб бақирарди.

Қаҳратон совуқда дийдираб турган болалари касал бўлиб қолишидан қўрқиб, аввал эрига эшикни очишини сўраб ялинган Гулҳаё чорасиз қолгач, жон ҳолатда уларни кўтариб, қўшниникига югурди...

У ана шу воқеадан сўнг болаларни отасиз тарбиялаганим афзалроқ деган қатъий қарорга келди. Ота-онасининг бағрида Гулҳаё ҳам, болалари ҳам ҳеч нимага зориқмай яшардилар. Жаъфар болаларини эсидан чиқариб юборгандек эди. У икки йил ичида бирор марта фарзандларини йўқлаб келмади.

VI БОБ

Май ойининг бошида Жасур олти ёшга тўлди. Шу куни эрталаб бобоси велосипед, тоғаси компьютер совға қилишди. Совғалардан боши осмонга етган Жасур жуда хурсанд эди. Ишдан эртароқ қайтган Гулҳаё ўғлига ялтироқ қоғозга ўралиб, яшил лента билан боғланган совға узатди. У боласини бағрига босиб, яхши тилаклар билдирди. Жасур совғани очиб, кич-

кина ёзув тахтаси ва катта-катта ҳарфлар ёзилган китобни кўриб севинганидан онасини қучоқлади.

– Ойижон, мен сизни жуда яхши кўраман! – деди у.

– Мен ҳам, ўғлим...

– Ойи, дадам ҳам туғилган кунимга келадиларми? – деди кутилмаганда Жасур.

Гулҳаё нима дейишини билмай туриб қолди. Кейин сумкасини очиб, акасига совға берганимда Лобар хафа бўлмаслиги учун унга берман, деб сотиб олган «Киндер» шоколадини олиб ўғлига узатди.

– Эсимдан чиқай дебди, дадангни учратгандим, у мана буни сенга бериб қўйишимни илтимос қилувди, – деди Гулҳаё. У нимага бундай деётганини ўзи ҳам билмасди, балки ўғлининг дадаси ҳақида ёмон фикрда бўлмаслигини хоҳладими ёки унинг яримта кўнглини тўлдиргиси келдими?

– Во-ой, бунча яхши, улар менинг «Киндер» шоколадни яхши кўришимни биларканлар! – деди Жасур сакраб. Кейин бирдан тўхтаб, – ўзлари нимага келмадилар? – деб сўради.

Бу саволни кутмаган Гулҳаё бироз довдиради ва яна ёлғонни давом эттиришга мажбур бўлди.

– Т-тоблари бўлмаётган экан, т-табриклар қўйишимни тайинладилар...

Жасур тухумсимон шоколаднинг ярмини ойисига узатиб, ярмини оғзига солди. У шарчанинг ичидан қандай ўйинчоқ чиқиши билан қизиқаётганди.

– Самолёт экан! Ойи қаранг, чиройлилигини!

Жасур миттигина самолётни учаётгандек фараз қилиб, самолёт овозига ўхшаган овоз чиқа-

риб югура бошлади. Жасурнинг шодон қичқириғига ичкаридан шошиб чиққан Муниса опа Гулҳаёга қаради. У «Киндер»нинг ерда ётган қоғозларига ишора қилди.

– Дадамнинг совғаси менга жуда ёқди! Энг яхши совға дадамларники экан! – деб югурарди Жасур.

Гулҳаё туришга мажоли етмай супада ўтириб қолди. Ҳаммасини тушунган Муниса опа унсиз йиғлаётган қизининг елкаларидан қучиб:

– Майли, қизим, хафа бўлма, ҳаммаси ўтиб кетади, – деди.

– Барибир, дадам, дейди-я...

Жасур ўша митти самолётни қўлидан қўймас, уни ҳамиша чўнтагида олиб юрарди. Гулҳаё ўзининг қилган ишидан минг пушаймон эди. Унга ҳақиқатни айтсам бўларкан, деб сиқиларди.

Бир куни ўғлининг самолётчани ардоқлаши, уни қўлидан қўймай ўйнаши ёқмай:

– Ўғлим, ҳадемай мактабга борасан, боғча опанг ўргатгандек қилиб ҳарфларни қўшиб ўқишни машқ қилгин, худди кичкина болага ўхшаб қандайдир нарсаларни ўйнамагин, – деди.

– Бу йил Шоҳрух мактабга боради, кейинги йил мен бораман, бувим шунақа деганлар.

– Ҳа, аълочи бўлиш учун ўқишни билиш керак, тушундингми?

Кейинчалик Жасур самолётча ойисига ёқмаслигини сезиб, уни яшириб ўйнай бошлади. Кечки овқатдан кейин хонасига кириб, бурчакка қараб ўтирган ўғлини нима қилаётган экан, деб Гулҳаё секин олдига бориб қаради. Жасур само-

лётчани эҳтиётлаб, авайлаб ушлаганича тебратиб ўтирарди.

Гулҳаё ўша кечаси тунни бедор ўтказди. Унинг кўзига уйқу эмас, аламли кўз ёшлари келарди. Эрталаб самолётчани олиб яшириб қўйди. Жасур боғчадан келиши билан хархаша қила бошлади.

– Самолётим чўнтагимда эди, йўқ бўлиб қолибди. Қани у? Топиб беринглар! Ким олди?

Солиҳ ака неварасини юпатиш учун унинг ёнига бориб:

– Жасуржон, йиғламагин, қанақа самолёт? – деди.

– Дадам совға қилган самолётни айтяпман. Мен у самолётни ҳамма нарсадан ҳам яхши кўрардим, – деди Жасур ҳиқиллаб.

Ишдан келиб энди кийимларини алмаштириб чиққан Фаррух жиянининг гапидан қотиб қолди.

– Қанақа самолёт? – деди у ҳайрон бўлиб.

– Дадам берган.

– Қачон берақолганди? – деди Фаррух ажабланиб.

– Туғилган кунимда совға қилганлар!

Жасур ҳамон овозининг борица тўхтамай йиғларди.

Муниса опа Солиҳ ака билан Фаррухга секин нима бўлганини тушунтирди. Улар Жасурга ҳақиқатни, дадаси қандай кимсалигини шартта-шартта айтгиси келар, бироқ унинг жажжи қалби чилпарчин бўлишидан қўрқиб, сукут сақлашарди.

– Самолётимни топиб беринг...

Гулҳаё уни қўлидан етаклаб хонасига олиб кириб кетди. Унга самолётни қўйган жойидан олиб бериб, бошини силаб гапира бошлади:

– Ўғлим, сен майда-чуйдаларни ўйнаб, бошқа керакли нарсаларни эсингдан чиқаряпсан, деб самолётингни олиб қўйган эдим. Майли, ўйнайвер, фақат шу билан бўлиб, бошқа нарсаларни унутиб юборма-да. Ахир иккаламиз инглиз тилида меваларнинг қандай айтилишини ўрганаётгандик. Тоғанг совға қилган компьютерга қараб, ҳарфларни ўзинг менга айтиб бераётгандинг, ҳаммасини ташлаб қўйиб, қандайдир кичкина самолётчадан бошқасига қарамай қўйдинг. А, ўғлим, энди бундай қилмайсанми? – деди Гулҳаё Жасурни ўзига қаратиб, юзига оққан ёшларини қўллари билан артиб.

– Майли, энди самолётимни яшириб қўймайсизми?

– Йўқ, ўғлим...

VII БОБ

Гулҳаё қизчаси Лобар тўрт ёшга тўлиш арафасида бўлса-да, бирор сўз демаётганидан ташвишда эди. Муниса опа айрим болалар кечроқ гапирадилар, бунинг ҳеч хавотирланадиган жойи йўқ, деб тасалли беришига қарамай, у қизини шифохонага олиб борди.

Руҳшунос шифокор Гулҳаёдан ҳаммасини сўраб суриштириб бўлганидан сўнг:

– Қизчангизни вақтида олиб келибсиз, синглим, агар отаси ичкиликка ружу қўйган бўлса, боланинг руҳиятига таъсир қилган бўлиши ҳам мумкин. Сиз қизчангизнинг ҳамиша тунд, кул-

масдан, ҳеч нимадан таъсирланмасдан юришини айтяпсиз, шундайми? – деди.

– Айрим пайтларда кулиб ҳам қўяди, бироқ...

– Ҳа, бу тушунарли. Одатда, отаси ёки онаси ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйган бўлса, туғилган болалар руҳий ривожланишдан орқада қолиши аниқланган. Сиз уни тез-тез руҳшунос шифокор кўригига олиб келишингиз керак. Мен ҳозир ёзиб берган муолажаларни олганидан кейин қандай ўзгаришлар кузатилишини кўриб, кейин даволашни давом эттирамиз.

Ёши улуғ шифокор аёл Гулҳаёнинг гапларини эшитиб, унинг ҳаётда қийналганини пайқади. У гап орасида бошқа фарзанди ҳам борлигини билганидан кейин:

– Синглим, ўғилчангизнинг соғлиги яхшими? – деб сўради.

– Ҳа, у яхши...

– Сизга ўхшаган босиқ, одобли болами? – деди синовчан тикилиб.

– Жасуржон қизиққонроқ. Нима десам бўлади, сал нарсага жаҳли чиқади, дарров уришиб кетади, лекин ҳарфларни ўрганиб олиб, ўқишга ҳаракат қиляпти.

– Дўппослашишни яхши кўрадими?

– Ҳа, бироқ айрим пайтларда жуда кўрқоқ бўлиб қолади.

– Гулҳаё синглим, баракалла, болаларингизга жуда эътиборли экансиз. Айримлар боласининг сиз айтган томонларига бепарво қарайдилар, фарзандлари вояга етгандагина уларнинг руҳий етишмовчилигини пайқаб қоладилар. Лекин унда даволашнинг иложи бўлмайди.

Оилада болаларга нисбатан меҳр-муҳаббат, раҳмдиллик, уларнинг кўнглини овлаш ўрнига шафқатсизлик бўлса, болалар қайсар, итоатсиз ёки қўрқоқ, ташаббуссиз, иродасиз бўлиб ўсади. Оилада ота ёки она спиртли ичимликка ружу қўйган бўлса, улар шафқатсиз, қаҳрли бўлиб, руҳан етук оила ҳисобланмайди, бундай оила наслида болалар кўпинча руҳий касаллик билан туғилади...

– Узр опа, сўзингизни бўлдим, сиз ўғлимда ҳам руҳий нуқсон бор демоқчимисиз? – деди Гулҳаё шошиб.

– Уни ҳам олиб келишингиз керак, вақтида врачга кўрсатсангиз, фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман.

– Раҳмат опа, тўғри айтасиз.

– Сиздан собиқ турмуш ўртоғингиз ҳақида бир нарса сўрасам майлими? – деди Муҳтарам опа кўзойнагини тўғрилаб қўйиб.

– Бемалол.

– Унинг ота-онаси қандай одамлар, нимага ўғлини вақтида ичкиликдан тўхтатиб қолмаганлар? Балки улар қаттиқ туриб фарзандини ичишни ташлашга мажбур қилганларида ҳаммаси яхши бўлармиди?

– Қайнона-қайнотам тўйимиздан бир ой ўтиб автоҳалокатдан вафот этишди. Улар иккаласи ҳам спиртли ичимлик ичган эканлар.

– Иккаласиям ичарканми?

– Айтишларича, улар ёшлигидан ичганлар. Эрхотин бирга спиртли ичимлик ичишни замонавийлик белгиси деб қарашган экан. Улар буни айтиб, мақтаниб ҳам юришган, дейишади.

– Тушунарли, демак, шунинг учун ҳам ўғиллари ароққа муккасидан кетиб, уни ҳеч қачон ташлай олмаган экан-да. Ота-онанинг ичкиликка ружу қўйиши, уларнинг маст ҳолда яқинлик қилиши, ҳомиладор аёлнинг спиртли ичимликлар ичиши ҳомилага жуда ёмон таъсир этади. Туғилган болалар ўзини идора қилолмайдиган, кўпинча психоз бўлиб туғиладилар. Улардан носоғлом болалар дунёга келади. Айримлар туғилган болаларнинг тўрт мучаси соғ, бошқалар қатори юришибди-ку, спиртли ичимлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик кабиларнинг болаларда асорат қолдириши бўлмаган гап, деб ўйлашади, бироқ улар боланинг онги яхши ривожланмаслигига, руҳиятига аҳамият беришмайди. Ахир руҳият инсоннинг ақлий баркамоллигини таъминлайди-ку. Туғилган фарзанд ҳар томонлама етук бўлсагина жамиятнинг фаол аъзоси бўла олади.

– Узр, Муҳтарам опа, мен гапларингиздан қўриқиб кетяпман, бундан чиқди иккала боламнинг ҳам руҳий нуқсони борми?

– Қўрқманг, синглим, ҳозирги замон тиббиёти жуда ривожланиб кетган. Фарзандларингизни айтган вақтимизда врач кўригига олиб келиб туришингиз керак. Бунда сиз ниҳоятда сабр-бардошли бўлишингиз лозим, – деб шифокор аёл Гулҳаёга тасалли берди.

Гулҳаё ҳаммасини тушунди. Ичида Жаъфарни лаънатлай-лаънатлай, фарзандларининг руҳиятини соғломлаштириш учун бир умр уларнинг туғма руҳий нуқсонлари билан курашиши кераклигини англаган эди...

Гулҳаё шифокор Муҳтарам опанинг маслаҳатларидан кейин болаларига янада эътиборли бўлди. У ишдан сўнг вақтини фақат улар билан ўтказарди.

Иккинчи сентябр куни Гулҳаё фарзандларини боғчага олиб бориш учун етаклаб чиқди. Фаррух билан Нилуфар ҳам Шоҳрухни каттакон гулдаста билан олиб чиқишди. Шоҳрух оппоқ кўйлак, қора шимда дадаси билан ойисининг ўртасида уларнинг қўлларидан ушлаб хурсанд бўлиб борарди. Гулҳаё жиянини ўпиб табрикларкан:

– Жасуржон, Шоҳрух акангни мактабга бориши, биринчи ўқиш куни билан табриклагин, – деди.

– Табриклайман, – деб Жасур унга ҳавас билан тикилди.

Боғчага боргунча улар жим кетишди. Гулҳаё уни боғча опасига топшириб хайрлашиб кетаётганида ортидан югуриб келган Жасур:

– Кейинги йили мени ҳам дадам иккалангиз мактабга обorasизларми? – деб сўради кўзлари жавдираб.

Гулҳаё нима дейишини билмай:

– Кўрамиз ўғлим, майли, яхши қол, – деб унинг юзидан оҳиста ўпиб қўйди.

Шоҳрухнинг биринчи синфга бориши Жасурда катта таассурот қолдирди. У мактаб ҳақида кўп гапирадиган, мактабга борса нималар қилишини айтадиган бўлиб қолганди.

Шанба куни тушга яқин ишдан қайтган Гулҳаё ҳовлида Жасурни учратмай, ошхонада куймаланиб юрган Муниса опанинг ёнига кириб, стулчада ўтирган қизини ўпиб кўтараркан:

– Ойи, Жасур кўринмайдами? – деб сўради.

– Ҳозиргина велосипедини миниб юрувди, хонасига киргандир, қизим.

– Нима пиширапсиз, ҳиди мунча ширин, – деди Гулҳаё.

– Нилуфар онасиникига кетувди. Қудамнинг озгина тоби қочган экан. Даданг ўртоқлари билан тоққа кетишди. Шунинг учун пиширишга осон деб, картошка билан гўшт қовуриб қўя қолдим. Қорнинг оч шекилли, қўлингни ювиб ўтирақол, мен ҳам сен билан овқатланаман.

– Ечиниб чиқиб, Жасурни чақирай, – деб Гулҳаё чиқмоқчи эди, Муниса опа:

– Мен боламни дейман, болам боласини, деганлари рост-да. Чарчаб келасан, тинчгина овқатлангин, деб Жасуржон билан Лобарни овқатлантирдим. Тезда ўтир, кейин ечинасан, мана овқатни ҳам суздим, – деб у лагандаги овқатни столга қўйди.

Гулҳаё овқатланиб, қизчасини олиб, онасига болаларни ухлатаман, деб хонасига ўтди. У ерда Жасур йўқлигини билиб, ҳовлига чиқиб чақира бошлади.

– Ие, хонасида йўқ эканми? – деди Муниса опа.

– Йўқ, ойи, қаерда бўлиши мумкин? – деди Гулҳаё хавотирланиб.

– Мен ўзимиз тарафдаги хоналарни қидираман, сен аканглари томонни қидир, балки ўйнаб чарчаган бўлса, ухлаб қолгандир, – деб Муниса опа уйга кириб кетди.

Улар Жасурни ичкаридан тополмадилар.

– Ойи, ҳеч қаерда йўқ...

– Кўча эшигини қулфлаб қўйгандим.

– Мен келганимда очиқ турган экан-ку, – деди Гулҳаё онасига қараб.

– Вой менгина ўлай, очиқ эканми, ҳа-я, эшик қўнғироғини босмасдан ўзинг кириб келдинг, эсим қурсин. Лекин эшикни бекитганимни аниқ биламан.

– Жасур эшикнинг калитини бураб очишни биладими?

– Қайдам, лекин қўли етарди. У ташқарига чиқиб кетганмикин?

– Ойи, Жасурни энди қаердан қидирамиз?

– Вой, мен ўлиб қўя қолай, унга кўз-қулоқ бўлиб турувдим-а, ошхонага кириб, эътиборимни чалғитдим, шекилли, – деди Муниса опа куюниб.

– Қўшниларникига чиққанмикин?

– Билмадим, Шафоат кеннойингнинг ўғли билан ўйнарди, мен чиқиб сўрай-чи, – деб Муниса опа кўчага югуриб кетди.

Гулҳаё ҳовлининг ўртасида нима қилишини билмай туриб қолди.

VIII БОБ

Жасур овқатланиб бўлганидан кейин велосипед учишни истамай, чўнтагидан самолётчасини чиқариб ўйнай бошлади. У Шохрух дадаси билан ойисининг қўлидан ушлаб мактабга кетганини эслаб қолди. «Мен мактабга борадиган куни дадам келмаса-чи, деб ўйлади у. Ўртоғим Абдуллани боғчага дадаси олиб келади, кетаётганида ойиси олиб кетади, ҳар куни шундай. Қандай маза, у дадасининг машинасидан тушиб, ўзи югуриб келади. Дадаси эса у киргунича орқасидан қараб туради. У мендан «даданг

қаерда», деб сўраганди. Мен уларнинг қаердалигини билмайман. Шунинг учун индамадим...»

Жасур ўша охириги марта бўлган даҳшатли воқеани сира эсидан чиқаролмасди. У беш яшар бола бўлса ҳам, бир ярим йил олдинги дадасининг қўрқинчли қиёфаси ҳалигача унинг кўз олдидан кетмасди. У шу кечаси онаси ва синглиси учаласи совуқда музлаб қолай деганда қўшниларникига кирганларини эсласа, эти жунжикиб кетарди. Бироқ бошқа болаларнинг оталари билан етаклашиб юрганларини кўрганида, унинг назарида дадаси ўзгариб қолгандек туйилаварди.

«Мен мактабга борадиган куни дадам келмайдилар, буни биламан. Чунки улар мендан хафалар. Ўша кечаси дадам ойимни дўппослаганларида мен уларга «сизни ёмон кўраман», дегандим. Шундан хафа бўлганлари учун туғилган кунимга ҳам келмадилар. Улардан кечирим сўрайман, унда ёш бола эдим, энди мактабга бораман, катта бўлдим, кечиринг, дейман. Фақат ойимни урманг, айтганингизни қиламан, қулоғимдан чўзсангиз ҳам майли, дейман. Лекин дадам келмасалар, уларга бу гапларни қандай айтаман?»

Жасур шуларни ўйлаб супада ўтириб қолди. Кўчадан машинанинг «бип-биплаган» овози эшитилди. «Ҳа, топдим, ўзим уларнинг олдига бораман! Уйга қандай боришни биламан. Катта кўчада автобус тўхтайдиган бекат бор. Дам олиш куни ойим шу ердан автобусда бизни ҳайвонот боғига олиб борган эдилар. Ўша бекатгача борсам, у ёғига автобусда кетаман. Уйга бориб

дадамга ойим, мен, синглим тўрталамиз бирга яшасак яхши бўлишини айтаман. Ҳамма дадаси билан яшайди, биз ҳам бошқа болалардек яшайлик, дейман. Мен соғинганман-ку, улар ҳам мени соғинган бўлишлари керак. Дадам мени кўриб севинганларидан кўтариб, чирпирак қилиб айлантирадилар, худди тоғам айлантирганларидек...»

Жасур қўлларини ёйиб, худди дадаси уни боши узра айлантираётгандек турган жойида «чув-чув» қилиб айланиб, жилмайиб қўйди. У эшикка қараб юрди, калитни буради, эшик осонгина очилди. Кўчада йўлдан ўтаётган машиналарга бирпас қараб туриб, кейин бекатга қараб йўл олди. У ёнгинасида тўхтаган автобусга чиқди. Одам унча кўп эмасди. Ҳар ким ўзи билан бўлиб, унга эътибор бермадилар. Бир кампир онаси нарироқда тургандир, деб ўйлаб:

– Болам, кел, ўтириб ол, – деб ёнидан жой кўрсатди.

Жасур ўриндиққа ўтириб, кўчани томоша қилиб борарди. Автобус бекатларда тўхтаб, охирида ҳамма туша бошлади, ёнидаги кампир ҳам ўрнидан турди. Жасур унинг кетидан автобусдан тушди. У уйлари қайси томонда эканини билмай бекатда туриб қолди. Йўлакчадан дадасининг қўлидан ушлаб кетаётган ўзи тенги бола унинг диққатини тортиб, уларнинг ортидан юрди. Ота-бола муюлишда қайрилиб, уйларига кириб кетдилар. Жасур ўша уйга қаради. «Шу уй бизнинг уйимизмиди, ўйлади у. Йўқ, ўхшамайди, йўлнинг нариги бетидаги уй бизнинг уйимиз

бўлса керак. Мен ўша тарафга ўтаман. Кейин дадамни кутаман. Улар уйдан чиққанларида мени кўриб қоладилар».

Жасур катта йўлнинг четида икки томонлама машиналар физ-физ ўтаётган жойда туриб, нариги томонга ўтишни мўлжалларди. У йўлни кесиб ўтса, қизил дарвозали биринчи уйда уни дадаси кутиб ўтиргандек туйиларди.

* * *

Гулҳаё билан Муниса опа ҳеч қаердан Жасурни тополмай ҳамма ёққа қўнғироқ қилишарди. Шаҳардаги милиция бўлимларига унинг белгиларини айтиб хабар берилганди. Гулҳаё энди ўғлимни тополмасам нима қиламан деган хавотирда ўзини йўқотиб қўйганди. У Фаррухнинг, Жасурни албатта топамиз, деб берган тасаллисига қулоқ солмасдан йиғидан тўхтамасди.

Шунда Муниса опанинг хаёлига болани дадаси олиб кетдимикин, деган фикр келиб:

– Фаррух, Жасурни дадаси олиб кетган бўлмасин, тагин? – деди.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз, шунча пайтдан бери бир кўриб кетай демайди-ю, олиб кетармиди?

– Тўғри-ку-я, бироқ ким билади, кайфда бўлса, нима қилаётганини билмай етаклаб кетдимикин, дейман-да.

Уларнинг гаплари қулоғига чалинган Гулҳаё:

– Мен ҳам шуни ўйлагандим, ойи. Ака, илтимос, уникага бориб суриштириб кўринг, – деди йиғлаб.

– Ўғил бола гап, мен бунга ишонмайман, аммо сизларнинг қўнглингиз хотиржам бўлиши учун бораман. Майли, ўша ярамаснинг турқини яна

бир кўрсам кўрибман-да, – деб Фаррух Жаъфарнинг уйи томон кетди.

У кўча эшиги қўнғироғи ишламагани учун тақиллатди. Ҳеч қандай жавоб бўлмаганидан сўнг, уйда эмас, шекилли, деб орқасига қайтиб кетмоқчи бўлиб турганида эшик очилиб, Жаъфар кўринди. Унинг сочлари ҳурпайган, салқинган кўзини аранг очиб турарди.

– Бизнинг кулбамизга йўллари тушиб қолибдими? – деди у беўхшов ишшайиб.

Фаррух дарров мақсадга кўчиб:

– Жасур шу ерда эмасми? – деди.

– Қайси Жасур? – деб Жаъфар бошини қашиди. – Ҳа, гап менинг ўғилчам ҳақидами? Болани йўқотиб қўйдингларми? – деди негадир илжайиб.

– Агар уни олиб келган бўлсангиз, бир оғиз шу ерда денг, ўғил бола гап, мен хотиржам кетаман, – деди Фаррух иложи борича тинч гаплашишга уриниб.

– Сизларга бола керакми?

– Ҳа, сизникидами?

– Буни айтмайман.

– Нега, ахир унинг йўқолиб қолганидан хавотирланаяпмиз.

– Сенга Жасурнинг қаердалигини айтишим керакми?

– Мен одам билан одам гаплашиши мумкин деб ўйлаб, битта ўзим келгандим, янглишганга ўхшайман, – деди Фаррух асабийлашиб.

– Майли, айтаман, фақат битта шарт билан, – деди Жаъфар кўрсаткич бармоғини кўрсатиб.

– Қандай шарт?

– Бошим оғрияпти, оғриқни босишга ёрдам берсанггина жиянинг қаердалигини билишинг мумкин.

Фаррух унинг мақсадини тушунди. Ярамас бир шиша ароқни деб, ўз фарзандидан фойдаланмоқчи. Нақадар жирканч, майли, олиб келиб бераман, шу билан Жасурни топсам бўлди, деб ўйлади у ва индамай кўча бошидаги дўконга кетди. Фаррух қўлида ароқ билан келганида Жаъфар ичкарига кириб кетган эди. У эшикни зарб билан ура бошлади.

– Ҳей, ҳей секинроқ, синдириб қўясан-ку, – деди Жаъфар чиқиб.

Фаррух индамай қўлидаги ароқни ерга қўйиб:

– Бола қаерда? – деди.

Жаъфар ароқни олиб ичкарига кириб кетаркан, орқасига қараб:

– Нима, мен сенинг уйингга бориб уларга энагалик қилайми? Болани олиб кетгандан кейин унга кўз-қулоқ бўлиш керак-да. Йўқотиб қўйиб, меникидан излайсанларми? Ҳеч қандай болани билмайман, агар топилмаса, мендан кўрадиганларингни кўрасанлар! – деб эшикни қарс этиб ёпди.

Фаррух жаҳл билан эшикни тепиб:

– Лаънат сендай отага, минг лаънат! – деб орқасига қайтди.

У Жаъфар билан ўрталарида бўлиб ўтган бу воқеани уйидагиларга айтмади.

* * *

Жасур машиналарни оралаб энди йўлдан ўтмоқчи бўлганида катта ёшли киши унинг елкасидан ушлаб:

– Болакай, қаёққа ўтмоқчисан? – деди.
– Дадамларнинг ёнига.
– Даданг қаерда?
– Уйда ўтирибдилар.
– Уйларинг қаерда?
– Ана, турибди, – деб Жасур йўлнинг нарёғи-
даги уйни кўрсатди.

– Шу уй сизларникими? Ахир машина босиб кетиши мумкин-ку. Юра қол, сени кўчанинг у бетига ўтказиб қўяман, – деб ҳалиги одам уни қўлидан ушлаб, ўша уйнинг олдиғача олиб борди. У қаёққадир шошаётган чоғи, эшик қўнғироғини чалиб: – Сен бола катта йўлдан битта ўзинг бошқа ўтмагин. Кўчада машиналар серқатнов, бирорта машина уриб юборса нима бўлади? – деб, биров чиқишини кутмасдан яна йўлнинг нарига бетига ўтиш учун орқасига қайтди. Эшикни бир аёл очди.

– Болакай, сен қўнғироқни босдингми? – деди у кичкина болага ажабланиб қараб.

– Дадамнинг олдиларига келгандим, – деди Жасур.

– Сенинг даданг бу ерда нима қилади? – деб аёл бирдан бошини ушлаб. – Вой, содда бўлмай ўлай, дадам дегин, ҳозир чақираман. Сен шу ерда тургин, йўқ, яхшиси мен билан юр, – деб унинг қўлидан ушлаб тез-тез ичкарига қараб юрди.

Жасур дадамни топдим, деб ўйлаб севиниб кетди. Аёл овозининг борича:

– Дадаси, бу ёққа қаранг, тез бўлинг! – деб бақира бошлади.

Ичкаридан бир одам уйқусираганича чиқиб:

– Тинчликми, нима дейсан? Уйқунинг ҳам белига тепдинг, – деди кўзини ишқалаб.

– Ўғли келган одам ҳам ухлайдими, бизга уни таништирмасдан-а. Мен шўрлик, иккита қизимизни ўғилдан кам кўрмайман, бошқа туғма, деганингизга лаққа ишониб ўтирибман! Мен лақма ўлгур, сизнинг айёрилингизни билсам ҳам, яна ишонавераман. Ёлғончи!

– Нималар деяпсан, хотин, қанақа ўғил?

– Вой, мана, мана! Нега ўзингизни кўрмаганга оляпсиз?

– Ўлай агар, бу болани биринчи кўришим.

– Эй, бола ўзинг айт, шу сенинг дадангми?

Ҳеч нимани тушунмай, хотиннинг шанғиллашидан боши айланиб турган Жасур:

– Йўқ, – деб бошини чайқади.

Бундан жонланган эркак югуриб унинг ёнига келиб:

– Сен кимнинг боласисан? Нимага бу ердан дадангни излаяпсан? – деди шошиб.

– Дадам уйдадилар?

– Даданг бу ерда нима қилади? Балки даданг ҳар доим сени ташқарида қўйиб, ўзи ичкарига кириб юргандир-а, мен уйда йўқ пайтларимда? Шунақами?! – деб эркак хотинига қараб ўшқирди.

– Бу нима деганингиз?

– Тушунмаяпсанми, аслида муғамбир сенсан! Ўзимам ўйладим-а...

Жасур уларнинг бир-бирларига бақаришларидан қўрқиб, секин ташқарига қараб юра бошлади. Улар эса болага эътибор бермай, қўлларини пахса қилиб кекирдақларини чўзишарди. Бирдан эркак:

– Бола қани? – деди.

– Чиқиб кетибди...

Улар ташқарига отилдилар. Йўл четида нариги томонга ўтиш учун турган Жасурни кўриб, аёл унинг қўлидан ушлаб уйига олиб келди.

– Мени қўйиб юборинг, хола. Бу ерда дадам йўқ экан, мен уни топмоқчиман, – деб Жасур қўлини тортиб олмоқчи бўларди.

– Тинчлан, болакай, балки дадангни топишда биз ёрдам берармиз, – деб аёл унинг бошини силади.

Аёлнинг мулойим гапидан сўнг Жасур:

– Ростданми? – деди.

Эр-хотин Жасурга саволлар бериб, унинг мақсадини эшитганларидан сўнг унинг адашиб юрганини билдилар ва милицияга қўнғироқ қилдилар.

Ана шу воқеадан кейин Гулҳаё ҳам, Муниса опа ҳам Жасурга жуда эътиборли бўлиб, уни ёлғиз қолдиришмади.

Дадаси билан юрган болаларни кўриши билан Жасур ўзининг дадасини ўйлар, Гулҳаёга саволлар берарди. Барибир, нимага унинг дадаси бошқаларникига ўхшаб меҳрибон эмаслигини, улар билан бирга яшамаслигини тушунмай боши қотар, кейин кўнгли хижил бўлиб, нимадандир баҳона топиб йиғлашга тушарди.

IX БОБ

Гулҳаёга Жасурнинг дадасини излаб, кўчага чиқиб кетиши қаттиқ таъсир қилди. У бу воқеани анчагача ўйлаб сиқилиб юрди. Бунинг устига, қизчасининг аҳволида ўзгариш бўлмаётгани уни баттар ташвишга соларди.

У қизчасини ёнида ҳар кунгидек ухлаб қолгунча бошини силаб ётди, Жасур эса бошқа кароватда сингисининг ёнидан ойиси қачон унинг олдига ўтишини пойларди. Ниҳоят, ойиси уни қучиб, одатдагидек эртак айтишни бошлагандагина кўзини юмарди.

Ўша кечаси Гулҳаё болаларининг ухлаб қолганини кўриб, ўз хонасига кириб, жойига чўзилди. У шифокорнинг гапларини эслаб, наҳотки Лобар руҳий носоглом бўлса, бунинг устига Жасурнинг ҳам асаблари жойида эмас, салга инжиқлик қилиб йиғлашга тушади, овутгунча балога қоламан. Бир умр ҳаётим Жаъфар туфайли азобда ўтадим, деб ўйлаб, юраги сиқилиб, дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди. Йўқ, ўзимни қўлга олишим керак. Хафа бўлганимнинг фойдаси йўқ, яхшиси, дадам билан ойимнинг ёнларига чиқиб, улар билан бирпас суҳбатлашиб ўтираман, деган фикрда ўрнидан турди.

Гулҳаё ота-онасининг вақт алламаҳалгача супада гаплашиб ўтиришларини билгани учун жемферини кийиб, хонасидан чиқди. У боққа чиқадиган эшикни очиши билан ўз исмини эшитиб тўхтаб қолди.

– Гулҳаёга айтмайман, хавотир олма, – деди онаси.

Ие, менга нимани айтмоқчи эмаслар, деб ўйлаб, остонада тўхтаб қолди. Паст овозда гаплашаётган бўлсалар ҳам уларнинг суҳбатини бемалол эшитиш мумкин эди.

– Агар болалар ўзимники бўлганида, ёнимдан кетмасдилар. Улар онаси билан кетиб қолдилар. Болаларнинг отаси мен эканимга ҳам шубҳам бор, деди ярамас...

Фаррух секин овозда гапирар, бироқ унинг гаплари Гулҳаёнинг юрагига ханжар каби санчиларди. У ҳаммасини эшитиб, орқасига қайтди. Хонасига қайтиб ўзини кароватга ташлади. У туни билан аламли кўз ёшларини тўхтатишга ўзида куч тополмади.

Эртаси куни эрта тонгда Муниса опанинг иситмалаб касал бўлиб қолишига Гулҳаё ажабланимади. Чунки ёши ўтиб қолган аёл учун жонидан ортиқ яхши кўрган қизи шаънига аллақандай аблаҳнинг ҳақоратли бўҳтонини эшитиш осон эмаслигини биларди. Муниса опа шифохонага боришдан бош тортиб, уйида даволанишни афзал кўрди. Уйдагилар бундан баттар ташвишланиб, унинг аҳволи оғирлигидан қўрқиб ёнидан жилмадилар.

Гулҳаё онасининг алаҳсираб бир кўзини очиб, бир ўзидан кетиб ётишига фақат Жаъфарнинг нотариусда айтган гаплари сабаб эканини биларди. Куни билан шу алфозда ётган Муниса опанинг аҳволи тунда янада оғирлашди. Шафот кеннойи уни касалхонага олиб борамиз, деб туриб олди. Лекин Муниса опа қаршилиқ қилгач, у яна муолажаларни давом эттиришга мажбур бўлди.

Гулҳаё онасининг қийналиши, отасининг бошини эгганича сиқилиб юришига ортиқ чидай олмай, ўрнидан туриб хонасига кириб кетди. У аламидан йиғлади ва бирдан кўз ёшларини артиб «Нимага фақат йиғлайман, ахир бундан ҳеч қандай наф йўқлигини биламан-ку. Наҳотки шу даражада кучсиз, нотавон бўлсам. Жаъфарнинг жазосини Худо беришига ҳамиша ишонганман. Бироқ унинг тубанликларининг чеки-чегараси

кўринмаяпти, ҳеч ким унга қарши боролмайди. У бўлса хоҳлаганини дейди, хоҳлаган ишини қилади. Менга ҳам, болаларимга ҳам унинг ўша бехосият уйининг кераги йўқ эди-ку, кимга берса шунга беравермайдими? Бироқ нега мени тинч қўймайди, нега номимни булғамоқчи бўлади? Ўз фарзандларидан тонишига чидаш мумкин эмас. Мен уни ўлдираман! Ҳа, бардошим тугади. Уни чопиб ташлайман! Бундан қўрқмайман, унинг бурда-бурда бўлиб ётганини кўриб роҳатланаман. Чунки у қанча одамнинг қалбини парчалади. Менинг, ота-онамнинг, фарзандларимнинг, акамнинг қалбларимиз бутун бўлмайдиган даражада бўлакланган. Энди эса шаънимни булғамоқчи. Бунга асло чидай олмайман. Мен ҳозир бориб, уни болта билан уриб ўлдираман. У ҳар куни кечаси ичиб, ўлик итга ўхшаб ётиши аниқ». Гулҳаё миясига келган фикрдан енгил тортди. У устки кийимларини кийиб, ҳовлига чиқди. Ёзги ошхонага кириб, идиш-товоқ шкафининг пастки бўлмасида турадиган болтани қўлига олиб, кўчага чиқиб кетди.

Гулҳаё қоронғи тунда кўчада тез-тез қадам ташлаб борарди. Болалигидан итдан қўрқишига қарамай, унинг қулоғига итларнинг вовиллаши ҳам кирмасди. «У мени азоблагани етмагандек, энди ота-онамнинг ҳам умрига зомин бўладими? Ойимга бир нима бўлса, мен ўзимни қандай кечираман? Ишқилиб тузалиб кетсинлар. Жасур бечора ўғил бола бўлгани учунми, фикри-зикри фақат шу маразда. У ҳам бошқа болалар каби дадаси билан машинада юришни, унинг қўлидан етаклаб боғчага олиб боришини истайди. Унга қандай қилиб отасини ёмонлайман. Ҳали

ёш, тушунмайди, бироқ катта бўлганида ўртоқларининг олдида отасининг қилиқларидан номусга қолиши тайин. Лаънат ундай отага. Мен боламнинг боши эгилмасидан уни йўқ қиламан». Гулҳаё ана шундай хаёллар билан етиб келганини пайқамай қолди.

У кўчада туриб, биринчи марта эзгу ниятлар билан қадам қўйган уйига қаради. Нимагадир тўй кунини эслади. Жаъфарга кўнгли унча бўлмаса-да, барибир, тил топишиб, ўрганиб кетаман, деб ўйларди. У келин бўлиб остонадан ичкарига кираркан, ширин хаёллар, илиқ орзулар парвозида эди... Ҳаммаси барбод бўлди, аниқроғи, ҳаммасини Жаъфар йўқ қилди. «Кўзини очишга қанча уриндим-а? Нимага айрим одамлар нотўғри иш қилаётганини ўзи билмайди? Унга ҳақиқатни айтиб, тўғри йўлини кўрсатмоқчи бўлганни душман дейди-ю, балчиққа баттар ботиши учун итараётганини дўст билади.

У ичганида ваҳший ҳайвонга ўхшарди. Ҳа, ҳайвондан фарқ қилиб бўлмасди... Ҳайвон билан инсоннинг фарқи нимада? Ҳайвонларга ҳам, инсонларга ҳам жон ато қилинган. Ҳайвонларга ақл-идрок берилмаган. Яратган биз – инсонларга ақл-заковат билан бирга, ихтиёримизни ҳам ўзимизга бериб қўйибди. Фаришталарга-чи? Ҳатто фаришталарнинг ҳам ихтиёрлари ўзларида эмас. Улар фақат Яратганнинг буйруғи билан иш қиладилар. Ўзларича бирор нима бажаришга ҳақлари йўқ. Худо инсонни бебаҳо бойлиги билан сийлаб қўйганини билмаслик – кечирилмас гуноҳ! Жаъфар ақл-идрокини ишлатмай, фақат ихтиёрим ўзимда, нимани хоҳласам шуни қиламан, оғзимга нима келса, шуни гапираман, деб

ўзини тубанликда ҳайвонлардан ҳам паст эканини кўрсатди.

Раҳматли бувижоним ҳамиша бир гапни такрорлашни яхши кўрардилар. Одам ихтиёрим ўзимда экан, деб кимдандир ўч олиши ёки бошқа ножўя иш қилиши уни гуноҳкор қилиб қўяди, чунки ҳамма нарсани кўргувчи ва ҳамма нарсани билгувчи Эгам ўзи жазо бергувчи ҳамдир. Агар сенга кимдир ёмонлик қилса, унга жавоб қайтиришни ўйлама, сен фақат яхшилик томонида бўл. Ана шундагина инсон комил бўлиб, юксакларга кўтарилади, фаришталарга яқинлашади...»

Гулҳаё хаёлига келган гаплардан ажабланди. «Мен ўзи бу ерга нима учун келган эдим-у, нималарни ўйлаяпман. Ахир уйдан Жаъфарни бурда-барда қилиб ташлайман, деган мақсадда чиққанман-ку. Энди эса...

Қизиқ, мен мақсадимни амалга оширсам, одам ўлдириб гуноҳга ботаман, чунки ёмон одамни ўлдириш гуноҳ эмас, дейилган жойи йўқ. Худди шунингдек, қонунда ҳам ёвуз кишини ухлаб ётганида қонун ҳукмисиз ўлдириш жиноят эмас дейилмаган. Мен бир вақтнинг ўзида ҳам кечирилмас гуноҳ – қотиллик қилган гуноҳкор бандга, ҳам жиноятчига айланаман. Лекин Жаъфар одам ўлдиришдан ҳам ёмонроқ иш – ўз аёлига бўҳтон қилиб, унинг шаънини булғади-ку. Оиласининг обрўсини ер билан тенг қилиб, фарзандларини қақшатиб, кўз ёшларини тўкиб, уларнинг ризқу насибасига ароқ ичиб, кайф-сафо қилиб юрибди.

Ҳаммаси тўғри, шунинг учун ҳам дунёда ёмон одамлар ва яхши одамлар деган тушунчалар

бор. Агар ёмонларнинг нотўғри ишларига худди ўзларидай шафқатсизлик қилинса, яхши одамлар деган тушунча қолмаган, иккала тоифа бирлашиб кетган бўлмасмиди? Мен ҳозир Жаъфарни ўлдирсам, иккаламизнинг мутлақо фарқимиз қолмайди. Ҳа, мен жирканч қотилга айланаман. Қандай даҳшат!»

Гулҳаёнинг хаёлидан шулар кечаркан, деразадан чироқ ёруғи тушиб турган уйга қаради. У ортига бурилиб кетмоқчи эди, лекин ғира-шира ёруғда кўриниб турган ланг очиқ кўча эшиги унинг диққатини тортди. Балки менга шундай туйилаётгандир, деб Гулҳаё яқинроқ бориб қаради. Ҳақиқатан ҳам кўча эшиги очиқ эди. У ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ичкарига қадам ташлади ва гиламлар йўқлигини сезиб, Жаъфар кўчиб кетибди, демак, уйда ҳеч ким йўқ, хонанинг чироғини ўчиришни ҳам унутибди. Чироқни ўчириб, кейин уйга қайтаман, деб ўйлади.

Гулҳаё ёруғ тушиб турган хонага секин қаради, кимнингдир оёғи кўринди. У бўйнини чўзиб қаради. Қонга беланган Жаъфарнинг ва бир аёлнинг ўлиб ётганини кўрди. Кўзимга кўриняпти, шекилли, деб ўйлаб у кўзларини қайта юмиб, очиб яна қаради. Гулҳаё бу манзарани кўришга асаблари ортиқ дош беролмади. У ўзини йўқотиб қўйиб, қўлидаги болтани тушириб юборди. Болтани ердан ололмай қоронғида тимирскиланиб анча овора бўлди.

Гулҳаё тезроқ бу ердан чиқиб кетиш учун катта-катта қадам ташлади-ю, оёқлари бир-бирига чалишиб, юзтубан йиқилиб тушди. Унинг юраги қинидан чиққудай дукилларди. Бир амаллаб ўрнидан туриб энди юрмоқчи бўлганида қарши-

сида кимдир тургандек бўлди. Гулҳаё шарпага қаради. Жаъфар тиз чўкканича бошини иккала қўли билан чангаллаб ўтирарди! Ахир у ўлиб ётган эди-ку, бу ким бўлди, ўйлади Гулҳаё баттар ваҳимага тушиб. У қўрққанидан қадам ташлай олмай қолди. Менинг кўзимга кўриняпти, ақдан озьяпман, энди нима қиламан...

Шарпа йўқолди, Гулҳаё секин ташқарига қараб юра бошлади. Яна Жаъфар кўринди, у энди остонада бошини чайқаб, афсус, дегандек турарди. У бирдан ерга чўккалаб ўтириб, бошини эгди. Гулҳаё қўрққанидан тили калимага келмасди. Гарчи унинг бутун вужуди қалт-қалт титраётган бўлса-да, ўзини қўлга олишга уриниб, гапиришга жазм қилди:

– Ил-тимос, ў-ўлганингиздан кейин ҳам қ-қўрқитманг, мени тинч қ-қўйинг... – деди овози қалтираб.

Жаъфарнинг шарпаси йўқолди. Гулҳаё ташқарига қараб югурди. У шу югурганича ҳаллослаб қолганида тўхтади. Нафасини ростлаб олгач, ҳозиргина кўрган даҳшатни ўйлаб, ортига қараб қўйди. Ҳеч ким йўқ эди. Кўчада нион чироқларининг сутранг ёғдуси ҳамма ёқни равшан қилиб турарди. Гулҳаё энди югурмас, унинг югуришга мажоли ҳам йўқ эди. У бир бинонинг олдига келганида қўлидаги болтани кўтаришга кучи қолмай ташлаб юбориб, деворга суяниб қолди. Унинг хаёллари чувалашиб кетган эди. «Мен туш кўраётган бўлсам, ҳозир уйғонаман. Ҳа, бу тушим, бу кўрганларим фақат тушда бўлиши мумкин. Жаъфарни уйида қонга беланиб ўлиб ётганини кўриб, ақдан озай деб турганимда, рўпарамдан ўзи чиқди... Бу қандай юз бериши мумкин? Балки ўлиб ётган Жаъфар эмасдир,

у кимнидир ўлдириб, ўзи менинг рўпарамдан чиққандир? Лекин унинг билагидаги чандифини аниқ кўрдим-ку. Юзи қонга беланган эди... Менга кўринган унинг руҳимикин? Уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаганман. У жуда тушкун қиёфада эди, менга қараб бошини чайқаб нима демоқчи эди? Эй, Худо, уйғониб кетсам қандай яхши бўларди. Бу тушни бошқа эсламасдим ҳам», деб у юзларини секин шапатилади, кейин қаттиқроқ шапатилади.

– Йўқ, тушим эмас, ҳаммаси ўнгимда содир бўляпти. Мен жинни бўляпман! – деди у ва туришга ҳоли қолмай шу ерга ўтириб қолди.

Гулҳаё анчадан кейин ўзини озгина ўнглаб олиб, атрофга қаради. Уйга тўғри кетяпманми ёки бошқа томонгами? Тўғри кетаётган эканман. Уйга етиб олишимга ҳам оз қолибди, шунча йўлни бир югуришда босиб қўйибман. Тонг ёришяпти, тезроқ шошилмасам битта-яримта кўриб қолиши мумкин, деб ўйлаб ўрнидан турди. У болтани қўлига олиб тез-тез юра бошлади.

Атроф жимжит, кичик йўл бўлгани учунми, онда-сонда ўтадиган машиналар ҳам кўринмасди. Гулҳаёнинг қадам товушигина эшитиларди. Кутилмаганда унинг яқингинасидан иккинчи оёқ товуши эшитила бошлади. Гулҳаё кўрқа-писа орқасига қаради. Спорт кийимида бир одам енгил югуриб келарди. Гулҳаё қадамини тезлаштирди. Ҳалиги одам унинг ёнига келганида секинроқ юриб:

– Яхшимисиз, Гулҳаёхон, – деди.

Гулҳаё унга қарамасдан бошини қимирлатиб, янада тез юра бошлади.

– Тинчликми, болтангизни бера қолинг, кўта-
раман.

– Раҳмат, ўзим...

Гулҳаё у одамга қарашга қўрқарди, қараса, худди у қаердан келаётганини билиб қоладиган-
дек эди. Аксига олиб, ҳалиги одам йўлида давом
этмасдан суҳбатлашишдан тўхтамасди.

– Мен ҳар куни тонгда бир соатдан кўпроқ шу
кўчада югураман. Бу соғлик учун жуда фойда-
ли. Сиз ҳам тонгда югуришни бошламоқчисиз,
чоғи? – деб ҳалиги одам Гулҳаёдан жавоб кутиб
қаради.

Гулҳаё, ҳа, деган маънода бошини қимирла-
тиб қўйди.

– Мени танимадингиз, шекилли? Тўртинчи
«А»даги Юсуфнинг отасиман. Бултур ундан шико-
ят қилгандингиз, гаплашувдик, эсингизга тушди-
ми? Еттинчи «А»да жияним Сардор ўқийди. Улар
сиз ҳақингизда жуда яхши гаплар айтишади.

Гулҳаё унга қарашга мажбур бўлди. У ҳеч ни-
мани эсламаган бўлса ҳам:

– Эсладим, – деди.

– Юсуфнинг ўқишлари инглиз тилидан яхши
бўлиб қолди, сизга раҳмат, синглим. Менга бол-
тани берсангиз-чи, ноқулай бўляпти. Эркак
одам аёл кишининг ниманидир кўтариб юрга-
нини кўриб, қўлидан олмаслиги уят-ку.

Ҳалиги одам Гулҳаёнинг қўлидан болтани тор-
тиб олди.

– Нимага болта кўтариб юрибсиз? – деди кулиб.
Гулҳаё нима дейишини билмай:

– Шунчаки... – деди.

– Мен умримда шунчаки болта кўтарган одам-
ни биринчи кўришим, – деб ҳалиги одам қаҳ-қаҳ

отиб кулди. – Сиз Солиҳ аканинг қизисиз-а, у кишини дадамлар жуда ҳурмат қилиб гапирадилар. Мен Носир аканинг ўғиллариман. Улар дадангиз билан бирга ишлаганлар.

Гулҳаё гап болтадан бошқа мавзуга ўтганидан энгил тортиб:

– Ҳа, шунақами? – деб бошини қимирлатиб қўйди.

Қовоғини солганича жим келаётган Гулҳаёнинг юзи сал ёришганига ҳалиги йигит энди очилиброқ гапира бошлади.

– Мен ўғлимни мактабга олиб бораман, олиб қайтаман, шунда айрим пайтлари сизни кўриб қоламан. Сиз эса бандлигингиздан эътибор бермайсиз. Бориб сўрашсамми, деб ўйлайман-у, бироқ вақтингизни оламанми деб...

Гулҳаё унга қаради. Ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги оқ-сарикдан келган, баланд бўйли йигит. Унинг кулиб турган думалоқ юзи бир қараган одамга офтобни эслатарди.

– Ҳойнаҳой исмимни ҳам эсингиздан чиқарган бўлсангиз керак?

– Узр, ҳа...

– Бунёдман.

Гулҳаё уйига келиб қолганини кўриб:

– Хайр, – деди.

– Болтангизни олмайсизми, балки уни эртага яна шунчаки кўтариб чиқарсиз? – деди кулиб Бунёд.

– Узр, уни бошқа кўтармайман, – деди Гулҳаё болтани оларкан.

– Тўғри қиласиз, уни кўтариб юришнинг нима кераги бор.

Гулҳаёнинг титроғи ҳалиям босилмаганди. У болтани жойига қўйиб, онасидан хабар олиш-

га ҳам бормай, ювиниш хонасига ўтиб қўллари, юзларини ювди. Кейин хонасига кириб, устки кийимларини ечмасдан ўзини кароватга ташлаб, устига бошидан ошириб кўрпа ёпди.

Х БОБ

Собиржон ўрнидан турди. У Гулҳаёнинг гапларидан кейин деразадан ташқарига қараганича ўйга толиб қолган эди. У бирдан орқасига қараб:

– Айтинг-чи, Жобирова, сизларнинг уйингизда нечта болта бор? – деб сўради.

Терговчидан бошқачароқ савол кутиб ўтирган Гулҳаё ҳайрон бўлиб:

– Битта... – деди.

Фарҳод ёзишда давом этаркан, кулиб қўйди.

– Сиз Турдиевникига тахминан соат нечаларда бордингиз?

– Уч-тўртлар орасида.

– Уйга қачон қайтдингиз?

– Тонг ёришганда, соат нечалигини билмайман.

– Сиз Турдиевнинг ўлимида кимдандир шубҳа қиласизми, айтмоқчиманки, унинг илгаридан бирорта душмани бормиди?

– Мен билмайман, унинг ягона дўсти ҳам, ягона душмани ҳам ароқ эканини биламан, холос.

– Акангиз Фаррух-чи, синглисига берган азобуқубатлари, шаънига айтган номаъқул гаплари учун уни ўлдирган бўлиши мумкинми?

– Акамга нисбатан бундай айблов жуда ноҳақ бўларди, у киши одам ўлдиролмайдилар. Бу ҳақда ўйлаш ҳам мумкин эмас.

– Ота-онангизга ҳам қийин бўлган, айниқса, унинг нотариусдаги гаплари. Ҳеч қандай ота-она буни кечиролмаса керак, нима дейсиз?

– Узр, бу билан ота-онангиз ҳам қотилликда шубҳадан ҳоли эмас, демоқчимисиз? – деди Гулҳаё кўзларини катта очиб.

– Умуман олганда оилангиз аъзолари қотилликда асосий гумондорлар ҳисобланади.

– Мендан шубҳаланишларингиз мумкин, лекин улардан ҳеч қачон! Сизлар уларнинг қандайликларини билмайсизлар.

– Қандай?

– Улар дунёдаги энг олижаноб кишилар. Мен ота-онамга муносиб фарзанд бўлолмадим, кимнидир ўлдирмоқчи бўлдим, шундан афсусдаман.

– Жобирова, фақат ростини айтинг, агар айтганларингизни тўғри, деб қабул қилсак, уларни сиз боргунингизча кимдир ўлдирмаган бўлса, ўзингиз бу ишни амалга оширармидингиз?

– Боя айтдим-ку, мен ичкарига кирмасдан фикримдан қайтган эдим.

– Унда нима учун ичкарига кирдингиз, жавоб беринг-чи?

– Узр, мен буни ўзим ҳам билмайман, кечаси эшик ланг очиқ тургани учунми, балки ичкарида ҳеч ким йўқ деб ўйладимми, чироқни ўчирмоқчи эдим, шекилли. Ишқилиб, ичкарига кирдим...

– Ана кўрдингизми, ўзингиз ҳам билмайсиз. Турдиевни ўлдириш мақсадингиз бўлмаса, болта кўтариб ичкарига кирармидингиз?

– Мен қотил эмасман. Улар ўлиб ётган эди...

– Ичкарига кирганингизни рад қила олмаслигингизга сабаб, у ерда сизнинг оёқ изларингиз

бор. Бошқа гапларингиз эса ҳеч нима билан тасдиқланмайди.

– Мен ўлдирмаганман...

– Аммо бу гапингизни исботлай олмаяпсиз.

– Қандай исботлаш мумкин? Ахир тун қоронғисида кўчада ҳеч ким бўлмаса? Минг лаънат ҳаммасига! – деди Гулҳаё асабийлашиб.

– Ўша тунда йўлда учраб, сизга болтани кўтаришган Бунёд исмли йигитнинг манзилени биласизми?

– Узр, йўқ, бизнинг маҳаллада яшаркан, шуни биламан...

– Фамилиясини-чи?

– Ўғлининг фамилияси Сирожиддинов эди.

– Тушунарли, – деб Собиржон керакли нарсаларни ёзиб бўлганидан сўнг: – Сиз тилхатга имзо чекканингиздан кейин кетаверишингиз мумкин, – деди.

Гулҳаё чиқиб кетди. Фарҳод ўрнидан туриб, керишди ва:

– Менимча, гувоҳнинг гапларини битта қолдирмай ёзишнинг сира кераги йўқ эди, гапларининг аксарияти ишга алоқаси йўқ сўзлар. Лекин кераксиз ниманидир ёзмасдан қолдириб кетсам, дакки эшитишдан қўрқиб, ҳаммасини ёзишга мажбур бўлдим, – деди норози оҳангда.

– Агар истамасангиз ўзим ҳам сўроқ қилиб, ҳам ёзишим мумкин эди, бу менга қийин эмас. Ўзингиз ёзишни хоҳлаганингиз учун ёзаяпсиз-ку.

– Тўғри, мен ҳозирги тергов ҳақидаги фикримни айтаяпман, холос... – деди Фарҳод қўлларини ёйиб.

Шу пайт эшикни тақиллатиб Гулҳаё кўринди.

– Келинг, нимадир айтишни эсингиздан чиқарибсизми? – деди Собиржон унинг қайтиб келганига ажабланиб.

– Узр, ҳа, мен...

– Тортинмасдан гапираверинг, – далда берди Собиржон.

– Мен сиздан илтимос қилсам бўладими? – деди Гулҳаё ерга қараб.

– Нимани?

Фарҳод беихтиёр гапга аралашди:

– Нимани бўларди...

Собиржон унинг гапиришига йўл қўймай:

– Фарҳод жим бўлинг! Хўш, Жобирова нима демоқчисиз? – деди.

– Менинг Жаъфарни ўлдирмоқчи бўлиб унинг уйига боришим жуда катта янглишганим. Аёл бошим билан ярим кечада болта кўтариб юришим – жуда хунук иш, албатта, бу ҳеч кимга ҳам ярашмайди. Сиздан шу хато ишимни ҳеч кимга айтмасликни сўрамоқчи эдим. Агар мумкин бўлса... Ота-онам буни эшитсалар, билмадим қай кўйга тушишади. Узр, вақтингизни оляпман. Тушунаман, сизлар кимнингдир хатосини сир тутишга мажбур эмассизлар, бироқ бу мен учун жуда муҳим...

– Агар сизга болта кўтаришда ёрдамлашган киши буни айтиб қўйса-чи?

– Унинг ҳеч нимадан хабари йўқ-ку, шунинг учун буни гапириб юрмаса керак, деб ўйлайман.

– Майли бораверинг, биз терговни шароитдан келиб чиққан ҳолда олиб борамиз. Ҳар қалай илтимосингизни инобатга оламиз.

– Раҳмат, – деб Гулҳаё чиқиб кетди.

– Собиржон ака, бунисига нима дейсиз? Тўрталаси худди шу гапни айтишни келишиб олганлар, деган фикрим тўғри эканми? Қотиллик содир қилинган жойга борганимни ота-онамга

айтманг, эмиш. Ҳаммангнинг оёқ изларинг ўша ердан топилган. Оёқ изи ўзиники эканини бир овоздан ҳаммаси тан олишади-ю, қотиллик қилмадим, деб туриб олади. Одамнинг энсасини қотириб, нима қилишади бир-бирларини мақтаб. Жобирова Гулҳаё деганлари кўринишидан содага ўхшаса ҳам, ўтакетган муғамбир экан, қаранг, бизга алақандай руҳлар ҳақида гапириб, ишонтирмақчи бўляпти. Нима эмиш, эрининг руҳи унинг қаршисидан чиқиб қўрқитган эмиш. Ўзи қотиллиги учун қамоққа олиниш арафасида турибди-ю, яна тунда жиноят жойига борганини сир тутишимизни сўраяпти. Қизиқ, унинг илтимосини бажарсак, Жобировани нимада айблаб ҳибсга оламиз?

Менинг энг гашимни келтиргани, унинг чироқни ўчириш учун ичкарига кирдим, дегани. Сенинг шу гапингга ким ишонарди, овсар? Гўёки у тунда бориб, собиқ эрининг уйидаги электр энергиясини тежамоқчи бўлиб чироқни ўчириш учун кириб қараса, у ўлиб ётибди. Чўпчакни қаранг, энг ношуд эртакчи ҳам бунақа расво ёлғонни ишлатмасди. Асабимни таранг қилиб, аҳволининг танглигини билмагандек, ҳар гапида узр сўрашига бало борми?

– Жуда қийин вазиятга тушиб қолдик. Ҳамма далиллар Жобировлар оиласига қарши. Биттасининг телефони, яна бирининг тароғи, бошқаларининг оёқ излари тўғридан-тўғри жиноят жойидан аниқланган. Улар эса...

– Менимча, биз эмас, улар қийин вазиятда.

– Улар ҳам, биз ҳам.

– Собиржон ака, сизга нима бўлаётганини тушунмаяпман. Айбини тан олган жиноятчи кам-

дан-кам учрашини биласиз-ку. Улар ҳам ўзларини олижаноб кўрсатиб, силлиққина қилиб айбни бўйинларидан соқит қилишмоқчи. Чунки уларнинг фикрича, иккита алкашнинг ўлими ҳеч нимани белгиламайди.

– Наҳотки Жобировлар шунақа расво, имон-эътиқодсиз, виждонсиз одамлар бўлса?

– Ҳа, улар учун бу нарса ҳеч нима эмаслиги кўриниб турибди, лекин қонунда мастни ёки наркоманни ўлдириш жиноят эмас, дейилмаган. Шунинг учун ҳам Жобировлар оиласидан тўрталовини ҳам қамоққа олиш керак, деб ўйлайман. Менимча, улар ҳибсга олингандан кейингина рост гапиришади.

Собиржон ўйланиб қолди. У бирпасдан сўнг:

– Жобировлар оиласидан бир одамни сўроқ қилишни эсдан чиқараёзимиз, – деди.

– Кимни?

– Фаррухнинг рафиқасини.

– У нимани ҳам айтиши мумкин, бекорга вақтимизни сарфлаймиз. Уйдаги келин катталар турганида бир нимани ҳал қила олармиди? Улар жуда айёр одамлар, келинга ҳеч нимани билдирмаганликлари аниқ.

– Ҳар қалай уни ҳам терговга чақиришимиз керак. Ҳеч бўлмаса тўрталасининг гапларини тасдиқлаши ёки рад қилиши мумкин.

– Бир томондан қараганда гапингиз жуда тўғри, Собиржон ака. Аслида-чи, уни биринчи сўроқ қилиш керак эди. Ўзи, мен сизга айтсам, оилада бўлган ҳамма гапни келинлардан олиш керак. Агар у қайнона ва қайинсингилга қарши, бунинг устига чаққонгина бўлса, масаланинг моҳиятини тушу-

ниб, улардан қутулиш учун истаган кўрсатмасини беради, – деди Фарҳод қулиб.

– Уни эртага сўроқ қиламиз.

– Майли, соат тўққизга чақирсам бўладими?

– Ҳа.

XI БОБ

Собиржон Нилуфардан шахсига оид маълумотларни сўраб бўлганидан сўнг асосий саволларга ўтди.

– Айтинг-чи, Жобирова, иккинчи апрелдан учинчи апрелга ўтар кечаси қаерда эдингиз?

– Қаерда бўлардим, уйда-да. Келин ота-онасиникига тез-тез кетавериши, айниқса, унинг ётиб қолиши яхши эмас. Бу ойижонимга ёқмайди, мен уларга нима ёқса, шуни қилишга ҳаракат қиламан. Биласизми...

Собиржон унинг гапини бўлди.

– Ўша тунда уйларингда нима бўлди?

– Ҳаммамиз ухладик.

– Қайнонанинг ҳамми?

– Ҳа, улар ҳам...

– Ҳеч кимнинг тоби ҳам қочмадими?

– Йўқ, шекилли...

– Нимага очиқ-ойдин ёлғон гапиряпсиз? Сиздан олдин кўрсатма берганларнинг ҳаммаси қайнонанинг Муниса опанинг мазаси қочганини айтишган. Терговда ёлғон кўрсатма беришнинг оқибати қандай бўлишини тушунмадингизми, дейман? – деди Собиржон асабийлашиб.

– Йўқ, – деди Нилуфар хавотирли қараб.

– Ҳозиргина бу ҳақда огоҳлантирдим-ку. Қонуний чора кўрилиши ҳақида айтиб ўтдим.

– Йўғ-э?

– Сиз нима деб ўйлагандингиз?

– Мен...

– Ўзи нимани яширмоқчисиз, ахир тўғри гапирсангиз бўлмайдимиз? Ёки бирор ёмонроқ иш қилиб қўйдингизми?

– Мен ҳеч нарса қилмадим, фақат Фаррух акам оғзингга келганини гапираверма. Сенинг кўпроқ сўзлаб қўядиган одатинг бор, терговчиларга раҳминг келсин, сипороқ бўлгин, дегандилар.

– Лекин у ёлгон гапир демаган-ку?

– Тўғри, бироқ айрим гапларни айтмаслик керакми, деб ўйлаб...

– Сизга маслаҳатим, ўша тунда нима гап бўлганини рўй-рост гапиринг.

Ўзини сипо тутиб, ҳеч нимани билмагандек ўтирган Нилуфар ҳаммасини гапиришга қарор қилди чоғи, бирдан бидиллаб, тез-тез гапира кетди.

– Во-ой, қасам ичаман, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен ҳеч қачон ёлгон гапирмайман. Ўша тундаги гапларни эсласам, ҳозир ҳам ўзимни ёмон сезаман. Шу десангиз, куни билан исит-малаб ётган ойижонимнинг аҳволлари кечга яқин янада оғирлашди. Кўзларини ола-кула қилиб, Гулҳаёнинг ажралиб кетган эрининг исмини айтиб бақариб юборадиларми-ей. Тавба қилдим, тавба қилдим, ойижоним бир нималарни сезган эканлар. Эрталаб ўша касофатнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитдик, – деди Нилуфар ёқасини ушлаб. У сўзида давом этди. – Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, туни билан уйда ҳеч ким ухламади. Кундузи югур-югурда чарчаганим учун соат ик-

ки-учларда озгина кўзим илинган экан, шуни-ям дарров пайқаб, Нилуфархон, Нилуфархонлаб қолишди. Нима қилай, чиқдим. Шафоат кен-нойи уни топиб беринг, буни топиб беринг, деб роса бошимни қотирди. Гулҳаёхон ухлаб қол-ганмикин, деб унинг хонасига бордим. Қарасам хонасида йўқ, болаларининг ёнида ётгандир деб уларнинг ётган жойларига мўраласам, у ерда ҳам йўқ. Соатга қарадим, тунги уч ярим! Она-си бир аҳволда ётганида қаерга кетиши мум-кин? Ярим тунда қаёққа ғойиб бўлди экан, деб қўрқиб кетганимдан югуриб бориб акасига айт-дим. У ҳам ҳайрон бўлди, балки дорига чиқиб кетганмикин, деди. Мен, сиз турганда Гулҳаё аёл боши билан қоронғи тунда дорига кетадими, нималар деяпсиз, дедим. Сен кўп гапирмасдан бор ишингни қил, бирор юмуш билан юргандир, деб мени уришиб бердилар. Шу-да, бошқа нар-сага жаҳллари чиқса ҳам мени уришадилар...

– Ўша тунда қайнотангиз ҳам уйдаמידиди?

– Ҳа, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уларга бирам раҳмим келди, бирам раҳмим келди. Бечора гоҳ ойижоним ётган хонага, гоҳ ўзла-рининг дам олиш хоналарига ўтадилар. Бир жойда ўтиролмай фақат юрдилар. Гулҳаёнинг ғойиб бўлганини эшитиб, уларнинг эслари чи-қиб кетди. Ҳамма хоналарни ўзлари кириб, битта-битталаб қараб чиқдилар. Бирор ерда мазаси қочиб йиқилиб қолган бўлмасин, деб ўйладилар, шекилли.

– Фаррух-чи, у ҳам уйдаמידиди?

– Шўрлик Фаррух акам кечаси билан тик оёқ-да юрдилар. Дорихона билан уй орасида бўз-чининг мокисидай физ-физ қатнайвериб, тунни

ўтказдилар. Ойижонимга ҳам қойил эмасман, касалхонага бормайман, деб туриб олишларига бало бормиди? Фаррух акам ҳам, мен ҳам ишга боришимиз керак, туни билан кўзи илинмай итдек чарчаган одам қандай ишлайди? Ҳеч бўлмаса шуни ўйламайдиларми?

– Яхшилаб эслаб кўринг-чи, Фаррух бирор соатга кўчага чиқиб кетмадимми?

– Жуда яхши эслайман, чунки улар кўчага чиқсалар, айниқса, кечки пайтда ҳамиша соатга қараб тураман. У киши уч марта дорихонага чиқдилар, роппа-роса йигирма дақиқада қайтиб келдилар. Сизга ростини айтсам, Фаррух акамнинг кечасими, кундузими кўчада санғиб юрадиган одатлари йўқ. Бўш вақтларини биз билан ўтказадилар. Уйнинг, рўзгорнинг кам-кўстига қарайдилар...

– Гулҳаё қачон қайтиб келди?

– Мен соатини аниқ билмайман, фақат тонг ёришиб, ҳаммаёқ ёруғ бўлиб қолганини эслайман. Кирсам, дадамлар унинг ёнида ўтирган эканлар. Нима бўлди, деб сўрасам, мазаси бўлмаяпти, қизим, сиз ойингизнинг олдига бора қолинг, дедилар. У кишининг кўзларидаги ёшни кўриб, менинг ҳам ўпкам тўлиб кетди. Шафот кеннойи кириб унга қарай бошлади. У ётган жойида дағ-дағ титрарди.

– Гулҳаёга нима бўлган экан?

– Билмасам, энди... У устки кийимлари билан ётганди. Чамамда кўчадан келиши билан кўрпага кирган. Ҳайронман, қаерга борган? Фаррух акамдан сўрамоқчи эдим, тагин уришиб беришларидан қўрқиб...

– Сиз, ўзингиз нима деб ўйлайсиз? У ярим тунда қаерга борган бўлиши мумкин?

– Ишқилиб, сизлар Гулҳаё ҳақида ёмон фикрга бормаяпсизларми? – деди Нилуфар кўзларини ола-кула қилиб Собиржонга қараб.

– Бунинг аҳамияти йўқ, сиз саволга жавоб берсангиз, дегандим.

– Вой, нимага аҳамияти бўлмас экан? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Гулҳаёдақа қизлар жуда кам учрайди, айниқса, ҳозирги замонда. Айрим пайтлари бу қиз одаммас, деб ўйлаб қоламан.

– Уни шунчалик ёмон кўрасизми?

– Вой, нега ёмон кўрарканман, уни қизмас, фаришта эмасмикин, деб шубҳаланиб қоламан, демоқчи эдим. Ишонаверинг, унинг қалби шу қадар тозаки, мен бундан ҳайратланаман. У ҳеч қачон бировга ёмонликни ўйламайди, ҳатто унга нисбатан ноҳақлик қилишса ҳам. Гулҳаёдан бирор ёмонлик чиқибди, десалар, мен бунга икки дунёда ҳам ишонмайман.

– Қайнонангизнинг қўлидан ёмонлик қилиш келадими?

– Нималар деяпсиз, у киши қалби пок аёл. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен ойижонимни ўзимнинг ойимдан кўпроқ яхши кўраман. Чунки мен улардан ҳамма нарсани, айниқса, оққўнгиликни ўрганганман...

– Қайнотангиз-чи, қотиллик қилоладими, нима деб ўйлайсиз?

– Шу саволни сал ўйламай бердингизми, дейман? – деди Нилуфар Собиржонга норози бўлиб қараб.

– Нимага?

– Дадажонимни бир кўрган одам шу гапни айтмаса керак, деб ўйлардим. Уларнинг қандай нуроний инсон эканини кўрмаганмисиз? Ахир одамнинг қанақалиги унинг кўринишидан ҳам маълум бўлади-ку. Дадажоним қотиллик у ёқда турсин, мусичага ҳам озор бермайдилар, шуни билиб қўйинг!

– Эрингиз-чи?

– Нима демоқчисиз, у қотиллик қила оладими, демоқчимисиз?

Собиржон, ҳа, деб бошини қимирлатиб қўйди.

– Илтимос, унақа савол берманг, мен ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Фаррух акам-а? У бечора ярамас Жаъфар синглиси Гулҳаёни ҳақоратлаши, тепкилаб уришларини билиб ҳам, ҳеч нима қилмаган, ҳатто бир шапалоқ ҳам туширмаган. Шундай экан, ўзингиз ўйлаб кўринг, улар ажрашиб кетганларидан кейин бориб уни ўлдирадими?

– Оилангиздагиларни мақтаб кўкларга кўтардингиз. Ундай бўлиши мумкин эмас. Ҳар кимда ҳам камчилик топилади. Ўзи улар орасида озгина бўлса-да, феълида қусурли одам борми?

– Сиз, ҳурматли терговчи, менга очигини айтаверинг, Жаъфар ярамаснинг ўлимида улардан шубҳаланяпсизми?

– Ҳа.

– Ўзим ҳам билгандим шундай деб ўйлаётганингизни. Тушунмай қолдим, унинг ўлдирилишидан бир кун олдин ойижоним касал бўлиб қолдилар, ўлдирилган куни эса Гулҳаё...

– Ана, кўрдингизми, буни билган ҳар қандай одам ҳам шу фикрга борадими? Сиз ҳам шундай деб ўйлаган бўлсангиз керак, тўғрими?

- Нима деб?
- Гулҳаё эрини ва унинг жазманини ўлдирган деб.
- Мен дарёнинг тескари оқишига ишонишим мумкин, бироқ Гулҳаёнинг қотилликка қўл уришига ишонмайман.
- Сизнингча, у ўша тунда қаёққа гойиб бўлган?
- Билмайман... – деб Нилуфар ўйланиб қолди. Кейин Собиржонга қараб: – Боя оилангизда ўзи феъли ёмонроқ кимдир борми, деб савол бергандингиз. Шу саволингизга жавоб бермоқчи эдим.
- Марҳамат.
- Бор, шундай одам бор, битта бўлса ҳам, ёмон одам бор...
- У ким экан?
- Мен...
- Тушунмадим, ўзингизни ёмон одамман, деяпсизми? – деди Собиржон ажабланиб.
- Ҳа, аблаҳман... – деб Нилуфар йиғлаб юборди. Кутилмаган гапдан Фарҳод ёзишдан тўхтаб, Собиржонга қараб елкасини қисиб қўйди. Собиржон Нилуфарнинг нима демоқчилигини тушунмай:
- Тушунтириброқ гапиринг, сиз ўзингизни нимададир айбламоқчимиз? – деди.
- Нимададир эмас, ҳаммасида мен айбдорман, – деди Нилуфар кўз ёшларини артиб.
- Сиз у уйда келин бўлсангиз, кандай айбингиз бор?
- Агар мен ичиқоралик қилмаганимда, уйимдаги бечоралар шунчалик азобланмаган бўлардилар. Мана шу воқеаларнинг ҳаммасига мен сабабчиман. Ҳатто сизлар ҳам мен туфайли

қотил кимлигини тополмай, овораи сарсонсизлар.

– Жобирова, ўзингизга катта айб юкляяпсиз, балки нима бўлганини айтиб берарсиз?

– Албатта, ҳаммасини айтаман, бироқ мен буларни ойижонимга айтишга юрагим бетламаган. Сизларга айтаман, ҳаммани тинч қўйиб, ҳақиқий айбдорни жазолашларингиз учун ҳам гапириб бераман!

– Сиз қотилликни ўз бўйнингизга олмоқчимисиз? – деди Собиржоннинг таажжуби янада ортиб.

– Ҳа, ҳаммасига мен айбдорман. Ҳурматли терговчи, мени сўроқ қилаётганингизда шуни билиб олдим, одамнинг гапини бўлиб, савол бераркансиз. Илтимос, гапимни бўлмасдан ҳаммасини эшитинг, бир нима деб чалғитсангиз, нима демоқчи эканимни унутиб юбориб, бошқа нарсани гапирадиган одатим бор.

– Майли, гапиринг.

ХII БОБ

Нилуфар келин бўлиб тушганида у қайнона, қайинсингил ҳақида бошқача фикрда эди. Ўзи кеннойисидан акасини қизганиб, уни ёқтирмагани учунми, кеннойи билан сингиллар иноқ бўла олмайдилар, деб ўйларди. Онаси кеннойисини ҳар қадамда койиб, унинг орқасидан Нилуфарга ёмонлаб гапиришидан эса ҳамма она келинини ёмон кўради, деган фикрга келган эди.

Уларнинг тўйидан кейин бир йил ўтмасдан Гулҳаёни узатиш тараддудига тушиб қолган Му-

ниса опа қишлоқдан кўчиб келганларига бир йилгина бўлгани сабабли, совчи келса, келинини чақириб, уларни таниш-танимаслигини суриштирарди. Жаъфардан совчи келганида ҳам худди шундай бўлди.

– Қизим, Наргизахон қудаларингизга уйимиз яқин, уларни яхши таниймиз, деяпти. Сиз Наргизахонни танийсизми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Нилуфар.

– Улар қандай одамлар?

Нилуфар ўйланиб қолди, чунки Наргиза деган аёл ҳақида яхши гап эшитмаганди. Уларнинг оиласи ҳақида қўшнилар орасида ҳар хил ёқимсиз миш-мишлар юрарди. Наргизанинг ахлоқи бузуқлиги, уларнинг маишатга берилганликлари... Нилуфар шуларни айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, шайтоннинг васвасасига қулоқ тутди. Ўзига-ўзи қайинсинглим-ку, унга яхшилик қиламанми, дерди.

– Унча яхши билмайман, ойижон, лекин улар тўғрисида ёмон гап эшитмаганман, – деди Нилуфар.

– Бўлажак куёв ҳақида-чи? У қандай бола экан, акангиз бир нималарини билса керак?

Нилуфар яна ўйланиб қолди. Акаси Жаъфар ҳақида гапирганини эшитган, лекин ёмон томонини. У мактабни тугатмасданоқ ароқ ича бошлаганини, институтга бир амаллаб киритганларидан сўнг ҳатто отаси билан ҳам ароқ ичишини айтиб, ҳайрон қолганини эшитган. Унинг яқин дўсти йўқлигини, ўзи ҳамиша яккамоховга ўхшаб юришини, бировга яхшилик қилиш нималигини билмаслигини, ичиқоралигини айтган. Нилуфар шуларни қайнонамга айтсаммикин,

деб ўйланди, лекин яна шайтоннинг гапига қулоқ солди.

– Акамнинг ёшлари у боладан катта бўлгани учун ўртоқ эмаслар. Шунинг учун у ҳақда ҳеч нима демаганлар. Яхши бола, шекилли, – деди.

– Қизим, ўзингиз биласиз, биз шаҳарга яқинда кўчиб келдик. Шунинг учун бу ердаги одамларни унчалик яхши билмаймиз. Янглишиб, хато қилиб қўйсақ, синглингиз Гулҳаё бахтсиз бўлиб қолиши мумкин деб, хавотир оламан-да... – деб гапирарди Муниса опа.

«Синглингиз эмиш, қанақа сингил. Чиройли бўлиб ўқишга кетадилар. Ҳеч қандай бўёқсиз ҳам ҳамманинг кўзи унда. Мен супургини судраб ҳаммаёқни тозалаб, ҳатто ўзимга қарашга ҳам вақт тополмайман. Ёрдамлашайми, деб ёлғондан сўрашини-чи! Баттар бўлсин, ўша алкашга тегиб, бир йилга қолмай кампирга ўхшаб хунук бўлиб қолганини кўриб маза қиламан», ўйлади Нилуфар.

– Йўғ-э, оилада биттагина ўғил-ку, Гулҳаёхон бахтли бўлади, – деди Нилуфар.

– Мен ҳам шуни айтяпман, лекин синглингизнинг у йигитга кўнгли йўқроқ.

– Нима учун?

– Унинг гаплари сохтага ўхшайди, дейдими, тушунмайман. Балки сиз унга ёрдам берарсиз? – деди Муниса опа.

– Қандай ёрдам беришим мумкин?

– Куёв болани танишингизни, улар сизларга қўшни эканини, улар ҳақида ёмон гап эшитмаганингизни айтсангиз, хуллас, ҳозир менга айтган гапларингизни айтсангиз, Гулҳаёнинг кўнгли-

даги хижиллик йўқолиб, тўйни бошлашимизга рухсат берармиди, дейман-да, она қизим.

Нилуфар унга ростини айтсаммикин, шу пайтгача бу кампир менга бирор ёмонлик қилмади, тилидан бол томиб гапиради. Қизи ҳам шундай, кеннойижон, деб ёрдамга тайёр туради. Лекин унинг табиий гўзаллиги, ақллилиги менга ёқмайди. Ҳамма нарсани билади, ўқимаган китоби йўқ, жуда билагон. Назаримда, менга ақлини кўз-кўз қилаётгандек туюлаверади. Ҳеч нимани айтмайман, керак бўлса ўзи билиб олсин! Билагон хонимча! Нилуфардаги Гулҳаёга бўлган ҳасад туйғуси устун чиқди.

– Майли, ойижон, Гулҳаёхон билан гаплашаман.

– Раҳмат, қизим. Сизга бир нарсани айтмоқчи эдим, кеча кўчани супуриб юрганингизни кўриб, қўлингиздан супургини оламан десам, ишингизни тугатиб қўйибсиз. Бошқа супурманг, синглингиз супуриб қўяди, ой-кунингиз яқин қолди, неварам соғ-саломат туғилсин дейман. Эсон-омон қутулиб олинг, болам.

– Раҳмат, ойижон.

– Сиздай келиним борлигидан жуда хурсандман, ўзимга ўхшаб кўнглингиз тоза. Ўхшатмасдан учратмас, деб топиб айтишган-да.

Нилуфар яна ўйланиб қолди. «Бу хотин мен учун қайгуради, яхши кўради, менга ишонади. Мен-чи, нега уларга ёмонликни раво кўряпман? Бунга ҳеч қандай сабаб йўқ-ку. Балки келинлар қайноналарни ёмон кўришлари керак, деган гап миямга ўрнашиб қолгани учундир? Ҳа, худди шунинг учун. Мен Гулҳаёнинг бахтсиз бўлишига

йўл қўймаслигим керак. Ҳаммасини очиқ-ойдин айтаман», хаёлидан ўтказди Нилуфар.

Шу пайт Гулҳаё ўқишдан келди. Унинг нав-ниҳол-дек тик қадди-басти, нозиккина гавдасига ярашиб турган кийимлари, ёноқлари сал қизарган оппоқ юзи, бежирим турмакланган тўқ жигарранг сочлари, шаҳло кўзлари, чиройли лаблари ҳар қандай кишининг диққатини тортарди.

– Ассалому алайкум ойижон, ассалому алайкум кеннойижон, яхши ўтирибсизларми? – деди у кулимсираб. Гулҳаё гапирганида янада дилбар бўлиб кетарди.

Нилуфар унинг саломига аранг алиқ олиб, хонасига кириб ўзини кўзгуга солди. Унинг назарида ойнада улкан бақа тикка турганича унга бақрайиб турарди. «Қандай қиз эдим-а, шу аҳволга тушаман деб сира ўйламагандим. Лапанглаб юришимни-чи, худди пингвинга ўхшаб. У кўзгудан кўзини олиб, ҳозиргина ҳасади келган Гулҳаёни эслади. У ойимчанинг бахтли бўлиши менга керакми? Зарил кептими, унинг бўлғуси эрининг қандайлигини айтиб. Ўша алкашнинг уйига қанча тезроқ йўқолса, шунча яхши. Менга ўчакишгандек ўзини кўз-кўз қилиши жонимга тегди. Одам ҳам шунақа бўладими, бенуқсон гўзалликни ҳеч қачон кўрмаганман. Жаъфарга теккан ҳар қандай гўзалнинг расвойи олам бўлиши аниқ. Унинг чиройли кўзлари йиғидан қизаришини, нақш олмадек юзлари тиришиб-буришишини кўрсам кўнглим тоғдек кўтарилади...»

Нилуфар энди соғлом фикрлай олмай қолган, унинг бутун вужудини ҳасад ўти ёндиради. Унинг Жаъфар ҳақидаги илиқ гаплари Гулҳаё-

нинг кўнглидаги хижилни сал бўлса-да тарқатиб, тўйга рухсат сўраган онасига индамади.

Шунча кўнгилсизликлардан кейин ҳам ҳеч ким Нилуфарни ёлғон гапириб, Гулҳаёни бахтсиз қилишда айбламади, ҳатто Жаъфарнинг оиласи ҳақидаги гапларини эслашмади ҳам...

* * *

Нилуфар ҳаммасини сўзлаб бўлганидан сўнг:

– Менинг қанчалик ёмон одам эканимга энди ишондингизми? – деди.

Собиржон:

– Мен бир нарсага ҳайронман, наҳотки оилаларингдан ёки қариндошларингиз орасидан ҳеч ким тўйга оз бўлса-да қаршилиқ билдирмаган бўлса? – деди.

– Оилада дадажонимизнинг гаплари ҳаммамиз учун қонундек. Улар ойижонимнинг гапларига қўшилганларидан кейин бошқалар нима ҳам дерди. Лекин дадажонимизнинг амакилари ўз фикрларини шартта-шартта гапириб, Гулҳаёни узатишга қарши эканини айтганди. У ўқини тугатгандан кейингина турмушга чиқиш ҳақида ўйлаш керак, деди.

– Унинг исми ким эди?

– Амакиларинингми?

– Ҳа.

– Худоёр ота дадажонимнинг амакилари, улар бизникига тез-тез келиб турадилар. У киши жуда ақлли одам. Биласизми, агар мен Жаъфарнинг оиласи ҳақида ҳақиқатни гапириб берсам борми, дадажонимиз Худоёр отанинг гапларига қўшилиб, ҳеч қачон тўй бўлмасди. Мен ярамас эса отанинг гапларини чала-чулпа эшитиб, энди

қайнотам Гулҳаёни узатиш фикридан қайтади, деб сиқилиб ҳам юрдим.

– Тушунарли.

– Менинг қанчалик айбдор эканимни энди билгандирсизлар. Шунинг учун бу ишда Гулҳаёни эмас, мени айбдор деб ҳисоблашларинг керак, деб ўйлайман, – деди.

– Биласизми Жобирова, бу айтганларингиз сизнинг виждонингиз олдидаги муаммоларингиз.

– Кўнглим жуда нотинч, наҳотки ўша ярамас Жаъфарнинг ўлимида оиламиздан кимнидир айблаб қамасизлар? – деди Нилуфар терговчига хавотирли қараб.

– Нимага бундай фикрга келдингиз? – деди Собиржон унга синовчан назар ташлаб.

– Мен милиционерлар ёзги ошхонамиздаги шкафдан болтани олиб кетганларидан кейин шундай фикрга келдим. Нима, Гулҳаё ўша болта билан иккаласини уриб ўлдирган, деб ўйлапсизларми? Уни текширмоқчи бўлсанглар керак-да, шундайми?

– Сизнингча, у шундай қила оладими?

– Йўқ, у одам ўлдиролмайди. Боя айтдим-ку. Нега мени аврайсизлар? Барака топгурлар, менинг шунча вақтдан бери ичимни ит тирнаётгани етмайдими? Агар мабодо Гулҳаёни қамамоқчи бўлсанглар, мен бунга йўл қўймайман!

– Хўш, нима қиласиз?

– Унинг ўрнига мени қаманглар, деб талаб этаман. Ҳаммасига мен айбдорлигимни сизларга тушунтириб бердим, энди шундай дейишга ҳаққим бор, деб ўйлайман...

Нилуфар кетди. Собиржон билан Фарҳод одатдагидек унинг кўрсатмасидан ойдинлашган айрим фактларни муҳокама қила бошладилар.

– Фарҳод, нима дейсиз, Жобирова Нилуфарнинг кўрсатмаси терговдан олдинги айтганларингизни, яъни оиладаги келинларнинг қайинсингиллар, қайнота-қайноналарни ёмонлаши ҳақидаги фикрингизни бир пул қилдимиз? – деди кулиб Собиржон.

– Нега бир пул қиларкан?

– Ахир ҳозиргина эшитганингиздек, у ҳеч кимни ёмонламади.

– Менинг фикримча, келиннинг ҳаммасидан хабари бор. Назаримда, сиз анча юмшоқ гап-лашдингиз, агар сиз қаттиқ туриб сўрасангиз, балки у ҳақиқатни гапирармиди? – деди Фарҳод.

– Гувоҳнинг гаплари ёлгон дейиш учун бирор асосингиз борми? – сўради Собиржон.

– Унинг муғамбир аёл экани кўриниб турибди. Бидилаб оғзи тўхтамай сўзлашидан маълум...

– Бидиллайдимиз, бошқа қиладимиз, энг асосийси, у бизга Гулҳаёнинг тунги учлардан тонггача уйда бўлмаганини, қолган оила аъзоларининг ҳаммаси уйда эканини айтди.

– Ҳа, мен унинг айнан шу кўрсатмаси билан ўзи ёқтирмаган қайинсинглисидан қутулишига ақли етганига қойил қолдим. У эрининг қамалишини истамаслиги аниқ, шунинг учун ҳам қайта-қайта Гулҳаёни қамоққа олмоқчи бўлсанглар, ўрнига мени қаманглар, деди. Бу билан у қайинсинглисини қамаш-қамамаслигимизни билиб олмоқчи бўлди.

– Балки... – деди Собиржон ўйга толиб.

– Нима бўлганда ҳам, Жобирова Гулҳаёни эртага қамоққа олишимиз лозим. Бошқа иложимиз йўқ.

– Ҳа, лекин нима учундир уни ҳибсга олишни ҳечам истамаяпман.

– Мен ҳам унга ачиняпман. Жаҳл келса, ақл кетади, деб тўғри айтишган. Нима қиларди, шу тамом бўлган одамларни ўлдириб. Шунча гувоҳни сўроқ қилганимизда марҳумлар Турдиев, Жамилова ҳақида бирор киши яхши гап айтмади. Уларни ўлдириш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас...

ХIII БОБ

Муниса опа, Солиҳ ака, Гулҳаё ва Фаррух бир-бирларини хавотирга солмаслик учун терговдаги гапларни ипидан игнасигача айтмаган эдилар.

Келини Нилуфар сўроқ пайтида берган кўрсатмасини оқизмай-томизмай уйга келиб айтиб берганидан кейин Солиҳ аканинг хавотири баттар ошди. «Наҳотки қизимни қамашса? Лаънати Жаъфарнинг дастидан шўрлик Гулҳаёнинг шунча кўрган азоблари каммиди? Ярамаснинг ўлими ҳам унга ташвиш келтирадиган бўлди. Ўзи индамайди, адойи тамом бўлиб бораётганини кўряпман-у, ундан нима деб сўрашимни ҳам билмайман. Эри билан ажрашиб уйга келганидан бери унинг кўзига қарашга ҳам ботинолмайман. Онасининг айтишича, Жаъфар ўлдирилган ўша тунда у юраги сиқилиб, бир-икки соатча кўчада айланиб келганмиш. Бироқ Гулҳаёнинг ишдан келгандан кейин берухсат кўчага чиқадиган

одати йўқ эди-ку. Нимага у айнан ўша тунда кўчага чиққан? Бир аҳволда касал ётган онасини ташлаб, уни кўчага чиқишига нима мажбур қилган экан?

Эй Худо, ишқилиб, Гулҳаёни қотилликда айбламасинлар-да. Агар уни қамашса, мен ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман. Кейин мен бу дунёда қандай яшайман. Қизининг ҳаётини остин-устун қилган отанинг яшашга ҳаққи борми?»

Тушдан кейин хонасида ана шундай ўйлар гирдобиде ётган Солиҳ аканинг хаёлини Муниса опанинг:

– Дадаси, ухламаяпсизми? – деган овози бузди.

«Қанақа уйқу? Туни билан кўзим илинмайди-ю, кундузи ухлайманми? Муниса ўзи яхши хотину фаросат борасида озгина оқсайди-да», деган сўзларни хаёлидан ўтказиб:

– Нима гап? – деди Солиҳ ака.

– Худоёр амаки келган эканлар.

– Ҳозир чиқаман.

Солиҳ ака ҳовлига чиқди. У супада ўтирган Худоёр ота билан саломлашиб:

– Юринг амаки, уйга кирайлик, – деди.

– Йўқ, тоза ҳавода, шу ерда ўтирамин. Ўзинг яхшимисан, барака топгур, ранг-рўйинг бир аҳволда-ку, – деди Худоёр ота Солиҳ акага бошдан-оёқ разм солиб.

– Э-э, сўраманг, – деди Солиҳ ака бошини чайқаб. Унинг кўзлари ёшланди.

– Тинчликми, Солиҳ?

– Шунинг учун ичкарига кирайлик, дегандим. Гаплашиб олишимиз керак. Бу ерда бола-чақалар кириб-чиқиб юришибди...

– Ҳа, демак, жиддий гап бор экан, юр, уйга кира қолайлик, – деб ота тез ҳаракат қилиб су-падан тушиб, ичкарига қараб юрди.

Муниса опа улар ўтирган хонага чой олиб ки-риб, гап тергов ҳақида боришини пайқаганидан ўзи ҳам суҳбатга қўшилиш ниятида улар билан ўтирмоқчи эди, Солиҳ ака:

– Майли, сен боравер, овқатингга қара, – деди.

– Келин, ҳеч нарсага овора бўлманглар, қор-ним тўқ, тушлик қилиб йўлга чиққандим, – деди Худоёр ота.

Муниса опа чиқиб кетди. Солиҳ ака Худоёр отага чой қуйиб узатди.

– Терговга чақиришяпти дегандинг, ҳаммаси яхшими? – деди Худоёр ота пиёлани оларкан.

– Жаъфарнинг ўлимида биздан шубҳаланишяпти.

– Йўғ-э.

– Ҳа, уйдаги ҳаммани сўроқ қилишди.

– Ҳаммангиздан бирдай шубҳаланишяптиларми?

– Асосан Гулҳаёдан.

– Нималар деясан? Гулҳаёдан қотилликда шубҳа қиляптилар, демоқчимисан? – деди Худо-ёр ота пиёлани столга қўйиб.

– Афсуски, шундай. Қизимни шу аҳволга со-ламан, деб ҳеч ўйламагандим. Амаки, нима қи-лишимни билмаяпман. Ростини айтсам, дунёга келганимга пушаймонман. Ўшанда, тўйдан ол-дин нега гапларингизга қулоқ тутмаганимга ҳайронман. Ҳамма гапингиз тўғри эканини би-либ туриб ҳам, хотинларнинг айтганига қулоқ солибман-а.

– Барака топгур, энди ўтган гапларни қўй, барибир фойдасиз. Сен менга Гулҳаёдек қиздан нега қотилликда шубҳаланаётганларини айтгин ёки терговчининг эси йўқми?

– У ўша тунда, айнан Жаъфар ўлдирилган вақтда уйда эмаслиги маълум бўлиб қолди.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, барака топгур, уйингдаги қизинг кечаси қаёққа кетганини ўзинг билишинг мумкин. Бу ҳақда уларга ким айтди?

– Ўша тунда Мунисанинг тоби қочиб, ўзини билмай қолди. Унинг аҳволи офирлигидан қўшнимизнинг шифокор келинини чақирувдик. У Гулҳаёнинг ғойиб бўлганини пайқаб қолган экан. Терговда буни айтиб берган. Гапнинг пўсткалласи, келинимиз Нилуфар ҳам бу ҳақда биларди...

– Ҳа, энди ҳаммасини тушундим. У ҳам буни тасдиқлагани аниқ. Чунки ўша келининг Жаъфарнинг оиласи ҳақида ҳаммасини билса ҳам, сизларга чурқ этмай, Гулҳаёнинг бахтсиз бўлишига йўл қўйиб берганини унутмаслик керак! – деди Худоёр ота жаҳл билан.

– Амаки, бу гапларнинг кераги йўқ, ўғлимнинг оиласи бузилиб кетишини истамайман. Муниса ҳам шу ҳақда гапирмоқчи бўлганида оғзини очтирмаганман. Келин у пайтда жуда ёш эди, балки ҳақиқатан ҳам Жаъфарнинг қандайлигини билмагандир. Бироқ менинг ақлим жойида эди-ку, ҳамма айб ўзимда. Айбни бошқалардан излашимиз тўғри эмас.

Худоёр ота пиёласида совиб қолган чойни тўкиб ташлади-да, бошқатдан қуйди. У чойдан ҳўплаб, бирпас индамай ўтирганидан кейин:

– Бу гапингга қўшиламан, жиян. Биласан, Гулҳаёни кичкиналигидан ўз қизимдек яхши кўраман. Қизим, ҳатто қиз неварам ҳам йўқлигиданми, уни фарзандларимдан кам кўрмайман. Бояқиш, бошқаларнинг айби билан азиат

чекаётганига чидай олмай жаҳд билан гапирдим-да. Келининг ҳақида айтганларимни унут.

– Амаки, Гулҳаёни тез кунда қамоққа олишлари мумкин...

– Наҳотки сен ҳам уни қотил деб ўйласанг?

– Йўқ, ундай эмас... Бироқ нега у ўша тунда уйда эмас эди? Ўйлаб ўйимга ета олмаяпман.

– Ўзи нима дейди, гаплашиб кўрдингми?

– Мен унинг юзига қарашга ботинолмаяпман. Онасига юрагим сиқилиб, айланиб келдим, дебди.

– Илгари ҳам сиқилганда кечалари кўчага чиқиб кетармиди?

– Йўқ, ҳеч қачон, ҳатто кундузи ҳам кўчага жуда кам чиқарди. Шунинг учун ҳам бошим қотиб қолган-да.

– Ҳа, унинг кўрсатаётган важи унча асосли эмас экан...

– Нима қилиш керак? Маслаҳат беринг, амаки. Гапнинг пўсткаллеси, ҳеч нимани ўйлай олмаяпман, шунчалик ҳам ношуд бўламанми?! Қизим қамалай деяпти-ю, қўл қовуштириб ўтирибман.

– Телефонда гаплашганингда билувдим, бошингга кулфат тушганини. Шунинг учун тез етиб келдим. Лекин қандай ёрдам беришим мумкин, барака топгур? Мен борай-чи, уйда ўйлаб кўраман, – деб Худоёр ота ўрnidан турди. У кўчада турган машинасига чиқиб, шошиб ҳайдаб кетди. Солиҳ ака уни кузатиб, хўрсинганича уйга кирди. Ҳеч кимдан ёрдам кутмаслигим керак, деб ўйлади у.

Худоёр ота кетаётиб Жаъфарнинг уйига яқин жойга келганида машинани шу томонга бурди. У нима учундир машинасини Жаъфарнинг ҳовлиси олдида тўхтатди. У машинадан тушиб, кўча эшиги қулфланиб, терговчилар томонидан пломбаланган уйга қараб туриб қолди. У бу ерга охирги марта Гулҳаёнинг ўғли Жасурнинг суннат тўйида келган эди. Ўша пайтда ҳовли туппа-тузук эди, ҳозир ташландиқ харобага ўхшаб қолибди. Ҳа, қарамасанг шу-да, илгари Гулҳаё у ёқ-бу ёғини тозаллаган, икки йилдан бери ҳеч ким яшамаганга ўхшайди. Ким билади, ярамас Жаъфар қаерларда санғиб юрган, балки уйда яшаган бўлса ҳам ҳовлининг аҳволига парво қилмагандир. Худоёр ота шундай хаёллар билан турганида оппоқ соқолли чолнинг ҳассасини дўқиллатиб унинг ёнига келаётганига кўзи тушди. У чолга салом берди. Чол алиқ олиб тўхтади.

– Ўғлим, сиз бу ҳовлида яшаганларнинг қариндошимисиз? – деб сўради у.

– Гулҳаёнинг амакисиман.

– Шўрлик келин ажрашиб кетганди, шекилли, ундан кейин шунча ишлар бўлди. Жаъфарни ўлдириб кетишганидан хабарингиз бўлса керак.

– Ҳа, хабарим бор, шундан хафа бўлиб, нима қилишимни билмай бу харобага қараб турибман.

– Жаъфар ўлиб кетди, энди ҳеч нима қилолмайсиз, хафа бўлманг, – деди бироз ажабланиб чол.

– Мен Гулҳаё учун ташвишланаяпман.

– Ишқилиб, унинг соғлиги яхшими?

– Айтишга тилим бормайди, Жаъфарнинг ўлимида Гулҳаёдан гумон қилишяпти. Уни қамашса керак.

– Ие, бу қанақаси, бечора қизни муштдек боши билан иккита девдек одамни ўлдиришда айблашяптими? Бу бўлмаган гап! – деди чол ҳасасини ерга дўқиллатиб уриб.

– Тўғри, ишонини қийин, лекин ҳамма далиллар унга қарши.

– У нима дегани, омон бўлгур?

– Гулҳаё айнан Жаъфар ўлдирилган пайтда уйда бўлмаган, бунинг устига унинг оёқ излари шу ердан топилган.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, мен қотил эркак киши деб ўйлайман, – деди чол бошини чайқаб.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, лекин буни кўрган ёки эшитган одам бўлмаганидан кейин бир нима дейиш қийин-да.

– Нега бўлмас экан, омон бўлгур?

Худоёр ота чол гапларимни яхши эшитмади, шекилли, деб ўйлаб:

– Қотилни кўрган киши йўқ, деяпман, – деди унинг қулоғига яқинроқ бориб, баланд овозда.

– Мен ўша қотилни кўрганман-ку.

– А?!

– Фақат орқасидан.

– Нима?! Қандай қилиб? – деди Худоёр ота чолнинг қутилмаган гапидан деярли бақириб.

– Мен буларни ўша кунни мелиса болага айтиб бермоқчи эдим, омон бўлгур нимагадир гапларимга қулоқ солмай, майли, сиз бораверинг, деб бошқалардан сўрай бошлади. Гапларим аҳамиятли эмас чоғи, деб ўйлаб, кетвордим. Мен

қотилни топишган бўлса керак, деб юрибман. Қаранг, келин шўрликни айбдор қилишмоқчи, денг.

Худоёр ота кутилмаганда қотилни кўрган гувоҳ топилганидан қувониб кетганидан довдираб қолган эди. У ўзини қўлга олиб, кўринишидан саксон ёшдан ошган чолга эътибор бериб қаради. Унинг гап-сўзи жойида, оппоқ соқоли ва унга монанд оппоқ кўйлаги устидан қора нимча кийган, жуда нуроний кўринарди. Худоёр ота чолдан шошилмасдан, батафсил нималарни билишини сўрамоқчи бўлиб гапни узоқдан бошлади:

– Узр, исмингизни сўрамабман, танишиб олсак яхши бўларди. Мен Худоёрман, ёшим етмиш бешда, – деди.

– Жуда яхши, жуда яхши. Мен Кўпайсин бобоман, мендан атиги саккиз ёш кичик экансиз-у.

– Ҳа, ўғлим, деганингизга ўзимам ҳайрон қолдим.

– Очигини айтсам, сизни ҳали олтишга кирмаган, деб ўйлагандим. Кўринишингиз жуда яхши. Кўз тегмасин, ёш йигитларга ўхшайсиз. Бундай сақданишингизнинг сирини билсак бўладими, омон бўлгур? – деди кулиб чол.

Худоёр ота чолнинг саволига жавоб бермай, ўша тунги воқеа тафсилотларини суриштирмоқчи эди, аммо бундай қилсам, чолни хафа қилиб қўйиб, у айтмоқчи бўлган гапини йўқотмасин тагин, деб ўйлаб:

– Раҳмат, сизни ҳам ҳеч ким саксон учга кирган демайди. Менимча, сиз ҳам фақат ҳаракатдасиз, топдимми? Ҳаракатдан тўхтаган куниеқ соғлигингиз йўқола бошлайди. Ибн Сино бобомиз

айтган-ку, ҳаракат бир қанча дорининг ўрнини босиши мумкин, лекин ҳаракатнинг ўрнини ҳеч қандай дори босолмайди, деб. Ёшликнинг сири шу-да.

– Гапингиз тўғри. Худо хоҳласа, бу йил ёзда саксон уч ёшни ортда қолдираман. Соғлигимдан шикоятим йўқ, лекин қулоқ қурғур панд беряпти. Шунинг учун манави матоҳни доимо тақиб юраман, деб у қулоғидаги қора тутмачани кўрсатди. – Уйимиз ана, кўриниб турибди. Бундан икки ҳовли нарида.

– Ҳа, буларга қўшни экансиз, танишганимдан хурсандман.

– Жаъфар ёшгина эди, ким ўйлабди шундай ўлим топишини. Раҳматлини тўғри йўлга солиш учун маҳалладагилар анча тер тўкишди, фойдаси бўлмади.

– Кўпайсин бобо, боя уни ким ўлдирганини биламан, дедингиз. Нега шу пайтгача бунга ҳеч кимга айтмагансиз?

– Мен унинг кимлигини билмайман, фақат орқасидан кўриб қолдим, холос. Ҳали айтдим-ку, шу гапни мелиса қўшнилардан сўраб-суриштириб ўтирганида айтмоқчи эдим, у менинг гапларимга унча эътибор бермади, қари чол нимани ҳам биларди, деб ўйлади, чоғи.

– Кечирасиз, Кўпайсин бобо, бир нарсани сўрамоқчиман, сиз уни қотил дейишингиз учун ўзи бирор асосингиз борми?

– Ҳа, албатта, ука, ўзимдан-ўзим бир одамни айбламайман-ку. Мен ҳаммасини бошидан айтиб беришим керак, шекилли.

– Шундай қилсангиз яхши бўларди.

– Ўша тунда мен кўчадан ўтиб бораётган эдим. Бирдан аёл кишининг бақиргани эшитилди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу қулоққа ҳамма овозлар ҳам эшитилавермайди-да. Таққа тўхтаб қолдим. Ие, келин қайтиб келибдими? Жаъфар ҳайвон ичиб олиб уни дўппослаётганмикин, деб ўйладим. Мен уларнинг эшигига тикилганимча туравердим. Бироздан сўнг қоронғида кимдир эшикдан отилиб чиққанини сезиб, ўзимни дарахт панасига олдим. У одам ёнгинамдан ўтиб кетди. Эркак киши эканини аниқ кўрдим.

– Шунақа денг...

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, ундан бошқа ким ўлдирган бўлиши мумкин?

– Сиз ўзи тунда кўчада нима қилаётгандингиз?

– Э-э, Худоёрбой, ҳар кимда ҳар хил одат бўлади. Мен кўпинча кечаси ухлай олмай қийналаман. Бир шифокор маслаҳат берганди, агар уйқунгиз келмаса, қийналиб ётмасдан бир айланиб келинг, дарров ухлаб қоласиз деб. Унинг маслаҳатига анчадан бери амал қиламан. Фойда беряпти. Ўша тунда ҳам кўчада айланиб юргандим.

– Кўпайсин бобо, мен сиздан бир нарсани илтимос қилсам, йўқ демайсизми? – сўради Худоёр ота.

– Нимани?

– Прокуратурага бориб қотил ҳақида менга айтганларингизни уларга ҳам гапириб берсангиз, дегандим. Балки бу гапларингиздан кейин Гулҳаё гумонлардан ҳоли бўлармиди?

– Ўзим ҳам шуни ўйлаб турувдим, лекин мен унинг афтини кўрмаганман, буни ҳисобга олишармикин?

– Ҳеч бўлмаса, унинг эркак одам эканини айтасиз-ку, илтимос қиламан, мен билан юринг, ҳозир борамиз.

– Майли, фақат уйдагиларга бу ҳақда бир оғиз айтиб қўяй, – деб Кўпайсин бобо уйига қараб кетди.

Худоёр ота машинани унинг ҳовлиси дарвозаси олдида тўхтатиб, чиқишини кутиб ўтирди. У Солиҳ акага қўнғироқ қилиб, терговни Мирзаев Собиржон исми терговчи олиб бораётганини аниқлади.

* * *

Собиржон иккита чол Жаъфарнинг ўлими бўйича олиб борилаётган терговга кўрсатма бериш учун келганларига бироз ажабланиб, савол берди:

– Сизларнинг марҳумларга қандай алоқангиз бор? – деди у чолларга қараб, негадир кексароғи унга таниш туюлди.

– Мен Гулҳаёнинг дадасини амакисиман, булар эса Жаъфарнинг қўшнисини, – деди Худоёр ота Кўпайсин бобони кўрсатиб. – Бу киши қотилни кўрган эканлар, буни эшитиб, дарҳол шу ерга олиб келдим.

– Қотилни кўрган... Амакисиман, денг... – деб Собиржон ўйлаб қолди. Кейин Кўпайсин бобога қараб: – Отахон, нега шу пайтгача, аниқроғи, воқеа содир бўлганига бир ойдан ошиб кетган бўлишига қарамай, бу ҳақда ҳеч нима демадингиз? – деди.

– Шу пайтгача ҳеч ким мендан бу ҳақда сўрамади-да, омон бўлгур.

– Янглишмасам, ҳамма яқин қўшнилар сўралди, сиз узоқроқда яшайсизми?

– Атиги икки уй нарида яшайман. Ўша куни мелиса бола сўз бошлашим билан тушундим, бо-раверинг, деб сўзлашга йўл қўймади-ку. Кейин мендан ҳеч ким ҳеч нима сўрамади, омон бўлгур.

– Ҳамма қўшнилардан сўраганмиз.

Собиржон компьютердан гувоҳлар рўйхатини қидира бошлади. У топди, шекилли, Кўпайсин бобога қараб:

– Фамилиянгизни айтинг-чи, – деди.

– Қодиров Кўпайсинман, болам.

– Гувоҳлар рўйхатида сизнинг фамилиян-гиз йўқ.

– Билмадим, омон бўлгур, ҳеч нима сўрама-санг, мен кетаверайми? – деб ўрнидан турди Кўпайсин бобо.

– Йўқ, ўтиринг отахон, нега энди кетаркан-сиз, хўш, бизга нималарни айтмоқчи эдингиз?

Шу пайт Фарҳод кирди. Собиржон унга қараб:

– Вақтида келдингиз, Жобирова Гулҳаёнинг амакиси қотилни кўрган гувоҳни топиб келибди. Унинг кўрсатмасини эшитмоқчи бўлиб ту-рувдим, – деди.

– Отахоннинг шу пайтгача чурқ этмасдан юриш-лари жуда ғалати-ку, – деди Фарҳод компьютер қаршисига ўтираркан Худоёр отага ишонқира-май назар ташлаб.

– Мен ҳам шуни айтгандим, бироқ отахон ўша куни милиция суриштирувчиси менинг гапларимга эътибор бермай, кетаверинг деди, деяптилар. Отахон, сизнинг мен қотилни кўрганман, деган гапингизга суриштирувчи, наҳотки, безътибор қараган бўлса. Кечирасизу, бунга ишониш қийин.

– Ўғлим, сен тушунмадинг, шекилли, мен унга бу уйда яшаганлар даҳрий эдилар, деб энди гап бошлаган эдим. Мелиса бола мени тўхтатиб, майли, сиз бораверинг отахон, деди. У менинг исмимни ҳам сўрамади. Ишонаверинглар, бошқа ҳеч нарса сўрамади, омон бўлгур.

Собиржон бироз ўйланиб:

– Ҳа, бўлди, бўлди, сизга ишонаман, отахон, энди эсимга тушди! – деди.

Фарҳод унга ажабланиб қараб қўйди.

– Янглишмасам, у сизга тушунтириброқ гапиринг, деди. Сиз эса улар динсиз, диёнатсиз одамлар эдилар, дедингиз. Мен айнан шу пайтда сизга эътибор бергандим, бироқ бошқа иш билан нарироққа кетдим. Шундан кейин суриштирувчи ҳақиқатан ҳам, сиздан бошқа ҳеч нима сўрамай, бораверинг, деб рухсат бериб юборган бўлса керак.

– Ҳа, бу бошқа гап, барака топгур. Сал бўлма-са, мен кўчадан тўғри келган одамни гувоҳликка олиб келгандек ўзимни ноқулай сеза бошлагандим, – деди Худоёр ота жонланиб.

– Ота, сизнинг ташқарига чиқиб туришингизга тўғри келади, – деди Собиржон унга.

– Мен кўчада сизни кутиб ўтираман, Кўпайсин бобо. Шошилмасдан чиқаверинг, – деб Худоёр ота чиқиб кетди.

– Хўш, отахон, қотил кимлигини қандай билдингиз? – деди Собиржон.

Кўпайсин бобо унга ҳам Худоёр отага айтганларини гапириб берди.

– Шунақа денг. Отахон, кўзингиздан шикоятингиз йўқми? – деди Собиржон.

– Кўзим хиралашганини тан олмасдан иложим йўқ. Лекин худога шукр, танишларни кўрсам, танийман, омон бўлгур.

– Ўша кечаси тунда қоронғи эмасмиди?

– Жуда зимистон эмасди, ой ёруғи бор эди, кўчадаги чироқлар ҳам ёниб турганди.

– Аёл кишининг бақиригидан кейин эшикдан чиққан эркак киши эканини аниқ кўрдингизми ёки шундай деб ўйладингизми? – деди Собиржон унинг гапларини тинглаб.

– Нега ўйларканман, омон бўлгур, у эркак киши эканини аниқ кўрдим. У шим кийган эди.

– Унинг юзини кўрмадим, деяпсиз, бўйиничи, бўйи қандайлиги эсингиздами?

– Ҳа, унинг бўйи чамамда, ўртачадан пастроқ эди. Болам, кўз қурғур хиралашган, дедим-ку.

– Балки у шим кийган аёлдир-а, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, тўғрими отахон?

– Билмадим, лекин мен уни эркак одам, деб ўйладим.

– Нега?

– Назаримда унинг сочи йўқ эди, ҳа, боши жуда кичик кўринди.

– У озгинмиди ёки тўламиди?

– У тўладан келгандек туюлганди...

– Буни аниқ кўрдингизми?

– Омон бўлгур, боя айтдим-ку, кўзим бироз хирароқ, лекин қилтириқ эмасди.

– Сиз аёл кишининг бақиригини эшитганингизда соат тахминан нечалар эди, эслай оласизми?

– Энди болам, бақирини соат нечада эшитилганини айтолмайман-у, қачон уйдан чиққанганини аниқ айтишим мумкин. Шу десанг, уйимизда катта соатимиз бор. Омон бўлгур неварам мен

учун сотиб олган. Ётганингизда ҳам қарамасдан соат неча бўлганини билиб ётасиз, деб совға қилган-да. Шу соат бир марта бонг урганида чиқиб кетгандим. Тахминан ярим соатча юрганимдан сўнг бақириқ эшитдим.

– Ҳалиги одам бақириқдан қанча вақт ўтганидан кейин уйдан югуриб чиқди?

– У ёқ-бу ёғи беш дақиқага етмади-ёв.

– Шундан кейин Жаъфарнинг уйи томондан ҳеч қандай овоз эшитилмадими?

– Йўқ, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Мен улар тинчиб қолишди, тўполон тўхтади, шекилли, деб ўйладим. Одам ўлдиришганини қаёқдан билибман. Худоёр шўрлик келини қамамоқчи эканингизни айтганидан кейин ўша пайтда югуриб чиққан киши қотил бўлса керак, деган фикрга бордим.

– Чиқиб кетаётганида унинг қўлида ҳеч нима йўқмиди?

– Э-э, қизиқ одам экансиз, омон бўлгур, шарпасини аранг кўрдиму, қўлида нима борлигини қандай кўраман. Балки бордир, ким билади...

Собиржон Кўпайсин бобога савол беришдан тўхтаб биров қараб турди-да, кейин:

– Отахон, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деди.

– Сўрайвер, омон бўлгур.

– Сиз марҳум Турдиев Жаъфарнинг ота-онасини яхши танирмидингиз?

– Ҳа, унинг поболарини ҳам биламан, чунки кўп йиллик қўшнилармиз.

– Сиз ўша куни улар даҳрий эдилар, дедингиз. Бу билан бир нимани айтмоқчи бўлдингиз чамамда, тўғрими, отахон?

– Ўғлим, сиз жуда синчков экансиз, лекин шу куни сўроқ қилаётган бола шошилиб, менинг гапларимни эшитишни истамади. Балки қари, эзмачурук чол нимани ҳам биларди, деб ўйладими, ким билади... Ўша аёл кишининг бақириви менга бундан элик йилча бурунги аёл ноласини эслатганди. Худди шу уйдан эшитилган ўша юракни эзиб юборувчи овоз қулоғим остида жаранглагандек бўлиб, беихтиёр тўхтаб қолгандим. Агар шу ерда бирпас тўхтамай ўтиб кетсам, ичкаридан ким чиққанини кўрмаган бўлардим.

– Элик йил илгариги аёл овозини эсладим, деяпсизми? У ким эди? Нимага бақирган экан? Сиз бунга ҳозиргача унутолмай юришингизнинг боиси нимада?

– Омон бўлгур, шунча савол бердингиз. Буларга жавоб бериш учун катта бир тарихни ҳикоя қилишга тўғри келади.

– Сиз марҳумнинг оиласи ҳақида билганларингизни гапириб берсангиз, дегандим, – деди Собиржон чолга юзланиб.

Фарҳод Собиржоннинг гапидан кечки пайт бўлиб қолганини эслатиш учун томоқ қириб қўйиб, соатини кўрсатди. Собиржон унга парво қилмай:

– А, отахон нима дейсиз? – деди.

– Менинг-ку вақтим бемалол, лекин узундан-узоқ ҳикоямга кулоқ солиб ўтиришга сизларда вақт топилармикин, омон бўлгурлар, бунинг устига иш вақтларинг охирлаб қолди, – деди Кўпайсин бобо бироз тортиниб.

– Агар сизга малол келмаса, гапириб берсангиз...

XIV БОБ

Уруш тугаганида Кўпайсин ўн тўрт ёшга кирганди. Фронт орқасидаги одамларнинг оғир меҳнатлари, аянчли аҳволдан у хабардор бўлибгина қолмай, бевосита иштирокчиси ҳам бўлганди. Унинг отасидан урушнинг иккинчи йилида бедарак йўқолгани ҳақида ҳат олишди. Кунора кимнингдир очликдан ўлгани ҳақидаги гаплар эшитиларди. Кўпайсин касалманд онаси билан синглисини уйда қолдириб, очликдан ўлмасликлари учун эртадан кечгача ҳаракат қилар, бир бурда нон топишни ўйлаб, юмушнинг оғир-енгиллигидан қатъи назар бажарарди.

Ниҳоят, узоқ давом этган, одамларнинг тинчасини қуритган уруш тугаб, тирик қолганлар бирин-кетин уйларига қайта бошлашди. Кимнингдир урушдан қайтганини эшитишса, улар онаси билан уни кўргани боришарди, дадасини суриштирардилар. Кўпайсин аскарни кўриб, худди отаси келгандек севинар, отаси ҳам бир кун эшикдан кириб келишига жуда-жуда ишонарди. Бироқ ундан ҳеч қандай хабар йўқ эди.

Улардан икки уй нарида яшовчи Турди ака урушдан қайтибди, деган гапни эшитиб, онаси билан дарров югуриб боришди. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар йиғилган. Ҳаммаси Турдини ўртага олиб, саволларга кўмиб ташлаган эдилар. У ҳарбий формада ўтирарди. Кўпайсин унинг кийимига ҳавас билан қараб, отасининг ҳам шундай кийимда кириб келишини тасаввур қилиб, жилмайиб қўйди. Онаси одамларнинг орасидан ўтиб у билан сўраша бошлади:

– Турдижон, шунча бало-офатлардан қутулиб, эсон-омон келганингга шуқр. Умринг узоқ бўлсин. Шўрлик ота-онанг сендан бир йилча хат келмай қўйганида сени ўлди, деб ўйлаб, куйиб бирин-кетин вафот этишди. Қўлимиздан нима ҳам келарди. Тақдир-да, ука, пешанадагидан қочиб қутулиб бўлмайди, – деди.

– Ойниса опа, Жалил акадан хабар борми, қачон келаркан? – деди Турди.

– Урушнинг иккинчи йили унинг бедарак йўқолганини ёзишганди. Шундан бери бирор хат-хабар бўлармикин, деб кўз тикиб ўтирибмиз... Сени келди деб эшитиб, оёғимни қўлимга олиб югурганимнинг боиси ҳам шу эди, мабодо у кишини учратиб қолмадингмикан, деб, Турдижон ука?

– Нималар деяпсиз, шунча содда бўласизми? Ахир у ерда бир-бировни учратиш жуда қийин-ку, биз бошқа-бошқа полкларда бўлсак.

– Кўрмадим, дегин. Ҳаммаси бўлиб атиги иккитагина хат олганман...

– Шунақа денг, бедарак йўқолди, деб ёзишган бўлса, Жалил ака душманга асир тушибди-да.

Ҳамма жимиб қолди. Кимдир:

– Йўғ-э, – деди.

– Ҳа, айримлар ўлимдан қўрқиб, қўлларини кўтарганларича душман томонга ўтиб кетадилар. Уларни ватан хоинлари, деб аташади.

– Йўқ, ука, Жалил аканг унақа одаммаслигини ҳамма билади, сен янглишяпсан! – деди Ойниса опа.

– Бедарак йўқолганлар деб, жанг майдонидан тириги ҳам, ўлиги ҳам топилмаганларни айтишади. Қани, айтинг-чи, у қаерга ғойиб бўлиши

мумкин. Албатта, асир тушган, бошқа ҳеч нима эмас!

Турди кимнидир қўрқоққа, сотқинга чиқарса, ўзининг обрўси янада ортиб, қаҳрамонга айланаётгандек, бедарак йўқолганлар ҳақидаги бўлмағур гапларни бўрттириб гапиришни давом эттирди. Одамлар эса унинг гапларини жон қулоқлари билан эшитишарди.

– Жалилдан буни кутмагандим, – деди кимдир.

– Қўрқоқ экан-да...

– Вой, хоинлик қилибди, қандай ёмон-а, – деб ҳар ким ҳар хил гап айта бошлади. Одамлар Ойниса опа билан Кўпайсинга бошқача кўз билан қарашарди. Бундан газабланган Ойниса опа:

– Билиб қўйинглар, Жалил акам ҳеч қачон қўрқоқлик қилмайдилар, сизлар нотўғри ўйла-япсизлар! – деди бақириб ва ўғлини қўлидан ушлаб югуриб чиқиб кетди.

Турдининг гапларидан кейин уларга одамлар ватан хоинининг оиласи деб қарай бошлади. Кўпайсин мактабда ҳам ўзини ноқулай сезар, болалар уни ўйинларига ҳам қўшмай қўйган эди. Касалманд онаси бу дашномларга чидай олмай вафот этди. Кўпайсин синглиси билан ёлғиз қолиб кетди. У Турдини ёмон кўрар, дадаси ҳақидаги гапларига ишонмасди.

Кўп ўтмай хат келди. Унда отасининг урушда қаҳрамонларча вафот этгани, буни кейинчалик аниқлаганлари ҳақида батафсил ёзилган эди. Кўпайсин хатни олиб, Турдининг уйига югурди. У овқатланиб ўтирар, столда ароқдан бўшаган шиша турарди. Хатни ўқиб чиқиб, пинагини бузмай:

– Ҳа, шунақасиям бўлади. Янглишган эканлар-да, – деди оғзига овқат солиб.

– Сиз дадам ҳақида ёмон гаплар айтгандингиз. Бундан сиқилган ойимнинг касаллари янада авж олиб, у киши ўлиб қолдилар. Сиз ёмон одамсиз! – деди Кўпайсин туюқиб.

– Эй, тирранча, йўқол бу ердан! – деб бақирди Турди.

– Ҳатто кечирим сўрашни ҳам билмайсиз, аблаҳ экансиз!

– Нима, сендан кечирим сўрайманми, кетингга бошлаб тепмасимдан чиқиб кет! Иштаҳани ҳам расво қилдинг, ипирисқи!

– Ўзингиз ифлоссиз! – деганича Кўпайсин ташқарига югурди.

XV БОБ

Ота-онаси бўлмагани учун маҳалла-қўй, қариндош-уруғ маслаҳатлашиб йигирма олти яшар Турдини уйлантириб қўйишди. Келин шу маҳалладан бўлиб, эндигина ўн олти ёшга тўлган қиз эди. Турди қурилиш идорасига ишга кирди. У тез орада компартия сафига қўшилиб, корхонага раҳбар бўлди. У энди хизмат машинасида юрар, қўшнилари билан кам гаплашар, салом берганларга аранг бошини қимирлатиб алик оларди. Маҳалладаги тўй-маъракаларга қатнашмас, хотинини ҳам дастурхон кўтариб бирор жойга боришига йўл қўймасди.

Эрталаб деворлари бир бўлган қўшни кампирнинг жанозасига бирга чиқиш учун кирган Шокарим акага:

– Мен ишга боришим керак, ўзингиз кираверинг, – деди беписандлик билан Турди.

– Нима деяпсан, ошиб борса, йигирма дақиқа кеч қоласан, ахир ишдагилар ҳам одам-ку, тушунишар, – деди Шокарим ака.

– Мен идора раҳбариман, ундан ташқари партия аъзосиман, жаноза ўқиётганларида у ерда бўлишим тўғри келмайди.

– Ие, бу нима деганинг, ҳаммамиз ҳам ўламиз, жаноза ўқилади ёки сен...

– Мен ўлганимда жаноза ўқиш шарт эмас. Майли, хайр, – деб машинасига ўтириб кетди.

Шокарим ака ёқасини ушлаб, «астаффируллоҳ» деганича қотиб қолди. Қўшни ҳовли олдида бошига дўппи кийиб, белбоғ бойлаган қариндошлар ва қўшнилар, ҳатто унинг олдиларига келиб «бандалик» деб ҳамдардлик билдирмасдан кетиб қолганига ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

Турди ўғли туфилганида бешик тўйи қилмади. Хотинининг уйидагилар яширинча келиб кетдилар. У бир неча кунгача ўзига ўхшаган икки-учта ўртоғи билан ишдан кейин ичиб кайф қилиб ўтирарди. Кейинчалик эса бир ўзи ичадиган бўлди.

Турди уйлари эскириб қолгани учун, уни бузиб ташлаб, бошқатдан қура бошлади. Ёши каттароқ, қурилишни тушунадиган кишилар, унинг пойдевори мустаҳкам эмаслигини кўриб, унга маслаҳат бермоқчи бўлганларида, эшитишни истамай:

– Ўғитларингизни ўзларингиз уй қуришларингизга асраб қўйинглар. Мен уйимни ўзим истагандек қилиб қураман, – дерди.

У уйни раҳбарликка қандай тез кўтарилган бўлса, худди шундай жуда тез қуриб битказди. Деворларига қизғиш ранг бердириб, дера-

засининг ромларини алвон рангга бўяшларини уқтирди. Кўчада унинг уйи бошқаларникидан ажралиб, кўзга ташланиб турарди. Хуллас, унинг ишига айримлар кулар, айримлар гижинарди.

Кейинчалик Турди ичиб олиб, хотинини урадиган одат чиқарди. Дастлаб буни ҳеч ким пайқамасди. Хотинини кўча-кўйга чиқишига йўл қўймагани учун у ҳеч кимга бу ҳақда айтолмасди. Хотинининг ота-онаси ўзлари боришга юраклари дов бермай, маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, Турди билан гаплашиб қўйишни лозим топишди. У ишдан келадиган пайтда ҳаммаси кириб ўртага олдилар.

– Турдибой, сизнинг анчадан бери қизимизни уриб, ҳақоратлаб юрганингизни билмас эканмиз. Гулчеҳра тортинчоқ қиз бўлгани сабабли буларни ҳеч кимга айтмаган. У индамас экан, деб шунчаликка бориш яхшими? – деди унинг қайноғаси.

– Йўғ-э, ошириб юбординглар, – деб чайналди Турди.

– Қизимизни олиб кетамиз, куёвнинг ҳар куни ишдан келиб ароқ ичиши яхшиликка олиб бормайди! – деди қайноғаси йиғлаб.

Турди индамай безрайиб ўтирарди.

Кекса отахон унга:

– Ўғлим, нега ичасан? Ҳамма нарсанг: уй-жойинг, мансабинг, рўзғоринг бут бўлса. Айрим оилалар ейиш-ичишдан қийналаётганини кўриб турибсан. Худога шукр қилиб, оилангни ардоқдасанг бўлмайдими? Маст бўлгандан кейин нима қилаётганингни билмайсан-да, тўғрими? – деди.

Турди унга жавоб бермай пинагини бузмади.

Қўшнилardan бири:

– Сен қўни-қўшниникига чиқмаганингдан, тўй-маъракаларда қатнашмаганингдан кейин одамгарчиликдан ҳам чиқиб боряпсан, ўғлим. Сени тартибга чақирадиган, маслаҳат берадиган ота-онанг бўлмагани учун бу гапларни аччиқ бўлса-да, айтишга мажбурмиз, – деди.

Турди келган одамларга қараб бироз тикилиб туриб, кейин столни жаҳд билан бир урди. Ўтирганлар кутилмаган бу ҳолатдан чўчиб тушишди.

– Сизлар ҳам менга ўхшаб у ёқда жаҳаннам азобини кўриб келганларингизда эди, менга ақд ўргатмасдан тушунган бўлардинглар. Жанг майдонида қон кечиб, дайди ўқнинг нишонига айланишдан қўрқмай, ўлимингга рози бўлиб, фашистлар билан курашиш нималигини биласизларми, ўзи? Йўқ, сизлар буни тасаввур ҳам қилолмайсизлар! Мен эса сизлар учун, сизларнинг тинч, осойишта ҳаётларингни деб ўзимни қурбон қилишга тайёр бўлиб курашганман. Урушда кечган ҳар куним бир марта ўлиб, яна тирилгандек гап эди. Қани, айтинглари-чи, менинг асабларим темирданми? Шу ароқни ҳар кун ичиш ўзимга ёқади, деб ўйлайсизларми? Бироқ шу зормандани ичмасам ухлай олмайман, қулоғим остида бомбаларнинг портлаши эшитилаверди, жанг майдонида чўзилиб ётган ўликлар кўз олдидан кетмай қолган, тинчимни йўқотганман! – деди Турди овози борича бақариб.

Ўртага жимлик чўқди. Оппоқ соқолли Шокир ота жимликни бузиб:

– Турдибой, уруш ҳақидаги гапларинг тўғри, лекин сендан бошқалар ҳам фашистлар билан курашиб келди, бироқ ҳеч қайсиси сен каби

ичиб, оиласини ҳақоратлаб юргани йўқ. Менинг ўғлим Расулжон оёғидан ажраб келганини яхши биласан. Худога шукр, у ҳаётини илгаригидек давом эттиряпти. Яқинда қизини узатди, баҳоли қудрат оила тебратяпти. У ароқ ичмайди, оиласи тинч, – деди.

– Менга ўғлингизни гапирманг. У урушнинг иккинчи йилиёқ оёғини баҳона қилиб, қайтиб келган. Мен охиригача курашганман.

– Баҳона қилиб, деганинг нимаси?! Наҳотки одамнинг оёғидан ажрашини осон билсанг. Ахир у бир умрга мажруҳ, ногирон бўлиб қолган. Сенинг тўрт мучанг соғ-ку, нимадан асабийлашасан?

– Мен беш йил ўлим билан юзма-юз келганман!

– Э, қўйинг унақа гапларингизни, куёв, урушдан келганлар ҳаммаси туппа-тузук юришибди. Сиз қўлингизга бир-икки сўм пул тушиб, ичишни одат қилдингиз, айтиб қўяй, қизимга бошқа азоб беришингизга йўл қўймайман! – деди қайнотаси ўрнидан туриб жаҳл билан.

– Сиз умуман гапирманг, хўпми! Урушга бормагансиз, ҳеч нима билмайсиз!

– Менинг юрагим хаста бўлмаганида борган бўлардим. Ўзи сизнинг ичиб, қизимни уриб-сўкишингизга урушнинг нима алоқаси бор? Урушга бутун мамлакатимиз эркаклари борган. Уларнинг ҳаммасини оиласида аҳвол шундай демоқчимисиз? Агар бу одатингизни ташламасангиз, неварам билан қизимни олиб кетаман, бир амаллаб боқарман, тушундингизми? – деди дарғазаб бўлган қайнота.

– Ҳа, ўғлим, ўзингиз ҳам ўйлаб кўриб хулоса чиқаринг. Тўқликка шўхлик қилманг, одамлар

бир бурда нон учун нималар қилишаётганига ҳам эътибор беринг, – деб Шокир ота қўлларини юзига тортиб фотиҳа қилди ва кетиш учун ўрнидан турди.

Турди уларнинг тезроқ чиқиб кетишларини истаб, ноилож «хўп» деб бошини қимирлатди. Ундан ўзлари кутган жавобни олмаган бўлсалар-да, бошқалар ҳам хайрлашиб чиқиб кетдилар.

Кўп ўтмай Гулчеҳранинг отаси вафот этди. Унинг оиласи оғир аҳволда қолди. Етим қолган иккита укасига Гулчеҳра ёрдам бермаса, очликдан ўлишлари мумкин эди. Турди уларнинг танг аҳволдан фойдаланиб, хотинини уриб, хўрлашни янада оширди. Энди Гулчеҳранинг ёнини оладиган ҳеч ким йўқ эди.

Кўпайсин кечаси навбатчиликдан қайтаётганида Турдининг уйидан бўғиқ овоз эшитилди. Бу аёл кишиники эди. Кейин эса даҳшатли бақирикдан тўхтаб қолди. У ўша томонга бир-икки одим ташлади-да, ўйлаб қолди. «Мен у ярамаснинг уйига қадамимни қўймасликка онт ичганман-ку, бормайман. У хотинини дўшослаётган бўлса-чи, у шўрликда нима гуноҳ? Бироқ мен унга ёрдам бера оламанми, ҳатто эшикни очмаса ҳам керак. Айниқса, ҳозир жуда қутуриб юрибди, худди дунёнинг калити унинг қўлидадек. Минг лаънат ўша ярамасга!

Кўпайсин шундай хаёллар билан уйига кетди. Эртасига Гулчеҳранинг вафот этганини эшитди. Унинг ўлимида ҳеч ким Турдидан шубҳаланмади, айбламадилар ҳам. Балки Гулчеҳранинг ўлими сабабини суриштирадиган иккита вояга етмаган укасидан бошқа ҳеч кими йўқлиги учунми, уни ўз ажали билан ўлган, деб дафн

қилишди. Кўпайсин Турдининг қотил эканини, ўша тунда хотинини ўлдирганини англаб етган эди, лекин буни кимга айтишни билмас, бегуноҳ Гулчеҳрага ачинарди. Балки мен уларнинг уйига кирсам, ўлмай қолармиди, деб ўйлаб виждони қийналарди. Кўпайсинни анчагача бу хаёл қийнаб юрди.

Йиллар ўтиб, аста-секин ҳаёт ўз изига туша бошлади. Кўпайсин уйланиб, бола-чақали бўлди. Турди бошқа уйланмади. У ўғли билан яшар, бир аёл кундузи келиб, уларнинг уйларидаги юмушларни бажариб кетарди. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, ўғли Туроб вояга етганида у ҳам отасига ўхшаб ароққа ружу қўйган эди. Туроб ўзи яхши кўрган қизга уйланди. У ўзига ўхшаб ёмон тарбия кўрган қизни танлаган эди. Келини ҳам ҳалол-ҳаромнинг, оқ билан қоранинг фарқига бормайдиган қиз эканидан Турди афсусланмади, чунки бошқача одам у уйда яшай олмасди.

Ёзнинг жазирамасида, айти чилла пайтида Туроб ота бўлди. Наргизанинг кўзи ёриганди. Туроб меҳмонларга, деб бир неча қути тўла ароқ олиб келди. Турди неварали бўлганидан кўра, уйда ароқ кўпайиб кетганидан хурсанд бўлиб тўхтамасдан ичарди. Ниҳоят, бунинг оқибатида ошқозони ёрилиб ўлиб қолди...

Турдининг хонасидан чиқмай ичиб ётиши одатий ҳол эди. Ўғли ишдан келиши билан ўзига ўхшаган битта-яримтани бошлаб келиб, кайф-сафо қилар, келини туғруқхонада эди. Икки кундан бери дадаси кўринмаётганига Туроб эътибор ҳам бермасди. Ким билади, қўшни кампир Санобар хола Наргизанинг кўзи ёрига-

нини эшитиб уларникига кирмаганида, Турдининг ўлиги яна неча кун ётарди.

– Туробжон, уйда мисизлар? – деб чақирди Санобар хола.

Ширакайф Туроб гандираклаб чиқди.

– Нима дейсиз, Санобар хола?

– Наргизахоннинг кўзи ёриган дейишяпти, ўғлим, табриклайман. Ўғилми, қизми?

– Ўғил, исмини Жаъфар қўйдик.

– Жуда яхши, қўшничилик – минг йилчилик дейишади, келиним туғруқхонага бориб, Наргизахондан хабар олиб келмоқчи эди. Ўзи қачон туққанди?

– Тўрт кун бўлди. Овора бўлманглар, у ерда яхши қарашяпти, – деди тўнғилаб Туроб кампир билан гаплашиб туриш унга малол келиб.

Санобар хола кетиш учун орқасига бурилди ва яна тўхтаб Туробга қаради:

– Болам, уйингдан қайдайдир ёқимсиз ҳид келяпти, очиғи зўрға чидаб турибман. Нимани ҳиди бу? – деди Санобар хола бурнини бекитиб.

– Ҳеч қандай ҳидни сезмаяпман.

– Сен яхшигина ичибсан, шекилли, шунга сезилмаётгандир. Хоналардан бирига мушук кириб ўлиб қолган бўлмасин. Бу жуда ёмон ҳид, ўғлим.

– Майли бораверинг, балки ҳид кўчадан келаётгандир, – деди Туроб холанинг тезроқ кетишини истаб.

– Э, болам, уйда аёл бўлмаса қийин, сенга қолса, айниганни ҳам, сасиганни ҳам билмайсан. Нарини тур-чи, хоналарга кириб чиқай, балки ошхонада гўштни музхонага қўйишни унутгандирсизлар, – деб Санобар хола орқасига қайтиб,

ичкарига кирди. У хоналарнинг эшигини бирин-кетин очиб кўра бошлади. Турдининг хонаси эшигини очиши билан орқага тисарилди. Энди Туроб ҳам ачимсиқ ҳидни сезиб, беихтиёр бурнини бекитди.

– Болам, хона чироғини ёқ, – деди Санобар хола.

Туроб чироқни ёқди. Санобар хола кароватда шишиб кетган одам жасадини кўриб:

– Вой, Турди ўлибди... Отангнинг ўлиб қолганини билмабсан-ку! Суф, сендай фарзандга! – деганича орқасига қайтди. У уйига югуриб келаётиб ёқасини ушлаб, – астаффируллоҳ, астаффируллоҳ! Тавба қилдим, тавба қилдим! Мен ўлганимда жаноза ўқиш керак эмас, деганди-я... Астаффируллоҳ... – дейишдан бошқа сўз тополмасди.

Ўлганига уч кун бўлган Туробни дафн қилиш учун олиб чиқишганда кўчани қўланса ҳид босиб кетди.

XVI БОБ

Жаъфар аллақачон тўрт ёшга тўлган бўлишига қарамай, бирор сўзни айтмасди. Наргиза уни гунг бўлиб қолишидан қўрқиб, шифокорга олиб борди. Врач боланинг руҳий ривожланишдан орқада қолганини айтиб, бунинг сабабларини суриштира бошлади. Табиийки, Наргиза ўзи ва эрининг спиртли ичимлик ичишини айтмади. Сезгир шифокор буни пайқаб, болага керакли муолажалар олиши шартлигини тушунтирди. Жаъфар мактабга боргунча врач назоратида бўлди. У мактабга ёши саккиздан ошганида бор-

ди, у гаплашганида бошқа болалардан ажралиб турар, кўпинча фикрини тушунтира олмай қийналарди. Кейинчалик эса у ёлгон гапирадиган, нима яхши-ю, нима ёмонлигининг фарқига бормай, фақат муаммонинг ечимини ўзига енгил бўладиган тарафини кўрадиган бўлди.

Жаъфар вояга етганида бир амаллаб институтга киритишди. Уни тугатганидан сўнг уйланиб, ҳеч қандай ишнинг бошини ушламай юраверди. Шу орада кутилмаганда у ота-онасидан бир кунда ажраб қолди. Туроб ва унинг хотини Наргиза маст ҳолатда машинага ўтириб, автоҳалокатдан нобуд бўлишди. Бу уларнинг оиласидаги учинчи даҳшатли ўлим эди. Маст Туробнинг калтагидан шаҳид ўлган Гулчеҳра, ароқ ичиб ёрилиб ўлган Туроб, ичиб рулга ўтирган ота-онасининг даҳшатли ўлим топишларидан хулоса чиқаришга Жаъфарнинг фикри ожизлик қиларди.

Қўшнилар Жаъфарга қандай одам қизини берган экан, сўраб-суриштирмаганига қараганда ўзларига ўхшаган диёнатсиз, бетавфиқ кимдир бўлса керак, деган хаёлга борган эдилар. Лекин Гулҳаёнинг қандайлигини билганларидан кейин унга ҳамма бирдай ачинадиган бўлди. Улар Жаъфарнинг ичиб келиб, хотинини азоблашига чидамай, бир неча марта кириб, койиб, уришиб кетардилар. Гулҳаё ажрашиб кетгандан сўнг кўпчилик енгил тортди, чунки Жаъфар ҳеч қачон одам бўлмаслигини, у ҳам ота-боболари каби эътиқодсиз, бебурд алкаш эканини билишарди.

Ўша кеча Кўпайсин бобо кўчада Жаъфарнинг уйи ёнидан ўтиб бораётганида аёл кишининг бақиригини эшитди. У буни хаёлида ўша бақи-

риқ ҳар доимгидек қулоғимга эшитиляпти деб ўйлади. Чунки у элик йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, Турдининг уйи олдидан ҳар ўтганида бу овозни эшитгандек бўлар, ҳар сафар ўзини Гулчеҳранинг ўлимида айбдор санаб қораларди. Аммо бу сафарги овоз унга бошқачароқ туюлди. Жон ҳолатда қаттиқ бақирган аёлнинг ким эканини билиш учун у тўхтаб қолганди. Келин қайтиб келганмикин? Уни Жаъфар азоблаётган бўлса-я? Наҳотки илгариги хатоимни яна такрорласам? Ахир уни ажрашиб кетди, деганларига икки йилдан ошди-ку. Йўқ, менимча бу бошқа биров. Кўпайсин бобо ана шундай бир-бирига қарама-қарши хаёллар билан турганида ичкаридан кимдир югуриб чиққанини кўрди. У одам ёнгинасидан ўтиб кетди. Ҳамма ёқ тинчиб қолди. Бобо яна ўша фикрига қайтди, қулоғимга эшитилган, аслида ҳеч қандай бақириқ бўлмаган, деган хаёл билан уйига келиб ётди. Эрталаб невараси:

– Бобожон, қўшнимиз Жаъфар билан уларни-кида юрадиган бегона жувонни кимдир ўлдириб кетибди. Милиционерлар келиб, қўшнилардан улар ҳақида суриштираётган экан, – деди.

– Астаффируллоҳ, астаффируллоҳ, – деб юзига фотиҳа тортди бобо. – Бехосият уйдаги тўртинчи даҳшатли ўлим. Демак, кечаги бақириқ... ҳақиқатан ҳам кимдир бақирган экан-да... Тавба қилдим... – деб Кўпайсин бобо пичирлаб нималардир дерди. У бироз шу ҳолатда ўтириб, кейин ўйлаб қолди. – Мелиса суриштиряпти, дедингми? – сўради неварасидан.

– Ҳа, Мусо акадан сўраётганларини ўзим кўрдим.

Кечаги кўрганларимни айтишим керак, деб ўрнидан турди у. Бироқ ҳеч ким уни эшитгиси келмади.

XVII БОБ

Собиржон отахоннинг гапларини тинглаб:

– Кўпайсин бобо, сиз суриштирувчи йигитдан хафа бўлмаслигингиз керак, чунки у сизнинг ёшингиздаги кишининг тунда бўлган воқеадан хабари борлигини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган бўларди. Ундан ташқари сиз гапни қотилни кўрганингиздан эмас, у оиланинг эътиқодидан бошлагансиз, – деди.

– Бу гапинг ҳам тўғри, омон бўлгур. Қаригандан кейин одамнинг ҳаракатлари сустлашгани каби, унинг фикрлаши ҳам секинлашаркан. Мен Турдининг оиласи ҳақидаги ўзимни ҳаммаша ҳайратга солган нарсани гапира бошлабман. Ахир бунинг у йигитга қизиғи йўқлигини билишим керак эди, – деди Кўпайсин бобо бошини чайқаб.

– Аслини олганда, суриштираётган кишининг дунёқараши кенг бўлиши керак. Сиз «дахрий» деган сўзни айтганингизда у қизиқиб, нима демоқчилигингизни эшитиши керак эди. Чунки эътиқодга ҳам кўп нарса боғлиқ бўлади, шундай эмасми, отахон? – деди Собиржон.

– Албатта, жуда тўғри айтдинг, омон бўлгур. Ҳеч қайси дин ёмонликни, ёвузликни тарғиб қилмайди. Мен Қуръони Каримни бир неча бор ўқиб чиққанман. Шу ёшга киргунимча ҳаётдаги тажрибаларимдан бир нарсага амин бўлдимки, кимда-ким Яратганга шак келтириб, ҳаромдан

ҳазар қилмай, ёмонлик йўлига қараб кетса, албатта, бу дунёда жазосини оларкан. У умрининг охирида бўлса ҳам, ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, тавба қилар экан. Нариги дунёда у гуноҳкорни нималар кутиб тургани ёлғиз Яратганининг ўзига аён.

Насроний динига амал қилувчиларнинг муқаддас китоби «Инжил»ни ҳам ўқиганман. Бунда ҳам фақат инсоннинг эзгу амаллар қилишининг фойдалари ҳақида сўз боради. Гуноҳкор бандасининг жазоланиши, охиратда эзгулик тарафидагиларни мукофот, ёвузларни дўзах азоби кутиши ҳақида гапирилган...

Мен шундай хулосага келганман, инсоннинг поклиги кимнинг қайси динда эканида эмас, унинг ўз эзгу эътиқодига содиқлигидадир.

– Жаъфарнинг ота-боболари динсиз эканини ўзлари тан олганмилар? – деди Собиржон.

– Ҳа, Турди ўзи тан олган.

– Қандай қилиб?

– Мен ҳеч қайси динни тан олмайман, деган. Калима келтиришни билмаслигини, билишни ҳам хоҳдамаслигини ўзи айтган. Буни кўпчилик эшитган.

– Унинг ўғли Туроб-чи?

– Туроб ва унинг хотини худди Турдидек эътиқодсиз эдилар. Буни ўзлари тан олмасалар-да, қилмишларидан маълум эди. Улар фақат ароқ ичиш мумкин бўлган жойларга борардилар. Айтишларича, иккаласи ўтириб ҳам ичишаркан. Қўшнилари бу эр-хотиннинг кимгадир яхшилик қилганини эшитмаганлар. Туроб ҳатто яхшилик қилганларга ҳам ўзига билдирмай ёмонлик қиларкан. Буни ҳеч ким пайқамади деб ўйлаб, ўша

ёмонлик қилган кишисига ўзини яқиндек кўрсатаркан. Буни кўпчилик айтганидан биламан, болам. Эр-хотин биргалашиб ҳалол одамларнинг устиларидан бўҳтондан иборат имзосиз хатлар ёзганини биладиганлар бор. Кўролмасликнинг ўзи гуноҳ-ку.

Биласанми болам, менинг ҳозирги ҳаётимиздан энг кўнглим тўладиган жойи ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш кераклигининг ҳар куни уқтирилишидадир. Улар эса ҳасад билан яшашарди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, уларни даҳрий дейишдан бошқа яна нима деб атаса бўлади?!

– Жаъфар ҳали ёш бўлган, ҳойнаҳой, уни яхши билмасангиз керак, отахон?

– У неварам Сардор билан бир синфда ўқиган. Жаъфарни ҳаммадан яхши биламан. Неварам унинг индамаслигини, ҳеч кимга қўшилмаслигини айтарди. Каттароқ бўлганидан кейин эса уни ича бошлаганини, ҳатто айрим болаларни ҳам ичкиликка жалб қилгани учун уларнинг ота-оналари шикоят қилиб мактабга борганларини айтганди. Хуллас, Жаъфар ҳақида яхши гап эшитмаганман.

– Раҳмат, отахон, – деб Собиржон Кўпайсин бобо билан хайрлашди.

Фарҳод компьютерни ўчириб:

– Кимни сўроқ қилган бўлсак, ҳамма марҳумнинг қандай одамлигини айтиб, бирор яхши томонини гапирмаётганди. Бу чол унинг ота-боболарини ўзидан ҳам баттар эканини сўзлаб, мени хайратга солди. Наҳотки уларнинг уч авлоди ҳам одамларнинг лаънатига учраган бўлса? – деди.

Собиржон Кўпайсин бобонинг гапларини хаёлан таҳлил қилиб, ўйланиб турарди. У анчадан кейин:

– Фарҳод, нима деб ўйлайсиз, Кўпайсин бобо айтган қотил ким бўлиши мумкин?

– Билмадим, агар у чолнинг кўрсатмаси тўғри бўлса, бизнинг тахминларимиз нотўғри бўлиб чиқади. Унинг айтишича, қотил бўйи пастроқ, тўладан келган эркак. Шубҳа остидагилар ичида бундай кўринишдаги одам йўқ. Нима дейишга ҳам ҳайронман.

– Демак, қотил бутунлай бошқа одам...

– Лекин кўзи хиралашган, ёши саксондан ошган чолнинг кўрсатмасига унчалик ишониш ҳам тўғри эмас, деб ўйлайман.

– Сизнингча, у нима сабабдан ёлғон кўрсатма бериши мумкин?

Фарҳод ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, кейин Собиржоннинг қаршисида тўхтаб:

– Биринчидан, Собиржон ака, ўзингиз айтганингиздек, чолни асосий гумондор ҳисобланган Жобирова Гулҳаёнинг амакиси бошлаб келди. Иккинчидан эса унинг гапларидан маълум бўлишича, ёшлигидан марҳумнинг оиласига адвокати бўлган. У марҳумнинг бобосини ўзининг душмани, деб билган. Шу сабабли улар тил бириктириб, Жобировларнинг ҳаммаси шубҳадан қутулишлари учун паст бўйли, тўладан келган эркакни ўйлаб топган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас, деган фикрдаман, – деди.

– Дастлаб менинг хаёлимдан ҳам худди шу сиз айтган гаплар ўтганди, бироқ тезда бу фикримнинг нотўғри эканини сездим.

– Нима сабабдан?

– Чунки сезгиларим Жобированинг амакиси ва Кўпайсин бобонинг гапларида ҳеч қандай

ёлфон йўқлигини айтяпти, – деди кулимсираб Собиржон.

Фарҳод кулиб юборди.

– Ол-а, сезгиларим денг.

– Нима бўлганида ҳам терговни давом эттирамиз. Аммо ўша Кўпайсин бобо айтган паст бўйли, тўладан келган эркак уларни ўлдириб, кейин чиққанми ёки унинг қотилликдан мутлақо хабари йўқми? У одам ўзи ким? Нима сабабдан ҳар томонлама тамом бўлган иккита бедаво кимсани ўлдирган бўлиши мумкин? Бу нарсалар ҳали бизга бутунлай қоронғи.

– Ҳа, иш янада чигаллашиб кетди. Мен жиноят очилишига оз қолди, деб ўйлагандим, – деди Фарҳод қўлларини ёйиб.

– Гувоҳ Кўпайсин бобонинг берган кўрсатмасига асосан, ўша қотилликда шубҳа қилинаётган яна бир гумондор кўрсатилган белгиларига кўра қидирилиши лозим. Балки у яқинда жазони ўтаб чиққанлардан биридир ёки қидирувдаги жиноятчидир. Уни шулар орасидан излашимиз керак, деб ўйлайман.

– Ахир бобо уни орқасидан кўрган-ку, аниқ белгиларини айтмади.

– Ҳа, тўғри, унинг тўладан келган, паст бўйлигидан бошқасини билмаймиз, лекин жиноятчини шу кўринишдагилар орасидан излашга мажбурмиз, – деди Собиржон.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ШУБҲАЛИ КИШИ

I БОБ

Эрта тонгда Худоёр ота анчадан бери режалаштириб юрган ишини бугун амалга оширмоқчи бўлиб, дарахт кўчатларини боғнинг орқа томонига таший бошлади. «Май бошланди, кўчат экишга пича кеч, лекин бултур ҳам худди шундай деб ўйлаганим сабабли экилмай қолган эди. Арчаларнинг томирлари тупроғи билан қоғоз қопларда турибди, улар ўсиб кетишига аминман, лекин терак кўчатлари барг ёза бошлаган экан. Майли, таваккал, экаверай-чи», ўйлади у.

Ота белга таянганича нимани қаерга экишни мўлжаллаётиб, беихтиёр хаёлга берилди. Бир ниҳолни экиб, вояга етказиш учун қанча меҳнат сарфланади. У ўсиб кўнглингадигдек дарахт бўлса, меҳнатинг бесамар кетмаганидан қувонасан. Бироқ ўша дарахт энди ривожланишни бошлаганида бирдан яшин тегиб қуриб қолса-чи. Қайғурасан, сиқиласан, ачинасан...

Инсон боласи вояга етгунича ота-она қанчадан-қанча заҳмат чекади. Ота болаларининг қорни тўқ, усти бут бўлсин деб, жонини жабборга бериб меҳнат қилади. Оиласи тўқислиги учун

Ўзи истаган қимматбаҳо кийимлару базмлардан воз кечади. У ўғлим кам бўлмасин, қизим яхши кийинсин, дейди. Онаизор туни билан ухламайди, ором нималигини унутиб юборади. Ўзи хаста бўлса ҳам, боласининг касал бўлмаслигини ўйлайди.

Худоёр ота негадир бундан анча йил аввал қишлоқларида рўй берган нохуш воқеани эслади.

* * *

Суд мажлиси давом этарди. Судланувчига савол бераётган бўйи пастроқ, сочи типратиканни эслатувчи, рангпар прокурор асабийлашиб, сал бўғиқ овозда:

– Судланувчи, нимага ҳадеб тўтиқушга ўхшаб «қотил эмасман» деб бир гапни такрорлайверасиз, агар жиноят қилмаган бўлсангиз, далиллар билан исботлаб беринг. Кимлар айбсизлигингизга гувоҳ бўла олишини айтинг! – деди.

– Қандай қилиб исботлайман? Гапларим ростлигини, қотил эмаслигимни айтишдан бошқасини билмайман.

– Унда тушунтириб беринг-чи, агар сиз Толибхўжаева Саодатни ўлдирмаган бўлсангиз, рўмолчангиз қотиллик содир этилган ерда қандай пайдо бўлган?

– Ўзим ҳам ҳайронман, менинг рўмолчамлиги аниқ... Агар ишонсангиз, терговда буни менга айтишганидан бери шуни ўйлаб, бошим қотган.

– Ана кўрдингизми, сиз ҳатто рўмолчангизнинг жиноят жойига қандай қилиб бориб қолганини ҳам айтолмайсиз. Хўш, сиз қотиллик қилмагансиз дейлик, унда марҳума Толибхўжаева

ўлими олдидан нега сизнинг номингизни тилга олган?

– Билмайман...

– Бошқа бировнинг эмас, айнан сизнинг исмингизни айтиб жон бериши қотил эканлигингизни билдирмайдими?

– Йўқ, мен ўлдирмаганман...

– Марҳума ўлдирилмасидан ўн кун илгари сизнинг совчиларингизни қайтаргани тўғрими?

– Ҳа.

– У нега қизининг сизга турмушга чиқишини истамади?

– Мен хўжа эмас, оддий фуқаролигим сабабли.

– Қизнинг отаси йўқлиги учун онасини ўлдирсам, тўйимизга қаршилиқ қиладиган одам бўлмайди, деб ўйлагансиз-да, тўғрими?

– Нотўғри! Бундай бўлиши мумкин эмас! Агар совчиси қайтган йигитлар қизнинг онасини ўлдираверганларида қотиллар сони қанча бўларди!

– Сиз бошқаларни қўйинг, ўзингиз учун жавоб беринг!

– Мен қотил эмасман, ишонинг...

Судланувчининг ҳимоячиси савол берди:

– Айтинг-чи Мустафоев, сизда ёки оила аъзоларингиздан кимдadir қора мўйнали қўй терисидан тикилган пўстин борми?

– Лаънат ўша пўстинга, шу саволни минг марта беришди, уйимизни ағдар-тўнтар қилиб тинтув ҳам қилишди. Менда ҳам, уйимиздагиларда ҳам унақа пўстин бўлмаган.

Суддаги шу охириги саволдан бошқа ҳамма савол-жавоблар фақат судланувчининг зарарига ҳал бўлганди.

Ниҳоят ҳаммаси тугагач:

– Судланувчи Мустафоев Азиз, сизга охирги сўз берилади! – деди тепакал судья кўзойнагини кўтариб қўйиб.

Жиноятчининг қора курсисида ўтирган 20 ёшлардаги, бўйи ўртачадан узунроқ, буғдой ранг, қирра бурун, кўзи бироз қисикроқ йигит ўрнидан турди. У атрофга саросимали назар ташлади ва қўлларини икки тарафга ёйиб, елкасини қисди. Кейин индамай ерга қараганча тураверди.

Судланувчининг қаққайиб жим туришидан ажабланган судья аввал ёши каттароқ маслаҳатчи кишига, кейин маслаҳатчи жувонга қаради. Ёши улуғроқ маслаҳатчи:

– Шунча кундан бери давом этган суд мажлиси тугаяпти, суд маслаҳатхонага киришдан олдин сизнинг сўнги сўзингизни эшитмоқчимиз. Индамай турмасдан, ичингиздагиларни гапиринг, балки пушаймонлик билдирарсиз, балки бошқа гапингиз бордир, Мустафоев... – деди юмшоқлик билан.

Йигит бошини кўтариб залга қаради, у олдинги қаторда қора кийиниб ўтирганидан азадорлиги кўриниб турган чиройли қизга бирпас қараб турди-да, кейин сўзлай бошлади.

– Мен ичимдагиларни терговда ҳам, судда ҳам айтганман. Гапимга қулоқ соладиган бирор-та инсон бўлмаса, яна нима дейишим мумкин? Мен Саодат опани ўлдирмаганман... – деб у томоғига бир нима тиқилгандек гапиролмай қолди, кейин йиғи аралаш бўғиқ оҳангда шундай деди, – Лола, ишон, қотил эмасман, онангни мен ўлдирмадим. Ахир одам севганига озор еткази-

ши мумкинми? Муҳаббат ёвузлик қилишга қодир эмаслигини наҳотки ҳеч ким тушунмаса...

Залга жимлик чўкди, Азиз бошқа ҳеч нима деёлмади. У бу сўзларни овози қалтираб, секин айтган бўлса-да, негадир ҳаммага жаранглаб эшитилгандек туюлди. У Лолага тикилганича турарди. Қизнинг оппоқ юзи, сал чимирилган қалдирғоч мисол қошлари, ёш тўла шаҳдо кўзлари изтиробли боқар, ғунча каби лаблари титраб бир нима демоқчидек жуфтланди, лекин гапиролмади, у ҳам йигитдан кўз узмай қараб ўтирарди.

Суд судланувчи айбини тан олмаса ҳам, унинг жинояти далиллар билан тўла тасдиқланди, деб ҳисоблаб, Азизни қасддан одам ўлдиришда айбли деб топди ва 15 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилди. Азизни олиб чиқиб кетаётганларида:

– Мен айбдор эмасман, ишонинглар, менга ёрдам беринглар, Худоёр ота, ёрдам беринг, илтимос! – деди одамлар орасидан Худоёр отага кўзи тушиб.

Азизнинг отаси Жўра ака, онаси Манзура опа ўғлининг ғамидан қадди букилди. Лола турмушга чиқмади. Унга совчилар кўп бўлди, бироқ ҳеч қайсисига розилик бермади. Айримлар уни Азизни жуда яхши кўрганидан бошқага кўнгила қўймаган деса, айримлар Азиз онасини ўлдирганидан кейин эркак зотидан нафратланганидан эрга тегмади, дейишади. У ҳувиллаган ҳайҳотдек уйда бир ўзи қолиб кетганди. Тоғаси жиянини ёлғиз қолдирмай, кичик ўғли билан келинини унинг ёнига кўчириб келди.

Кўчат экишга чиққан Худоёр ота шу воқеаларни хаёлидан ўтказаркан, нимага буларни эслаб қолдим, деб ўйлади. У ҳозиргина олиб чиққан кўчатлардан бирини қўлига олди. Кейин уни жойига қўйиб, белга суянганича чўққи соқолини силаб қўйди, белни икки қўли билан ушлаб, унга офирлигини ташлаб туриб, яна хаёлга чўмди.

«Гулҳаёнинг бошига тушган мусибатдан қаттиқ таъсирландиммикин? Шундай қизни қотилликда айблашса-я! Буни эшитиб, худди Азизнинг судда мендан ёрдам сўраган пайтидагидек аҳволга тушдим. Бунга Азизнинг нима дахли бор, ўзим ҳам тушунмайман. Гулҳаёнинг собиқ эри ўлдирилиши ҳам баҳор пайтида... Саодат шўрликни ўлдирганларида ҳам баҳор эди, балки шунинг учун эслаётгандирман. Йўқ, булар бошқа-бошқа, бир-бирига ўхшамайдиган воқеалар.

Ўша йили баҳор эрта келиб, мевалар гуллаб, ўриклар ҳатто довучча туга бошлаганди. Шунда кутилмаганда қаттиқ совуқ бошланди. Икки кун ёққан қор мевали дарахтларни ҳосилидан жудо қилди...

Изғиринли баҳор бундан 10 йилча илгари бўлганди, ҳа, ҳаммаси кечагидек эсимда. Қишлоғимизда мен эсимни таниганимдан бери қотиллик юз бермаган. Саодатни ўлдириб кетишлари одамларнинг юрагини ҳозиргача ларзага солади.

Бундан чиқди, Азизнинг қамалганига роп-пача 10 йил тўлибди-да. Ҳалигача унинг «Худоёр ота, менга ёрдам беринг, илтимос...» деган сўзлари қулоғим остида жаранглайди. Бироқ нега менга айтди, бошқа бировга ёки бирор қа-

риндошига эмас? Унинг кўзларидаги илтижони сира унутолмайман. Лекин айбсизлигига қандай ишонай? Унга ёрдам беришга ҳаракат қилмадим. Ахир милиция ходимлари, прокуратурадагилар қанча текширишди. Ундан кейин бир неча кун суд мажлиси бўлди. Азизни оқлайдиган ҳеч бир гувоҳ, ҳеч қандай далил йўқ эди. Мен унинг айбсизлигини қандай исботлайман? Балки у ҳақиқатан ҳам Саодатни ўлдиргандир? Лекин марҳуманинг чангалидан қора пўстиннинг жуни толалари топилган. Терговчиларнинг фикрича, қотил қора пўстинда бўлган. Азизда ҳеч қандай пўстин йўқлигини қишлоқда ҳамма билади. Бироқ битта пўстинни деб, бировни айбсиз деб бўлмайди-ку. Яна ким билади, балки у туҳматга қолгандир...

Қишлоғимиз каттагина, шунга қарамай ўн йил ичида ҳаммани бирма-бир ўзимча элақдан ўтказиб текширганман. Ҳеч ким қотиллик қилган бўлиши мумкин, деган шубҳа уйғотмаганидан сўнг тинчиб қолдим. Ростини айтганда, бир одамдан озгина гумоним бор эди, аммо бу асоссизлигини яхши билардим. Тўғрироғи, у одам ҳаммани ёмон кўрадиган турқи совуқ, узоқроқ қариндошимиз Тилаволди эди. «Тилаволди пес» деб унга жуда тўғри лақаб қўйишган. Ёмон одам бўлгани учунгина ундан шубҳалангандим, аммо унинг Саодатни ўлдириши учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди».

Ота кўчатларни бутунлай унутиб, ўша воқеаларни эслаб, хаёлга шўнғиди.

II БОБ

Худоёр ота яшайдиган қишлоқ шаҳарга яқин жойлашган бўлиб, одамларнинг яшаш шароити шаҳардан деярли фарқ қилмайди. Лекин уларнинг урф-одатлари, қишлоқ аҳлининг ўзаро муносабатлари шаҳарликлардан кескин фарқланади. Қишлоқда ҳамма бир-бирини танир, деярли ҳамманинг исми ёнига лақабини қўшиб айтиш одатий ҳол эди. Шундан келиб чиқибми, қишлоқни «Лақаб» қишлоқ дейишади.

Худоёр отанинг касби ўқитувчи. Ёши 75 га яқинлашган бўлишига қарамасдан, ҳали букчайиб қолмаган, тетик, оқ-сарик юзига ярашган оппоқ, кичкина чўққи соқоли, кўзлари тийрак боқувчи, ўрта бўйли, нуроний чол. Қишлоқдагилар унинг иккита дипломли зиёли, ҳозиржавоб, ақллигиданми ё ҳаммага бирдай самимий муносабатиданми ёки чигал масалаларнинг ечимини тезда топишиданми, доимо ёрдамга тайёрлигиданми жуда ҳурмат қилишар, каттароқ иш бошламоқчи бўлсалар, албатта, маслаҳатлашардилар.

Ёшлигида ота институтнинг психология факультетини тамомлаб, мактабда бир йил ишлаганидан сўнг чет тилидан дарс беришни ҳамisha орзу қилгани боис, ўзи мустақил ўрганиб, сиртдан чет тиллар институтига ўқишга кирган. Ўшанда улар Хосият хола билан танишганлар. У ҳам институтнинг педагогика факультетини тугатаётган эди. Улар турмуш қуриб, иккита ўғилли бўлдилар. Фарзандларининг каттаси Тўлқин техникага қизиққани учун шу соҳада ўқиб, олим бўлди. У оиласи билан шаҳарда яшайди. Кенжа

ўғли Жўшқин ота-онасининг касбини танлаган. У ўқитувчи, қишлоқдаги коллежда инглиз тилидан дарс беради. Отанинг тўнғич невараси институтни чет элда тугатиб, докторлик илмий ишини тамомлаш арафасида. У фарзандлари билан ич-ичидан фахрланса ҳам, ҳеч қачон одамларга буни айтиб мақтанмаган. Унинг фикрича, фарзандларининг муваффақиятини кўз-кўз қилишга уриниш оиланинг обрўсини бир пул қилади. Одамлар кимнинг оиласи қандай эканини ўзлари кўриб, бир фикрга келишлари керак, деб ўйлайди.

Худоёр ота кексайган бўлса ҳам замондан орқада қолишни истамайди. У неварасидан компьютерни қандай ишлатишни, интернетдан фойдаланишни ўрганиб олган. Чет элдаги невараси интернетдан фойдаланиш мумкин бўлган қўл телефони совға қилганида отанинг боши осмонга етганди. У ҳамиша ҳамқишлоқларига теша тегмаган янгиликларни гапириб, уларни қойил қолдиради. У пиёда юришни яхши кўради, узоққа ўзининг «Нексия» русумли оқ машинасини ҳайдайди. Қишлоқдаги чолларнинг ҳаваси келганидан, унинг бундай тетикликка қандай эришаётганини сўрашади. Отанинг жавоби бир хил: «Инсон ҳаракат қилса, астойдил интикса, барча истакларига эришади. Асосийси, ёш ўтганидан кейин қаридим деб, ҳаммасига қўл силтаб ўтириб қолмасликда, изланишдан тўхтамасликда», дейди.

У беш вақт намозини канда қилмайди, бироқ айримларга ўхшаб чопону махси-калишдан бошқаси мумкин эмас, деб қарамайди, жойига қараб, ўзига қулай кийинади. Ота ўғиллари

совға қилган жинси шим, кроссовка, курткалар-
да юришни яхши кўради.

Лақаб борасида ҳамқишлоқлари уни ҳам чет-
лаб ўтмаган. Одатда, лақаблар авлоддан-авлод-
га ўтади, лекин кимнингдир ғайритабиий ода-
ти кўриниб қолса, унинг ота-бобосидан қолган
лақабидан воз кечиб, янги лақаб билан сий-
лашлари ҳеч гап эмас. Бу соҳада қишлоқдагилар
устаси фаранг.

Худоёр отанинг отасини Абдукарим «синч-
ков» деб аташган. Уни эса Худоёр синчков де-
йишади. Отасининг лақаби ўзгармай қолганига,
демак, отам билан одатларимиз бир хил экан,
деб қувонади Худоёр ота.

Тилаволди песнинг ҳеч қандай тери касаллиги
бўлмаса-да, унинг ёқимсиз, совуқ феъл-атвори
учун шундай аташган. Унинг отасининг лақа-
би «сахий» бўлган. Бир тўйда кимдир Тилаволди
отасига тортмаган, у песнинг ўзгинаси, дейиши
билан шундай лақаб олган. Худоёр отадан уч ёш
катта Тилаволдини шу пайтгача бировга яхши-
лик қилгани ёки кимнингдир яхши-ёмон куни-
да унга далда бўлганини ҳеч ким эшитмаган.
Ўзи эса ҳеч қачон «раҳмат» деган сўзни ишлатиб
кўрмаган, дейишади. У ҳатто оиласидагиларга
ҳам ўта совуқ муносабатда эканини ҳамма би-
лади. Тилаволдининг бўйи узун, озғинлигиданми
ёки совуқ чақнайдиган кулрангга мойил кўзла-
ри, ёноқ суяги бўртиб чиққан юзининг кўрқинчли
кўринишиданми, кийимлари гавдасига қовуш-
май рўдапога ўхшаганиданми, турқини бир кўр-
ган одам сесканиб кетиши турган гап. Қишлоқда-
гилар гапга қулоқ солмай, хархаша қилаётган
болаларини унинг номини айтиб кўрқитишади.

Хуллас, яхшилаб эътибор берилса, ҳамма лақаблар эгаларига жуда мос тушганини пайқаш мумкин. Суюн лақма, Ҳамид ақлли, Шокир совуқ, Жаббор кал ва бошқалар. Аҳмад хушрўйга тескари лақаб қўйишган, аслида унинг кўриниши жуда хунук.

* * *

Худоёр отанинг хаёлини Хосият хола бўлди.

– Дадаси, эрталаб нонушта қилмасдан чиқиб кетибсизми?

У отанинг ёнига келиб, қўлидаги оғзи дока билан боғланган челагини қўйди. Ота унинг саволига жавоб бермасдан бошдан-оёқ разм солиб:

– Нимчангни тескари кийибсанми? Калишларинг ҳам пойма-пой... – деди.

– Вой, эрталаб сигирни тезроқ соғай, невараларим сут ичиб кетишсин, деб шошганимдан эътибор бермабман-а. Дадаси, жуда синчковсиз-да, дарров хатоимни топасиз, – деди Хосият хола жилмайиб.

– Мен сенга сигир соғишни бас қил, энди бу ишни келинга топшир демаганмидим?

– Шунча йилдан бери қилаётган ишимни нега тўхтатарканман, соғлиғимдан шикоятим бўлмас-са? Мени ногиронга чиқармоқчимисиз? Бор бўлинг-э...

У Хосият холанинг думалоқроқ, ёноқлари қизариб турадиган оқиш, ажинлар билан қопланган бўлса-да истараси иссиқ юзига, бир нимадан ҳайратланганга ўхшаб боқувчи ярим доира шаклидаги кўзларига қараб ўйга толди. Наҳотки Хосиятнинг эси кирди-чиқди бўлиб қолган. Тўрт-беш йилдан бери аҳвол шу, ҳеч нима эсида

турмайди. Ишлари пала-партиш, қизиғи, дакки эшитса ҳам, пинагини бузмай, кулимсираб кечирим сўрашдан нарига ўтмайди. Болалар билан маслаҳатлашиб шифокорга олиб бориш учун қанча ҳаракат қилдик, кўндиролмадик. Уни бир илож қилиб дўхтирга кўрсатишим керак.

– Соғлигинг жойидалигига шубҳам бор... Каллангнинг соғлигини назарда тутяпман.

– Қўйсангиз-чи шунақа гапларни.

– Мана исботи, ҳозиргина невараларим сут ичиб кетсин, деб шошдим, деётгандинг, лекин сутни челаги билан кўтариб келиб, лаллайиб турибсан. Невараларинг эса аллақачон мактабга кетиб қолишди.

– Ҳа, эсим қурсин, аслида сутни пишириш учун келинга бериб, кейин сизнинг олдингизга чиқмоқчи эдим, – деб Хосият хола челакни кўтарди. У кетаётиб: – Кириб чойингизни ичиб чиқинг, кўчат экиш қочмас. Айтгандай, сизга маслаҳатим, шунча ерга кўчатни бир ўзингиз экишга тиришманг, болаларни ёрдамга чақиринг. Сиз қандай экишни кўрсатиб турсангиз, бор бўлгурларнинг ўзлари бирпасда экиб ташлайди, – деди.

– Аста-секин ишлайверай-чи, чарчасам ёрдамга чақирарман. Ишни бошлаб, кейин овқатланаман, – деди Худоёр ота.

Хола узоқлашгач, белкуракни қўлига олиб, кўчатларни қандай экишни чамалади.

У кўчат экмоқчи бўлган ер боғларининг орқа томонида бўлиб, узунлиги тахминан 15 метр, эни 3 метрлар чамасидаги жой эди. У ернинг бир қисмидан анча олдин пахса девор учун лой олинган, кейинчалик хандақ кўмиб ташланган-

ди. Сал наридан темир йўл ўтиб, бу ер ташландиқ бўлиб ётганди. Худоёр ота боғ деворини ёқа-лаб терак экишни, кейин ариқча қазиб, унинг яна бир тарафига арча кўчатлари ўтказишни режалаштирди. У белкуракни олиб кўчатнинг катталигига қараб чуқурча ковлай бошлади. Ариқ учун мўлжаллаган жой қандай экан, деб ўша ерни ковлайётганида белкуракнинг учи қарсиллаб қаттиқ нарсага тегди. Хандаққа ахлат ташлагандилар, тош бўлса керак, деб ота тошни олиб ташламоқчи бўлди. У чуқурчани кенгайтириб, белкуракка теккан қаттиқ тошни қўли билан тортди. Қўлига илиниб чиққан думалоқроқ нарсага яхшилаб қараб, беихтиёр ташлаб юборди. У одамнинг калла суяги эди!

Худоёр отанинг аъзои баданидан совуқ тер чиқиб кетди. У мабодо янглишмадиммикин деб ўйлаб, яна синчиклаб қаради.

– Адашмабман, астаффируллоҳ, астаффируллоҳ! – деди у чўнтагидан рўмолча чиқариб терларини артаркан.

Балки одам суягининг бошқа қисмлари ҳам бордир, деб ўйлаб у сал нарини ковлади. Худди ўйлаганидек, сон суяги чиқди. Ота суякларни топган жойига ташлаб, устини илгаригидек кўмиб қўйди. У ўйланиб қолди, нима қилсам экан? Нима қилардим, тезда тегишли жойларга хабар беришим керак.

Худоёр ота милицияга хабар бериш учун телефонини олиб, рақам тера бошлади, фикридан қайтди чоғи, рақамларни ўчирди. Мен милицияга хабар берсам, улар келиб кўрганларидан сўнг тегишли тергов органига топширадилар, иш

анча чўзилади. Бундан фойдаланган қотил қочиб қолиши ёки ўзини ҳимоя қилишнинг бошқа бирор йўлини топиши мумкин. Яхшиси, қотиллик жиноятларининг тергови қаерга тааллуқли эканини билишим керак.

Ота кўкрак чўнтагидан кўзойнагини олиб тақди ва телефонини чиқариб, интернетдан қидира бошлади. Қотиллик жиноятлари бўйича терговни вилоятларда вилоят прокуратураси терговчилари олиб бораркан, деди ва рақамларни термоқчи бўлди, лекин яна ўйлаб қолди. Шошмаслигим керак, ахир бу ерда қотиллик юз берган. Бу ким бўлиши мумкин. Қотил киму мурда кимники? Унинг хаёлига «Тилаволди пес» деган исмдан бошқаси келмасди. Ундан бошқа ҳеч ким! Балки у чет эл фильмларидагидек манъякдир¹. Агар бу аниқланса, Саодатни ҳам у ўлдирган деган гумоним тўғри чиқади. Мен ҳеч кимга айтмасдан тўғри вилоят прокуратурасига боришим керак. Терговчиларга кимдан шубҳам борлигини тушунтирсам, улар Тилаволди песни дарҳол қамоққа олсалар, жиноятни очиш осонроқ бўларди.

Худоёр ота ана шундай хаёллар билан кийини алмаштириш учун уйга кирди. Ошхонада куймаланиб юрган Хосият хола:

– Келдингизми, кела қолинг, ҳозиргина чой дамлагандим, сули ёрмасидан тайёрланган, ўзингиз яхши кўрган сутли бўтқани қуюлиб қолмасидан еб олинг. Мана тухум ҳам тайёр, – деди қўлидаги қайнатилган тухум солинган идишни столга қўйиб.

¹ Манъяк – савдойи, васвос.

Худоёр ота индамасдан хонасига кириб кетди. У тезда кийиниб чиқиб кетаётганини кўрган хола:

– Ие, йўл бўлсин, овқатланмайсизми? – деди ажабланиб.

– Мен тезда қайтаман, машина жойидами?

– Машинани шаҳарга борадиган ишим бор, деб Жўшқин ҳайдаб кетганди.

– Майли...

Хосият хола азалдан камгап аёл. У эрига ортиқча саволлар бериб, жонига тегишни ёмон кўрарди. Ҳозир ҳам кўчат эсмоқчи бўлган «даси»нинг кутилмаганда кийиниб йўлга отланишига тушунмай, ундан бунинг сабабини сўраш учун офиз жуфтлади-ю, лекин авзойи бошқачароқ эканини пайқаб индамади.

Худоёр ота аксига олиб машинани ўғли ҳайдаб кетганига бироз асабийлашди. У катта йўлга чиқиши билан такси топилди. Йўл давомида у одам суюкларининг кимники бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйларди. Қотил ким эканлиги ҳақида ортиқча бош қотирмай, тезда бир қарорга келган эди.

Вилоят прокуратураси биноси кираверишида ўтирган соқчи йигит отани тўхтатиб, салом берганидан кейин:

– Отахон, кимнинг олдига кирмоқчисиз? – деб сўради.

Худоёр ота бу ерда кимга учрашишини ўйламагани учун бироз ўйлаб туриб, жиянини тергов қилган Собиржон эсига келди.

– Ўғлим, мен Мирзаев Собиржонни кўрмоқчиман, – деди у.

– Ўзи сизни қайси терговчи чақирган, қўлингизда чақирув қоғозингиз борми?

– Мени ҳеч ким чақирмаган, бироқ уларга айтадиган гапим бор. Агар сиз қайси терговчи тажрибалироқ эканини айтсангиз, жуда яхши бўларди-да. Мен бир жиноят ҳақида, аниқроғи, қотиллик ҳақида хабар бермоқчиман.

– Йўғ-э, наҳотки...

– Ҳа, ўғлим, илтимос, бу шошилинч.

– Ёнингизда шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз борми?

– Албатта, мана паспортим.

Соқчи отанинг паспортини кўздан кечираркан:

– Менимча, фикрингиз тўғри, Собиржон акага учрашганингиз маъқул. Мен ҳозир у кишига қўнғироқ қилиб, сизни қабул қила оладими, йўқми, билиб бераман, – деб соқчи хизмат телефони гўшагини кўтариб гаплаша бошлади. Кейин у Худоёр отага қараб: – Кираверинг, иккинчи қават, 23-хона, терговчининг исм-фамилиясини биласиз, – деди.

Худоёр ота терговчининг хонасига кирганида Собиржон билан Фарҳод бир нималарни гаплашиб турган эди. Улар отага салом беришди.

– Келинг ота, мабодо яна бошқа бирор гувоҳни бошлаб келмадингизми? – деди Фарҳод кулиб.

– Йўқ, барака топгур, бутунлай бошқа иш билан келдим.

– Қандай иш? – деди Собиржон отани ўтиришга таклиф қилиб.

– Биласизми, ўғлим, мен кўчат экиш учун ерни ковлаётиб, одам бош чаноғини топдим.

– А, қаердан?

– Ўзимизнинг боғ деворимиз орқасидаги ташландиқ ердан. У ер илгари хандақ эди.

- Фақат бош суягими ёки...
- Сон суягиям чиқди, кейин бошқа ковламадим, уларни жойига қайта кўмиб, хабар беришга шошилдим.
- Нимага телефон орқали айтмадингиз ёки ички ишлар бўлимига хабар бермадингиз, тезроқ етиб борардик, отахон.
- Мен қотиллик тезроқ аниқладим, деб тўғри шу ерга келавердим...
- Собиржон отанинг нима демоқчилигини унча тушунмади.
- Ҳа, майли, яқинда жиянингизнинг иши бўйича гувоҳ билан келганингизда шахсингизга оид ҳеч нимани ёзмагандик, деб у Худоёр отанинг шахсини аниқловчи саволлар бера бошладди. Унинг манзилени ёзаётиб: – Ҳа, яшаш жойингиз шаҳар билан чегарадаги туманда экан, бу ердан унча узоқ эмас, – деб қўйди.
- Гап шундаки, мен бу қотилликда бировдан шубҳам бор. Шунинг учун ўзим келиб, сизларга ҳаммасини гапириб беришни маъқул кўрдим.
- Худоёр отанинг бу гапидан терговчилар иккаласи ҳам жонланиб, унга қарадилар.
- Шунақами? Сизнинг қотилликда кимдандир гумонингиз бўлса, демак, у ерга кимнинг мурдаси кўмилганлигини ҳам тахмин қилаётган бўлсангиз керак, деб ўйлайман, тўғрими? – деди Собиржон.
- Ҳа, худди шундай.
- Хўш-хўш, гапиринг-чи.
- Сизларга бошидан яхшилаб тушунтиришим керак. Биласизми, ўғлим, бизнинг уйимиз билан ёнма-ён жойлашган уй эгаси – қўшнимизнинг исми Тилаволди. Унинг чап томонида эса Анна-

муроднинг уйи. У ёлғиз яшарди, кампири вафот этган, қизи Туркменистонга турмушга чиқиб кетган. Биз учаламиз деярли тенгқурлармиз, ёшларимиздаги фарқ кам. Бир йилдан ошди, Аннамурад ғойиб бўлган. Мен маҳаллага чиқиб суриштираман, у ердагилар Туркменистондаги қариндошлариникига кетган шекилли, деб тахминий жавоб бергандилар. Энди уни Тилаволди ўлдирганмикин, деб ўйлаяпман.

– Балки у ҳақиқатдан ҳам ўша ёққа кетгандир, нега у ўлдирилган деган хаёлга бордингиз? Агар фамилиясини айтсангиз, унинг қаерда эканини бирпасда аниқлаймиз.

– Аннамураднинг фамилияси нима эди-я, ба-рака топгур, эсимда йўқ. Яхшиси, тезроқ бориб ўша суякларни кўринглар.

– Ота, саволимни жавобсиз қолдирдингиз, нега Аннамурадни Тилаволди ўлдирган, деб ўйлаяпсиз?

– Бундай деб ўйлашимнинг сабаби, йўқолиб қолмасидан сал олдин Тилаволди билан уришиб қолгандилар...

– Нима учун уришганлар?

– Жанжалнинг сабаби арзимаган нарса. Биласизми, Тилаволди жуда расво одам, шунинг учун ҳам уни Тилаволди пес дейишади. Аннамурад туркман эса ўжарроқ киши. Унинг томидаги ёмғир учун қўйилган тарнови қийшайиб, ёмғир Тилаволдининг ҳовлисига сачраган. У қаердан жанжал чиқаришни кутиб яшайдиган одам эмасми, баҳона топилиши билан қўшнисиникига кириб шовқин кўтарган. Аннамурад ёмғир тўхтагандан кейин тарновини тузаттиришни айтса ҳам, қулоқ солмай, ҳозирнинг ўзида тарновингни тўғрила, мен унгача кутмайман, деб

сўкинган. Бундан жаҳли чиққан Аннамурад уни уйдан ҳайдаб чиқариб, кейинчалик ҳам тарновини тузатмаган. Тилаволди ҳар куни бақирарди, Аннамурад эса ўжарлиги тутиб: «Агар сен сасимасдан жим ўтирсанг, аллақачон тузаттирардим, энди ҳеч қачон тарнов тузалмайди, кўрайлик-чи қўлингдан нима келаркин!» – деди. Тилаволди пес қони қайнаб: «Қўлимдан нималар келишини кўрсатиб қўяман!» «Нима қиласан, ўлдирасанми?» – деди Аннамурад. «Ундан ҳам баттари қўлимдан келади!» – деганини ўз қулоқларим билан эшитганман, – деди Худоёр ота.

– Битта тарновни деб одам ўлдиришгача бориш мумкинми?

– Барака топгур, агар сиз Тилаволдининг қандай одамлигини билганингизда бундай демасдингиз.

Собиржон ёшига қараганда анча ёш кўринадиган, ҳаракатлари чаққон, сўзларини ўрни-ўрнида ишлатиб, бурро-бурро, асосли гапираётган чолга тикилиб бирпас ўйланиб қолди, кейин унинг гапларига ишониш мумкин деган фикрга борди чоғи:

– Мен чиқиб раҳбариятга бу ҳақда ахборот берай, улар нима деркин, – деб хонадан чиқиб кетди.

Фарҳод эса Худоёр отанинг кийинишига қараб, уни чет эл филмларидаги чолларга ўхшаб кетаркан, ҳатто ҳозирги замон техникасини ҳам яхши тушунади, наҳотки қишлоқда шундай одамлар бўлса, деб қизиқиб савол бера бошлади:

– Ота, касбингиз нима?

– Ўқитувчи.

– Қайси фандан дарс бергансиз?

– Инглиз тилидан. Мен яхшигина психологман – деди жилмайиб Худоёр ота.

– Тушунарли, шунинг учун ҳам интернетдан фойдаланар экансиз-да. Сизнинг ёшингиздагилар билан таққослаганда жуда ҳайрон қоладиган иш. Ҳозир ҳам эсингизда қолганми?

– Нима?

– Инглиз тили.

– Албатта, мен чет элдаги неварам билан инглиз тилида гаплашаман.

Собиржон хонага кириб, кимларгадир қўнғироқ қиларди. Фарҳод Худоёр ота билан суҳбатини давом эттирарди.

– Биласизми отахон, мен ҳам тил ўрганишни яхши кўрганим учун институтнинг охириги курсларини чет элда ўқиганман. Ҳозирча бешта тилда бемалол гаплаша оламан. Сизга ҳавасим келганидан мен ҳам қариганда сиз каби ёшлик файратимни йўқотмасликни орзу қиляпман, – деди отага ҳавас билан тикилиб.

– Менинг эса сизларга ҳавасим келади. Агар бошқатдан ёш бўлиб қолганимдами, ҳамма имкониятлардан фойдаланиб, бундан ҳам кўпроқ ҳаракат қилардим. Балки мен ҳам беш-олтита тилни ўрганармидим? Афсус, бизнинг давримизда ҳозиргидек шарт-шароитлар йўқ эди.

Собиржон уларнинг суҳбатини бўлиб:

– Қўнғироқ қилганларим йўлга чиққанларини билдиришди, биз ҳам кетдик, Фарҳод керакли нарсаларни олинг, – деди.

Улар Собиржоннинг машинасида Худоёр ота билан йўлга чиқишди. Йўл-йўлакай у отани суҳбатга тортиб:

– Худоёр ота, боя сиз Тилаводди исмли қўшнингиз ҳақида гапирганда унинг яна бир қўшнингизни ўлдирган деб жуда ишонч билан сўзладингиз. Наҳотки сиздан ҳам ёши каттароқ, саксонга яқинлашиб қолган одам қотилликка қўл урса. Ахир қариганда инсоннинг имонэтиқоди янада мустаҳкамланиб, ёшлигида қилган гуноҳлари учун тавба-тазарру қилади, дейишади-ку. Бундан ташқари ўша одам шунчалик кучлими, бировни ўлдириб, ҳеч кимга билдирмай кўмиб ҳам қўйса? – деб сўради.

Катта йўлнинг икки томонига бир хил услубда чиройли қилиб қурилган салобатли кўп қаватли уйларни томоша қилиб ўтирган Худоёр ота йўлдан кўзини олиб Собиржонга қаради. У бошини чайқаб:

– Агар сиз Тилаволдини билганингизда бу саволни бермаган бўлардингиз, – деди.

– Боя ҳам шундай дегандингиз, ўзи қандай одам у?

– У бизнинг қариндошимиз, отамнинг амакисини ўғли.

– Ҳали ўз қариндошингиздан қотилликда шубҳаланиясизми? – деди ажабланиб Собиржон.

– Биласизми, унинг ҳар қандай қабиҳликка боришига ишонаман.

– Нима учун?

– Чунки у онасини ўлдирган...

Собиржон билан Фарҳод бараварига:

– Йўғ-э! – деб юборишди.

– Ҳа, у бундан қирқ йилча олдин онасини ўлдирган. Уни ёлғиз ўзи катта қилган, хокисор, ҳаётини фақат ўғлига бағишлаган бечора онасини...

– Нима учун ўлдирган? – деди Фарҳод.

– Чамамда, ўғлим, саволни унча ўйламасдан бердингиз.

– Тушунмадим, ахир бирор сабаб...

– Онани ўлдириш учун сабабни сўраяпсизми? Онани ўлдириш у ёқда турсин, юзига тик қараш ёки хафа қилишга ҳам ҳеч нарса сабаб бўлолмайди-ку. Ёки сиз бошқача фикрдамисиз?

– Мен айтмоқчи эдимки... – деб жавоб беришга қайналаётган Фарҳодни оғир вазиятдан Собиржон қутқарди:

– Уни жавобгарликка тортишганми? – дея сўради у.

– Йўқ.

– Нега?

– Тушунтиришим учун ҳаммасини бир бошидан сўзлаб беришим керак, бу узоқ ва ачинарли ҳикоя.

– Ҳали анча йўл босишимиз керак, балки бизга сўзлаб берарсиз, – дея юзланди Собиржон қизиқувчанлик билан.

Худоёр ота терговчининг илтимосини бажарсамми, йўқми дегандек унга қараб қўйди ва:

– Майли, – деб Тилаволдининг ёшлигидан то ҳозиргача бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қила бошлади.

III БОБ

Жаббор ака билан Жумагул опа турмуш қурганларига ўн беш йил бўлишига қарамасдан, фарзанд кўрмадилар. Онаси ўғлига бошқа бировга уйланиб, бахтини синаб кўришни маслаҳат бера бошлаганида, келинининг ҳомиладор бўлиб қолиши кутилмаган ҳол эди. Оиладаги ҳамма

туғилажак фарзандни интизорлик билан кута бошлади. Уларнинг назарида дунёга келадиган гўдак бошқа болаларга ўхшамайдиган, ота-онасига жуда меҳрли, ақл-фаросатда, доноликда ягона бўладиганга ўхшаб кўринарди. Уларнинг бундай ўйлашларига сабаб, балки туғилажак чақалоқ ота-онасининг бузилиб кетиш арафасида турган оиласини сақлаб қолгани учундир.

Ниҳоят, Яратгандан тилаб олинган фарзанд – Тилаволди дунёга келди. Жаббор ака ўзини оламдаги энг бахтли ота ҳисобласа, Жумагул опа, энди менга қайғу-ғам, ташвишлар бегона, деб хурсанд эди. Бобо-бувилар авлодимизнинг муносиб давомчиси, оиламизнинг шаънини кўкларга кўтарувчи шоввоз дунёга келди, бу ёғига хотиржам бўлиб, омонатини бемалол топшираверсак ҳам ҳеч нима қилмайди, деб мамнун юрардилар.

Тилаволди уч ёшга тўлганида уруш бошланиб, Жаббор ака ҳам кўпчилик қатори фронтга кетди. Қирғинбарот урушнинг иккинчи йилиёқ ундан қора хат келиб, ота-онаси ҳам бирин-кетин вафот этишди. Жумагул опа очлик, муҳтожликда ўзини эмас, ўғилчасини ўйлаб тинимсиз меҳнат қилди. Уруш тугаб Тилаволди мактабга қатнай бошлади. Жумагул опа ўзини бутунлай унутиб қўйган, у худди шоҳнинг фармонига мунтазир турган аъёндек ўғлининг ҳар бир гапини дарҳол елиб югуриб бажарарди. Ҳар куни ўғлининг сумкасини кўтариб, мактабга олиб борар, дарслар тугаши билан яна ҳозир у нозир бўлиб, чарчаб қолмаганини бир неча марта сўрай-сўрай уйига қайтарди. Онаси пашша қўндирмай ўстир-

ган Тилаволди мактабни битириб, институтга кириш учун шаҳарга йўл олди. У фирт саводсизлигидан ўқишга киролмай уйга қайтганида парвойи фалак ўғлидан кўра кўпроқ Жумагул опа куюнди. У фарзандининг олий маълумотли бўлишини, офир меҳнатдан узоқроқ юриши, ҳаётда қийналмаслигини истарди.

Тилаволди уч йил кетма-кет институтга киролмай йиқилиб қайтиб келиб, ҳеч қаерда ишламай, онасининг ишлаб топганини еб юрар, бундан унинг виждони қийналмасди, чунки онаси йигирма ёшдан ошган ўғлининг қўлини совуқ сувга урдирмай, ҳамон атрофида парвона эди. Эрининг қариндоши Худоёрнинг ўқишга кирганини эшитган Жумагул опа хурсанд бўлиб, унинг ёнига югуриб келди.

– Худоёржон, ўқишга кирганинг жуда яхши бўлди-да, табриклайман! – деди қувониб.

– Раҳмат, Жумагул хола, – деди Худоёр.

– Худа хоҳласа, янаги йил менинг Тилаволди-жонимни ҳам ўқишга киришига ёрдам берасан. Ахир сизлардан бошқа кимим бор, болам.

Тилаволдининг қилмишидан нафратланиб, Жумагул холага раҳми келиб юрган Худоёр ўйлаб ўтирмай:

– Хола, Тилаволдини бирор жойда ишлагани дуруст эмасми? – деб юборди.

Жумагул хола унинг гапидан хафа бўлиб:

– Нималар деяпсан, юзга киргур, сендан бу гапни кутмаган эдим. Ўғлимнинг қийналганидан кўра менинг ўлганим яхши эмасми? Дадам йўқлиги учун ойим мени ўқитмади, қора меҳнатга лойиқ билди, деб унинг қалби чилпарчин бўлмайдими?

– Тилаволдининг сиздай меҳрибон онаси бор, менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ-ку. Ҳеч нимани ўйламасдан бинойидек ишладим, ўқияпман.

– Сенинг ўзингдан катта аканг бор, болам. Сунганим сизлар, менинг Тилаволдижонимнинг ёлғизлигини билдирманглар. Барака топ, ўғлим, боламга ёрдам бер, бирор йўлини топ. Кўзим очиқлигида унинг олий маълумотли бўлганини кўрсам, армоним йўқ эди.

– Майли, холажон, кўп куйинаверманг, ҳаммаси яхши бўлади, – деди Худоёр Жумагул опани тинчлантириб.

Худоёрга қолса Тилаволди учун узатган оёғини ҳам йиғмасди, лекин Жумагул холанинг гапини икки қилиш мумкин эмас, чунки хола уларнинг етимликларини билдирмай, қўлидан келганича ёрдам бериб келган. Онасининг вафотидан кейин икки боланинг овқати, кир-чирларини ҳам ўз зиммасига олганди. Онаси ўрнида қудаларниқига қатнаб, акасининг уйланишида анча меҳнат қилиб, тўйнинг ҳамма расм-русумларини ўзи бажарган. Жумагул хола жуда жонкуяр, меҳрибон аёл. У Худоёр ўқишга кетаётганида астойдил дуо қилиб, қувониб қайтишини тилаган, нон ёпиб келиб, қўлидан келганича уст-бошини тўғрилашга ёрдамлашганди. Худоёр унинг бу яхшилиқларини қандай қайтаришни билмасди. У Тилаволдининг нимага онасига сира ўхшамаслигидан ажабланарди. Истараси иссиқ, буғдой ранг юзли, қўй кўзларидан меҳр балқиб турган, ўрта бўйли, доимо бирор юмушга шошилиб юрадиган Жумагул холанинг ўғли бутунлай унинг акси эди. Дароз, озғин, қорача ранги ҳамма вақт синиққанга ўхшаб кўрина-

диган, қарашлари совуқ Тилаволдининг ташқи кўриниши ўхшамаса ҳам, ҳеч бўлмаганда битта-яримта одати онасига тортмаганига жуда ҳайрон қоларди. Унинг феъли онасининг теска-риси бўлиб, ҳеч кимга ёрдам бергиси келмас, бирор юмушга қўл уриш унинг учун жуда катта кулфат ҳисобланарди. Кекса онасининг пулидан фойдаланишга ор қилмас, унинг устига ҳатто бечора аёлнинг не машаққатлар билан дастурхонга қўйган овқатини айб топмасдан емасди.

Худоёр Тилаволдининг одатини ёшлигидан билар, унга айбини тушунтиришга ҳаракат қиларди, лекин қулоқ солишни истамагани учун унга қўл силтаб қўйган эди. Ҳозирги пайтда унинг уч йилдан бери ўқишга кирмаганига онаси айбдордек, ишламасдан унинг маошига қараб ўтириши жуда хунук иш эди.

Худоёр институтга кирганини табриклаш учун қорасини кўрсатмаган Тилаволдининг ёнига ўзи бориб, ундан-бундан гапирган бўлиб, охири:

– Тилаволди, ойнинг сенинг ўқишингни жуда истаяптилар, лекин унгача яна бир йил бор. Бекор юрмасдан бирор ишга кирсанг бўлмайди-ми? – деди.

– Менга ақл ўргатма, ўзим биламан, – деди Тилаволди қўрслик билан.

– Майли, ўзинг биласан, лекин сендан бир нарсани сўрамоқчиман, кексайиб бораётган онангга раҳминг келмайдими?

– Сенинг нима ишинг бор, нега бировларнинг ишига тумшуфингни тиқасан? Ахир ўқишга киришга тайёргарлик кўришим керак-ку! – деди Тилаволди бақариб.

– Агар билсанг, мен мактабда ўқиётган пайтимда ҳам икки йил дарсдан кейин ишлагандим. Лекин кўриб турганингдек, мана ўқишга кирдим, шунинг учун...

Тилаволди бирдан ўрнидан туриб, Худоёрга бармоғини бигиз қилди.

– Кетингга тепиб чиқармасимдан, иззатинг борида уйимдан чиқ! – деди ўдағайлаб.

– Ҳайф сенга маслаҳат, мен фақат Жумагул холамга ачинганимдан гапиргандим. Аслида афтингга қарашга арзимаёсан!

Худоёр шу куни жаҳл билан чиқиб кетган бўлса-да, холанинг илтимосини қандай бажаришни ўйларди. У ниҳоят, институтларга ҳужжатлар топширилиб тугаши арафасида Тилаволдининг қайси институтга киришини ҳал қилди. Энг кам ҳужжат топширилган факультетга унинг ҳужжатларини топширишди. Хуллас, Тилаволди институтга кириб, Жумагул хола қувончдан ўзини кўярга жой тополмай қолганди. Энди Худоёр унинг ўқиши юқини ҳам ўз зиммасига олишга мажбур эди. Бир амаллаб институтни тугатган Тилаволдини ишга киришига ҳам ёрдамлашиб, Жумагул холанинг дуосини олган Худоёр унинг ташвишларидан қутулдим деганида, хола яна илтимос билан келди.

– Жон болам, бу қулоқсизни уйлантиришимда ёрдам бер. Ахир сен ундан уч ёш кичик бўлсанг ҳам, битта фарзандинг бор, юзга киргур. Мен ҳам неvara кўрсам, бу дунёдан тинчгина кетардим...

Жумагул хола тинмай куюниб гапирарди, Худоёр унга бир нима деб кўнглини офритиб қўйишдан қўрқиб индамай турарди. «Қишлоқдаги қизларнинг ҳаммасини суриштирганингиздан, бирорта қиз унга тегишни хоҳламаганидан хаба-

рим бор. Аслида Тилаводди қулоқсизгина эмас, ҳамма бало унинг виждонсизлигида. Ўғлингизга теккан қизнинг тақдирини ҳам ўйлаб кўрдингизми? Унга раҳмингиз келмайдими? Билиб туриб кимнидир ўтга ташлашга нима ҳаққингиз бор? Ҳеч бўлмаса мени бу ишга аралаштирманг, ўтиниб сўрайман, бир умрга виждон азобида қийналишга мажбур қилманг», демоқчи эди, лекин холанинг кўз ёш тўкиши, ялиниб-ёлворишлари унинг кўнглини юмшатиб юборди.

– Мўлжаллаган қизингиз борми, холажон? – деди беихтиёр.

– Эҳ, болам, олдин Тилаводдини уйланишга кўндиришимиз керак, кейин... мен танлаган қизлар ҳам рози бўлмаяптилар...

– Ўзи нима деяпти?

– Ҳеч қачон уйланмайман, иккинчи бу ҳақда гапирманг, дейди.

– Ие, нимага?

– Мен бола-чақа ташвишини қилишни истамайман, деяпти. Сен Худоёржон, юзга киргур, ақлли йигитсан, ким билан қандай гаплашишни яхши биласан. Уни бир илож қилиб кўндир. Шунча ёрдам бердинг, болам, шу ишда ҳам бир қўллаб юборсанг, умрбод дуо қилардим. Худоё Худовандо эгам ҳамиша йўлингни кўнглинг каби очиқ қилсин, ҳеч қачон пешананг тиришмасин. Илоё тупроқ тутсанг, олтин бўлсин...

Ярамас, оила масъулиятини бўйнига олишни истамаётган экан-да. Уйлантириб қўйсақ, кейин нима бўлади? Шўрлик холам неварга кўришни хоҳлайди, ўйлади Худоёр. У Жумагул холанинг тўхтамай кўз ёш тўкиб дуо қилишига ортиқ дош беролмай:

– Майли, холажон, келинингиз билан маслаҳатлашиб, бир иложини қилармиз. Ахир бир калладан икки калла яхшироқ, дейдилар-ку, – деди.

– Барака топгин, қўшганинг билан қўша қаригин, юзга киргин, – деб хола дуо қила-қила кўнгли бироз хотиржам бўлиб уйига кетди.

Худоёр худбин Тилаволдини уйланишга қандай қилиб кўндиришни ўйлай бошлади. Унга тегишга рози бўладиган қиз топиш ҳаммасидан ҳам мушкул иш эканини биларди. Бирор жўяли гап чиқишига унча ишонмаса-да, бу ҳақда хотинига гап очганида, Хосият кутилмаганда:

– Агар Тилаволди ака рози бўлсалар, мен бир қизни биламан. У ҳеч қачон йўқ демайди, – деб қолди.

– Ким экан у қиз? Бунча ишонч билан гапиршингга бирор сабаб борми? – деди ажабланиб Худоёр.

– Биз институтда бирга ўқиганмиз. Руқия болалар уйида тарбияланган. У жуда яхши қиз, кўриниши ҳам ёмон эмас.

– У Тилаволдининг совуқдан-совуқ турқини кўриб тегишга рози бўлмаса-чи?

– Менимча, рози бўлади. Яқинда уни учратиб қолувдим, ижарада турганини, яшашга қийналаётганини, кимларнингдир уни оёқости қилмоқчи бўлганини, номи булғанишидан қўрқаётганини айтиб роса сиқилди. Бошпанаси бор кимдир уйланса, тегардим, деб йиғлаганди.

– Сен Тилаволдининг қандайлигини яхши билмайсан, агар билсанг, унга дугонангни раво кўрмасдинг, – деди Худоёр бошини чайқаб.

– Дадаси, сиз ҳам Руқиянинг бу дунёда ҳеч кими йўқлигидан эзилиб йиғлаганини кўрма-

гансиз. Унинг ҳар қандай қийинчиликка чидашига ишонаман.

Тилаволдини аранг кўндириб, Руқияга уйлантириб қўйишганларидан сўнг Жумагул холанинг кўнгли хотиржам бўлди. Хосиятнинг гапи тўғри экан, келин сабр-бардошли чиқди. У эрининг ҳамма қилиқларини чидам билан қабул қилиб, унга аста-секин кўника бошлади. Балки бунга она меҳрига бир умр зор бўлган келинига Жумагул холанинг меҳрибонлиги сабабдир. Ёки Руқиянинг ҳамиша ўз оиласи бўлишини, бошқалар қатори яшашини қўмсагани боисдир. Ишқилиб, ҳаммани ҳайратда қолдириб, келин Тилаволди билан яшаб кетди. Уларнинг фарзандлари ҳам дунёга келди.

Орадан анча вақт ўтди. Бир куни Худоёр ишдан келса, уйда Жумагул хола ўтирган экан. У одатдагидек қуюққина сўрашганидан кейин мақсадга ўтди.

– Болам, янги уйингни жуда чиройли қурибсан. Шу уйларда бошинг тўйдан чиқмасин, юзга киргур. Болаларингнинг яхши кунларини кўриб, келин билан қўша қариб юринглар.

– Раҳмат, хола.

– Ўзинг биласан, уйимиз эскириб, нураб тушяпти. Худди ўзимга ўхшаб йиқилиб қолиши яқинлиги кўриниб турибди.

– Э, унақа деманг, хола, ҳали тетиксиз, 65 ёш нима деган гап.

– Кўзим очиқлигида Тилаволдини уй-жойли қилсам, деган эдим. Биласан, унинг ўзига қолса, уй устига қуласа ҳам яшайверади. Мен ҳаракатини қилмасам, кейин невараларимга қийин бўлмасин, дейман-да. Очиғини айтсам, болам,

уни сендан узоқлашмаслигини истардим, ахир ўлиб-нетиб қолсам, унинг аҳволи нима кечади. Ҳар қалай қўшни бўлсанглар, ёрдам берасан...

Худоёрнинг бошидан муздек сув қуйилгандек бўлди. Наҳотки Жумагул хола уйининг ёнидаги ҳали жой солинмаган бўш ерни кўзлаяпти? Тилаволдига қўшни бўлиб яшаш бир умрлик азобку! Унинг совуқдан-совуқ башарасини кўриш, одамгарчиликдан йироқ одатларини ҳазм қилиш... Бундан ортиқ кўргилик бўлмаса керак. Нима қилсам экан? У шундай хаёллар билан турганида хола дардини тўкиб солди:

– Шу ёнингдаги ерга бегона келмасин, Тилаволдига уй қуриб бера қолайлик.

Худоёр Жумагул холанинг илтимосига йўқ дея олмади.

Уй қурилиши бошлаб юборилди. Хола ортиқча жамғармаси йўқлигини айтганидан кейин Худоёр қурилиш ўз зиммасига тушганини сизди. У Тилаволдидан бир нима кутишнинг фойдаси йўқлигини биларди. Шунинг учун ҳаммасига ўзи бош қотиришга мажбур бўлди. Ҳалиям маҳалла-кўй бор. Жой ҳашарчилар кўмаги билан тикланди. Жумагул хола хурсанд эди. У Худоёрнинг елкасини қоқиб:

– Болам, ёш бўлсанг ҳам қишлоғимизда обрўйинг катта экан. Ўйлаб қарасам, ҳашарга келмаган ҳамқишлоғимиз қолмабди. Ҳаммаси сени деб келишди, минг раҳмат, ўғлим! – деди.

– Унчалик эмас, хола, сизни ҳурмат қилганларидан ёрдам бердилар, – деди Худоёр ўнғайсизланиб.

Бир чеккада уларнинг суҳбатини ўқрайиб кузатиб турган Тилаволди гапга аралашиб:

– Нега ҳадеб унга раҳмат айтыпсиз, уйни бошқалар қурди-ку! – деди жаҳл билан.

– Унақа дема, ўғлим, укангга миннатдорчилик билдиргин, ҳамма ишга бош-қош бўлди. Агар у бўлмаганида аҳволимиз нима кечарди? – деди хола йиғламсираб.

– Э-э, қўйсангиз-чи, қаёқдаги гапларни гапирасиз, уйсиз қолган одам бор эканми, бир иложини қилардик. Раҳмат айт, дейсиз-а, сизни қаранг-у... – деб Тилаволди масхараомуз ишшайди.

Ўғлининг гапидан хижолат бўлган Жумагул хола:

– Сен бунинг гапларига хафа бўлма, болам, биласан-ку, ўзи шунақа гапиради. Аслида сени яхши кўради...

– Хафа бўлиб ўлибманми, хола, битта менга эмас, ўғлингизнинг қандайлиги бутун қишлоққа маълум-ку. Буни деб ҳеч ким келмаганини ўзингиз ҳам биласиз. Одамни шарманда қилиб, ҳатто ҳеч кимга бир оғиз раҳмат айтмади-я...

Худоёрнинг гапи оғзида қолди. Тилаволди югуриб келиб унинг бўғзидан олди.

– Яна қайтар-чи, хўш, одамлар кимни деб келишган экан? – деди у титраб-қақшаб.

– Вой мен ўлай, юзга киргур, уни қўйиб юбор, худодан кўрқ, болам! – деб Жумагул хола унинг қўлига ёпишди.

Тилаволди зарб билан Худоёрни итариб юборди. У орқаси билан деворга урилди, ўзини ўнглаб олганидан сўнг:

– Сени нимага «пес» деб аташганини биласанми, ярамас, – деди Худоёр унга яқин келиб. Тилаволдининг кўзлари совуқ чақнаб қараб ту-

рар, Жумагул хола ўглининг қўлига ёпишганича, нима учун экан, дегандек тикилди. – Чунки бундан ёмонроқ сўз топа олишмаганидан. Агар бундан-да расвороқ сўз топишганида, шу билан аташарди, тушундингми? Менга қолса, юзингга тупуриб, бошқа афтингга қарамасдим, лекин холам учун бир умр сен ярамаснинг жирканч башарангни кўришга мажбурман, – деди.

Тилаволди онасининг қўлидан силтаниб чиқиб, Худоёрнинг юзи-кўзи аралаш урди. Хола додлаб унга ёпишди. Кўзи қонга тўлган Тилаволди онасини силтаб ташлаб, яна муштани тутиб югурди. Жумагул холанинг бақирган овозига қўшнилари кириб Тилаволдини тортиб олиб, Худоёрнинг муштаридан қутқардилар.

– Шунча кучинг бор экан, баччағар, нега уй қураётганда сарфламадинг? Келиб-келиб кучингни сенга яшаш учун жой қуриб берган одамга кўрсатасанми, занғар? – деди Соли сартарош бошини чайқаганча Тилаволдига нафрат билан қараб.

– Ҳаммаларинг унинг ёнини олишларинг сабабини биламан. Унга пора беришларингни ҳам биламан! – деди Тилаволди бақираб.

Орага жимлик чўкди. Оппоқ соқолли Ҳамид ақлли лақабини олган саксон ёшлардаги чол:

– Хўш, эшитайлик-чи, нимага экан? – деди салмоқдор гапириб.

– Нимага бўларди, у мактабда завуч-да, болаларингнинг пахтадан қолишига ёрдам бериши учун, бошқа дала ишларидан уларни олиб қолиш учун. Шу сабабли унинг бир оғиз гапи билан келиб эшшакдек ишладинглар. Сизларни кўргани кўзим йўқ, тупурдим ҳаммангга!

Жумагул хола ўғлининг ёнига келди-да, унга бир шапалоқ тортиб юборди.

– Нега урасиз, нима ҳаққингиз бор?! – деб бақирди Тилаволди кўзи қонга тўлиб.

– Ҳа, анча кеч қолдингиз келин, – деди Ҳамид бува.

– Кеч? – деди йиғлаб хола.

– Шу шапалоқни ёки шапалоқларни бундан ўттиз йиллар олдин тортганингизда эди, балки ўғлингизга ўттиз уч ёшида тарсаки туширишга тўғри келмасмиди?

Жумагул хола ерга қараб қолди. Қий-чувга йиғилган ўнтача қўшни бир-бирларига навбат бермай гапирардилар. Хотинлар ёқаларини ушлаб:

– Яхшиликка ёмонлик экан-да, тавба! – десалар, эркаклар:

– Шунча ишлаб, бошпанали қилиб, бу кўрнамақдан эшитганимиз «раҳмат» ўрнига «эшшак» деган ҳақорат бўлдими, – дейишарди.

Жумагул хола юзларини бекитганича ҳўнг-ҳўнг йиғлар, рўмоли бир томонга қийшайиб кетган Руқия ҳаммасига ўзи айбдордек катта-катта кўзларини ердан ололмай деворга суянганича беҳол турарди. Худоёр қонаётган бурнини ушлаб чиқиб кетди. Тилаволди эса «чирт» этиб ерга тупурганича, ҳамманг мен учун бир тийинсизлар, дегандек, ичкарига кириб кетди. Ҳамид бува йиғилганларга қараб баланд овозда:

– Биродарлар, яхшиси уй-уйларимизга тарқалайлик, ахир биз нимаики қилган бўлсак, ҳаммасини одамгарчилик юзасидан, ота-боболаримизнинг ажойиб удумларини давом эттириб ҳашар қилдик. Қилган меҳнатимизга розимиз.

Ким яхшилик қилса ҳам, ёмонлик қилса ҳам ўз жавобини олади. Шунинг учун ортиқча гап-сўзга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Гапимга қўшила-сизларми? – деди.

– Тўғри айтасиз, одамгарчилик одамга хос хислат, буни ҳайвон қаерданам тушунсин, – деди Меҳринисо хола илмоқли гапириб.

Жумагул хола йиғилганларга қайта-қайта:

– Кечиринглар, менинг нодон боламни кечиринглар, яхшиликларингиз худодан қайтсин... – дерди.

Қайнона-келиннинг елиб-югуриши билан янги уйни бир амаллаб жиҳозлаб яшай бошладилар. Шу орада Худоёр катта шаҳарга малака ошириш курсига кетди. У Жумагул холанинг ўлими ҳақидаги хабардан ҳайрон қолди. Ахир хола касал эмасдилар-ку. Соғликларидан шикоят қилганларини бирор марта эшитмаган. Қайтиб келганидан сўнг бу ҳақда хотинидан сўради.

– Мен ҳам ҳайронман, касал-пасал эмасдилар. Лекин ўлимларидан икки кун олдин кўрганимда жуда хомуш эдилар, – деди.

– Хомуш эдилар дейсанми, нега?

– Билмадим.

– Сабабини сўрамадингми?

– Йўғ-а, тортиндим...

– Қанақа хотинсан ўзи, балки бирор ёрдам керак бўлгандир. Шунини ҳам ўйлаб кўрдингми?

– Ёрдам керак бўлса айтардилар, балки ўғиллари билан ўрталарида нимадир ўтдимидеб ўйлаб...

– У пес хафа қилган бўлса, кўнгилларини кўтариш керак эди.

– Ким билади...

Худоёр Хосиятнинг эшитганларини ипидан игнасигача гапирмаслигини, миш-мишларни кўпчилик аёлларга ўхшаб қўшиб-чатиб, кўпиртириб сўзламаслигини билгани учун ҳаммасини Руқиядан ўзи сўрашга жазм қилди.

Худоёр остонада Тилаволдини учратиб, орадан шунча гап ўтган бўлса ҳам, одат бўйича унга таъзия билдирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида, ёвқараш қилиб ўқрайганича ёнидан тез ўтиб кетди. Ҳа, онасининг ўлими ҳам уни ўзгартирмабди, деб ўйлаб Худоёр ичкарига кирди. Чинқираб йиғлаётган боласига эътибор бермай, бир нуқтага тикилганича тиззасини қучоқлаб ўтирган Руқия унинг кириб келганини сезмади.

– Кеннойи, ассаломалайкум...

Руқия секин эшик томонга ўтирилиб қараб, бошини қимирлатди. Унинг кўзлари тўла ёш эди.

– Кеннойи, бандалик экан, холам бизни ташлаб кетибдилар. Нима ҳам қилардик? – деди Худоёр.

Руқия индамади.

– Жумагул холанинг касалман деганини эшитмагандим, бирдан оғриб қолдиларми? Ёки..

Руқия кутилмаганда ўкириб йиғлаб юборди. Йиғидан энди тўхтаган боласи онасининг овозидан қўрқиб кетиб, яна йиғлай бошлади. Худоёр овутиш учун болани қўлига олди.

– Э-э, Мансурбек, катта йигит ҳам йиғлайдими, қани, қани, тўхта-чи. Кеннойи, ўзингиз овутомасангиз, менинг гапимга қулоқ солмаяпти, – деб Худоёр болани унга узатди. – Кеннойи, йиғламанг, у киши қандай касалдан вафот этдилар, назаримда хола соппа-соғ эдилар.

– Ҳа, ойижоним касал эмасдилар, – деди Руқия ўзини босиб олганидан кейин кўз ёшларини артиб.

– Унда нима бўлди?

– Уни ўғли ўлдирди!

– Тушунмадим, қайси... ўғли?

– Ўша яккаю ягона, арзанда, яккамохов, худбин, виждонсиз, ҳайвон.

– Қандай қилиб?

– Қандай қилиб дейсизми? Мен буни гапиролмайман, биласизми, бунинг учун ўша ярамаснинг гапларини такрорлашга тўғри келади, менинг эса бунга тилим бормайди.

– Тушунтириброқ айтинг, ўзи нима бўлди?

– Ҳаракат қиялпман, чунки буни гапириш ўзимга ҳам керак. Мен унинг турқини ортиқ кўришни истамайман. Шунча чидадим, яна ўлгунимча чидайверишим мумкин эди. Лекин ойижоним унинг заҳар-заққум гаплари туфайли қанчалар қийналиб ўлганини ўз кўзим билан кўрдим. Мен айтмасам, барибир, ўша куни боғ девор тортишга ҳашарга келган олтига киши ҳаммага айтиши аниқ. Чунки у шунча одам олдида онасини ер билан битта қилди. Ҳеч қандай сабабсиз-а...

– Ўзи нима деди, ҳақорат қилиш унинг учун янгилик эмас-ку, ҳамма буни биларди.

– Йўқ, бу сафар у туққан онасига туҳмат қилди, бўҳтонлар ёғдириб, уни шармандаи-шармисор қилди. Уни тўхтатишга ҳаракат қилган кишиларга ҳам оғзидан боди кириб, шоди чиқиб сўқди.

– Вой аблаҳ, ўз онасига туҳмат қилдими? Шундай аёлга-я! У ярамаснинг сасишига сабаб нима эди?

– Ойимлар ҳашарга келганларга болам, бўтам деб ширин гаплари билан чой бераётганларини эшитиб қолиб, ўша сиз билан жанжал чиқарган кунги унга айтилган гапларни, Ҳамид отанинг сўзларини эслади шекилли, ўзидан ўзи ойимни «сен»лаб ҳақоратлай бошлади.

– Нима деди?

– У айтмаган ифлос сўз қолмади, ҳатто онасига ёшлигингда енгилоёқ бўлгансан, дейишгача борди.

– Ҳайвон, шунақа дедими?

– Менимча, ойим ўша гапни кўтаролмадилар. Икки кунгача туз тотмадилар, ҳеч ким билан гаплашмадилар. Уларнинг бу ҳолатларини қаттиқ хафа бўлганларидан, вақт ўтган сайин унутиб юборадилар, деб ўйлаган эдим. Мен у аблаҳга ойимдан кечирим сўранг, деб қанча ялиндим, қулоқ солмади. Яна шу ҳақда гапирсанг, бориб ундан ҳам баттар сўзлар билан ҳақоратлайман деб дўқ урди. Ойим хоналарига кириб ётиб қолдилар. Уларнинг ўлиб қолишлари хаёлимга ҳам келмаганди. Учинчи куни кечаси ойимнинг олдларига кирсам, аранг нафас олиб ётибдилар. Қўрқиб кетдим, дарров чиқиб унга айтдим. Ярамас эса пинагини ҳам бузмасдан гапимни эшитмагандек тутди ўзини.

– Ифлос! Бу нима деган гап? Ахир холам шўрлик ҳаётга келиб фақат шу бетавфиқни деб яшадилар-ку, наҳотки буни билиш шунча қийин бўлса?

– Қаранг, қандай бедодлик, мен ўғлига тукқан онасининг аҳволи оғирлигини айтсам-у, у бунга эътибор бермаса. Яна онасини шу ҳолга унинг ўзи солган бўлса! Бунга қандай чидаш мумкин,

ўзингиз айтинг? Мен унинг тиз чўкиб кечирим сўрашини истардим. Назаримда шундай қилса, ойим ҳаммасини унутиб ўринларидан туриб кетардилар. Балки ўлмасдилар...

Лекин у аблаҳ бирор марта онасининг хонасига мўралаб ҳам қарамади. Ахир унинг бундай шафқатсизлик қилишига ҳеч қандай сабаб йўқ эди-ку. Шундай онани ёмон кўриш мумкинми? Улар хокисор, меҳрибон, бағрикенг инсон эдилар.

Руқия ўпкаси тўлиб бошқа гапиролмай жим бўлиб қолди. Худоёр ҳам унсиз йиғларди.

– Мен уни ўлдираман! – деди Худоёр ўрнидан туриб.

– Йўқ, энди фойдаси йўқ... Сиз оилангизга кераксиз. Худонинг унга атагани ҳам бордир...

– Ўлимлари олдидан сизга бирор нима дедиларми? – деди Худоёр кўз ёшларини артиб.

– Ҳа, мен уларнинг аҳволлари оғирлигини сезганимдан кейин ёнларидан жилмай ўтирдим. Улар индамай кўзларини юмиб ётардилар. Терларини артдим, шунда секин қўлимни ушладилар ва:

– Қизим, уни ташлаб кетманг, илтимос, – деб жавобимни кутиб, кўзларини аранг очиб менга қарадилар. Мен эса уларга нима дейишимни билмай жим эдим.

– Охирги васиятим бу, жон қизим... – дедилар. Менинг «майли» дейишга тилим айланмасди.

– Онангизнинг васиятини бажармоқчи эмасмисиз? – дедилар. Шунда ердан кўзимни олиб уларга қарадим. Уларнинг юзларини ювиб шашқатор ёш оқаётганини кўрдим. Ўзим ҳам йиғлаб юбордим.

– Хўп, ойижон, шу ерда яшайман, – дедим у кишининг кўз ёшларини сочиқ билан артиб.

Бу уларнинг охирги сўзлари бўлди. Шу куни шом пайти қуёш ботганида жонлари узилди.

Руқиянинг гаплари Худоёрнинг қалбини ларзага солди. Ё тавба, бу Тилаволди деганлари ўзи одамми ёки инсон кўринишидаги қандайдир йиртқич жонзотми? Тўғри, у кишига ҳамла қилиб, бурдалаб емайди, лекин ҳақоратли гаплари, яхшиликни билмаслиги, ачиниш ҳиссининг йўқлиги, ўз хатосини сезмаслиги, ҳамма кўраётган, ўзи ҳам билиб турган айбини тан олмаслиги, ёрдам берганларга миннатдорлик ҳиссининг йўқлиги, ўзи эса ҳеч кимга ҳеч қачон ёрдам бермаслиги, ичи қоралиги... Унда инсонга хос хусусиятлардан бирортаси бўлмаса-я. Ўз онасини тили билан ўлдирганини билса ҳам, парвойи фалак юришини қаранг... Худоёр Жумагул хола-нинг ёлғиз ўғлини деб елиб-югуришлари, унинг шу худбин фарзандини деб ҳар кимларга ялиниши, ўзини ерга уришлари, қариганида ҳам ҳаловат нималигини билмай, тинчгина бир пиёла чой ичмаганини кўз олдидан ўтказди. Умрининг охирида уни бошпанали қиламан деб аёл боши билан қанча заҳмат чекди. Наҳотки Тилаволдининг юраги тошдан, тош бўлгандаям энг зарарли тош, унга яқинлашган одамга кўзга кўринмас заҳарли зарралари билан шикаст етказадиган, ўзидан бездирадиган жисмдан. Шунинг учун ҳам у ҳеч қандай меҳр-муҳаббатни, одамгарчиликни ҳис қилмаса керак.

Худоёр шуларни хаёлидан ўтказаркан:

– Қанчалар бағрикенг инсон эдилар. Ҳатто охирги нафасларида ҳам ўзларини эмас, ўша ярамасни ўйлаганлар. Сиз уларнинг охирги васиятларини бажармоқчи эмасмисиз? – деди.

– Билмадим, назаримда мени, аниқроғи, чилпарчин бўлган қалбимни ҳам ойимга қўшиб дафн қилишганга ўхшайди. Ўйлаб қарасам, бу уйда фақат у киши учун яшарканман. Ҳозир аросатда қийналяпман, нима қилай, ҳамиша орзу қилиб аранг етишган меҳрибон онажонимни ўлдирган одамнинг башарасига тупуриб, уни ташлаб, боламни олиб бошим оққан томонга кетайми ёки ойижонимнинг охирги васиятларига амал қилиб, шу ёвуз кимса билан қолайми? У билан ҳаётимни давом эттиришни ўйласам, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кўриняпти. Кетаман десам, ойимнинг руҳларини чирқиллатиб қўйишдан кўрқяпман. Аросатдаман, аросатда...

– Агар менинг маслаҳатимга қулоқ солсангиз, қолинг, ахир марҳумларнинг васиятларини бажармаслик гуноҳ, чунки сиз уларга айтганларини бажаришга ваъда бергансиз, тўғрими?

Худоёр нимагадир Руқиянинг кетишини ис-тамади. У ўзига тушунмас, наҳотки шу ярамага раҳмим келаётган бўлса? Агар хотини кетса, унинг адои тамом бўлиши кўриниб турибди. Ундан ташқари, Жумагул холанинг истаклари...

– Ҳа, ваъда берганман...

– Кетишингиз ҳақида унга айтдингизми?

– У билан гаплашганим йўқ, бироқ нарсаларимни йиғиштириб, тугунларга жойлаб қўйганимни кўриб юрибди.

– Бир нима дедими?

– Йўқ, пинагиниям бузмади, гўё менинг қолиш-қолмаслигимнинг аҳамияти йўқдек.

– Нима бўлгандаям шу уйда қолиб, болангизни тирик етим қилмасдан холанинг руҳини шод қилиб яшашингиз керак, деб ўйлайман.

Руқия индамади. У кетмади. Ҳаётлари илгаригидек давом этарди, юмушларни аввалгидек бажарарди, лекин Тилаволди билан гап-лашмасди.

IV БОБ

Худоёр ота ҳикоясини тугатганида улар манзилга яқинлашиб қолгандилар. Собиржон отага қараб:

– Тилаволди шунақа одам денг, – деди.

– Гапларингизга қараганда, отахон, у одам ақли норасо кўринади. Уни психиатрга кўрса-тишганми? – деди Фарҳод.

– Нималар деяпсан, ўғлим, уни ким врачга олиб бора оларди? У шу ёшгача ҳеч кимнинг гапига кирмаган. Ундан ташқари, касаллик белгилари кўринмагандан кейин, Тилаволдини ақли заиф дейишга асос йўқ, у фақат ёмон одам, холос. Гап билан бўлиб етиб келганимизни ҳам билмай қолибмиз. Мана шу ўнг томондаги иморат бизнинг уйимиз.

Собиржон машинани тўхтатди. Улар машинадан тушиб, ичкарига қараб юрдилар. Ҳовлига кирганларида томдан нарвон орқали тушаётган Хосият холага кўзи тушган Худоёр ота асабийлашиб, қачон қарасам нарвондан тушаётган бўлади. У томда нима қиларкин-а? – деб ўйлади. Ҳозир бунинг сабабини сўрашга вақти йўқлигидан индамай ўтиб кетди.

Ота йўл бошлади, ланг очиқ турган боғ эшигидан ташқарига чиқишди. Чиқиб учалови ҳам кутилмаган манзарадан қотиб қолишди. Собиржон отага савол назари билан қаради. Одам

скелетининг ҳамма аъзолари хандақдан чиқариб қалаштириб ташланган, Жўшқин эса унга эътибор бермасдан, бамайлихотир кўчат экиб юрарди. У отаси билан келган меҳмонларга салом берди.

– Дада, қаерга кетиб қолдингиз? Сизга ёрдам берай, деб шаҳарда ишларимни тез-тез бажариб шошиб келсам, йўқсиз, – деди у отасига.

Худоёр отанинг қулоғига ўғлининг гаплари кирмай, қўлини скелет томонга узатиб:

– Буни сен ковлаб олдингми? – деб сўради.

– Скелетни айтяпсизми?

Ота унинг ҳеч нима бўлмагандек бемалол гапиришига баттар таажжубланиб:

– Ҳа, бу сени қўрқувга солмадимми? – деди.

– Ёш болага ўхшайсиз-а, дада? Ахир бу ясама-ку.

– Ясама?

– Ҳа, бултур мактабдаги биология кабинетидан одам скелети йўқолиб қолган эди, қаранг, кимдир уни шу ерга олиб келиб ташлаган экан. Шунча овора бўлиб қидирганмиз. Қайсидир одам анатомияси фанини ёқтирмаган шумтанинг иши экани кўриниб турибди. Барибир, уни топамиз. Ота-онаси билан биргаликда қилмишига жавоб беради.

Собиржон отага бир қараб қўйиб, бош чаноғини қўлига олди. Уни синчиклаб кўздан кечири бошлади. Кейин кулимсираб:

– Мана бу ерга қаерда тайёрланганлиги ёзилган экан, – деди уни отага яқинроқ олиб келиб.

– Мен бўлсам... – деб Худоёр ота янглишганидан уялиб қизариб кетди.

– Лекин ҳақиқий скелетдан фарқ қилиш қийин, – деди Собиржон отани ортиқ ноқулай аҳволга солмаслик учун.

Жўшқин гап нимадалигини тушуниб:

– Ота, сиз скелетни ҳақиқий деб ўйлаб, бу кишиларни бошлаб келдингизми? Ахир бунақа шошма-шошарлик одатингиз йўқ эди-ку. Ҳеч бўлмаса, менга қўнғироқ қилсангиз ҳам бўларди, – деди.

Шу пайт Собиржон хабар берган тегишли шахслар ҳам етиб келишди. Улар ҳам аҳволдан хабардор бўлгач, айримлар вақтлари бекор кетганига жаҳли чиқиб, айримлари хохолаб кулганларича ортларига қайтишди. Худоёр ота жуда мулзам бўлди. У умрида бундай аҳмоқона аҳволга тушмаган эди. Хосият хола эшикдан мўралаб, ҳаммасини кўриб турарди. У эри ёнидан ўтаётганида:

– Дадаси, мен ҳам уни Жўшқин ковлаб олганида ҳақиқий, деб ўйлаганман. Ахир хом сут эмган бандалармиз, – деди.

Ота хотинининг тасалли бериш учун айтган бу гапидан кейин ўзини баттар тентакка ўхшатиб, хижолат тортди.

V БОБ

Худоёр ота эрта тонгда боғдаги гулларни суғориб юриб ўйлаб қолди. «Терговчилар Кўпайсин бобо қотил бўлиши мумкин, деб айтган кишини топмаганга ўхшайди. Наҳотки Гулҳаёни қамашса, шўрликнинг ўзини оқлаш учун бирорта далили йўқ. Бу қандай кўргилик бўлди? Ёмонга яқин юрсанг, яраси юқар, қозонга яқин юрсанг,

қораси юқар, деб тўғри айтишган экан. Қандай оила эди-я, билмасдан бир ярамаста қизини уза-тиб, қай аҳволга тушиб ўтирибдилар. Мен ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Ўзи кейинги пайт-ларда нуқул дилхиралиқдан бошим чиқмаяпти. Яқинда скелет масаласида изза бўлганим-чи, бу-тун қишлоқ ўзимга билдирмай устимдан кулга-ни аниқ».

Шу пайт рўмоли қийшайиб кетган, оёғига ҳар хил шиппак илиб олган Хосият хола уйдан отилиб чиқиб, қўлида челақ билан офилхонага қараб юрди. Ота унинг кўринишига қараб аса-бийлашиб:

– Яна ўз билганингдан қолмай сигир соғишга-ми! – деди.

Хола чўчиб тушиб, ичиги туфлай-туфлай:

– Вой, қўрқитиб юбордингиз, дадаси. Дўқин-гиз бор бўлсин-ей. Майли, кейинги сафар келин-га айтаман, – деб жилмайганича молхонага ки-риб кетди.

Хосиятнинг аҳволи ўлганнинг устига тепгандек гап. Бечорага ичим ачийди. Наҳотки унинг мияси айнияти. Шундай ақли, саранжом-саришта аё-лимни бундай ҳолда кўраман деб ўйламагандим. Қариганда жабр тортаман, шекилли...

Телефон жиринглаши отанинг хаёлини бўл-ди. У эрта саҳарда ким бўлди экан деб ўйлаб, рақамларга эътибор бермай телефонни олиб:

– Эшитаман, – деди шошиб.

– Бува, ассаломалайкум!

Ота невараси Учқуннинг овозини эшитиб, чеҳраси ёришди.

– Ваалайкум ассалом, болам, тинчмисан, яхши юрибсанми? Ўқишларинг, ишларинг яхшими?

– Раҳмат, ҳаммаси яхши. Эрталабдан хурсанд қилай деб, хушxabарни биринчи сизга айтишга қарор қилдим, – деб Учқун жимиб қолди.

– Эшитяпман, гапиравер, яхши хабар эшитадиган куним ҳам бор экан-ку, барака топгур. Айтмоқчи бўлган янгилигинг кейинги кунлардаги нохушликларни босиб кетса ажаб эмас.

– Бува, нохушлик деганда ўша скелет воқеасини назарда тутяпсизми? – деди Учқун хохолаб кулиб.

– Оббо, бу гап Англиягача етиб бордимми?

– Ҳа энди, биласиз-ку, ҳамма гапдан хабардор бўлиб юришни яхши кўраман. Ростини айтсам, буважон, скелет воқеаси унчалик хафа бўлишингизга арзимамайди. Нега деганда, бунақа англашилмовчилик ҳаммада ҳам бўлиб туради.

– Биласанми, Учқун, у воқеани аллақачон эсимдан ҳам чиқариб юборганман. Мени қийнаётган бутунлай бошқа нарса, барака топгур.

– Жиддийроқ бошқа гап борми?

– Солиҳ амакингнинг қизи Гулҳаёни биласан-а?

– Ҳа, унга нима қилди?

– Уни қотилликда гумон қилишяпти.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз?

– Ҳа, иккита одамни ўлдиришда ундан шубҳаланяптилар. Энг ёмони – ҳамма далиллар унга қарши. Ўша ярамас эри ва нотаниш хотиннинг мурдалари ётган жойдан унинг оёқ излари топилган. Ундан ташқари, худди улар ўлдирилган пайтда тунда у уйида бўлмаган, собиқ эрининг уйига борган.

– Шундай экан, балки у ҳақиқатан ҳам айбдордир, бува.

– Йўқ, мен аниқ биламан, ишончим комил, Гулҳаё бировни ўлдириш тугул, кўнглини ҳам

оғритомайди. Лекин у неға ўша ярамасникига борган экан, шунга ақлим етмаяпти.

– Уни қамоққа олишдимиз?

– Ҳозирча йўқ. Менимча, уни ҳибсга олмасликларига бир нарса тўсиқ бўляпти. Ана шу аниқланганидан кейин ҳаммаси ҳал бўлади.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Кечаси айланиб юрган бир одам ўша пайтда мархумнинг уйидан эркак киши отилиб чиқиб, югуриб кетганини кўрган экан. Агар унинг гаплари тасдиқланса, қотил эркак киши бўлиб чиқади. Гулҳаё бундай оғир гумондан қутулади. Қанийди, шундай бўлса...

– Бува, Гулҳаёни ёшлигидан яхши кўришингизни биламан. Мен ҳам бўлган воқеани эшитиб унга ачиниб кетдим. Лекин, барибир, неварангизман, ахир сиз ҳатто мен айтмоқчи хушхабар нима экани билан қизиқмаётганингизга хафа бўла бошладим. Балки менинг уйланишим сизни ортиқ ташвишлантирмай қўйгандир?

– Бу нима деганинг, тентак, яқинда ўттизга кирасан. Уйланишингни истайман, чевара кўришни хоҳлашимни биласан-ку, барака топгур.

– Ундай бўлса, янаги йил чевара кўраман, деб мақтанишингиз мумкин.

– Наҳотки уйланишга қарор қилган бўлсанг?

– Ҳа, яқин орада.

– Қачон?

– Режам бўйича сизнинг 75 йиллик юбилейингизга борганимда тўйни ҳам ўтказиб юборамиз.

– Вой ичидан пишган писмиқ-ей, ҳаммасини аллақачон режалаштириб ҳам қўйибман, дегин.

– Бува, мени ҳайрон қолдиряпсиз. Неға келиннинг кимлиги билан қизиқмаяпсиз?

– Неча йилдан бери сени уйлантириш ташвишидамиз, барака топгур. Гапимизга қулоқ солмай ҳаммамизни хуноб қилиб юборгандинг. Энди ўз ихтиёринг билан турмуш қуришни иста-япсанми, демак, у қиз ким бўлса ҳам, жуда яхши инсон, деб ҳисоблайман. Шунинг учун шахсан менга келин кимлигининг аҳамияти йўқ.

– Буни қаранг-а, келин чет элик бўлса ҳамми?

– Албатта, асосийси, сизлар бир-бирингларни яхши кўришингларда, бахтли бўлинглар, болам.

– Раҳмат, буважон, хайр.

– Эй, аҳмоқ бола, ростдан ҳам келиннинг кимлигини айтмай хайрлашяпсанми?

– Ўзингиз унинг кимлигини аҳамияти йўқ, дедингиз-ку. Биламан, сиз бир сўзли одамсиз, шу хислатингиз менга жуда ёқади.

– Барибир, унинг кимлигини айтсанг яхши бўларди.

– Майли, хотиржам бўлишингиз учун бир сирни айта қолай, у ўзбек, икки йилдан бери бир-биримизни жуда яхши биламиз.

– Бу бошқа гап, барака топгур, сенинг ақлинг жойидалиги учун ҳам хотиржамман. Хайр, болам. Соғ-омон юргин.

Қайнотасининг телефонда гаплашаётган гаплари қулоғига чала-чулпа чалинган Жамила уйдан югуриб чиқиб, қўлини фартуғига арта туриб:

– Дадажон, неварангиз билан гаплашаётган-мидингиз? Тўй дегандек бўлдингизми ёки янглиш эшитдимми? – деди шошилиб.

– Жуда тўғри эшитибсан, қизим. Ниҳоят, Учқун уйланадиган бўлибди.

– Вой, кимга экан, иностранка эмасми, ишқилиб?

– Йўқ, барака топгур, ўзбек деяпти.

– Қаерлик экан, исми нима, қандай танишибдилар? Ёқутхон опам бир офиз гапирмайдилар-а.

Жамила овсинининг бўлажак келини билан қизиқиб, қайнотасини саволга кўмиб ташлади.

– Барака топгур, Учқун унинг фақат ўзбек эканини айтди, холос. Ҳа, яна шуни ҳам айтдики, у бу хабарни менга биринчи бўлиб билдираётган экан.

– Ўғлингизни уйғотай-чи, кейин Учқунга қўнғироқ қиламиз, – деб Жамила уйга қараб югурди.

Худоёр ота невараси билан гаплашиб кайфияти кўтарилди. «Хайрият, Учқун уйланишга қарор қилибди. Назаримда, у оилали бўлмай, бир умр ёлғиз яшаб юраверадигандек туйларди. Шу боис, ҳамиша унинг бошини иккита қилиш ташвишида эдим. Жуда яхши, янгиликдан бошим осмонга етди, бунинг устига тўйни менинг юбилейимга тўғрилаши нур устига аъло нур бўлибди. Яратганга шукр, неварамнинг калласи яхши ишлайди». Ота шуларни ўйларкан, эгат сувга тўлиб кетганини кўриб, пишқириб оқаётган сувни бошқа жойга йўналтирди. У қўлида сут тўла челак билан ўтиб кетаётган Хосият холага:

– Онаси, табриклайман, ниҳоят неваранг уйланадиган бўлибди, – деди қувонч билан.

– Вой, бунча яхши! – деди хола севиниб. Кейин эрига савол назари билан қараб, – ўзи қайси неварамни айтяпсиз? – деб сўради.

– Эй, Худойим, бу нима деганинг, барака топгур, ахир шу пайтгача уйланмай, бизни ташвишга солаётган биттагина неварамиз бор-ку! – деди ота бироз асабийлашиб.

– Ҳа, Учқун, демайсизми? Ким экан, келининг исмини айтмадимми? – деди хола.

– Исмини нима қиласан? Исми хунук экан деб, севишганларни ажратолмаймиз-ку, майли бахтли бўлишсин.

– Вой, бор бўлгур-э, ҳозир унга телефон қилиб, ҳаммасини аниқлайман, – деб Хосият хола илдам қадамлар билан ичкарига қараб юрди.

Худоёр ота ҳамма гулнинг суғорилганига ишонч ҳосил қилиш учун диққат билан ариқларга қарай бошлади.

– Дадаси, нонушта тайёр, кела қолинг, – деб чақирди Хосият хола.

Ота ювиниб, овқатланиш учун ўтирганида болалар мактабга, ўғли билан келини ишга кетиб бўлишган эди. Хола столга сули ёрмасидан тайёрланган бўтқани қўяркан:

– Дадаси, шу бўтқадан безор бўлмаганингизга ҳайронман, ҳар куни эрталаб шуни ейиш шартми? – деди.

– Барака топгур, бизнинг ёшимизда калорияси камроқ овқат ейиш фойдали, деб неча марта такрорлашим керак?

– Калорияси кам денг... Учқуннинг кимга уйланмоқчи эканини билиб олдик.

– Бунинг нима фарқи бор, ҳайронман? – деди Худоёр ота пиёладаги чойдан бамайлихотир хўп-ларкан.

– Ёқутхон қўшнимиз Мансурбекнинг қизига деди.

– Ие, бўлажак келин таниш чиқибдимми, қайси Мансурбек? – сўради ота пиёлани столга қўйиб.

– Қайси бўларди, қўшнимиз деганидан кейин ҳаммаси тушунарли-ку. Руқиянинг ўғли, ён қўшнимиз Мансурбек-да, бор бўлинг-э.

– Нима?!

– Хаёлимга ҳам келмаганди, ким ўйлабди дейсиз, бўлажак келинимиз Руқиянинг невараси эканини.

Худоёр ота сапчиб тушди. У нотўғри эшитмадимми деб ўйлаб:

– Кимнинг невараси? – деб қайта сўради.

– Ўзимизнинг Руқиянинг-да, дадаси. Бултур у ҳам Англияга кетган эди. Узоқ қариндош, ён қўшнимиз, жуда яхши бўлибди. Бор бўлгур, Учқунимизнинг ақли жойида экан. Аллақандай чет элликками ёки қандайдир қаланғи-қасанғини топиб унга уйландим, деб етаклаб келса, нима қилардик, ўзингиз ўйлаб кўринг?

– Йўқ! Ким бўлса ҳам майли, фақат Тилаволди песнинг неварасига эмас!

Эрининг кутилмаганда бақириб юборишидан кўрқиб кетган Хосият хола нима қилишни билмай секин унга юзланди:

– Дадаси, бунинг нимаси ёмон, ахир...

Унинг гапини тугатишига қўймай, ота яна бақира бошлади:

– Сен мияси айниган хотин, чуқурроқ ўйлашга фикринг ожизлик қилади-да! Унинг неварасини келин қилсак, Учқуннинг болалари келиннинг бобосига тортиб, Тилаволди песга ўхшаб туғилмаслигига ким кафолат беради! Бундан кўра менинг ҳар нарса бўлганим яхши. Учқунда товукнинг миясичалик ҳам мия йўқ экан!

– Дадаси, бор бўлинг-э, ўзингизни босинг, ҳамиша айтасиз-ку, бизнинг ёшимизда бекордан-бекорга асабийлашиш мумкин эмас, деб.

– Бекорга жаҳлим чиқаётгани йўқ, ахир авлодимизга иснод келтирадиган болалар туғилиши

мумкин, деяпман, нимага тушунмайсан, кам-пир!

– Куюнаверманг, дадаси, балки чевараларингиз сизга тортар. Нега ҳадеб Тилаволди акага ўхшашини такрорлайсиз?

– Жуда аҳмоқсан, қайси ўғил бола отасига ўхшайди, одатда, улар онаси тарафга тортади-ку.

– Нимага?

– Мендан сўрама, сенинг ҳам саводинг бор, ўзинг билишинг керак. Буни ген дейишади, уни ҳеч ким ўзгартиролмайди, – деб ота жимиб қолди. У бирпасдан кейин хотинига қараб бошини чайқади. – Сен бечора нимани ҳам ҳал қилардинг? Учқуннинг ўзи билан гаплашаман. Уни фикридан қайтаришим шарт! – деб телефонини олиб тез-тез рақамларни тера бошлади.

Телефони жавоб бермаётган неварасидан жаҳли чиққан ота ўзича нималарнидир гўлдираб, қайта-қайта қўнғироқ қилишда давом этди. Охири телефон қўнғироқларига жавоб бўлмагач, уни бир чеккага ташлади. Хосият хола бу пайтда чолига бир нима дейиш бефойдалигини сезиб, секин ташқарига чиқиб кетди. Ота уйда у ёқдан-бу ёққа юравериб чарчади чоғи, хонасига кириб ўзини кароватга ташлади. У шифтга тикилганича яхшилаб ўйлаб олиш учун хаёлини бир жойга жамлашга ҳаракат қиларди.

Учқун қаердан ҳам песнинг неварасини учрата қолди экан. У қиз янглишмасам, Англияга бултур кетганди. Тавба, келиб-келиб унинг неварамга рўбарў бўлиши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Ҳозиргина Учқуннинг уйланишини эшитиб қувонган эдим-а. Мен ўлиб қолсам ҳам Тилаволди пес билан қуда-андаликка йўл қўймайман.

Уни қудам деб уйимнинг тўрига чиқаргандан кўра, ўлганим яхши. Одамлар нима дейишади? Ахир у онасини ўлдирган қотил-ку, мен буни ҳеч қачон унута олмайман. Учқуннинг фарзанди унга ўхшаса, улғайганида неварамга азоб бериб, катта бобосининг қилиқларини такрорлаб, оиламиз шаънига доғ туширса нима бўлади?

Ота оғир хаёлар гирдобидида сиқилиб ётган жойидан туриб кетди. У телефонини қўлига олиб, интернетни титкилай бошлади. Ген жумбоғини ечиш учун болаларнинг неча фоизи кимга тортишини билишга ошиқарди. У катта боболарга неча фоиз ва қайси томонлари ўхшашини ўқиркан, эти жунжикиб кетди. Ўзим ҳам ўйлагандим, худди шундай бўлишини. Агар бир фоиз ўхшаса ҳам, у албатта, Тилаволди песга ўхшашини аниқ. Чунки бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади, дейишади.

Эҳ, Учқун, Учқун, нима қилиб қўйдинг-а, шундай тоза наслимизни бузмоқчимисан? Наҳотки ҳамма нарсага ишлаган калланг шунга келганда оқсади. Қандай қилиб у қизга ишқинг тушиб қолди экан? Балки ҳали ўрталаридаги муносабат унчалик жиддий эмасдир. Бу шунчаки бир гапдир. Мен ҳаммасини бир бошидан тушунтирсам, неварам гапимни икки қилмай, у қиздан воз кечар. Тилаволдининг онаси билан алоқадор воқеаларни у қаердан ҳам билсин? Албатта, мен қизнинг бобоси ҳақидаги гапларни, унинг виждонсизлигини, одамгарчиликдан йироқ эканини бир бошдан ҳикоя қилиб бераман. Ким ўз фарзандининг ноқобил, ярамас бўлиб етишишини хоҳлайди? Менимча, Учқун ҳаммасини тушунади, ҳа, ташвишланмасам ҳам бўлади.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Худоёр ота шошиб рақамларга қаради, у неварасининг қўнғироқ қилаётганини кўриб телефонни олди.

– Бува, ҳозиргина гаплашган эдик-ку, яна йи-гирма саккиз марта қўнғироқ қилибсиз, тинч-ликми? – деди Учқун хавотирланиб.

– Йўқ, тинчлик эмас, болам. Мен кимнинг не-вараси келин бўлмоқчилигини эшитиб, тинчим-ни йўқотдим.

– Боя келиннинг кимлиги мени қизиқтирмай-ди, асосийси, сизларнинг бир-бирларингизни тушунишларингизда, деган ким эди? Нега фик-рингиз ўзгариб қолди, буважон?

– Агар мен Тилаволди песнинг қандай одамли-гини айтиб берсам, сенинг ҳам у қизга уйланиш ҳақидаги фикринг ўзгариб қолади, деб умид қи-ламан.

– Ким у Тилаволди пес деганингиз?

– Ўша, сен танлаган қизнинг буvasи.

– Манзуранинг буvasини «пес» дейишларини билмаган эканман.

– Сен кўп нарсани билмайсан, чунки ҳали ёшсан.

– Хўш, ўша чол ҳақида нималарни гапирмоқ-чисиз?

– Унинг ифлослигини бир оғиз сўз билан ифо-далаб бўлмайди. Яхшиси, эшит, мен бошидан сўзлаб бераман.

– Буважон, ҳозир дарсга киришим керак, та-наффус пайти нима бўлдийкин деб, қўнғироқ қилувдим. Кечроқ яна қўнғироқлашамиз, май-лими?

– Хўп, хайр, кейин гаплашамиз.

Келин масаласида неварасининг фикрини ўз-гартиришга Худоёр отанинг ҳали умиди сўнма-

ганди. У хаёлида Тилаволдининг қандайлигини қай йўсинда тушунтиришни ўйлаб юрди. Кечга яқин у телефонда ўйлаганларини ҳаммасини гапирди. Бироқ бу гаплар Учқунни ҳаяжонга солмади. Унинг буvasига жавоби ҳаммасини чиппакка чиқарди. Ота неварасининг фикридан қайтмоқчи эмаслигини эшитиб, жуда хафа бўлди. У дарғазаблигидан катта ўғли Тўлқинга қўнғироқ қилди.

– Сен ўғлингнинг уйланаётганидан хабардормисан? – деди у одатига хилоф равишда саломаликни ҳам йиғиштириб, деярли бақириб.

Тўлқин отасининг бундай оҳангда гапиришидан шошиб қолди. У ажабланиб:

– Учқун уйланыптими? Бугун ишдан кечроқ қайтдим. Ҳали бу ҳақда менга айтишмади, аммо сиз қувониш ўрнига жаҳл қилаётганингизни тушунмаяпман, дада, – деди.

– Ўзбилармон боланг Тилаволди песнинг неварасига уйланмоқчи.

– Шунақами? Қаранг-а, Англияда сизнинг қўшнингизнинг неварасини топганини? Ақл бо-вар қилмайди!

– Уни фақат менинг қўшним, деб биласанми? Сенда фаросатдан озгина бўлганида бундай демасдинг!

– Дада, нима дейишим керак? Ахир қўшнингиз бўлганидан кейин қўшнингиз дейман-да.

– У ярамасга қуда бўлишнинг оқибати нима билан тугашини ҳам ўйлаб кўрдингми, ўзи?

– Э, нима деяпсиз, сиз айтаётган одам қишлоқда яшаса, унинг ўғли Мансурбек неча йилдан бери шаҳарда туради. Бундан ташқари, уларнинг отаси билан муносабатлари яхши

эмаслигини биласиз-ку. Ҳайронман, нега бунча ташвишланяпсиз?

– Ким айтади сени олим, профессор деб? Сен ген деган нарсани биласанми, бу ҳақда эшитганмисан?

– Нима, Учқуннинг фарзанди Тилаволди акага ўхшаб туғилади, демоқчимисиз?

– Ўзинг нима деб ўйлайсан? Сенингча, уларнинг муносабати яхши эмаслиги учун бобосига тортмайдими?

– Бэ-э, дада, қўйсангиз-чи, Худо хоҳласа, неварам сизга ўхшайди ёки менга, – деди кулиб Тўлқин.

– Сен ҳали ўғлингни ўша қизга уйлантирмоқчимисан?

– Нима қил дейсиз? Ёшлар бир-бирини ёқтирганларидан кейин мен нима дея оламан. Ахир йигирма биринчи асрда яшаяпмиз, дада.

– Мен бунга қаршиман, ҳатто тиш-тирноғим билан! Ўғлинг Тилаволди песнинг неварасидан бошқа кимга уйланса ҳам ишим йўқ, ваъда бераман, у қоп-қора ҳабаш қизни етаклаб келса ҳам розиман, фақат песнинг неварасини эмас, авлодимизда ўша ярамасга ўхшаган одам туғилишини истамайман!

– Э-э, бу ёғи қизиқ бўлди-ку, дада. Учқун уйланоқчи бўлганига қувонганимизда сиз қаршисиз.

– Сенга тушунтириш қийин эмас, деб ўйлагандим. Янглишибман, авлодимиз тозалиги, соғломлигининг сенга умуман қизиғи йўқ экан.

– Дада, ҳаммасини тушуниб турибман, лекин қўлимдан нима келади?

– Қанақа одамсан, ўзи? Сен ҳатто Учқунга бу ҳақда ҳеч нима демай туриб, қўлимдан нима

келади, дейсанми? Ўғлингга айтганларимни уқтиришга ҳаракат қилиб кўришни ҳам истама-япсан-ку, барака топгур, сени қара-ю! – деди ота жаҳл билан қўл силтаб.

– Дада, норозилигимизни ўғлига гапирмайди, деб ўйлаяпсизми? Ҳаммасини бир бошидан унга тушунтираман, лекин Учқунни билганим учун бу гапларим бекор кетишини сезяпман-да. Аммо барибир унга ҳаммасини ётиғи билан тушунтираман.

– Майли, мен фикримни айтдим, ўша қизга уйланишига қаршиман. Агар бувасининг розилигисиз уйланаверамаман деса, ўзи билади!

Ота бошқа ҳеч нима демай телефонни ўчириб қўйди. У хонада юраги сиқилиб, ташқарига чиқди. Хосият холанинг нарвондан томга чиқиб кетганини кўриб, баттар сиқилди. У супа чеккасига омонатгина ўтириб, унинг томига диққат билан қаради. «Яна томга чиқяпти, у ерда нима қиларкин? Ортидан пойлаб чиқсаммикин? Шу етмай турувди, чордоқда ортиқча ҳеч нарса бўлмаса, нима ҳам қиларди, хаёл суриб ўтирса керак. Ишқилиб, касали авж олиб кетмаса гўр-гайди. Гап-сўзи мулойим, илгаригидек, ҳаракатида ҳам кескинлик йўқ. Фақат хотираси чатоқ, ҳеч нима эсида турмайди. Унинг касалини қидириб, ўқиб кўрган руҳий касалликлар ҳақидаги китобларнинг бирортасига, айрим белгиларини ҳисобга олмаганда, умуман ўхшамайди. Уни ўз ихтиёри билан психиатрга олиб боришнинг бирор чорасини топишим керак».

Отанинг хаёлини телефон жиринглаши бўлди.

– Эшитаман.

– Худоёр, тинчмисан, чет элдаги неваранг уйланармиш, деб эшитдим, шу ростми?

Ота бирдан ўрnidан туриб кетди. Гапираётган отанинг тенгдош ўртоғи Омон ота эди. Уни Омон қулоқ демаса ҳеч ким танимасди, чунки қишлоқда бир неча Омон исмилар яшайди. Унинг «қулоқ» лақабини олишига сабаб ҳамма гапни биринчи бўлиб эшитиб, ҳамқишлоқларига кимнинг хонадонида қандай янгиликлар борлигини тезроқ етказишни жуда яхши кўришида. Ота унинг овозини эшитиши билан бўшашиб кетди. Наҳотки Учқуннинг Тилаволди песнинг неварасига уйланиши ҳақидаги хабарни эшитган бўлса? Дарров қаердан хабар топа қолди экан? Ё, тавба...

– Ҳа, шунақа гап бор, Омонбой, – деди ота қуруққина қилиб.

– Ие, неваранг уйланмоқчи бўлиб турибди-ю, сенинг гапингни қара. Бундоқ хурсанд оҳангда гапирмайсанми? Ёки унинг Тилаволдининг неварасига уйланиши сенга ёқмаяптими?

– Омон, сен билан ёшлигимиздан ўртоқмиз. Шу пайтгача ёшинг улуғлашган-у, аммо фаросатингда заррача ўзгариш сезилмаган. Нима қиласан, ҳар кимнинг ҳали ҳал бўлмаган оилавий ишларига бурнингни тиқиб?

– Бу нима деганинг, Худоёр, сен мен учун ҳар ким эмассан, ахир. Сал ўйлаб гапирсанг бўларди.

– Эй, ўйлаб гапирадиган билимдон, менга айтчи, сен иккита неварангни уйлантирганингда тўй куни белгилангунгача мен бирор марта сенга қўнғироқ қилиб, келин кимнинг авлодиданлигини суриштирдимми? Ёки қизларингни узнатаётганингда уларни кимга бераётганинг билан қизиқдимми?

– Нега хафа бўласан, мен сени ўзимга яқин олиб...

– Керак эмас менга бунақа майдакаш, ғийбатчи хотинларга ўхшаган яқин одам!

Ота телефонни қўйди. Унинг жаҳли чиққанидан қўллари қалтирарди. «Бунақа ҳаммани хафа қилаверсам, қишлоқдагилар Худоёр «синчков» лақабимни Худоёр «жинни»га алмаштириши ҳеч гапмас. Умрим бино бўлиб шундай ачинарли аҳволга тушмагандим. Ўзимни қўлга олишим керак, акс ҳолда ҳаммани безор қилиб, гапларимнинг қимматини ҳам йўқотиб қўйишим мумкин». Ота хаёлига келган бу гапдан сергак тортди. «Ҳа, ҳа, фарзандларим, оилам олдида ҳурматимни сақлаб, уларнинг кўнгилларига беҳуда озор етказмаслигим керак. Фойдасиз чиранишларнинг нима кераги бор? Жаҳдан тушиб, миямни ишлатишим керак. Жаҳд келса, ақл кетади, деб жуда тўғри айтишган. Ақлимни йўқотиб қўйишимга озгина қолди-я. Ўйлашим лозим, қандай йўл билан бўлса ҳам ўша қизнинг Учқунга хотин бўлишига йўл қўймаслигим керак.

Ким билади, балки Тўлқин ўғлига ҳаммасини тушунтирса, фикрини ўзгартириб қоладими. Ишқилиб, неварам барака топгур, ўша қизга уйланиш қароридан қайтсин-да, бўлмаса мени оғир аҳволга солади. Авлодимизда Тилаволди песга ўхшаган кимса пайдо бўлмаслиги учун мен курашмасам, ким ҳам ҳаракат қиларди. Ёшларнинг севгисига тўғаноқ бўлмаймиз, деб бир чеккада тураверишади. Мен ҳам муҳаббатга қарши эмасман, бироқ Тилаволдидай ярамасни дунёга келтирадиган севгининг боридан йўғи. Учқун

кейин пушаймон бўлмаслиги учун ҳам ҳозир бирор чорасини топишим керак».

Ота томоғи қақраб кетганини сизди, чой ичгиси келди. У ошхонага кириб чойнакни кўтарса, бўш экан. Газни ёқиб сув қўйиб юборди. Кейин у ёқ-бу ёққа қараб Хосият холани қидирди. Унинг томга чиқиб кетаётганини эслаб, ташқарига чиқиб:

– Хосият! Ҳой, Хосият! – деб чақира бошлади.

Томдан нарвонга тушадиган жойдаги одам сифадиган тўртбурчак шаклдаги тешикдан холанинг боши кўринди. У худди қўрқиб кетган боладек эрига мўралаб қараб турарди.

– Нега одамни қўрқитасан-а, Хосият, барака топгур. Бу ёққа туш, илтимос, – деди ота иложи борича юмшоқроқ гапиришга уриниб.

Хола нарвондан тез-тез тушиб:

– Нима гап, дадаси? – деди.

– Бошқа у ёққа чиқма, хўпми?

– Бунинг нимаси сизга ёқмаяпти?

– Сенинг ёшингда нарвонга тирмашиб юриш яхшими? Томдаги ишларни келин, невараларга қўйиб бер. Ўзи у ерда қандай юмуш бор? Ахир йиқилиб тушсанг, нима бўлишини тасаввур қиласанми? Худо сақласин-у, бирор жойинг синиб, умрингнинг охиригача тўшакка михланиб қолишингни ҳам ўйлаб кўрганмисан?

– Ҳеч гап бўлмас... Жамила баландликдан қўрқади, нарвонга чиқолмайди. Невараларимни томга чиқаролмайман, йиқилиб тушишлари мумкин, бор бўлгурлар... Сиз анчадан бери томга чиқмай қўйгансиз.

– Албатта, чиқмайман-да, ёшимизга қараб ҳаракат қилишимиз керак, у ёққа сен ҳам чиқмай

қўя қол, хўпми? Бўлмаса, мен сен ҳақингда ёмон хаёлларга бораман, тушундингми?

– Майли, фақат куздан кейин...

– Бунга кузнинг нима алоқаси бор, хотин, ақлинг жойидами?

– Ҳаммаси жойида, бор бўлинг-э, қўрқманг, менга ишонаверинг. Сиздан миннатдорман, соғ-саломат бўлиб юринг, дадаси.

Худоёр ота унинг пойма-пой гапларини эшитиб, индамай бошдан-оёқ тикилди-да:

– Чой ичмоқчи эдим, – деди.

Хосият хола ошхонага кириб кетди.

VI БОБ

Бир неча кундан бери Худоёр отанинг кўнгли хижил, унинг қўли ишга, оғзи ошга бормайди, чунки невараси Учқун уйланиш масаласида гапида қаттиқ туриб олган. У ҳеч кимнинг маслаҳатини тинглагиси йўқ. У телефонини ўчириб қўйган. Отанинг хаёли фақат Тилаводди песнинг неварасини қандай бўлмасин уйига келин қилиб олиб келмаслик чорасини топиш билан банд. У хонасига қамалиб шифтга тикилганича қимир этмасдан ётибди. Бир нафас тиним билмай, боғ ишларими ёки шунга ўхшаш юмушлар билан шуғулланадиган одамнинг бирдан бундай ҳолатга тушиши уйдагиларни ташвишга солса-да, ҳеч ким унга бирор нима дейишга журъат этмасди.

Худоёр ота бирдан ўрнидан турди, муштлири тугилиб пичирлади:

– Ҳа, уни ўлдираман!

У дераза олдига келиб, шашт билан пардани очди. Ота жазм қилган иши даҳшатидан юраги

гупурлаб урарди. У шу ерда анча туриб қолди, кейин бўшашиб яна кароватга ўтирди. «Йўқ, мен одам ўлдиролмайман, бу иш қўлимдан келмайди. Аммо Тилаводди пес одам эмас-ку, унинг инсонга хос хусусиятини топиш қийин, фақат кўриниши ўхшайди, холос. Барибир уддалай олмаيمان, умуман жонли жонзотни ўлдиролмайман, бу аниқ. Бунақа хаёлни миямдан чиқариб ташлашим керак. Бошқа йўли топилиб қолар...» У Хосият холанинг эшикни қия очиб:

– Дадаси, тушлик қилиб олинг, ичкарида анча қолиб кетдингиз, – деган гапидан хаёли бўлинди.

– Иштаҳам йўқ, ўзларинг еяверинглар, – деди тушкун овозда.

– Бунақада касал бўлиб қоласиз-ку, дадаси, бор бўлинг-э. Неварамизнинг кимгадир уйланиши шунча ташвишланишга арзийдими? Ахир бунақа тор фикрламасдингиз-ку, сизга нима бўляпти?

– Сен ўзи ҳеч нимани чуқур ўйламайдиган бўлиб қолибсан, Хосият.

– Қийналаётганингизни кўриб раҳмим келяпти. Балки ёрдамим керакдир, агар хўп десангиз, мен Руқия билан невараси ҳақида гаплашаман.

– Унга нима демоқчисан?

– Неваранг Учқунимизни тинч қўйсин, дейман. Биз бу тўйга норози эканимизни билдираман.

– Шунчалик аҳмоқ бўласанми, ахир Руқиянинг нима алоқаси бор? Буни ёшларнинг ўзлари ҳал қилишган-ку! Тўй ҳақида ҳеч ким уларнинг оиласидагилардан бирор одамга оғиз очмасин, тушундингми?! Буни бошқаларга ҳам айтиб қўй, келинингни назарда тутяпман.

– Ҳа... Жамилага ҳозироқ айтаман.

– Илтимос, энди мени ёлғиз қолдир, эшикни бекитиб кет! – деди ота жаҳл билан.

Хола индамай эшикни бекитиб қўйди. Худоёр ота қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилганда бериладиган жазони билиш учун китоб титкилай бошлади. У овоз чиқариб ўқиди:

– Умрбод қамоқ жазоси, айрим ҳолларда ўн беш йилдан йигирма беш йилгача қамоқ жазоси билан жазоланаркан.

«Бу, азиз умримнинг сўнгги кунлари панжара ортида ўтади, дегани-да. Эй Худо, нималарни режалаштиряпман, ўзи? Шунча йилги пок яшаганим, одамларга оғиз кўпиртириб маънавият ҳақида гапирганларим, қанчадан-қанча ўқувчиларимга жиноятга қўл уриш оқибатлари тўғрисида ваъз ўқиганларим-чи? Агар қотиллик қилиб қамалиб кетсам, мен ҳақимда нима дейишаркин? Тили бошқа, дили бошқа ярамас одам экан, дейишармикин ёки битта аблаҳни ўлдириб савобга қолди дермикинлар? Йўқ, савобга қолди, демайдилар, бу мақтовдан умид қилмасам ҳам бўлади. Чунки ёмонми, яхшими у – инсон. Уни ўлдириш эса ваҳшийлик... Ҳа, мен ваҳшийлик қилмоқчиман. Нега деганда, бошқа иложим йўқ. Фарзандларим, невараларим буни кечирмаслигини, авлод-аждодаларимиз қотил бодан нафратланишларини, бундан кейин ҳеч ким мени яхши одам сифатида тилга олмаслигини биламан, бироқ бошқа ҳеч қандай чора тополмадим.

Тилаволдининг невараси Учқунга хотин бўлишига йўл қўйиб берсам нима-ю, песни ўлдириб, бу гапга нуқта қўйсам нима? Ҳар иккаласини

ҳам тарозига қўйиб кўрдим. Агар неварам у қизга уйланса, ўша песга ўхшаган бола ёки бола-лар дунёга келиши аниқ. Қишлоғимиздаги битта ярамаснинг ўзи бутун оламга етгудек қилмишлари билан одамларнинг нафратига учраган. Шаҳарда ҳам бунақалар пайдо бўлса, бунинг устига, менинг неварамнинг оиласида-я! Мен ҳатто ўзим билмайдиган узоқ ўлкаларда, дунёнинг ҳеч бир жойида унга ўхшаган кимсанинг туғилишини истамайман, оиламда эса бунга йўл қўйишим асло мумкин эмас!

У аблаҳни ўлдирсам, мен қотил деган ном оламан, қамалиб кетаман ва ўша ерда хор бўлиб ўламан. Бу жуда ачинарли, аянчли, лекин Учқунни, авлодимиз тозалигини, келажак наслимизни Тилаволди песга ўхшаган жирканч кимса пайдо бўлишидан сақлаб қоламан. Бунинг учун ўзимни, шу пайтгача топган обрўимни қурбон қиламан. Эвазига, умид қиламанки, у қиз бобоси қотилининг неварасига ҳеч қачон турмушга чиқишга рози бўлмайди. Тўйни тўхтатишнинг бундан бошқа чорасини топмадим. Майли, нима бўлганда ҳам иложини топдим-ку...» Ота ўйлай-ўйлай шу фикр унинг охириги имконияти эканини билиб, бир тўхтамга келди. У сал енгил тортгандек бўлди, бироқ унга соя солаётган қотиллик тамғасидан юраги сиқиларди.

Худоёр ота секин ўрнидан турди, ҳаво етишмаётгандек ўзини беҳол ҳис қилиб, кўйлаги ёқасининг тугмасини бўшатди. Бу бефойдалигини сезиб, у офир қадамлар ташлаб тоза ҳаво олиш учун хонадан чиқди. Хонасидан шошиб чиққан Жўшқин отасини кўриб:

– Дада, тушлик қилмаган бўлсангиз, юринг, бирга овқатланамиз. Мен ҳам тезда овқатланиб,

ишга кетишим керак. Қорним роса оч, нима бўлса ҳам еб юборай деб турибман, – деди ошхона томонга юраркан.

Ота ҳам беихтиёр унга эргашди. Келини Жамила столда лаганга сузилган паловни қўяркан:

– Дадажон, сиз «менга барибир» деганингиздан кейин тушликка ош қилувдим, – деди.

Ота индамади. Жўшқин унинг хомуш ўтиргани сабабини яхши билгани учун ташвишга солаётган нарсадан гап очди.

– Овқатга қаранг, дада, менимча, энди ҳаммаси бефойда.

Ота номигагина паловдан еб, ўғлига қаради.

– Кеча акам билан гаплашувдим. У Учқунга ҳаммасини тушунтириш учун гап бошлаганида, ҳатто бу ҳақда оғиз очиргани қўймаётганмиш. Эшитишни ҳам хоҳламай, гапида қаттиқ турган эмиш. Шу жияним жуда қайсар чиқди-да, – деб Жўшқин қошиғини тўлдириб ошдан олди.

– Шунақа дегин...

– Ҳа, дада, биз сиздан ташвишланяпмиз. Икки кунда аҳволингиз шунчалик бўлгани кўринишингиздан маълум. Бунақада ўзингизни олдириб қўясиз, деб қўрқяпмиз.

– Мендан ташвишланмасанглар ҳам бўлади. Бошқа нарсадан қўрқинглар керак.

– Нимадан?

– Саволингизни қара-ю, ҳадеб бир гапни қайтараверайми? Наҳотки наслимизда Тилаволди песга ўхшаган биров пайдо бўлишини такрорлашим сенга ёқса? – деди ота асабийлашиб.

– Узр, дада, бехосдан гапирибман. Лекин илтимос, ўзингизни қўлга олсангиз.

– Нима қилинг дейсан?

– Соғлигингизни ўйлаб, кўникишга ҳаракат қилинг.

– Бу ишнинг оқибатини билиб туриб, соғлигимни ўйлаган ҳолда томошабин бўлишим керакми. Соғлик дейсан-а, бутун бошли бир авлод масаласи турганида менинг ҳаётим неча пулга арзийди, деб ўйлайсан? Билиб қўйинглар, Учқун ҳафсаламни пир қилганидан бери ўзим ҳақимда ўйламай қўйганман. Фақат унинг тўйини қандай тўхтатишни режалаштиряпман. Чунки бу ҳаммамиз учун муҳим!

– Аммо тўйни қандай тўхтатиш мумкин?

– Мумкин!

– Дада, бир нарса айтсам хафа бўлмайсизми?

– Нима экан?

– Нега ҳадеб ген ҳақида гапирасиз-у, тарбия, оиладаги соғлом муҳит ҳақида ўйламайсиз? Иккаламиз ҳам педагогмиз, ахир ҳамма нарса инсон вояга етгунча унга берилган тарбияга боғлиқлигини биламиз-ку. Наҳотки Учқуннинг дунёга келажак фарзандлари қанчалик яхши тарбия олсалар-да, сиз айтгандек, Тилаволди песга ўхшайверсалар...

– Лекин ген барибир ген-да, эликка элик бўлиши ҳақида кўп ёзилган.

– Бундан чиқди, сизнингча, ота-она қанчалик фарзанди тарбиясига эътиборли бўлмасин, у қандайдир бир ёмон одамга тортиб, тубан кимса бўлиб етишадими?

Ота ўглининг гапларидан қошларини чимириб бироз ўйлаб қолди. Кейин Жўшқинга қараб:

– Барака топгур, сен айтаётган гапларингни мен аллақачон ўйлаб кўрганман. Тўғри, тарбия катта аҳамиятга эга. Бироқ ичимда ким-

дир менга ўша Тилаволди песнинг неварасидан туғилажак болалар унинг ўзгинаси бўлиши ҳақида шипшиётгандек бўлаверади. Учқунни бу кулфатдан ҳозир қутқариб қолмасак, кейин кеч бўлиши мумкинлигини ўйласам, дунё кўзимга тор кўриняпти.

Отасини фикридан қайтариб бўлмаслигига кўзи етган Жўшқин унга ён босишга мажбур бўлиб:

– Дада, бирор режангиз бўлса, айтинг. Балки ёрдамим тегар, – деди.

– Ҳеч кимнинг ёрдами керакмас, буни фақат ўзим амалга ошираман! – деб ота ўрнидан турди.

Ошхонада бир чеккада идиш-товоқларни тартибга келтириш баҳонасида уларнинг суҳбатини тинглаётган Жамила қайнотасининг важоҳатидан пастки лабини тишлаб, бошини чайқади. Ота чиқиб кетиши билан эрига:

– Дадам нима қилмоқчилар? – деди шошиб.

– Уларнинг одатларини биласан-ку, ҳеч қачон олдиндан гапирмайдилар. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин...

VII БОБ

Эрталаб уйқудан кўзини очган Худоёр ота ўйлаб қолди. «Бугун ўн учинчи июн, туғилган кунимга роппа-роса тўрт ой қолди. Неварам тўйни шу кунга белгилаган. Мен уч кундан бери тўйни тўхтатиш чорасини топмадим. Бунақада Тилаволди песнинг невараси ҳадемай уйимизга кириб келади-ку. Биз онасини ўлдирган, ҳеч кимнинг яхшилигига бир оғиз раҳмат, деб айтмасдан

унга ёмонлик билан жавоб қайтарадиган, ичи қора, худбин кимсани «келинг, қуда» деб уйимизнинг тўрига ўтқазишимиз, унга Учқун «бо-божон» дейиши, менинг чевараларим эса унинг ҳам чевараси бўлиши... Қандай даҳшат, индамай бунга йўл қўйишим ақлга сиғмайди. Ҳаммасига нуқта қўйишим керак. Чўзиб юрмасдан, тезда ҳал қилишим керак. Сал шижоатлироқ бўлмасам, қўрққан воқеам юз бериши аниқ. Шунинг учун Тилаволдини қандай ўлдириш ҳақида бирор қарорга келишим лозим. Дарвоқе, қандай қилиб ўлдириш мумкин?»

Ота қанчалик ўйламасин, уни қандай йўл билан ўлдиришни тополмади. У нонуштага чиқмасдан ётган жойида тўлғаниб ўйларди, бироқ туш пайтигача ҳам ҳеч қандай натижа бўлмади. Хосият хола хонага секин бошини суқиб:

– Дадаси, соғлигингиз жойидами? – деб сўради.

– Нима эди? – деди ота кўрслик билан.

– Нонуштага чиқмадингиз, олиб кирган овқатимга қўл теккизмабсиз, бор бўлинг-э.

– Яхшиман, боравер.

– Тушликка сиз яхши кўрадиган карам дўлма пиширгандик, чиқиб овқатлана қолинг.

Ота ўрнидан туриб, индамай ошхонага қараб юрди. У сузилган овқатдан тез-тез ея бошлади. Одатига хилоф равишда бошқаларни кутмасдан, ҳеч кимга қарамасдан юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди. Хосият хола унга ташвишли нигоҳ ташлаб, секин бошини чайқади.

Худоёр ота хонасида у ёқдан-бу ёққа юриб ўйларди. У умрида биринчи марта кимгадир ёмонлик қилишни, ёмонликдан ҳам баттар – қотилликни қандай амалга оширишни режалаштир-

моқчи бўлар, лекин буни удалай олмай қийналарди. У невараси билан тўй ҳақида гаплашган кундан бошлаб намоз ўқиш ҳақида ҳам эсламасди, миясида хаёллари чувалашиб кетганди. Ўша ярамасни ўлдирсам тўй тўхтайди, деган фикрдан бошқаси хаёлига келмас, лекин буни қандай амалга оширишни билмасди. У кечаси билан мижжа қоқмади. Кароватда у ёғидан-бу ёғига ағдарилавериб, жонига текканидан ўрнидан турди. Кунни билан уй юмушларидан чарчаган Хосият хола пишиллаб ухларди. Ота дераза олдига келди. У тўр пардадан ташқарига қаради.

«Зулмат – худди кўнглимдек, чироқ ёқса ҳам ёримайди. Мен одам ўлдиролмаслигим аниқ», деб ўйлади у. «Тўхта, тўхта, нега илгарироқ бу фикр калламга келмади? Ўзимни ўлдирсам-чи? Ҳар қалай бу қотилликдан осонроқ-ку. Ҳа, шундай қилман. Бунинг мингта усули бор. Лекин унда нима ўзгаради? Битта эси паст чол жонига қасд қилди, деб тўй тўхтайдими? Ҳа, вақтинча тўхтайди, холос. Бироқ келин ўша-ўшалигича қолаверади. Бу фикрим жуда бўлмағурлиги аниқ...»

Қоронғида йўл чеккасидан секин оёғини судраб ўтиб кетаётган одам шарпаси отанинг хаёлини бўлди. У пардани очиб, синчиклаб қаради, кўча чироғининг ғира-шира ёруғида уни Тилаволдига ўхшатди. Ие, шу маҳалда қаерга кетяпти? Хосият унинг бироз тоби йўқлиги учун кўча-кўйда кўринмай қолганини айтганди, деб ўйлаб апил-тапил оёқ кийимини кийди. Худоёр ота иложи борича товуш чиқармасликка уришиб, кўча эшигини секин очди. У кўчага чиққанида кетаётган одам кўринмай қолган бўлишига қарамасдан, оёғини судраб босаётган қадам

саси элас-элас қулоққа чалинарди. Ота кетаётган кишининг ҳақиқатан ҳам Тилаволди эканига ишонч ҳосил қилиш учун унга етиб олишга уриниб, тез-тез юра бошлади. У яқинлашиб қолгач, ўзини сездириб қўймаслик мақсадида оёғининг овозини чиқармасликка ҳаракат қилиб юрди. Улар анча юрганларидан сўнг ҳалиги одам қабристонга чиқадиган сўқмоққа бурилди. Ота, кечаси бу одам мазорда нима қиларкан, деб қоронғида ҳалиям унинг кимлигини аниқлай олмай тикилиб борарди. Ҳалиги одам уйлар орасидан чиқиб, илон изи сўқмоқ бўйлаб кета бошлади. У тепаликка қараб юрди. Ота шу ердаги дарахт панасида тўхтаб, уни кузатишга қарор қилди, чунки тепалик шу ердан жарликка ўхшаб кескин пастга қараб кетган бўлиб, нарёғига йўл йўқ, паст эса қабристон эди. У ердан қабристонга қулаган киши омон қолмасди.

Ота у одамнинг кимлигини билишга қизиқиши тобора ортиб, кўзини узмасдан тепаликка чиқётган одам шарпасига тикилиб турарди. Қайсидир ҳовлидан хўрознинг бор овозда қичқиргани эшитилди. Бошқа яна бир хўроз унга мен ҳам шу ердаман дегандек, икки марта қичқириб қўйди. Ниҳоят зулмат тарқаб, тонг ота бошлади. Тепаликнинг энг баланд жойида туриб, қабристонга қараб турган кимсанинг ким экани энди аниқ кўринарди. Қора шалвар, қора кўйлақда сал букчайганича, эғнидаги кийимлари шалвираб турган бу одамнинг кўриниши худди баҳайбат қора қарғани эслатарди. Бу шак-шубҳасиз Тилаволдининг ўзгинаси эди!

Худоёр ота Тилаволдини кузатиб: «Ё тавба, у нима қиляпти? Ахир бу мараз ота-онасини эслаб

ҳеч қачон мозор бошига чиқмаган-ку. Каллаи саҳарда бу ерга келиши ақлга сифмайди. Ёки Худо менинг ишимни осонлаштиряптимикин? Балки бу танлаган йўлимнинг тўғрилигига ишорадир. Йўқ, ҳеч қачон, бундан умид қилмай қўя қолай, чунки Яратган одам ўлдиришни маъқулламайди. Кимнидир жонини олиш ёки унга жон ато қилиш фақат унинг ўзига хос хислат. Қандайлигидан қатъи назар бирор одамнинг жонига қасд қилиш офир гуноҳ, кечирилмас гуноҳ... Буни яхши биламан, офир жиноятлигиниям... Лекин бошқа иложим йўқ», деган хаёллар билан турганида Тилаволдининг ёнгинасида иккита мушук ниманидир талашиб миёвлаб юборишди. Худоёр ота унинг чўчиб кетиб ортига қарабини кутган эди. Лекин у бунга мутлақо аҳамият бермай, қимир этмасдан қабристонга тикилиб турарди.

Балки уни ажал етаклаб келгандир. Ҳозир бориб пастга итариб юборсам, ҳаммаси тамом. У тил тортмай ўлади, мен қамаламан, тўй эса умуман бўлмайди. Қайси одам отасининг қотилини оиласига қизини келин қилиб беради? Қарабсизки, авлодимиз иккинчи Тилаволди песнинг пайдо бўлиш хавфидан қутулади. Ахир менинг мақсадим ҳам шу эмасми? Бу ерда нима қилиб турибман, тезроқ ҳаракат қилишим керак-ку. Худоёр ота тепалик томон юрмоқчи бўлди, лекин оёқлари ўзига бўйсунмас, қимир этмай, жойидан жилмасди. Қўллари эса гўёки жонсиз таёқ сингари қотиб қолганга ўхшарди. Бундай бўлиши мумкин эмас, мен уни ўлдиришим керак, деб ота оёқларини қимирлатишга уринди, аммо уддасидан чиқолмади.

Қишлоқ томондан итларнинг вовиллагани, қўйларнинг маърагани эшитилди. Атроф ёришиб қолган эди. Тилаволди тепаликдан туша бошлади. У умуман эътиборсиз эди, оёғи остида ўралашаётган кучукни қўлидаги ҳассаси билан нарёққа туртиб юборишни ҳам хаёлига келтирмасди. У ёнидан ўтиб кетгач, ота ҳам унинг ортидан секин юрди.

Тилаволди уйига кириб кетди, ундан ўн беш-йигирма метрча орқада келаётган Худоёр ота ҳам уйи томон юрди. У ўйлаб ўйига етмасди. Бу ярамас саҳарда туриб нега қабристонга борди? Нима учун хаёли паришон? Ахир у ҳамма нарсага эътибор бериб, нимлардандир баҳона топиб, жанжал қўтаришга шай турарди-ку. Унинг бундай аҳволга тушишига сабаб нимада? Балки яқин боришга журъати етмай узоқдан туриб онасининг қабрига тикилгандир. Ўлими яқинлашгани сайин онасига берган азобларини эслаётгандир. Ҳатто Жумагул хола қариб қолганида ҳам ақли кирмаганига, ҳурматини жойига қўймаганига пушаймон қилаётгандир. Заҳарзаққум, бўҳтон сўзлари билан онасининг ўлимига сабаб бўлгани учун ўзини айбдор санаётганмикин? Йўқ, нималар деяпман, саксон йиллик умри давомида буларни бирон марта ҳис қилмаган кимса энди ўйлайдими? Ҳа, Тилаволди пес учун нима бўлгандаям ғайриоддий ҳолат...

Ота эртаси куни тунда ҳам кечаги пайтда уйқуси қочиб, ўрнидан турди. Одати бўйича яна дераза олдига келди. У бирпас турганидан сўнг йўлда ўтиб кетган кимса Тилаволдининг шарпаси эканини кўриб ҳушёр тортди. Ие, у яна ўша томонга йўл олди, деб ўйлаб, ортидан пойлаш

учун шошилиб кўчага қараб юрди. Тилаволди илон изи сўқмоққа қараб бурилганида, ота янглишмаганига амин бўлди. Кечаги манзара такрорланди.

Ота яна кечаги дарахт панасида туриб ўйлаб қолди. «Мен уни қандай ўлдиришни билмаётган бир вақтда худди атайлаб қилгандек, унинг ўзи бунга шароит яратяпти. Ё, тавба, яна қабристоннинг нақ тепасида туришини-чи? Сал туртиб юборсам, бас, асфаласофилинга қараб кетади. Бу жуда осон. Аммо ундай қилолмайман, одам ўлдиролмайман. Қанчалик ҳаракат қилмай, қўлимдан келмайди. Бироқ уни ўлдиришдан бошқа чорам йўқ! Эҳ, ўзимнинг шунчалик нотавонлигимни билмаган эканман». Ота бошига бир мушт урди.

У беихтиёр хаёлга толди. «Ё тавба, бу ярамаснинг саҳарлаб қабристонга тепаликдан тикилиб туришининг боиси нима экан? Менимча, у ўлимдан қўрқяпти. Балки ўлимдан қўрқмас, бе-самар ўтган умридан, ҳамманинг дилини офритгани туфайли одамларнинг лаънатига учраганидан, ўз ҳаётини ўзи барбод қилганидан пушаймон қилаётгандир. Унда нега қабристонга қараб турибди? У умрининг охирлаб қолганини, нариги дунёга равона бўлганидан сўнг ҳеч ким уни бирор хайрли иши туфайли эсламаслигини, ҳеч бир кимса унинг қандайдир кичкина яхшилигини, ҳатто яхши сўзини ҳам эсга олмаслигидан даҳшатга тушаётгандир. Ўтган умрини ортга қайтаришнинг иложи йўқлигидан юраги ларзага тушаётганмикин. Аммо унинг музлаб қолган юраги буларни ҳис қилишга қодирмикин?

Хўрозлар қичқириб, қўйлар маъраб тонг ёриша бошлади. Тилаволди ортига қайтди, Худоёр ота ҳам. У яна ҳеч нима қилолмаганидан асабийлашди. Хосият хола уйғониб, ташқарига чиқиб кетди. Ота кароватга чўзилиб, хаёл сура бошлади. «Мен уни ўлдиролмайман. Бошқа бирор йўлини топишим керак. Лекин қандай йўл? У ҳар саҳар туриб қабристон тарафга кетишини аниқладим. Балки шундан келиб чиқиб иш тутарман. Ҳа, шундай қиламан...»

Узоқ ўйга толган ота бирдан ўрнидан турди. У, ниҳоят, ҳаммасини режалаштирган эди. Мен буни, албатта, амалга оширишим керак! Эртага худди шу маҳалда Тилаволди ўлган, мени эса ҳибсга олган бўлишади. Агар шу ишни бажаролмасам, бу дунёда яшашимдан маъно қолмайди. Ана шунда оиламиз, авлодимиз тозалигини сақлаб қоламан. Ота ўйлаган режасидан анча энгил тортиб, нонушта қилишга чиқди.

Хосият хола эрининг кайфияти бугун бироз яхшироқ эканини сезиб:

– Дадаси, яхши ухладингизми? – деди.

– Ҳа.

– Худоба шукур, бугун бир марта нонуштага чақиришим билан дарров чиқдингиз, бор бўлинг-э. Айтгандим-ку сизга, ҳамма нарсани вақт даволайди, деб. Мана, секин-секин ҳаммаси изига тушяпти.

– Нима бермоқчисан, ўзи, тезроқ келтир, – деди ота столи бармоқлари билан чертаркан.

– Мана, дадаси, сули ёрмасидан сутли бўтқа тайёрлагандим. Янги сузилган қаймоқ, иссиққина нон, чойдан олинг, – деб хола пиёлага чой қуйиб узатди.

Ота индамай овқатлана бошлади.

– Эсим қурсин, сиз иссиқ нон емасдингиз-ку, мана кечаги нондан, – деб Хосият хола сал суви қочган битта нонни ушата бошлади.

Хола эрининг одатига хилоф равишда иссиқ нондан тўйиб ейишига, тез-тез, чала-чулпа чайнаб ютишига ҳайрон бўлиб қараб қолди. Ота ҳеч нимага эътибор бермай, юзига фотиҳа тортди. Охири сабри чидамай:

– Бирор ёққа шошяпсизми? – деди Хосият хола.

– Йўқ, – деб ота боққа чиқди.

VIII БОБ

Ота бугун тунда ухлашни хаёлига ҳам келтирмасди. У тун яримдан оққанда, эл оёғи тиниб, ҳамма ёқ тинчиб қолганида режалаштирган ишини бажарди. Ишни пухта бажарганига ишонч ҳосил қилгач, ётоқхонага кириб, ўрнига омонатгина чўзилди. У ўзини худди чўғ устида ётгандек ҳис қиларди. Тиқ этган товушга қулоқ тутар, юрагининг қинидан чиққудек бўлиб дукилагани эшитиларди. Бунини ёнида ухлаб ётган хотини ҳам эшитиб уйғониб кетишидан хавотирланиб, чап кўксини қўли билан ушлаб-ушлаб қўярди. Ташқаридан ниманингдир дўпилаб йиқилгани, мушукникига ўхшаган ғалати овоз эшитилди. Худоёр ота ўрнидан сакраб турди, наҳотки тош бошига тушиб у ўлган бўлса, деб қўрқиб кетиб соатга қаради. Йўқ, ҳали вақт-ли, унинг уйдан чиқишига, менинг ҳисобимча, ярим соат бор... У бугун вақтли чиққан бўлса-чи? Йўқ, у эмас... Ота бутун вужуди қулоққа

айланиб ётарди. Жимжитлик чўкди. У жойида ортиқ ётолмай ташқарига чиқиб, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Худоёр ота бирдан хаёлига келган фикрдан кўнгли ёришгандай бўлиб, қўл телефонини олди. Қўнғироғига жавоб бўлмагач, энди ўчирмоқчи бўлганида:

– Эшитаман, – деган овоз келди.

– Алло, Собиржон, мен Худоёр отаман.

– Ассалому алайкум, тинчликми?

– Ваалайкум ассалом, ўғлим, узр, бемаҳалда безовта қиялпман...

– Ишқилиб, тинчликми? – саволини такрорлади Собиржон.

– Бир нарсани сўрамоқчи эдим, барака топгур. Айтинг-чи, яхшилик йўлида бир ярамасни йўқ қилиш ҳам қотиллик ҳисобланадими?

– Албатта.

– Бунинг учун қонунда ҳеч қандай енгиллик йўқми?

– Худоёр ота, кечирасизу, соат нечалигини биласизми? Маслаҳат сўраш учун вақтни ҳисобга олмаганингизни сезяпсизми?

– Ҳа, ҳа, узр, мен бефаросат чолни кечиринг, барака топгур. Нимагадир сизни эсладим.

– Уйқунгиз қочганиданми?

– Йўқ, анчадан бери уйқу менга бегона бўлиб қолган. Ноилож аҳволга тушганимдан, шекилли.

– Нима гаплигини айтасизми?

– Йўқ, бунинг иложи йўқ.

Собиржон индамай қолди. Ота эса буни уйқу-сини бузганимга жаҳли чиқди, бекорга қўнғироқ қилдим, деб тушунди. Бироздан сўнг яна унинг овози эшитилди.

– Ота, биласизми, сизни нималар қийнаётгани менга қоронғи, лекин бир нарсани айтишим керак. Инсон қандай вазиятга тушишидан қатъи назар, ҳеч қачон ўз виждонига қарши бормаслиги лозим. Одам ўлдиришга келсак, буни ҳеч қандай важ билан оқлаб бўлмайди. Мен сизнинг ҳамма нарсани ақл тарозисига қўйиб ҳал қилишингизга ишонаман, чунки шу пайтгача ақлингиз панд бермаганини биламан.

– Раҳмат, ўғлим...

Ота Собиржоннинг гапларидан сўнг ўйлаб қолди. «Унинг айтганлари тўғри. Буни ўзим ҳам билардим. Бошқа чорам йўқ-да... Эй, Худо, нималар қилиб қўйдим! Йўқ, қотил бўлишни истамайман!» Ота чаққон ҳаракат қилиб апил-тапил йиғма нарвонни очди ва уни Тилаволди билан ўрталаридан ўтган деворга қўйди. У боя кўчага чиқавериш жойининг томига зўрға кўтариб чиққан катта харсанг тошга боғлаган ипини ечиб, ўзлари томонга думалатиб юборди. Ичкаридан эшикни очиши билан бошига тош қулайдиган қурилмасини бузиб, арқонни қўлига олиб, нарвондан тушди. У енгил тортиб, хонасига кириши билан деразадан Тилаволдининг ўтиб кетган шарпаси кўринди. У яна қабристон томонга йўл олган эди. «Ҳайронман, у тепаликда туриб қабристонга қараб нималарни ҳис этаркин-а? Қизиқ, нега умри ниҳоялаб қолганида у ёққа кундузи эмас, ҳар саҳарда қатнаяпти. Майли, бу унинг муаммоси, мени эса Худо сақлади. Хайрият, ўша қурилмани вақтида бузиб ташлашга улгурдим. Агар беш дақиқа кечикканимдами, буни ўйлаш ҳам даҳшат», хаёлидан ўтказди ота

ва ўрнига кириб ётиши билан донг қотиб ухлаб қолди.

Худоёр ота Хосият холанинг:

– Дадаси, дадаси, туринг! – деган овозидан уйғониб кетди.

– Нима бўлди, тинчликми, ухлагани қўйсанг-чи...

– Вой, Тилаволди ака оламдан ўтибди, туринг, уларникига чиқмайсизми?

– А, нима дединг? Бўлиши мумкин эмас! Ахир тошни олиб ташлаганман, мен ўлдирмадим...

– Уйқусираяпсиз, дадаси. Ўзи сизга нима бўляпти? Гоҳ туни билан мижжа қоқмай чиқасиз, гоҳида эса тушгача ухлайсиз. Соатга қаранг, ўн иккидан ошяпти. Туринг, ахир Тилаволди ака қариндошингиз, бечора Мансур нима қилишини билмай ўтирибди. Жўшқин алақачон ўша ерда.

Ота карахт ҳолатда ҳеч нима демай ўтириб қолди. Кўзлари қизарган Хосият хола:

– Вой, дадаси, нега индамай ўтирибсиз, ахир Тилаволди ака оламдан ўтибди, деяпман, – деди.

Ота ҳайрон бўлиб:

– Нега ўлади, ким ўлдирибди? – деб сўради.

– Ким ўлдирадди, куни битган. Дадаси, у ёмонми, яхшими, барибир, қариндошингиз эди. Ҳеч бўлмаса, э, шунақами, деб юзингизга фотиҳа тортмайсизми. Нега қотиб қолдингиз, бор бўлинг-э.

Ота ҳақиқатан ҳам қотиб қолган эди. У шу бугун Тилаволдининг оламдан ўтишини сира кутмаганидан довдираб:

– Хайрият... – деди.

– Дадаси, бу нима деганингиз? Бор бўлинг-э. Ҳар ким ўзи учун яшайди. У умри давомида қандай яшайди, нима қилади, бу унинг ўзигагина тааллуқли. Шунинг учун...

– Бас қил сафсатангни, мен бутунлай бошқа нарсани назарда тутиб, хайрият, дедим.

Ота қўлларини юзига тортиб, фотиҳа қилди, сўнг ўрнидан турди.

IX БОБ

Собиржон эрталаб ишга отланди. У йўл-йўлакай Худоёр отанинг тунги қўнғироғини эслаб, нима бўлди экан, деб ўйлади. Ишда ҳам у тунги суҳбатни хаёлидан чиқара олмади. Тушга яқин кириб келган Фарҳод:

– Битта янгисидан эшитишни хоҳлайсизми? – деди жилмайиб.

Собиржон унинг гапига эътибор бермай компьютерда ёзишни давом эттирди. Фарҳод одатдагидек жавоб кутмай латифа айтишни бошлади.

– Математика муаллими ўқувчидан:

– Мирзабек, дейлик отанг уйдан машинада етмиш чақирим тезликда чиқиб кетди. Сизлардан икки чақирим нарида яшовчи отангнинг дўсти эса машинасида соатига олтмиш чақирим тезликда йўлга чиқди. Яхшилаб ўйлаб, жавоб бер, улар қаерда учрашишади? – деб сўрабди.

Ўқувчи тезда:

– Албатта, яқин орадаги кафедрада, – деб жавоб берибди.

Фарҳод латифадан ҳеч қандай таъсирланмаган Собиржонга ажабланиб қаради.

У компьютердан бошини кўтариб:

– Биласизми, кеча тунги соат тўртларда менга ким қўнғироқ қилди? – деди.

– Э, мен қаердан билай сиз тунда кимлар билан гаплашасиз, буни кеннойим қандай қабул қиладилар? – деди кулиб Фарҳод.

– Ишонасизми, алламаҳалда Худоёр ота уйқуни расво қилиб, қандайдир тушунарсиз саволлар берди.

– Ие, отанинг тушига киргандирсиз ёки уйқу-сираб қўнғироқ қилгандир?

– Билмадим, билмадим...

– Ўзи нима ҳақида сўради?

– Агар одам эзгулик йўлида битта ёмон одамни ўлдириб қўйса нима бўлади, деди.

– Тавба, бу чол нуқул шунақа ишларга аралашиб юраркан-да, бир нимани бошлаётганмикин?

Собиржон Фарҳодга бир қараб қўйиб:

– Ким билади дейсиз? – деди.

– Ўзи-чи, ўша чолнинг жинойт олаmidан хабардор экани кўришиб турганди. Унинг қариндоши Жобированинг айбсизлигини исботлаш учун кўчадан гувоҳ топиб келишида ҳам бир гап бор, деб ўйлаганман. Кейин скелет воқеаси...

– Кечирасиз-у, Фарҳод, айрим пайтларда сизни тушунолмай қоламан, – деди Собиржон унинг гапини бўлиб.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Нимани назарда тутаётганимни билишингиз учун аввалги сафар Худоёр ота билан суҳбатда нима деганингизни эслаб кўришингиз кифоя.

– Нима деган эканман?

– Наҳотки хотирангиз шунчалик пасайиб кетган бўлса?

– Унинг ёшлардек тетик эканига ҳавасим келгани тўғри, яна чет тилларига қизиқиши. Бу унинг тўғри одам эканига ишондим, дегани эмас-да, Собиржон ака.

– Бундан чиқди, сиз Худоёр отани қандайдир нопок йўлларда юрувчи киши даб биласиз?

– Билмайман, балки...

Шу пайт Собиржоннинг қўл телефони жиринглади.

– Эшитаман, Худоёр ота, ассалому алайкум.

Фарҳод қўлларини икки томонга ёйиб:

– Тавба, бўрини гапирсанг, қулоғи кўринади, деганлари тўғри, шекилли. Шошиб турганимизда эзмаланади чоғи, – деди норози бўлиб.

Собиржон унинг гапига эътибор бермай ажабланиб елкасини қисганича, майли, ота хайр, деб гўшакни қўйди.

Уларнинг телефондаги суҳбатлари узоққа чўзилмаганига кайфияти кўтарилган Фарҳод:

– Криминални яхши кўрувчи отамиз нима деяптилар? – деб сўради.

– Айтарли ҳеч нима, фақат раҳмат, деди. Бирор нарсани тушунмадим.

– Демак, бир балони бошлаган. Мени айтди дерсиз, тезда қандайдир жиноят ҳақида хабар эшитамиз. Бунга, албатта, ўша чол аралашган бўлади.

– Мен бошқача деб ўйлайман.

– Майли, қўйинг ўша чолни, хўш, нима деб ўйлайсиз, мен сизга бояғи латифани нима учун айтдим.

– Тушки пайт сизнинг қандай жиддий масалада юришингиз маълум. Тортинмасдан гапираверинг, қаерда овқатланишни режалаштирдигиз? Нима емоқчисиз? – деди кулиб Собиржон.

– Э-э, ака, Нострадамус бўлиб кетинг-э. Нима емоқчисиз эмас, нима еймиз, денг. Бир жойга борамиз, у ердаги таомларнинг сизга ёқиши аниқ.

– Буни қаердан биласиз?

– Чунки мен янги очилган диет кафени мўлжаллаяпман.

– Нима бўлди, нега кабобхўрлик ҳақида гапирмаяпсиз?

– Энди фақат парҳез. Ошқозоним безовта қилгандагина сизнинг гапларингиз нақадар тўғрилигига ишондим.

– Ҳа майли, кетдик.

Х БОБ

Худоёр ота Тилаволдининг ўлиmidан сўнг ўйчан бўлиб қолди. У гуноҳкор бўлиб қолишига бир баҳя қолганини эсласа, даҳшатга тушарди.

Инсон гоҳида жуда кучли, у ўзида ҳамма нарсага куч топа олади, гоҳида эса жуда ожиз. Бу руҳиятга боғлиқ бўлса керак, қачонки одамнинг фикрлаши тиниқ бўлмаса, унинг қилмишлари ҳам қора тус оларкан. «Мени нима жин урди ўзи ёки шайтон йўлдан оздирди, деганлари шумикин? Қанақа шайтон, балки бу худбинлигимнинг кўринишидир? Тилаволдига нафратим кучлилигидан унинг неварасини келин қилишни хоҳламадим, холос. Унинг ёмон одам бўлгани учун чевараларим ҳам унга ўхшаб туғилади, деб қўрқдим. Бироқ ўзим-чи, одам ўлдириб қотиллик қилсам, улар ҳам менинг қилмишимни такрорлаши ҳақида нимага ўйлаб кўрмадим?

Инсон гоҳида ақлли, гоҳида эса ғирт нодон. Агар у ўзини бирор фурсат қўлга ололмаса, бу жуда қўрқинчли оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас экан. Ўшанда Собиржонга қўнғироқ қилмасам нима бўларди? У ўзим ҳам билган гап-

ларни айтди. Лекин нима учундир унинг сўзлари фикримдан қайтишимга туртки бўлди.

Инсон гоҳида хато ёки тўғрилигидан қатъи назар ўз фикрига ишонади, гоҳида эса кимнингдир тўғри, одилона маслаҳатидан сўнг ўзининг ноҳақ эканини англайди. Хато қилиш ҳар бир инсонга хос хусусият, уни вақтида тузатиш эса одамдан сергакликни, закийликни талаб қиларкан. Шу ёшимда йўлдан адашишимга оз қолди-я. Яратганга шукрки, вақтида ўзимни қўлга олдим».

Ота шундай хаёллар билан ўтириб, неварасини эслади. Дарвоқе, Учқун ҳеч кимга қўнғироқ қилмай қўйди, қўнғироқларга ҳам жавоб бермайди. Балки бизнинг тўйга қарши эканимиз учунмикин?

Учқунни хафа қилиб қўйдим, майли, ўзи истаган қизга уйлансин. Мен қарши эмасман. Севимли неварамнинг овозини эшитмаганимга анча бўлди. Уни соғиндим, қўнғироқ қилиб ҳаммасини гаплашаман, керак бўлса кечирим сўрайман. Ота шуларни хаёлидан ўтказиб, телефонини қўлига олди. У рақамларни териб, неварасини севинтиришини ўйлаб энтикиб кетди.

Ота гўшакдан:

– Ассаломалайкум, буважон, – деган овозни эшитиши билан:

– Ваалайкум ассалом, болам, соғ-саломат юрибсанми? – деди. Нима учундир унинг кўзларига ёш келиб, гапиролмай қолди.

– Бува, ўзингиз яхшимисиз?

– Яхши, нега қўнғироқларимизга жавоб бермадинг, барака топгур, сендан хавотирландим.

– Нимадан хавотирланасиз, бизни бошқа ерга амалиёт ўташга олиб кетишди. У ердан қўнғироқ қилишнинг иложи бўлмади...

Ота бирпас жимиб қолди. Баҳона қияпти, аслида хафа бўлган, деб ўйлади. У ўзининг энди тўйга қарши эмаслигини дабдурустдан айтмай, бошқачароқ йўл билан билдирмоқчи бўлди.

– У қиз бечора ҳам хафа бўлиб юргандир, – деди.

– Қайси қиз?

– Ўша яхши кўрган қизингни айтяпман-да.

– Йўқ, ҳар доимгидек.

– Бувасининг ўлимига сиқилмаяптими?

– Унинг буваси алақачонлар оламдан ўтган-у, шунча йилдан кейин ҳам хафа бўлиб юрадими?

– Бу нима деганинг, қачон вафот этган?

– Унда Манзура дунёга келмаган экан.

Худоёр ота неварасининг гапига гарангсиб, ҳеч нимани тушунмай қолди. Кейин ўзини ўнглаб:

– Уни исми ким дединг... – деди каловланиб.

– Манзура, дедим. Ўша мен ёқтирган қиз, бува.

– Йўқ, бобосининг исмини сўраяпман.

– Ҳа, бобосининг исмини сўраяпсизми? Бувамнинг исми Шерали, деганди, буважон, Шерали. Дадасининг исми Мансур. Мен Манзурага бобонг ёмон одам бўлган экан, шунинг учун бувам тўйимизга қаршилар, десам ажабланиб, «Ахир менинг Шерали бувам оламдан ўтганларига йигирма беш йилдан ошган, уларни бамаъни киши бўлганликларини уйдагилар гапириб ўтиришарди», – деганди. Мен уни танишингизни айтганман.

– Уларнинг оиласи қаерда яшайди?

– Айтганман-ку, қўшни маҳаллада, деб. Тўғриси, сиз уларни қандай танишингизга ҳайронман.

Ота жим бўлиб қолди. У энди Учқуннинг яхши кўрган қизи бутунлай бошқа эканини, унинг шаҳардаги ўғлига қўшни бўлиб яшашини тушунганди.

– Сен қишлоқда бизга қўшни бўлиб яшовчи Тилаволдининг ўғли Мансурни танийсанми? У ҳам оиласи билан шаҳарда яшайди.

– Йўқ, танимайман, нимаиди?

– Ўғлим, англашилмовчилик бўлибди, мени кечир, болам.

– Нимага кечирим сўраяпсиз, ҳеч нимани тушунмаяпман, бува?

– Гап шундаки, ўша Мансурнинг қизи ҳам Англияга ўқигани кетган. Бувинг қўшнимиз Мансурнинг қизи деганига мен Тилаволдининг невараси деб ўйлаб...

– Э-э, буважон, энди тушундим. Бу қанақаси бўлди, яқинда скелет воқеаси, ҳеч қанча вақт ўтмай бу гап? Наҳотки қариётган бўлсангиз, бува? Мен сизни ҳеч қачон қаримайсиз, ҳамиша теран фикрлайсиз, деб ўйлардим.

– Болам, билмадим, қарияпманми ёки ... – деб ота индамай қолди.

– Ҳазиллашдим, буважон, сиз ҳеч қачон хатога йўл қўймайсиз. Янглишиш эса ҳаммада учраб туради. Мен сиз билан фахрланаман.

Худоёр ота невараси билан гаплашиб бўлиши билан овозининг борича:

– Хосият! Хосият! – деб бақирди.

Ошхонадан келини Жамила югуриб келиб:

– Дадажон, тинчликми? – деб сўради.

– Хосият қани?!

– Ҳозир чақираман, – деб боққа югуриб чиқиб:
– Ойи, ойижон! Кела қолинг тезроқ, – деди овозини баландлатиб.

Ҳовлиқиб кирган хола:

– Дадаси, тинчликми? – деди нафасини ростлай олмай ҳаллослаб.

Худоёр ота унга бармоғини бигиз қилиб:

– Қани менга айт-чи, Учқун Тилаволдининг неварасига уйланыпти, деб ким айтганди? – деди.

– Ёқутхон келинимдан ўғлинг танлаган қиз ким экан, деб сўраганимда, у бир қадам нари қўшнимиз Мансурнинг қизи, деганди. Нега сўраяпсиз, дадаси?

– Демак, у қўшнимиз Мансур деган, тўғрими?

– Ҳа...

– Унда нима учун Учқун Руқиянинг неварасига уйланмоқчи, дединг. Ахир келининг шаҳардаги ўз қўшнисини айтган-ку. Сен ҳатто уларни танимайсан ҳам.

– Вой, бор бўлгур-э, унинг ҳам исми Мансур эканми?

– Нима, сен Мансур исми фақат Тилаволдининг ўғлига қўйилган, бошқа ҳеч қаерда йўқ, деб ўйлаганмидинг, аҳмоқ!

– Вой ўлмасам, бундан чиқди, у бошқа қиз эканми?

– Ҳа, бутунлай бошқа қиз. Сенинг ақлинг кирди-чиқди бўлиб қолганини билсам ҳам, гапингни тўғри қабул қилибман-а. Неварамнинг у қизни икки йилдан бери яхши биламан, деганига ҳам эътибор бермабман. Ахир Мансурнинг қизи Англияга кетганига бир йил бўлган-ку.

– Ҳа, рост, бир йил бўлган...

– Шунча сиқилганларим, Учқунни хафа қилганим-чи? Ўзи мени нима жин урди, ҳайронман.

– Мен ҳам шунга ҳайронман, ҳаммасини ипидан игнасигача синчиклаб текширадиган одам қандай қилиб хатога йўл қўйди, деб...

– Бу машмашаларга сен айбдорсан-ку, яна бийрон-бийрон гапиряпсан. Кечирим сўраш ўрнига хатога йўл қўйди, деганини қаранг.

– Кечиринг, дадаси. Сиздан ўтиниб сўрайман, ҳеч қачон синчковлигингизни йўқотмаслигингиз керак экан, акс ҳолда ҳаммамизнинг ҳолимизга вой бўларкан. Озгина янглишганингиз оиламизга қанчалар ташвиш келтирди. Шунинг учун айтишаркан-да, бош бўлмаса, гавда лош, деб.

XI БОБ

Собиржон ичидаги қоғозлари кўплигидан семириб кетган папкани варақларкан, Фарҳодга:

– Терговни давом эттириш учун олган қўшимча вақтимиз ҳам тугай деб қолди, – деди.

– Ҳа, ҳеч қандай натижа чиқмаяпти. Мен ҳозир ҳам ўз фикримда қолганман. Ўша Жобирова Гулҳаёни қамоққа олмасак, вазият ўзгармайди, деб ўйлайман.

– Уни ҳибсга олиш нимани ўзгартиради? – деди Собиржон ўрнидан туриб.

– Нимани бўларди, у айбини бўйнига олади ёки қотилликни ким қилганини айтади-да.

– Чоллар қотил эркак одам эди, деб кўрсатма берган-ку. Жобирова айбдор бўлмаса, қандай иқрорлик билдириши мумкин?

– Мен шу Худоёр деган чолга умуман ишонмайман. У гувоҳни кўчадан топиб келгани аниқ. Менимча, улар илгаридан таниш. Чол қандай йўл билан бўлмасин, жиянини оқламоқчи.

– Уларга ишонмаслик учун бирор асосингиз борми?

– Худди шунингдек, ишониш учун ҳам ҳеч қандай далилим йўқ. Барибир, мен ўша Жобировлар оиласидан кимнидир қамоққа олишни таклиф қиламан. Чунки марҳумларнинг шу оила аъзоларидан бошқа душманлари бўлмаган. Ҳамма далиллар уларга қаршилигини ҳам яхши биласиз.

– Бу фикрингизга қўшилмайман, – деди Собиржон деразадан ташқарига қараганича ўйга толиб.

– Шундай юраверсак, ҳаш-паш дегунча қўшимча муддат ҳам тугаб, аҳволимиз баттар ёмонлашиши кўриниб турибди.

– Бу гапингизга эса юз фоиз қўшиламан. Бироқ нимани кўздан қочирдик? Қаерда хато қилдик? – деди Собиржон Фарҳодга қараб.

– Менимча, ҳаммасини тўғри олиб боряпмиз.

– Унда нега жиноят ҳалиям очилмади?

– Шаҳарда сўроқ қилинмаган киши кам қолди. Шунча пайтдан бери эрталабдан кечгача тергов, текширилмаган бирорта тешик йўқ. Ўша алкашларнинг ўлими кимга керак бўлганига ажабланиман. Ростини айтсам, ҳеч қачон ишдан бу қадар безор бўлмаганман. Ишонасизми, кўзим мана шу папкага тушиши билан кўнглим беҳузур бўла бошлайди, – деб Фарҳод бармоғини бигиз қилиб Собиржоннинг столида ётган папкани кўрсатди.

– Бирор янгилик чиқармикин, деб сизни суҳбатга тортсам, дардингизни дастурхон қилишингизни-чи.

– Ўзингиз ҳам яхши биласиз, ўша икки ароқ-хўрни деб кунимиз тунларга уланиб кетган. На уйқуда ҳаловат бор, на дам олишда. Овқатла-

нишни-ку айтмаса ҳам бўлади. Ошқозонни тин-
читиш учун номигагина нимадир тановул қи-
лишга тўғри келяпти. Ҳамма ёқнинг тит-питини
чиқариб текширдик, қотилни қидирдик. Бироқ
натижа кўринмаяпти. Лекин кўнглим сезяпти,
қотил Жобировлар оиласидагилардан бошқа ҳеч
ким эмас. Шунинг учун...

Собиржон унинг гапини бўлди.

– Фарҳод, келинг, сал кенгроқ доирада ҳам
ўйлаб кўрайлик. Қотил балки биз умуман кутма-
ган кимсадир. Ахир...

Собиржон сўзларини охирига етказмай, жи-
ринглаётган телефон гўшагини кўтарди.

– Эшитаман.

Гўшакдан навбатчининг:

– Собиржон ака, Худоёр ота деган одам ол-
дингизга киришга рухсат сўраяпти, – деган ово-
зи эшитилди.

– Кирсин.

– Ким экан, кечга яқин ҳеч кимни чақирма-
гандим-ку, – деди Фарҳод ажабланиб.

– Худоёр ота келибди.

– Оббо, шу етмай турувди, – деб Фарҳод қўлла-
рини икки томонга ёзди.

Эшикдан кириб келган Худоёр ота терговчи-
лар билан саломлашаётди:

– Узр, бу чол истаган пайтда кўнғироқ қилади,
хоҳлаганида бостириб келаверади, деб ўйламан-
глар, – деди хижолатомуз.

– Хўш, отахон, сиз ҳақингизда қандай хаёлга
боришимизни истардингиз? – деди Фарҳод ис-
техзоли жилмайиб.

Собиржон чолни хафа қилиб қўймаслик учун
унинг гапларини силиқдашга тушди.

– Худоёр ота, сизнинг бекорга келмаслигингизни биламиз, марҳамат, ўтиринг. Соғликларингиз яхшими? – деди унга стулни тортиб жой кўрсатаркан.

– Раҳмат, ўғлим. Сизларни безовта қилишимнинг, ташрифимнинг боиси, қотилнинг изи чиқяптими, шуни билмоқчи эдим. Жиянларимдан хабар олишга келгандим, улар ҳеч қандай янгилик йўқ, деб тарвузлари қўлтиқларидан тушиб ўтирганларига ажабландим. Наҳотки шунча пайтдан бери жиноятчи топилмади?

Табиатан оғир-босиқ Собиржон унинг гапларига жавоб бериш учун оғиз жуфтлаганида Фарҳод кесатиқ қилди:

– Отахон, заб келдингиз-да. Агар келмаганингизда биз терговчилар ўша қотиллик ҳақида эслаб ҳам кўрмасмидик? Яна ким билади, балки юқоридагиларнинг ишламаяпсизлар, деган даккилари камлик қилаётганмиди? Очигини айтганда, ўзи кўшимча дўқ-пўписага эҳтиёж сезилаётганди.

Ота ножўя гапириб қўйдим чоғи, деб ўзини ноқулай ҳис қилиб:

– Узр, бевақт келдим, шекилли. Мен фақат шуни билмоқчи эдим, кета қолай, – деб ўрнидан турди.

– Йўқ-йўқ, ўтиринг, ростини айтганда, отахон, жуда вақтида келдингиз. Сизни қўнғироқ қилиб йўқламоқчи бўлиб турувдим. Кўнглингиз сездими, дейман, ўзингиз кириб келдингиз, – деди Собиржон.

Ота унинг мулозаматидан кўнгли жойига тушиб, бошқатдан ўтирди ва Фарҳодга зимдан назар солди. У Собиржоннинг гапларига ҳайрон қолиб, нима гап, дегандек савол назари билан қараб турарди. Собиржон эса унга эътибор бермай отага чой узатди.

– Раҳмат, ўғлим, – деб пиёлани олиб столга қўйди. – Тинчликми, нега йўқламоқчи эдингиз? – деди ота.

– Ўша тундаги қўнғироғингиз туфайли. Нега вақт алламаҳалда қотиллик ҳақида сўрадингиз? Бунга сизни нима мажбур қилди? Арзийдиган сабаб бордирки, тунда ширин уйқудан кечиб мени эслагандирсиз, тўғрими?

– Ҳа, тўғри. Лекин ҳаммаси яхшилик билан ўтиб кетди. Мен сизга ўз миннатдорчилигимни билдирувдим. Яна бир марта раҳмат, ўғлим.

– Мен қайта-қайта раҳмат эшитаётганимнинг сабабини билсам бўладими ёки бунга ҳаққим йўқми?

– Бунга юз марта ҳақлисиз, аммо тафсилотларни гапириб беришим ҳозир тўғри келадими, йўқми, деб ўйлаяпман.

– Жуда вақти-да, нимадан истиҳола қилаётганингизни тушунмаяпман.

– Фарҳоджонни назарда тутаётгандим. Иш вақти тутаган, бунинг устига шошиляпсизлар, шекилли, – деди ота Фарҳодга ишора қилиб.

– Сиз Фарҳодга эътибор берманг, у кечки овқатга шошиляпти. Биласиз, болаларнинг қорни тез оч қолади. Бораверсин, биз бафуржа суҳбатлашамиз, майлими?

Уларнинг гапи Фарҳоднинг нафсониятига тегди.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, биров сизларга шошиляпман, дедими? Менинг номимдан гапирингизга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, – деди тўнғиллаб.

Собиржон унинг ёш боладек аразлаганига қулиб қўйиб, Худоёр отага юзланди:

– Хўш, ўзи нима бўлганди? – деди.

– Э, сўраманг, Собиржон. Нималар бўлганини сўзлаб беришга ҳам уяламан. Одам айрим пайт-

да ўзига ўхшамай қоларкан. Биласизми, Тила-
волди пес билан қуда бўлишимизни эшитиб қай
кўйларга тушдим.

– Йўғ-э, ўша ўзингиз таърифлаган, ёмон кўра-
диган қўшингиз билан қуда бўлдингизми? –
деди Собиржон ҳайратланиб.

– Уни ўлдириб қўйишимга озгина қолганини
айтмайсизми?

– Ишқилиб, у тирикми? – деди Фарҳод қизиқиб.

– Ўлди.

– Қандай қилиб? – деди Собиржон.

– Наҳотки уни ўлдирган бўлсангиз? – деди
Фарҳод кўзларини катта очиб.

– Ҳаммасини гапириб беришим керак, бўлма-
са, ҳеч нимани тушунмайсизлар, – деб Худоёр
ота бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бера бошлади.

Йигитлар отанинг гапларини гоҳ сергак тортиб,
гоҳ кулгидан ўзларини тўхтатолмай тингладилар.
У ҳикоясини тугатганидан сўнг Собиржон:

– Келин бутунлай бошқа қиз экан, денг, – деди.

– Ҳа, мени Яратганнинг ўзи сақлади. Сиз эса
қотилликка қўл урмаслигимга сабабчи бўлдингиз.

– Менимча, сиз тунда менга қўнғироқ қилаёт-
ганингиздаёқ бир қарорга келиб бўлгансиз, ҳам-
масини ўзингиз ҳал қилгансиз.

– Балки шундайдир, лекин сизнинг гапларин-
гиз қароримга нуқта қўйган бўлса, ажаб эмас,
барака топгур.

– Биласизми, Худоёр ота, ўйлардимки, инсон
ёши ўтган сайин вазминлашиб, етти ўлчаб бир
кесадиган, оқ-қорани яхшилаб ажратадиган,
хатога асло йўл қўймайдиган бўлиб қолади, ҳам-
ма хатолар ёшлиқда содир қилинади, деб. Сиз-
дай одам қотиллик қилишига бир баҳя қолибди-

ми, бундан чиқди киши қачон ақл тарозисини эҳтирослар қўлига бирор муддатга бериб қўйса, иш пачава экан-да.

– Ҳа, худди шундай, менда худбинлик устун келиб, ақлимни, виждонимни унутиб қўйишимга оз қолди. Майли, йигитлар, мен борай, – деб Худоёр ота ўрнидан турди.

У хайрлашиб эшик олдига борганида орқасига ўгирилиб:

– Айтмоқчи, сизларга бир одамни кўрсатмоқчи эдим, – деди.

– Кимни? – деди Собиржон унинг нима демоқчилигини тушунмай.

Ота ортига қайтиб, чўнтагидан телефонини чиқарди. У телефондаги расмни кўрсатаркан:

– Мана бу одамни, – деди.

Собиржон телефонни қўлига олиб, сочи калта қилиб олинган, юзи тўртбурчакроқ, бурни ясси, кўзлари сал қисик, қошлари тарқоқ, чап қошининг устидаги чандиғи кўзга ташланиб турган, устки лаби пасткисидан каттароқдигиданми афти совуқ кўринаётган расмга диққат билан тикилиб:

– Ота, бу ким? – деб сўради.

– Танимайман, шунинг учун ҳам уни суратга туширдим.

– Сиз ҳамиша танимаганларингизни суратга туширасизми? – деди Фарҳод ҳам яқин келиб расмга қараркан.

– Йўқ, шубҳали туйилганларни, – деди ота.

– Ўзи бу одамни қаерда учратдингиз? – деди Собиржон унга телефонини қайтариб бериб.

– Қишлоқда, маҳалла кенгашининг нақ рўпарасида. Мен маҳалла кенгаши фаолиман. У ерда Умрзоқнинг хотини билан келини орасидаги мо-

жарони кўриб чиқиб бўлганимиздан кейин катта йўлнинг нариги бетига ўтсам, бир одам:

– Бобой, шу ерда такси тўхтайдими? – деб сўради.

Мен:

– Ҳа, – дедим. Бу нотаниш одам менга қандайдир ғалати кўринди. Тўғрироғи, у шубҳали туйилди. Бирор нарсани аниқлаш мақсадида худди машина тўхтатаётган одамдек мен ҳам унинг ёнида туриб олдим.

– Сиз қайси томонга, ўғлим, балки йўлимиз бирдир, – дедим.

– Шаҳарга, – деди у гаплашгиси келмай нарироққа кетиб.

Мен унга яқинроқ бориб:

– Ўғлим, бизнинг қишлоқда танишларингиз борми? – деб сўрадим.

– Йўқ, ўзи бу ердан шаҳарга такси ўтадими, бобой? – деди у бироз асабийлашиб.

Унинг гапириш оҳангидан англадимки, мен билан суҳбатлашгиси йўқ, бу нарса унинг кимлигига бўлган қизиқишимни янада орттирди. Чўнтагимдан телефонимни чиқариб, озгина ҳийла ишлатишимга тўғри келди. Унинг рўпарасига келиб, худди билмасдан босилиб кетгандек расмга туширдим ва ҳайрон қолиб турган ўша одамга телефонимни узатиб:

– Ўғлим, неварамнинг телефонини қандай ишлатишни ҳам билмайман, нималаридир босилиб кетдими-ей, ёрдам беролмайсанми? – дедим.

У узоқдан кўринган машинага қўлини кўтариб:

– Вақтим йўқ, бобой, ўзингиз тушунадиган нарсани кўтаринг! – деди ва тўхтаган машинага чиқиб, хайр-хўшни насия қилиб кетиб қолди.

Мен унинг расмини қишлоқдагиларга кўрсатдим, бирортаси танимади. У кимса бизнинг қиш-

лоққа нима мақсадда келган, ўзи ким у, деган саволга жавоб тополмаяпман. Участка инспекторидан ҳам суриштирдим, у ҳам билмайди. Ҳозир чиқиб кетаётганимда ўша расм эсимга тушиб қолди. Фарҳоджон, бу чол нега ҳамма нарсага бурнини тикәверади, деб ўйлашингизни билсам ҳам сизларга шу одам ҳақида айтишни лозим топдим.

– Нега энди, мен доимо сизга ҳавасим келган, – деди Фарҳод бироз ўнғайсизланиб.

– Ундай бўлса, раҳмат, ўғлим.

Собиржон отанинг телефонидаги расмни компьютерига ташларкан:

– Худоёр ота, қанийди ҳамма ҳам сиздай те-варак-атрофга эътибор билан қараса. Бу одам балки ҳамма қатори оддий инсондир. Балки жиноятчидир, ким билади. Ҳар қалай текшириб кўрсак, зарар қилмайди, – деди.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

ГИЛАМДАГИ БИТИКЛАР

І БОБ

Худоёр ота бешинчи синфда ўқийдиган невараси Темур мактабдан келганидан кейин у билан маҳалла гузаридаги сартарошхонага йўл олди. Ота йўл бўйи неварасидан мактабдаги янгиликлар, ўқишлари ҳақида сўраб борарди. Етиб келганларидан сўнг у очиқ эшикдан ичкарига қаради. Ўсмир боланинг сочини текислаётган сартарош йигит отанинг яқин дўсти Соли сартарошнинг невараси эди. У бувасининг ўртоғини кўриб:

– Ассалому алайкум, Худоёр ота, пича кутиб турасиз-да энди, – деди.

– Ваалайкум ассалом, ҳорма, ўғлим. Соли яхшими, мазаси бўлмай докторга чиқибди, деб эшитдим?

– Ҳа, бувамнинг товлари қочиб, бизни анча кўрқитдилар. Шукр, ҳозир тузуқлар.

– Уни йўқлаб бормоқчи эдим. Ишларим кўпайиб йўлим тушмади. Тузалиб қолган бўлса, яхши. Майли, ўғлим, мен ўтира тураман, – деб ота ташқаридаги катта йўлга қаратиб ўрнатилган ўриндиқ томон юрди. Темур эса навбат кел-

гунча нариги залда жойлашган стол тенниси ўйнаш учун бобосидан рухсат сўради.

– Боравер, фақат кўп қолиб кетма, – деди ота.

У катта йўлдан зир-зир ўтаётган машиналарга қараб, хаёл сура бошлади. «Йўл бунча серқатнов бўлмаса? Яқин ўн беш, йигирма йиллар олдин бу йўлдан саноқлигина машиналар ўтарди. Бунинг устига, машиналарнинг чиройлилигини айтмайсизми? Ҳар оилада битта, ҳатто иккита машина бор, шукр. Тўкин-сочин яшаётганимизга шукр...» Йўлнинг нариги бетигаги уйларнинг биридан чиқиб, катта йўлга қараб келаётган кишига отанинг кўзи тушиб, хаёли бўлинди. У диққат билан тикилди. «Ие, бу ўша кунги нотаниш одам-ку. У Ҳайдар криминалнинг уйидан чиқдимми ёки Ҳаким темирчиникиданми? Менимча, Ҳайдарникидан чиқди-ёв. Ўғлининг ўртоғимикин? Балки шундайдир? Ўзимам кейинги пайтларда жуда ваҳимачи бўлиб қолганман. У одам бизнинг қишлоқда нима қилиб юрибди, деб шубҳаланиб прокуратурадагиларга ҳам етказибман. Биттасининг ўртоғи бўлиши мумкинлигини нега ўйлаб кўрмадим-а, деб ота ичида ўзини койий бошлаган эди, Ҳайдарнинг уйи эшиги очилиб, яна бир одам чиқди, у тез-тез юриб, кичик кўчага бурилиб кетди.

Бу бола Суюн лақманинг невараси эмасми? Исми нима эди-я, эсимдан чиқди. Ҳа, худди ўзи. Нега бунча шошилиб, ортидан ит қувлагандек тез юриб кетди экан? Тўхта-чи, яна биров чиқяптими? Йўқ, у Ҳайдарнинг ўғли Мардон. Бошини чиқариб, у ёқ-бу ёққа қаради-да, эшикни бекитиб қўйди. Тавба, одатда уйга меҳмон келганида мезбон уни кузатиб чиқарди. Мардон

эса худди бир нимадан қўрққандек, кузатиш у ёқда турсин, тезда эшикни бекитиб қўйди. Қандайдир ғалати...»

– Худоёр ота, марҳамат, келинг!

Сартарошнинг овозидан унинг диққати бўлинди. Ота индамасдан қаршисидаги стулга ўтириб, яна ўйлай бошлади. Сартарош 20 ёшлардаги бўйи узун, оқ-сарикдан келган, кўзлари сал қисикроқ, ҳаракатлари эпчил, чаққон йигит бўлиб, сўзамолгина эди. У бобосининг касали, унинг қандай тузалгани ҳақида тўхтамай гапирарди. Отанинг қулоғига унинг сўзлари кирмас, у Суюн лақманинг невараси, нотаниш одам ва Ҳайдар криминалнинг ўғли орасида қандай боғланиш бўлиши мумкинлигини ўйларди.

– Суюннинг неварасини исми нима эди? – деди ота.

Сартарош йигит, мен Суюн бобонинг невараси ҳақида гапирмаётгандим-ку, деб ўйлаб, бироз таажжубланиб:

– Қайси Суюнни айтяпсиз? – деб сўради.

– Суюн лақма-чи?

– Ҳа, Рашидни сўраяпсизми?

– Дарвоқе, исми Рашид эди. У ҳозир қаерда ишляпти, билмайсанми?

– Фишт заводида ишларди. Кеча дадаси Эрмат ака уни ишдан бўшади, деётган эди.

– Нега?

– Бир ёққа кетмоқчи, шекилли.

– Қаёққа?

– Ким билади, дейсиз? Балки чет элгидир. Худоёр ота, тепакал бўлганингиз етмагандек, сочингизнинг қолган қисми ҳам анча сийраклашиб қолибди. Ҳаммасини таг-тути билан олиб

ташласам-чи, нима дейсиз? – деди сартарош отанинг сочларини бармоқлари билан тароқлаб.

– Йўқ, ҳар доимгидек калталаб, текисла.

– Майли, истаганингиз. Айтиб қўяй, бувам аллақачонлар сочнинг баҳридан ўтганлар.

– Балки соч бувангнинг бошини тарк этгандир? – деди кулиб ота.

– Бошингизни ялтилатиб, «крутой» ота бўлиб юрасизми, дегандим-да. Аммо-лекин кийинишингизга жуда мос тушарди. Яна ўзингиз биласиз, сизга бир нима дейишга ҳали ёшлик қиламиз...

– Суюннинг невараси қаёққа кетмоқчи ўзи? – деди ота унинг гапини бўлиб.

– Билмайман, боя айтганимдек, чет элга ишлагани кетаркан, деган гаплар қулоғимга чалинувди. Аммо-лекин қаерга кетади, нима иш қилади, бунисини билолмадим, – деб сартарош йигит ишга киришиб кетди.

– Туппа-тузук ишини ташлаб қаёққа кетади? Ўқигани кетади, десам, бирор институтни битирмаган. Айрим ёшларга умуман тушунолмайман.

– Нимасига тушунмайсиз, отахон? Ахир чет элдан қоп-қоп пул, йўғ-э, валюта ишлаб келишга кетмоқчидир-да.

– Чет давлатда ким унга шунча пул бераркан, барака топгур? У ердагилар қачон Рашид лақма келиб, қоплаган пулларимизни олиб кетаркин, деб шай турибдиларми? Вой, аҳмоқ-ей. Ўзимизнинг юртдаги ёшларга яратилган шароитнинг нимасига норози экан? Кўп пул топармиш, хумпар, сен олдиндан оққан сувнинг қадрини бил, дейдиган одам йўқмикин унга? Бобоси ҳам ким нима деса, лаққа тушадиган овсар эди. Айтмоқ-

чи, Мардон бирор ишнинг бошини тутдимикин ёки ҳалиям бекорчими?

– Нега уларни сўраяпсиз, ота?

– Шунчаки ўзим, биласанми қаерда ишлашини?

– Э-э, ўша такасалтанг ёлчитиб бирор ерда ишлармиди? Анув куни сочини олдиргани келганида шаҳарда ишляяпман, деганди. Аммо-лекин унинг гапига ишониш қийин, яна ким билади дейсиз?

Худоёр ота невараси билан сартарошхонадан келгунча қош қорайди. У уйқуга кетгунга қадар қишлоқларида пайдо бўлиб қолган ўша нотаниш кимса ҳақида ўйлаб, охири унинг Ҳайдар криминалнинг ўғли Мардон билан алоқаси бўлиши керак, деган тўхтамга келди. Буни аниқлаш йўларини қидира-қидира уйқуга кетди. Эрталаб туриб тўғри участка нозирининг олдига бориб, ҳаммасини гапириб бермоқчи эди, лекин фикридан қайтди. У скелет воқеасидан кейин анча эҳтиёткор бўлиб қолганлиги учун олдин бошқа иш қилиш лозим. Ҳар қалай Суюннинг невараси ўзига ўхшаб соддароқ бўлса керак, гаплашиб кўрай-чи, деб ўйлади.

II БОБ

Апил-тапил нонушта қилиб кўчага отланган отага:

– Вой, бор бўлинг-э, дадаси, қаёққа, шаҳарга тушаман деётувдингиз-ку? – деди Хосият хола.

– Бошқа ишларим чиқиб қолди.

– Болаларга бериб юборишга майда-чуйда тайёраб қўйган эдим. Шаҳарга қачон борасиз?

– Барака топгур, ишим чиқиб қолди, дедим-ку, борарман...

– Менга айтмасдан кетиб қолманг деяпман-да, болаларга бериб юборадиган нарсаларим бор, қатиқ, сузма дегандек.

– Ҳа, яхши, шаҳарга борсам олиб кетаман, – деб ота шошилиб кўчага чиқиб кетди.

– Кеча қатиқ қилиб қўювдим, ишқилиб, мазаси ўзгариб қолмасин-да, – деди хола ўзича гапириб.

Худоёр ота Суюн буванинг эшигини тақиллатди. Эшикни унинг ўғли Эрмат очди. У отани кўриб, эрталабдан нима гапи бор экан, дегандек ажабланиб:

– Ассалому алайкум, келинг, Худоёр ота, – деди.

– Ўғлинг уйдами?

– Қайсиниси?

– Рашидни сўраяпман.

– Ҳа, уйда, тинчликми, унда нима ишингиз бор эди? Ичкарига кириб, ота.

– Унинг ўзига алоқадор гап, вақтим зиқроқ, чақириб чиқа қол.

– Майли, ҳозир, – деб у ичкарига кириб кетди.

Кўп ўтмай Рашид чиқди. У Худоёр отага савол назари билан қаради.

– Ваалайкум ассалом, қишлоқда сени чет элга кетади, деган гаплар юрибди, шу ростми? – деди ота.

– Буни сизга нима дахли бор? – деди Рашид кўрслик билан.

– Ие, занғар, бу қандай жавоб? Алоқаси бордирки, сўраяпман, хўш, кетяпсанми?

– Кетсам-чи?

– Кетсанг оқ йўл, фақат қаерга кетяпсан, барака топгур? У ерда нима қилишингни билмоқчи эдим.

– Ўзингизнинг неварангиз кетаётганида ҳам шуларни сўраганмидингиз?

– Албатта, у ҳамманинг розилигини олиб, Англияда институтнинг охирги курсини тамомлаб, кейин докторлик диссертациясини ёқлаб келишни мақсад қилиб кетган.

– Сизнингча у ёқларга фақат неварангизга ўхшаган ўқишни ният қилганлар борадими?

– Ҳа, албатта.

– Жуда катта кетмаяпсизми, Худоёр ота? Бизга ўхшаган меҳнат қилишни истаганларга мумкин эмасми?

– Ким сенга бундай деяпти? Балки мен ёрдам бермоқчидирман, нега жаҳл қилипсан, барака топгур?

– Мен сиздан ёрдам сўрадимми?

– Йўқ, сўрамадинг. Балки кимлардир бу ишда сенга ёрдам қўлини чўзаётгандир-а?

– Балки шундайдир...

– Сенга айтсам, Мардоннинг гапига кирма, нега деганда, унинг ўзи йўлини тополмай, аросатда юрибди. У иш ёқмас, такасалтанг, бировга тўғри маслаҳат беролмайди, деб ўйлайман.

– Буни ўзимга қўйиб берсангиз, – деди Рашид энсаси қотиб бошқа ёққа қараркан.

Ота унга эътибор бермай давом этди:

– Унинг шаҳарлик дўсти эса фирт товламачи.

– Сиз у билан гаплашиб кўрмагансиз-ку, қаердан биласиз?

– Биламан-да, болам. Дадангга айтганмисан?

– Нимани?

– Чет элга кетишингни.

– Ҳали кетишимиз аниқ бўлмаса, нима қиламан подадан олдин чанг чиқариб. Ўзингиз бу гапни қаердан топдингиз, ҳайронман. Нима, мен сизга чет элга кетаман, дедимми?

«Демак, ҳамма гумонларим тўғри экан. Ўша нотаниш киши Мардоннинг уйидан чиққанлиги аниқ бўлиб қолди. «Унинг шаҳарлик дўсти ғирт товламачи», десам, «У билан гаплашиб кўрмагансиз-ку», деди. «Кетишимиз» деганига қараганда яна кимлардир бор. Улар ниманидир режалаштиряптилар, яширинча ҳаракат қилишлари, бу албатта ноқонуний ишга ўхшаяпти», деган гапларни хаёлидан ўтказган ота:

– Сен менга ҳаммасини гапириб берсанг... – деб гап бошлаган эди, Рашид отанинг гапини шартта бўлиб:

– Кечирасиз, мен сизга ҳеч нимани айтмайман. Сизга маслаҳатим, бировларнинг ишига аралашманг. Тушундингизми, шу билганим... – деб ичкарига кириб кетди.

Худоёр ота ўйланиб қолди. У эшикни яна тақиллатди. Эрмат шошиб чиқиб:

– Ие, ота, Рашид билан гаплашдингизми? Мен ҳам билай, ўзи, нима гап, Худоёр ота? – деди.

– Ўғлингнинг режаларидан хабаринг борми?

– Йўқ...

– У чет элга кетмоқчи, буни биласан, бироқ нега яширяпсизлар? Ана шуниси ғалати-да.

– Сиз нотўғри тушунгансиз чоғи. Рашид менга очиқ гапирмаяпти, шунинг учун сизга бир нима дейишга қийналяпман. У ҳаммаси ҳал бўлганидан сўнг айтаман, шунгача ҳеч нима сўраманг, деган. Э-э, бу ёшларга бир нима деёлмайсан...

– Унинг кимлар билан учрашиб юрганини, ўртоқлари ким эканини биласанми, барака топгур?

– Қап-катта йигит-ку, ёши йигирмадан ошган. Ўзи бир йўлини топиб кетар. Рашид ишига аралашгани ёқтирмайди, шу сабабли мен

унинг муаммолари билан қизиқмайман. Энди, ота, нима ҳам қила олардим. Ўзингиз ҳозирги ёшларни биласиз...

– Ие, бу нима деганинг, Эрмат? Ота бўлиб сен ўғлингдан «Қаерга кетмоқчисан, нима қилмоқчисан? Чет элга кетиш ишларини ким ҳал қилади, қандай тартибда? Туппа-тузук ишлаб юргандинг-ку, ўзи бу фикр қаердан чиқди?» – деб сўрамасанг, ким сўрайди, барака топгур?

– Ота, ҳозирги ёшлар бошқача, жуда ўзбилармон бўлиб кетишган. Уларнинг миялари бизникидан яхши ишлайди.

– Э-э, намунча ҳозирги ёшлар, ҳозирги ёшлар дейсан? Тўғри, болаларимизнинг билим доираси кенгайиб кетган, лекин бу фарзандларимизнинг хатти-ҳаракатини назорат этишни бўйнимиздан соқит қилмайди. Ўғлинг менинг саволларимга жавоб бергиси келмай, ичкарига кириб кетди. Илгари эътибор бермаган эканман, Рашидинг жуда тарбиясиз бўлибди. Кимга тортган, ҳайронман. Хайрулланг анча бамаъни йигит.

Ота Эрматнинг бироз букчайган гавдасига, дўрдоқ лабларини осилтириб сўлжайиб туришига назар ташлаб, пича жим бўлиб қолди. Эликка қараб кетаётган одамнинг ҳалиям ўзини ёш боладек тутиб, бошини қуйи солиб бир томонга қийшайтирганича туриши, бурнини тортиб-тортиб қўйиши унга эриш туюлиб:

– Эрматвой, маслаҳатим оила бошлиғи эканингни ҳеч қачон унутма. Болаларни ҳар замонда сўраб-тергаб туриш ҳам керак, барака топгур, – деб хайрлашди.

Ота ҳамқишлоғининг ўз ўғли режалари ҳақида ҳеч нима билмаслигини пайқади. У Рашид билан суҳбатлашгандан кейин ўша нотаниш киши,

Мардон ва Рашид ораларида нимадир борлиги аниқ, деган қатъий хулосага келди. У маҳалла идорасига келиб, участка нозири Ҳамдамни сўради. Котиба унинг шаҳарга кетганини айтди. Ота маҳалла фаолларига Рашид ҳақида гапирмоқчи бўлди, бироқ аввал бу ҳақда Ҳамдам билан гаплашиб кўрай-чи, кейин бир гап бўлар, деб ўйлаб фикридан қайтди. У охириги пайтлардаги ҳовлиқиб чиқарган қарорларидан кейин анча оғзи куйиб қолганидан етти ўлчаб бир кесиш керак, деб ичида қайтариб юрадиган одат чиқарган эди.

Ота тушлик пайтида ҳам шуларни ўйлайвериб, боши ғовлаб кетди. У уйдагиларнинг саволларига «ҳа» ёки «йўқ» деб қисқа жавоб берарди. Эллик йилдан ортиқ бирга яшаб, чолининг феълини беш бармоғидай билган Хосият хола унинг қандайдир муҳим ишлар ҳақида бош қотираётганини сезиб:

– Дадаси, бор бўлинг-э, яна нималар ҳақида хаёл суряпсиз? – деди.

– Ҳеч нима, – деди ота чойдан ҳўплаб.

– Режалаштираётган ишларингизни сир тутишингизга қараганда, анча муҳим шекилли, – деди Хосият хола жилмайиб.

– Мавриди келганда гапириб берарман, – деди ота палов ейишда давом этиб.

Тушдан кейин ишга кеч қолмаслик учун шошиб овқатланаётган Жўшқин қошиғини қўйиб, отасига қаради ва ботинмайроқ гап бошлади.

– Дада, балки нима қилмоқчи эканингизни биз билан маслаҳатлашарсиз, кейинги пайтларда...

Ота унинг нима демоқчилигини пайқаб, гапни бўлди:

– Нима, кейинги пайтларда? – деди қовоғини уйиб.

– Ўзингиз биласиз-ку...

Отанинг жаҳли чиқди. «Нега одамнинг бир қанча яхши ишлари битта номаъқулроқ ҳаракати олдида кўринмай кетаркин-а? Ҳалиям булар Тилаводдини ўлдириш режамни билишмади, агар шундай ниятимни пайқашганида борми? Ўзиям офир гуноҳдан Худо сақлади, шунисига шукр. Буни эсласам ҳам этим жунжикиб кетади. Ахир мен ҳам хом сут эмган бандаман, бир марта янглишибман, шуни ҳадеб эслатавериш керакми», деган гаплар хаёлидан ўтиб:

– Шунақа дегин, хўш, унда айт-чи, Суюн лақманинг невараси Рашид нега ишдан бўшаган? У қаерга кетмоқчи? Қишлоғимизда пайдо бўлиб қолган, кўриниши шубҳали, нотаниш киши ким?!

– Дада, қизиқ гапларни гапирасиз-а. Мен қаердан биламан? Бировнинг боласи, қаерга кетса кетаверади, ундан ташқари, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Нотаниш кишига келсак, қишлоғимизга ҳеч кимнинг келиб-кетиши тақиқланмаган бўлса, унинг кимлигини билиш учун ҳужжатларини сўраймизми? Оиламизга тааллуқли гапларни ўйлашимиз керак эмасми? Ахир...

– Ҳа, ана кўрдингми? Қирқ ёшдан ошган бўлсанг ҳам бурнингнинг тагидан нарини пайқамайсан. Яна фикрларингизни биз билан маслаҳатлашинг, деганига ўлайми? Хўш, ўша Рашид дегани бирор номаъқулчиликни бошлаб юрган бўлса, унинг ёмон ишлари сенинг болаларингга ҳам таъсир қилмаслигига кафолат берасанми? Бировнинг боласи эмиш. Уни нотўғри йўлдан қайтаришнинг нимаси ёмон, барака топгур?

Жўшқин бироз асабийлашиб:

– Дада, Рашид лақманинг ота-онаси тирик-ку, нега унга сиз ғамхўрлик қилишингиз керак?

Нуқул шунақа галвали ишларни ковлаштирасиз-а. Бу феълингиз ҳаммага ҳам хуш келавермайди, шуни биласизми?

– Жуда яхши биладан. Нима, мени ёмон кўриб қолишади, деб кимнингдир катта хато қилаётганини кўрсам ҳам кўрмаганга олишим керакми? Қайсидир донишманд бекорга «Ҳаммага бирдек ёқишга ҳаракат қилиш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас», демаган. Сен ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрсанг, яхши бўларди.

Жўшқин индамади, жимлик чўкди. Ота ҳам-манинг овқат еб бўлишини кутиб бирпас ўтирди, кейин дуо қилиб, юзига фотиҳа тортиб ўр-нидан турди.

III БОБ

Тушга яқин Собиржон кайфияти ёмон ҳолда деразадан кўчага қараганича ўйга толиб турарди. «Ниманидир кўздан қочирганим аниқ. Бунақада калаванинг учини тополмай юравераман. Назаримда, ёнгинамдаги ниманидир кўролмаёпман. Нима бўлиши мумкин? Бундай аҳволга жуда кам тушганман. Ишқилиб, жумбоқнинг ечими тезроқ топилсин-да. Наҳотки иккита одамни ўлдириб кетган қотил аниқданмаса? Уч ойдан ошяпти, жиноятчи шунчалик устмонми? У хаёл билан бўлиб эшикдан ким кириб келганига ҳам эътибор бермади. Фарҳод устозининг ёнига бориб, у ҳам деразадан қаради. Кун иссиқда одамлар йўл четидаги салқинроқ йўлакдан ўтардилар. Қизалогини қўлидан етаклаганича ўтаётган таннозроқ аёлга қараб, Фарҳоднинг бир латифа ёдига тушиб кулиб юборди.

– Нега куляпсиз, менимча, хурсандчиликдан кулиш учун ҳеч қандай асос йўқ, – деди Собиржон.

– Бир нарса эсимга тушиб кетди. Латифа эшитишга қалайсиз? – деди у ва одатдагидек жавобини эшитмай, айтишни бошлаб юборди.

– Бир танноз хотиндан «Хоним, ёшингиз нечада?» – деб сўрабди врач. «Ўзингиз топинг-чи, қийналмаслигингиз учун бир нарсани айтаман, қизим боғчага боради», – дебди аёл. «Нима, қизингиз боғча мудирими?» – дебди врач энсаси қотиб.

Собиржон Фарҳодга бир қараб қўйди, бироқ унинг юзида ҳеч қандай ўзгариш кўринмади. Латифани эшитиб хохолаб кулишини кутган Фарҳод унга ажабланиб:

– Сиз тушунмадингиз, шекилли, – деди.

Собиржон индамади. Фарҳод худди уни кулдиришга жазм қилгандек:

– Майли, бошқасини эшитинг, – деди ва иккинчи латифани айта бошлади. Бир одам қизалоқли бўлган дўстидан: «Қизинг онасига ўхшайдими, сенгами?» – деб сўрабди. «Билмадим, тили чиқмасдан буни қандай айтиш мумкин?» – дебди дўсти.

Собиржон унга қараб:

– Сизга қойилман, Фарҳод, – деди истехзоли оҳангда.

– Албатта, қойил қолмай иложингиз ҳам йўқ. Чунки мендан кўп латифа биладиган одам бўлмаса керак. Унинг устига, турли тилларда айта оламан, яна...

– Ўзингизни мақташни бас қилинг! Қўлимиздаги қўшимча муддат тугашига атиги бир неча кун қолган ишни ҳам ўйлайсизми ёки латифа айтиб юраверасизми? Мен сизга Худоёр ота

ташлаб кетган расмдаги кимсанинг ким эканини аниқланг дегандим, сиз эса латифа айтишдан бўшамасиз.

– Э-э, айтмоқчи, Собиржон ака, аслида мен шунинг учун киргандим.

– Нима учун?

– Шу Худоёр отада бир гап борми дейман-да ёки айрим одамларда телепатия кучли бўлади, деганлари ростмикин?

– Нима демоқчисиз?

– Ўша расмдаги киши Ғаниев Исмаилов бўлиб, икки марта ўғирлик содир этиб судланган. Бундан тўрт ойча бурун жазо муддати тугаб, у озод қилинган экан.

– Буни қаранг-а, гапни латифадан эмас, тўғри шундан бошламайсизми, Фарҳод.

– Нима фарқи бор?

– Ҳар қалай ишга алоқадор гап-да.

– Ўша одамнинг биз тергов қилаётган ишга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Тўғри, илгари судланган, Худоёр отанинг қишлоғига борган. Хўш, нима бўпти? Жазони ўтаб чиққанларга қишлоққа ёки бошқа жойларга бориш тақиқланмаганини иккаламиз ҳам яхши биламиз. Ахир бу ерда ҳеч қандай қонунга хилоф ҳаракат йўқ.

– Бу борада ҳақсиз, бироқ сизга бу ерда бошқа нимадир борга ўхшаб кўринмаяптими?

– Қанақасига?

– Билмадим, сезгиларим шундай деяпти.

– Айтгандек, унинг бундан ўн йил олдин Жамилова Сокина билан никоҳлари бекор қилинган экан.

– Нима? Нима дедингиз?

– Ҳа, марҳума Жамилова унинг собиқ хотини бўлган.

– Ҳа, буни ҳақиқий тасодиф дейиш мумкин. Фарҳод, Ғаниев Исмаи ҳақида шунча маълумотни аниқлаган экансиз, нега дарров ҳаммасини айтмасдан, шунчаки гапдек гапиряпсиз.

– Менимча, бу маълумотлар бирор жиноятдан хабардор қилмайди, аксинча, унинг шубҳадан ҳоли эканини кўрсатади, холос.

– Кенгроқ фикрласак-чи?

– Собиржон ака, сизга илгари ҳам айтганман, шу ишдан жуда чарчадим. Мана уч ойдан ошяптики, меҳнатимизнинг ҳеч қандай натижаси кўринмайди. Ҳам кечаю кундуз ишлаймиз, ҳам дакки эшитамиз. Барибир, фикримда қоламан.

– Қайси фикрингизда?

– Жобирова Гулҳаёни қамоққа олиш керак. Ана шундагина жумбоқнинг ечими топилади. Агар унга раҳмимиз келиб юраверсак, ҳеч нима қилолмаймиз.

Собиржон индамади, у бир нуқтага тикилганича ўйланиб қолди. Фарҳод ҳам унинг хаёлини бўлмай компьютерни очиб нималарнидир ёза бошлади. Собиржон хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди. Фарҳод унинг қачон тўхташини кутиб анча ўтирди, охири сабри чидамай:

– Собиржон ака, қаерда тушлик қиламиз? – деди.

Собиржон юришдан тўхтаб жилмайди:

– Қаерда бўларди, ҳар доимгидек биринчи қаватдаги жонажон ошхонамизга тушамиз. Энди унинг овозида бояги тушқунликдан асар ҳам қолмаган, қувноқлик, алақандай тиниқлик сезилиб турарди.

IV БОБ

Худоёр ота участка нозири Ҳамдамнинг норозилигига қарамай, у билан Мардонларникига борди. Ҳайдар ака Мардоннинг ухлаб ётганини айтиб, уларни ичкарига таклиф қилди. Ҳамдам ундан ўғлини уйғотиб чиқишини сўради. Кўзларини уқалаб чиққан Мардон тўнғилаб саломлашиб:

– Тинчликми? – деди.

– Узр, Мардон ака, сизни безовта қилдик, хизматчилик, – деди Ҳамдам хижолатомуз.

– Нима гап?

– Худоёр отанинг айтишича, қишлоғимизда нотаниш, шубҳалироқ киши пайдо бўлибди, уни ота бир-икки марта кўрибди. Кеча шу одамнинг сизларникидан чиқиб кетаётганини кўришган экан. Эҳтиёт шарт, шуни аниқламоқчи эдик.

– Ўзи ким ҳақида гапиряпсизлар, қайси нота-ниш киши? – деди Мардон бурнини жийриб.

Ҳамдам отанинг телефонидаги расмни кўрсатиб:

– Мана бу киши-да, – деди.

– Худоёр ота, бу нимаси, сизни деб уйимга ўртоқларим ҳам келмайдими? Кимни кўрсангиз шубҳаланиб, расмга тушираверасизми. Агар жуда билгингиз келаётган бўлса, бу одам шаҳарлик ўртоғим, хўпми. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шу иш сизнинг ёшингиздаги одамга ярашадими?

– Нега хафа бўласан, барака топгур? Агар танишинг бўлса, майли, кўнглимиз хотиржам тортди. Мабодо, у бирор фалокатни бошламоқчи галямис бўлиб чиқмасин деймиз-да, – деди ота уни тинчлантиришга уриниб.

– Кечирасиз-у, қариганда ҳурматингизни йўқотиб қўйяпсиз. Скелет воқеасидан кейин шунча

одамни овора қилиб, бутун қишлоққа кулги бўлганингиз етмайдимиз?

Ота индамай ерга қаради.

– Мардон, бас қил! – деди Ҳайдар ака ўғлини туртиб.

– Менга бошқа саволлар йўқми? – деди Мардон Ҳамдамга безрайиб.

– Бор, айтинг-чи, ўша ўртоғингиздан кейин эшикдан Рашид чиқибди. У қандай иш билан келган эди?

– Эътиборингиз учун уйимга ким келиб, ким кетганининг сизларга ҳисоботини бермайман, хўпми. Сизлар мендан сўраб кимнидир уйлариңга киритмайсизлар-ку. Сенларга одамлар билан жинойтчидек муносабатда бўлишга ўзи ким руҳсат берди. Тошлариңни терлариң, хўпми!

Мардон қўлини силтаб, хонасига кириб кетди. Ҳайдар ака бироз хижолат бўлиб:

– Уйқусини бузганни ёмон кўради, феъли ча-тоқроқ. Худоёр ота, сиз ҳам сал ошириб юбордингиз-да. Ҳамдамни етаклаб келганингиз нимаси? Ҳар қалай формадаги одам, қишлоқдагилар нима дейишади? Ўзингиз келиб, ётиғи билан сўрасангиз ҳам бўларди.

– Ҳайдар, сен буни тушунишинг керак, мен фақат ўша нотаниш киши шубҳали кўрингани учун шундай йўл тутдим.

– Қанақа шубҳали, у гўрсўхта ҳам ҳамма қатори одамдир-да.

– Сен уни кўрганмисан?

– Йўқ, Мардон бизни ишларига аралаштирмайди.

– Ана кўрдингми, ўша одамнинг кимлигини ўзинг ҳам билмайсан-у, ўғлинингнинг ёнини оласан, барака топгур.

– Ёнини олаётганим йўқ, сиз хафа бўлманг дейман, Худоёр ота.

– Мен ҳаммадан ҳам хафа бўлавермайман, хотиржам бўл.

Улар гаплашаётганларида Ҳамдамнинг диққатини устунга осиб қўйилган махсус кийим халтага солинган нарсалар тортди. У қўлини теккизиб:

– Ҳайдар ака, булар нима? – деб сўради.

– Улар қишки кийимлар.

– Нега осиб қўйдингиз?

– Мўйнали кийимларга куя тушмасин деб, шундай сақлаймиз. Ҳавосиз жойда куя яшамас экан. Булар орасида ўн йилдан кўпроқ пайтдан бери ҳар ёзда шундай сақланаётган пўстинлар ҳам бор.

– Ҳа, куядан ҳимоя қилиш усули, денг.

Худоёр ота халталарнинг бирини ушлаб:

– Мен бундан беҳабар эканман, ростдан ҳам яхши сақладимми? – деди.

– Сиз билмайдиган иш бор эканми? Агар истасангиз очиб кўрсатаман, – деб Ҳайдар халталарнинг бирини оча бошлади. – Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мана шу нимчамни ўн йилдан ошиқ шундай сақлаганман. Қишда маза қилиб кияман, ёзда эса шу ерда туради.

Халтадан қора мўйнали нимчани олиб, Ҳайдар силкита бошлади. Худоёр ота нимчани қўли билан ушлаб кўрди ва:

– Қанча пайтдан бери кияман, дединг? – деди.

– Янглишмасам, ўн икки йил бўлди-ёв, раҳматли Юсуф пўстиндўзга тиктирганман. Бегона эмас, ўзимизнинг қора қўйнинг терисидан.

Ота кўзларини катта очиб, киприк қоқмай унга қараб қолди.

– Шунақа дегин... – деди у хаёлини йиғиб.

– Ҳа, шунақа, кўрдингизми, сиз мен билмаган иш йўқ, деб ўйлагансиз. Мана, кўриб турганингиздек мендан ҳам ниманидир ўрганиш мумкин экан, – деди Ҳайдар мақтаниб.

– Тўғри, билмасдим, хаёлимга ҳам келмаганди, – деди ота. «Ахир Саодатни ўлдиришганда қотилни тополмай, қора пўстинни озмунча қидиришдими? Қора пўстиннинг эгаси наҳотки Ҳайдар бўлса. Бундан чиқди, Саодатни у ўлдирганми? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ундай бўлса, нимчасини йўқ қиларди. Ундан ташқари, нимчани қачон тиктирганини ипидан игнасигача айтмасди. Ёки шубҳа уйғотмаслик учун атайин гапиряптимикин? Билмадим, билмадим...» деган хаёллар билан ота ниманидир сўраш учун офиз жуфтлади, бироқ ҳозир ҳеч нима демаганим маъқул деган фикрга бориб индамади.

– Ота, кетамизми? – деди Ҳамдам.

– Ҳа, ҳа, кетамиз, ўғлим. Ҳайдарбой, нимчангни халтасига солиб қўя қол, яна қуялаб қолмасин. Узр, безовта қилдик, айбга буюрмайсизлар.

– Хижолат бўлманг, Худоёр ота, баҳонада келиб қолибсиз, бир пиёла чой ичинглар, туш вақти ҳам бўлиб қолди. Ўтирсанглар бирга овқатланамиз, – деди Ҳайдар мулозамат қилиб.

– Раҳмат, Худо хоҳласа Мардоннинг тўйида бафуржа ўтирамиз. Унинг ёши ўттиздан ошиб қолди чоғи. Энди тўйини қилсанг ҳам бўлар.

– Қулоқсиз болага гап уқтиролмаямиз. Амалга ошмайдиган ишлар устида юради. Қанийди, инсофга келиб қолса.

– Энди болалиги қолибдими, оилали бўлса, бирор ишнинг этагидан тутармиди, дейман-да.

– Гапларингиз тўғри, биз ҳам онаси билан шунинг ҳаракатидамиз.

– Ҳа, майли, майли.

Улар Ҳамдам билан маҳалла фуқаролар йиғини биноси томон кетдилар.

– Худоёр ота, етарлича қайсарсиз-да. Сизга айтгандим-ку, ҳеч қандай далил, исботсиз бировнинг уйига бориб, сўроққа тутиш мумкин эмас, деб. Ҳалиям Ҳайдар ака индамади, ундан бошқа одам бўлганида бизни уйига киритмасди. Агар ишонсангиз, умримда бунақа хижолат бўлмаганман, – деди Ҳамдам норозилигини билдириб.

– Агар ишонсанг, Ҳамдам, мен ҳам умримда бунақа катта тасодифга учрамаганман, – деди ота кўзларини катта очиб.

– Қанақа тасодиф? Худоёр ота, нега нуқул шунақа ишлар сизга йўлиқаркин-а ёки ўта синчковлигингизданми?

– Сенга қандай тушунтиришга ҳам ҳайронман. Умуман олганда буни айтсамми ёки сабр қилиб турсамми, деб ўйлаяпман.

– Ўзи нима гап?

– Бундан ўн йил олдин сен ёш бола эдинг...

– Албатта, ёш эдим, лекин гап нима ҳақида, ота? Гапира қолинг, ахир мен билишим керак.

– Сир сақдашни биласанми?

– Албатта биламан.

– Йўқ, яхшиси ҳозирча индамаганим маъқул. Мен ўзим ҳаммасини аниқлаб, ишонч ҳосил қилай, ундан сўнг сен билан маслаҳатлашаман. Шошилмаганим яхши, акс ҳолда...

– Худоёр ота, сиз менинг вазифамни унутган кўринасиз? Ўз участкамда нималар бўлаётганини билишга ҳаққим бор-ку. Марҳамат қилиб, нима гаплигини айтинг.

– Боя Мардонникига кирмаймиз, деб тихирлик қилаётганинг эсингдан чиқдимми? Участкаси эмиш.

– Участка нозири сифатида сўраяпман.

– Барака топгур, бу сен ўйлаган майда-чуйда иш эмас. Сен бизнинг қишлоққа келишингдан анча олдинги гаплар, шунинг учун хотиржам бўл. Ишонтириб айтаман, сенга гап тегмайди.

Ҳамдам отадан бошқа гап чиқмаслигини билиб, ортиқ ундан сўрайвериш бефойдалигига ишонч ҳосил қилганидан кейин:

– Хоҳишингиз, ота, истамасангиз гапирманг. Майли, менинг ишларим бор эди, – деб кетди.

Ота ҳам уйига йўл олди.

* * *

Кечки овқат пайти Хосият хола Худоёр отага қараб:

– Дадаси, Ҳайдарникига борибсиз, деб эшитдим. Тинчликми? – деб сўради.

– Ҳа, борган эдик. Сенга буни дарров ким етказди? Ўзи қишлоқдагилар оёғи билан эмас, тили билан юрадилар-да.

– Буни мендан кўра сиз яхши биласиз-ку. Нима гап, Мардонни уйлантирмоқчимисизлар?

– Бу гапни қаердан олдинг?

– Ҳа, энди, бекорга бормагандирсиз...

Сухбатга келинлари Жамила қўшилди.

– Ойижон, қизиқсиз-а, дадам у ерга Ҳамдам мелиса билан борганлар, дедим. Уйланмоқчи бўлса мелиса нима қилади?

– Ҳа, бу томонини ўйламабман. Вой шўрим, бор бўлгур Мардон бир балони бошлабдими, дадаси?

Худоёр ота келини Жамиланинг одатини билгани учун Мардоннинг таниши ҳақидаги воқеани овоза қилмасин деб, гапни бошқа ёққа бурди.

– Мардоннинг ёши ҳам ўттиздан ошгандир, – деди.

– Ҳа, Жўшқиндан атиги етти ёш кичик эди. Ўттиз учга кирибди. Қачон уйланмоқчи ўзи, ҳайронман.

– Менимча у уйланмайди, шунча йилдан бери бир қизни деб юрибди-ку, – деди Жамила.

– Кимни деб? – сўради ота.

– Лолани деб-да. Қизиқсиз-а, дадажон, буни ҳамма билади-ку, сиз қандай эшитмаган бўлишингиз мумкин? Лекин у қиз Мардонга тегмаслигини аллақачон айтиб, бунга нуқта қўйган.

– Қулоғимга чалингандай бўлувди. Лоланинг совчилари кўп эканини эшитганман, бироқ Мардон уни ҳалиям кутаётганини билмагандим. Адашмасам, улар Азиз билан дўст эдилар. Шўрлик қамалиб кетиши билан Лолага совчи қўйганини қаранг.

– Учаласи бир синфда ўқиган. Саодат опа бизнинг қўшнимиз эди-ку, раҳматли қизиқ аёл эди-да. Азизни куёв қилмади, лекин уни ёмон кўрмасди, фақат қизини хўжага бермоқчи эди, холос. Ҳеч қанча вақт ўтмай, бунақа бўлиб кетишини ким ўйлабди, дейсиз.

Жамила гапира туриб идишларни тез-тез йиғиштирарди. У бўйи пастроқ, тўладан келган аёл бўлиб, феъли қайнонасининг тескариси эди. Қишлоқдаги ҳар бир майда гапгача тагига етмасдан қўймас, уй ишларини ҳам бошларди. Келини Хосият холага ёқар, чунки аксарият янгиликларни ундан эшитарди. Уни қўл-оёғига ўхшаб тили ҳам чаққонгина келиним, деб мақтаб юрарди.

– Мардоннинг ўзи айтибдими? – деди ота келинига.

– Нимани?

– Бошқага уйланмайман, деб.

– Ҳозиргача совчиларини жўнатишни канда қилмаяпти экан. Жуда қизиқ-а, мияси айниганми, нима бало, ўн йилдан бери рад жавобини берган қизни кутиб ўтиргани нимаси?

– Ким билади...

Худоёр ота ўйланиб қолди. «Қора пўстин Мардонниқидан топилади... Жамиланинг гапига қараганда... Балки Лола билан гаплашсам ҳаммаси ойдинлашар? Йўқ, қишлоқдагиларнинг қанақалиги маълум, у билан Азиз, Мардон ҳақида гаплашсам, Лола ҳеч кимга айтмаслиги мумкин, лекин унинг уйида жияни, келини ҳам яшайди. Келини бизнинг Жамилага ўхшаган бўлса борми, шу куниёқ бутун қишлоқ эшитди, деяверинг. Ҳар ким ўзича тўқиб-чатиб ҳамма ёққа ёйишади. Кейин кўзлаган мақсадимга етолмаслигим тайин, ҳеч нима аниқланмай қолаверади. Яхшиси, мен, аввало, Собиржон билан гаплашишим керак, шекилли. Бироқ кейинги пайтларда ҳар хил муаммолар билан унинг вақтини оляпман-да. Лекин нима қилай, бошқа иложим йўқ».

V БОБ

Собиржон Худоёр отани илиқ қаршилади. Ўзини анча ноқулай сезаётган ота у расмга олган нотаниш кишининг шахси аниқланганини, унинг бир неча марта судланиб, яқинда чиққанлигини эшитиб, ҳар қалай тўғри одам эмаслигини сезган эканман, деб кўнгли хотиржам бўлди.

– Собиржон, бу ерга келишимнинг сабаби яна ўша одамга бориб тақалади. Сизларнинг ишларингизни унча тушунмайман. Лекин мумкин

бўлса, уни қўлга олиш керак, – деди ота мақсадга кўчиб.

– Уни қаманг демоқчимисиз?

– Ҳа.

– Бу сиз ўйлагандек осон иш эмас. Қамоққа олиш учун асосли далиллар керак.

– Ундай бўлса қандай қилиб ўша одамни фош қилиш мумкин?

– Уни яна учратдингизми?

– Ҳа.

– Ўзи ундан нимада шубҳаланяпсиз?

– Биласизми, қишлоғимизда гоҳо қонунга хилоф иш қилиб қўядиган битта одам бор. Шунинг учун ҳам уни Ҳайдар криминал, дейишди. Унинг ўғли Мардоннинг бундай ишларини эшитмаганман, бироқ у фирт бекорчи. Ўша нотаниш одамни унинг уйдан чиқиб кетаётганида кўриб қолдим.

– Балки Ғаниев унинг танишидир, ахир судланганларнинг ҳам озод бўлганларидан кейин бошқалар қатори юришга ҳақлари бор.

– Гапингиз тўғри, мени шубҳага солгани, унинг ортидан Суюн лақманинг невараси Рашиднинг чиқиб, худди бир сирнинг очилиб қолишидан қўрққандек тез-тез юриб кетиши бўлди.

– Ота биласизми, кимдир тез юрадими, секинми, қўлимизда далилларга асосланган фактлар бўлмаса, уларни уйига бориб сўроқ қилиш ёки қамоққа олиш мумкин эмас.

– Ҳамдам ҳам худди шундай деган эди.

– Ҳамдам деганингиз ким?

– Участка нозир. У нима деса ҳам, кеча мен билан Ҳайдарларникига кириб суриштиришга кўндиргандим.

– Оббо, сиз-э. Хўш, натижаси нима бўлди?

– Бу ерга келишимга ўша натижа сабаб-да. Очигини айтганда, мен нотаниш киши билан Мардоннинг алоқасидан шубҳаланганим учунгина эмас, тасодифан очилиб қолган бошқа каттароқ жиноятни тахмин қилганимдан бу ерга келдим.

– Ҳеч тиниб-тинчимас экансиз-да, отахон. Қанақа жиноят ҳақида гапиряпсиз?

– Бундан ўн йил илгари содир қилинган қотиллик ҳақида.

Очиқ турган эшикдан кириб келган Фарҳод уларнинг охириги гапларини эшитиб:

– Ассалому алайкум, Худоёр ота. Яна қандай жиноятни фош қилиш устида елиб югурияпсиз? – деди ҳазил аралаш кулиб.

Ота унинг саломига алик олиб, гапида давом этди. Фарҳод компьютер қаршисига ўтириб, ниманидир қидира бошлади.

– Қишлоғимизда бундан ўн йил муқаддам бир аёлни ўлдириб кетишган. Азиз исмли йигитни унинг ўлимида айблаб қамадилар. У йигит айбига иқроор бўлмасдан суднинг охиригача «мен қотил эмасман», деганича қамалиб кетди, – деб ота ўша воқеани қисқача гапириб берди.

– Хўш, Ҳайдар криминал деганингизнинг бунга нима алоқаси бор? – деди Собиржон қизиқиб.

– Биласизми, Ҳамдам билан кирганимизда Ҳайдарнинг уйида ўша пайтда қидирилган қора мўйнали пўстинни кўрдим.

– Отахон, ахир ўзингиз ҳозиргина бу воқеага ўн йил бўлган, дедингиз-ку. Шу пайтгача пўстин қоладими?

– Тўғри, барака топгур, мен ҳам биринчи шундай деб ўйлагандим, лекин Ҳайдар ўз оғзи билан

«ўзимизнинг қора қўйнинг терисидан, Юсуф пўстиндўзга бу нимчани тикдирганимга ўн икки йил бўлди», деганини мен ҳам, Ҳамдам ҳам эшитдик.

– Шунақа дедими?

– Ҳа, мен бунни эшитиб анграйиб қолдим.

– Сиз ўшанда қотилликни Ҳайдар содир қилган экан, деган фикрдамисиз?

– Йўқ.

– Бўлмаса ким?

– Мен унинг ўғли Мардондан шубҳаланияпман.

– Нега?

– Чунки у Лолага уйланмоқчи бўлган, лекин Лола Азизни деган.

– Энди ота, йигит кимнидир севса, қиз эса бошқасини яхши кўрса, бири иккинчисини ўлдиради дегани эмас-да. Илгариги замонларда улар дуэлда отишганлар. Ҳозир бошқача, бу оддий ҳол бўлиб қолган.

– Агар билсангиз, бу ерда севги деган нарсанинг ўзи бўлмаган.

– Ҳозиргина ўзингиз Мардон Лолага уйланмоқчи эди, дедингиз-ку.

– Ҳа, шунақа дедим, аммо Мардон Лолани яхши кўрган, демадим. Мардон қизга фақат унинг мол-дунёсини, деб уйланмоқчи бўлган. Чунки у ёлғиз қиз эди, отаси раҳматлидан каттагина мерос қолганди. Унинг ҳовлиси баҳайбат қасрни эслатади. Онасини ўлдириб, қотилликни Азизга тўнкасам, бутун мол-мулки билан Лола менга қолади, унга бир амаллаб уйланаман, деб ўйлаган. Лекин у ҳозиргача Лоланинг розилигини ололмаган.

– Булар ҳаммаси сизнинг гумонларингиз. Гапларингиз тўғри бўлиши мумкин, лекин барибир, ҳаммаси қуруқ гап, ишончли исбот, далил йўқ, отахон.

– Шунинг учун ҳам олдингизга келдим-да. Бир йигит ўн йилдан бери ноҳақ азобланиб ётган бўлса-чи? Наҳотки буни аниқлашнинг иложи бўлмаса? Ўша пайтда марҳуманинг бармоқлари орасидан қора мўйна толалари топилганини ҳозиргина айтдим, бироқ унинг кимга тегишли экани аниқланмаган эди. Мана, энди ҳаммаси равшан-ку. Нима учун уни бошқатдан текширишнинг иложи йўқ деяпсиз?

– Мен унақа демадим, фақат ишончли далиллар йўқ дедим. Чунки жиноят ишини бошқатдан қўзғатиб, тергов қилиш учун асосли фактлар талаб қилинади. Шулар асосидагина сиз айтаётган ишни амалга ошириш мумкин.

– Тушунарли, демак, биттагина қора пўстин билан иш битмайди, денг...

Худоёр отанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб индамай қолди.

– Балки яна нимадир аниқланиб қолса, ким билади... – деди Собиржон отага тасалли оҳангида.

– Лекин ўша марҳума ўлдирилган жойдан топилган битта рўмолчани деб, шўрлик Азиз қотилликда айбланиб кетди-ку.

– Агар ишончга сазовор, деб ҳисобланган бўлса...

– Ҳақиқатни юзага чиқаришнинг яна бир йўли бор, деб ўйлайман, – деди ота Собиржоннинг гапини бўлиб. – Лола билан гаплашиб кўрсангиз-чи, балки унинг гапларидан ўзингизга керакли нарсани топарсиз?

Собиржон ўйланиб қолди. Кейин отага қараб:

– Лола онасининг қотилини оқлаб бирор нима айтишига ишонасизми? – деб сўради.

– Ҳа.

– Нимага асосан?

– Агар у Азизнинг айбдор эмаслигига ишонмаса, нега шу пайтгача турмушга чиқмади?

– Ким билади, бунга бошқа сабаб ҳам бўлиши мумкин.

– Қисқаси, сиз ҳаммаси илгаригидек қолиши керак, бошқатдан ҳеч нимани ковлаштиришнинг ҳожати йўқ, деган фикрдасиз, тўғрими? Барака топгур, мен ҳам бу фикрингизга қўшилиб, бошқа бу ҳақда гапирмаслигим мумкин, бироқ Азизнинг касал, қари ота-онасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Балки шунинг учун ҳам у ҳақиқий айбдор қолиб, ноҳақ қамоқда ётгандир, деб ўйлайман-да.

– Ота, сиз нима учун Азиз қотил эмаслигига бунчалик ишоняпсиз?

– Мен фақат ўша қора мўйнали пўстин кимники экани аниқланганидан кейингина шундай, деб ўйлаяпман. Шу пайтгача иккиланиб юрардим. Яна шуниси ҳам борки, унинг мен билган авлодидан номаъқул одам чиқмаган, ўзи эса қалби пок йигит эди.

Сухбатга қўшилмай ўтирган Фарҳод уларнинг гаплари ҳали-вери тугамаётганига бетоқатланиб:

– Унинг қалбини қаёқдан биласиз, ота, сизнинг тенгдошингиз бўлмаса? – деди.

– Ўғлим, сизнинг бу ҳақда қандай фикрдалингиз менга қоронғи, аммо мен соф севги фақат қалби пок инсонга насиб қилади, деб ўйлайман.

– Ўша севгининг софлигига ҳам ишониш қийин-да, бу ёқда йигит қизнинг онасини ўлдиргани учун айбли деб топилиб, жазони ўтаяпти – деди Фарҳод қўлларини ёйиб.

– Агар сиз ўша судда бўлганингизда ва унинг кўзлари Лолага қандай боқаётганини кўрганингизда эди, бундай демасдингиз.

– Худоёр ота, ким билади, балки ҳақдирсиз. Агар ўша сиз Лола деб айтаётган қиз билан гаплашиб кўрсак, ниманидир аниқлармидик? – деди Собиржон.

– Балки... Лекин мен уни бу ерга олиб келолмайман, чунки қандай қилиб дабдурустан Азизнинг бегуноҳлигини исботламоқчиман, дейман. Ахир шунча йилдан бери унинг қўнглидан нималар кечаётганини билмаймиз-ку. Менинг фикримча, у келмайди.

– Яна бир йўли бор, – деди Собиржон оёғи билан ер чизаркан.

– Нима экан?

– Мен ўша жинойт иши материалларини архивдан олиб, танишиб чиқишим керак.

Фарҳод унга ялт этиб қараб:

– Собиржон ака, ўйлаб гапиряписизми? Қўлимиздаги ишнинг муддати ҳақида ҳозиргина нима деётганингиз эсингиздан чиқдимиди? Қандайдир юз йиллар илгари тергови тамом бўлиб, аллақачонлар суд ҳукми чиққан ишни қовлаштирмоқчимисиз? – деди.

Собиржон унинг гапига эътибор бермай:

– Йўқ, йўқ, менимча, биринчи Лола билан гаплашиб кўриб, унинг кўрсатмасида ниманидир топсак, ундан кейин таққослаш учун архивдаги ишни кўрганим маъқул.

– Мен бунга қаршиман. Бекорчи ишлар билан вақтимизни йўқотмаслигимиз керак. Бунинг устига, маҳкум жазони ўтаб бўлишига атиги беш йил қолибди, – деди Фарҳод ўрнидан туриб.

– Фарҳод, сиз ҳар доимдагидек ноҳақсиз. Азиз жазо муддатини ўтаб бўлганида ҳам, агар унинг айбдорлигига шубҳа бўлса, буни аниқлаш бурчимиз-ку, – деди Собиржон ва Худоёр отага юз-

ланди. – Гапингиз тўғри, қиз бу ерга келмаслиги аниқ. Шунинг учун ўзимиз борамиз, фақат ёрдамингиз керак бўлади.

– Албатта, қўлимдан келганича ёрдам берман. Қачон борасиз? – деди ота жонланиб.

– Менимча, пайсалга солиб ўтирмасдан шу бугун борамиз.

– Жуда соз.

– Фарҳод, сизни у ёққа боришга мажбурламайман. Шу ерда ўз ишларингиз билан шуғулланишингиз мумкин.

– Нега энди, мен ҳам бораман. Ачинарли бўлса ҳам, ўша гўзал қизнинг севгилиси унинг онасини қандай ўлдирганини ҳикоя қилиб беришини эшитмай қолишни истамайман, – деб Фарҳод ҳаммадан олдин ўрнидан туриб, нарсаларини йиғиштира бошлади.

VI БОБ

Лола эшикни очиб, Худоёр ота ва унинг ёнидаги иккита нотаниш одамга салом бериб, савол назари билан қаради. Унинг бошида рўмол, одмигина кийимдалигига қарамай, маънос кўзларига соя солган узун киприклари, ҳеч қандай бўёқсиз ҳам қалдирғоч қанотлари мисол қоп-қора қошлари, шафтоли гулининг рангини эслатувчи ёноқлари-ю оппоқ юзи ва яна чехрасидаги аллақандай нур қараган одамни беихтиёр яна бир марта қарашга ундарди. Ота унга:

– Қизим, яхши ўтирибсизларми? Жиянинг уйдаими? – деб сўради.

– Улар ҳаммаси тоғамникига кетишган. Шунанга... Тинчликми? Қўнғироқ қилайми? – деди Лола хавотирланиб.

– Йўқ, йўқ, очиги биз сен билан гаплашгани келдик.

– Мен билан? Нимани?

– Нима десам экан, ростини айтсам, гапни нимадан бошлашни ҳам билмаяпман. Бу йигитлар терговчилар. Сендан ўша воқеа ҳақида сўрамоқчилар. Сен қизим, ҳаяжонланмасдан, қўрқмасдан ҳаммасини гапириб беришинг керак.

– Қайси воқеани айтяпсиз?

– Онангинг ўлими ҳақида.

Лола индамади ва терговчиларга кўз қирини ташлаб, кейин отага қараб секингина:

– Уйга қиринглар, – деди.

Уларни ўймакор устунлар билан безатилган айвонга қўйилган супада ўтиришга таклиф қилиб:

– Марҳамат, ўтиринглар. Кўчада гаплашади-ган гап эмас чоғи, шунақа... – деди.

– Ҳа, қизим, кел, ўзинг ҳам ўтир. Бу йигитларнинг вақти зиқ. Менинг илтимосим билан келишган.

– Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, ота. Ахир ҳаммаси тутаган-ку. Яна нимани сўрашмоқчи? – деди Лола бегона йигитлар олдида бироз тортиниб.

Собиржон унга гапни лўнда қилиб:

– Синглим, ҳаммаси тутаганига, онангизни Азиз ўлдирганига ўзингиз ишонасизми? – деди.

Лола қошларини чимириб ерга қараганича жим бўлиб қолди. Собиржон саволини бошқача-роқ тарзда яна такрорлади:

– Хўш, нима дейсиз, айтинг-чи, Азизнинг қўлидан одам ўлдириш келишига ишонасизми?

Лола ердан кўзини узмай, бошини чайқаб «йўқ» ишорасини қилди.

– Ана кўрдингизми, ўзингиз ҳам ишонмас экансиз. Шунинг учун ҳаммасига аниқлик киритиш

мақсадида бўлган воқеани бошдан-оёқ гапириб беришингиз лозим.

– Нимани?

– Азиз билан ўрталарингда нима бўлган? Мардон билан-чи? Онангиз ўлдирилганида сиз қаерда эдингиз, хуллас, ҳамма-ҳаммасини. Фақат ҳеч нимани яширмасдан, қолдириб кетмасдан, очиқ-ойдин гапиришингизни илтимос қиламан, – деди Собиржон.

– Ҳайронман, бўлиб ўтган фожиага Мардоннинг нима алоқаси бор. Умуман, энди буларнинг нима кераги бор? – деди Лола кўзлари ёшланиб.

– Худоёр ота шу қотилликка алоқадор нимадир топганига, тўғрироғи, далил топилганига бизни ишотирмоқчи бўляпти. Отанинг гапига кўра Азиз бегуноҳ эмиш. Унинг гапини эътиборсиз қолдиришга виждонимиз йўл қўймади. Воқеа қачон бўлганидан қатъи назар, ҳақиқатни қарор топтириш бизнинг бурчимиздир. Шунинг учун илтимос, синглим, бунда бизга ёрдам беринг. Сизнинг тўғри кўрсатмангиз берган ёрдамнингиз ҳисобланади. Хўш, ҳаммасини гапириб беришга розимисиз? – деди Собиржон.

– Бегуноҳ, денг... Ҳа, гапираман...

Лоланинг кўзларидан маржон-маржон ёш оқарди.

VII БОБ

Лола саккизинчи синфда ўқиётганида унинг отаси автоҳалокатдан вафот этди. Одатда, кўпчилик қизлар онаси билан сирдош бўлишади. Лола эса дадаси билан яқин эди. Дадаси районда қурилиш идорасининг раҳбари бўлиб ишлар,

ягона фарзанди – қизини еру кўкка ишонмасди. Унинг ўлими Лолани гангитиб қўйди. У бир оғиз сўз демай, ўрнидан турмай ётиб қолди. Онаси шўрлик эрининг ўлимига куйгани етмагандек, қизининг аҳволидан хавотирланар, нима қилишини билмай қийналарди. Дугонаси Ҳилола ҳар куни келиб, уни мактабга чиқишга ундаши ҳам бефойда эди. Бир куни у Азиз билан келди.

– Лола, юр мактабга! – деди Азиз.

Лола индамай шифтга тикилганича ётаверди.

– Сен дадангни яхши кўрсанг, мактабга боришинг керак.

– Йўқ, бормайман. Энди дадам йўқ-ку, менга ҳеч нарса керак эмас! – деди у.

– Наҳотки шунча оз фурсат ичида дадангни унутиб юборган бўлсанг? – деди Азиз.

– Нималар деяпсан, кетинглар, ҳеч кимни кўришни истамайман! – деб бақирди Лола.

– Сен фақат дадангнинг руҳини чирқиллатишни истаяпсанми?

Лола жойидан туриб ўтирди ва Азизга:

– Бу нима деганинг? – деди.

– Ахир сен мактабга бормай, ойингнинг юрагини баттар сиқиб ётаверсанг, даданг сендан хурсанд бўлади, деб ўйлайсанми? Даданг учун куяётганингни тушунса бўлади, лекин ўрнингдан турмай ётишинг ақлга сиғмайди. Каллангни ишлатиб, ўзинг ўйлаб кўр. Шу ётишингдан бирор наф борми? – деди Азиз куюниб.

Лола индамай қолди ва бирпасдан сўнг:

– Ташқарида кутиб туринглар, – деди.

У шу кундан бошлаб мактабга бора бошлади, Азизни эса ўзига яқин олиб, унга бошқача ҳур-

мат билан қарарди. Шу-шу иккаласи ҳам айрим муаммоларини, майда-чуйда кўнгилсизликларни бир-бирларига айтиб, бирга ечимини топадиган бўлиб қолишди.

Улар бир қишлоқда катта бўлишган, бир мактабда, бир синфда ўқишганди. Гарчи кейинчалик Азиз билан Лолани мактабдагиларнинг каттадан кичиги севишганлар, деб билсалар-да, улар ҳеч қачон бир-бирларига бу мавзуда гапирмаганлар. Айримларга ўхшаб севги мактублари ёзишмаганлар. Бу муқаддас туйғу уларнинг қалбларида яширин эди, бироқ иккаласининг ҳам кўз қарашлари муҳаббатларини ошкор қиларди. Ўхшаш феъл-атворга эга, камсуқум, тортинчоқ икки ёш фақат нигоҳларида сирлашардилар.

Ўнинчи синфни тугатиб, институтга киролмай қайтган Азиз ҳарбий хизматга кетишга тайёрлана бошлади. Лолани қаттиққўл онаси ёлғиз ўзини шаҳарга ўқигани юбормади. Қизининг институтга кириб ўқишни исташи ҳақидаги ноталарини бир гап билан рад этди.

– Қачон мен айтган одамга эрга тегсанг, ўшандагина у билан институтда ўқигани борасан! – деди.

– Истамасам-чи? – деди Лола.

– Истамасанг уйда ўтираверасан! – деб гапни чўрт кесди Саодат опа.

Лола Азиз билан шаҳарга ўқигани кетишни хоҳларди. Унинг йиқилиб қайтганини эшитиб кўнгли вайрон бўлди. Гарчи улар аҳдлашмаган бўлсалар-да, Азиз бу йил институтга кирса, мени янаги йил олиб кетади, деб ишонарди у. Орзулари амалга ошмагани учун хафа бўлиб юрган Лолани учратиш мақсадида кўчасидан у ёқдан-бу

ёққа бўзчининг мокисидай қатнай-қатнай охири у билан рўбарў келган Азиз:

– Киरोлмадим... – деди айбдорлардек бошини эгиб.

– Эшитдим.

– Агар ўқишга кирсам, янаги йил сени ҳам олиб кетмоқчи эдим.

– Биладан...

– Афсус, жуда ёмон бўлди.

– Ҳа...

– Сен хафа бўлма, ҳарбий хизматдан кейин иккаламизнинг ўйлаганимиздек бўлади.

– Ҳа...

– Кутасанми? – деди Азиз секингина.

– Ҳа...

Уларнинг суҳбати жуда қисқа бўлди. Чунки икки уй наридаги тикувчиниқидан кўйлагини олиб келаётган Лола уйига етиб келган эди. Совчиларнинг дўлдек ёғилиши Лолани ваҳимага соларди. Саодат опа уларни бир гап билан қайтарарди.

– Биз хўжамиз, куёвимиз оддий фуқаро бўлиши мумкин эмас.

Лола онасининг совчиларни қайтараётганига қанча қувонса, бир нарсага шунча ташвишланарди, Азиз ҳам хўжа эмас-ку, ўйларди у. Бир куни у дўкондан келаётса, йўлда синфдоши Мардонни учратиб қолди. У ўқишлари унча яхши эмаслигидан мактабни тугатганидан сўнг бошқа ўқиш ташвишини қилмаган эди.

– Азиз йиқилибди, эшитдингми? – деди Мардон.

– Ҳа.

– Унга барибир ҳавасим келади.

– Йиқилганигами? – деди Лола ажабланиб.

– Йўқ, у сендай қизнинг муҳаббатига сазовор бўлганига, хўпми.

– Э-э, бор-э, – деди Лола қизариб ва тез-тез юриб кетди.

Мардон ҳам қадамини тезлатиб:

– Лола, мен сендан бир нарсани сўрайман, хафа бўлмасдан тўғри жавоб бер, хўпми? – деди унга галати қараб.

– Нимани?

– Фақат ростини айт, агар Азиз бўлмаса мени яхши кўрармидинг?

– Аҳмоқ, қаёқдаги гапларни валдирама! – деб Лола уйига кириб кетди.

* * *

Ҳарбий хизматни ўтаётган Азиз Лолага тез-тез хат ёзарди. У хатларида бирон марта севдим-куйдим деган ибораларни ишлатмас, фақат охирги ўқиган китобини, улардаги энг таъсирли жойларини ёки катта таассурот қолдирган кинолар ҳақида ва бошқа қизиқарли гапларни ёзарди. Лола унинг хатларини ўқиб, худди Азизнинг ўзи билан гаплашгандек бўлар, нимагадир уни дадасини соғингандек соғинарди. Унинг мактубларидаги ҳар бир сўз кўнглига жуда-жуда яқин эди. Нега бундайлигини ўзи ҳам тушунмас, балки дадамнинг вафотларидан сўнг унга суяниб қолганимданмикин, деб ўйларди.

Азиз ҳарбий хизматдан қайтди. У Лоланинг эшигини тақиллатганида аксига олиб онаси чиқди. У тил учида сўрашиб, қизини чақирди. Лола Азизни кўриб севинганидан кўзлари порларди. Назарида у анча улғайгандек, салобатли кўринди.

– Яхши келдингизми? – деди у.

– Мени «сиз» алаяпсанми? – деди Азиз жилмайиб.

– Ҳа, сиз улғайиб қолибсиз...

– Сен эса ўша-ўшасан...

– ...

– Бу сенга, – деб Азиз қоғозга ўралган нарса узатди.

– Бу нима?

– Рўмолчалар, бурчагида жажжигина нафис лоланинг расми туширилган. Ўзимга ҳам худди шунақасидан олдим. Эркакларники ҳам бор экан. Насиб қилса, бир хил қилиб тутамиз...

– Раҳмат, мен борай, ҳозир ойим чақириб қоладилар.

– Майли, хайр. Айтгандай, ойим эртага сизларникига ўтарканлар... Нима дейсан?

– Ҳеч нима...

Лоланинг оппоқ юзи алвон ранг лола мисол қизариб кетган эди. У югуриб уйга кириб кетди.

– Хайрият, тезда уйга кирдинг, бўлмаса, чақирмоқчи эдим. У бола эшигимиз олдида кўпам ўралашавермасин, одамлар бошқача ўйлаши мумкин, – деди Саодат опа телевизорнинг овозини пасайтириб.

Онасининг бу гапи Азизнинг эртага келадиган совчиларининг жавоби қандай бўлишини олдиндан белгилаб қўйди. Лола онасига нима дейишни билмасди. У эртага келадиган совчиларнинг қайтишини сезар, бироқ қиздаги андиша, уят туйғулари ҳамма нарсадан устун келатганди.

Мен Азизга тегаман, дейиш учун одамнинг юзи темирдан бўлиши керак, ўйларди у. Ахир буни қандай айтиш мумкин? Лекин ҳеч кимга тегмайман, дейиш осонроқ. Тақдирим ҳал бўляпти, бироқ қўлимдан ҳеч нима келмайди.

Қанийди, дадам тирик бўлганларида. У киши гапирмасимданоқ ҳаммасини тушунардилар. Ҳеч қачон менга қарши чиқмаганлар. Сўрамасдилар, аммо кўнглимдагини топардилар, худди Азиз каби. Мен ҳам уларнинг қалбларини ўзларидай англадим. Қанийди, ойим билан ҳам кўнглимиз шунчалик яқин бўлса эди...

Эртаси куни Саодат опа совчиликка келган Азизнинг онаси ва холасига рад жавобини берди. Уларнинг яна келишларига ҳам ҳеч қандай умид қолдирмади. Қишлоқдаги ҳар бир гап сингари бу хабар ҳам тезда ҳаммага тарқалди. Кутилмаганда икки кундан сўнг Лолани Мардонга сўраб совчилар келди. Саодат опа уларни ҳам қайтарди, лекин жаҳдан туша олмай ўзига-ўзинмай гапирарди.

– Шу такасалтанг ўғлига менинг қизимни сўрашга қандай ҳадлари сиққанига ҳайронман. Вой, кўнглимнинг кўчаси-ей. Агар фуқарога бермоқчи бўлсам, Азизнинг ўлса, ўлиги ортиқ-ку, ўша безбет Мардондан. Ақлли, босиқ, ота-онаси ҳам мўмин-мусулмон кишилар. Хойнаҳой, Ҳайдар криминал қизимга эмас, данғиллама уй-жойимга совчи бўлиб келишганини билмайди, деб ўйласа керак!

Лола жаҳл отига минган онасига бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин яна орияти йўл қўймади, шекилли, индамади. Балки ойисининг тузук қизлар эр танламайди, буни ота-онасига қўйиб беришади, деган гапини эшитишни истамагандир.

Саодат опа ёлғиз қизини жуда яхши кўрганидан ҳеч кимни унга тенг кўрмасди. Назарида, Лола дунёдаги ҳамма қиздан чиройли, унинг

ақли ҳаммадан аъло, унинг хулқи жуда намунали, шунинг учун у ўзига мос йигит топилмагунча уйда ўтириши керак, деган фикрда эди.

Кўп ўтмай машъум воқеа юз берди. Саодат опани ўлдириб кетишди. Унинг жасади ёнидан Азиз ҳарбий хизматдалигида сотиб олган, қишлоқда фақат ундагина бўлган рўмолча топилгани учун айбдор, деб қамоққа олишди. Рўмолчанинг Азизники эканини Лоланинг ўзи айтган. Бироқ ҳеч ким унинг қотил эканига ишонмасди. Барча қишлоқ аҳли унинг судида қатнашди. Ҳамма далиллар Азизга қарши, уни оқлаш учун бирор сўз топиш қийин эди.

Лола қотиллик юз берган куни онасининг хонасига югуриб кирганини, унинг типирчилаб ётганини деярли ҳар куни эсларди. Кўксидан қон оқаётган Саодат опа кўзларини аранг очиб, бир қўлини қизига узатиб:

– Азиз, Азиз... – деди ва қўллари шалвираб ёнига тушди, ниманидир айтмоқчи бўлиб қийналарди. У чуқур уҳ тортиб секин, эшитилар-эшитилмас: – Ма... ма ... – деди. Ўзини батамом йўқотиб қўйган Лола онаси нимадир бермоқчи, шекилли, деб ўйлаб, унинг қўлларини ушлади. Бироқ маҳкам тугилган муштларини оча олмади.

Уни қайта-қайта сўроқ қилаётган терговчиларга Лола онаси жони узилаётганда Азизнинг исмини икки марта такрорлаганини айттарди.

Азиз қотил, деб топилиб, қамалиб кетди. Мардон совчи қўйишни қанда қилмасди. Лола ҳаммасига нуқта қўйиб, ким бўлса ҳам мен ҳеч кимга тегмайман. Бу ҳақда мендан бошқа сўраманглар, деб ўзининг қатъий жавобини бериб

қўйганди. Шундан кейин совчилар сони камайди. Фақат Мардонгина совчи жўнатишни тўхтатмасди.

Азиз Лолага ораларида ҳеч нима бўлмагандек жазони ўтаётган жойидан хат ёзарди. Қиз хатларни ўқир, биронтасигаям жавоб қайтармас, аммо хат келишини интиқлик билан кутарди. Унинг хатларининг мазмуни Лолага сабр-бардошли бўлишни, сиқилмасликни, ҳаммасини вақт даволашини уқтиришдан иборат эди. Азиз ўзидан кўра унинг учун қайғураётганини Лола ҳис этар, хатини ўқиб, кўнгли сал бўлса-да таскин топгани сабабли яна хат кутарди. У ҳар сафар жавоб ёзишга шайланиб ручкани қўлига олар, бироқ фикридан тезда қайтар эди.

VIII БОБ

Лола гапини тугатиб, Худоёр отага қаради. Қизнинг қайғули ҳикоясини тинглаган Собиржон унга ачиниш билан:

– Албатта, бировнинг хатини сўраш ноқулай, лекин мен сиздан шуни илтимос қилмоқчиман. Агар мумкин бўлса, Азизнинг хатларидан бирортасини берсангиз, – деди.

Лола терговчига нега дегандек таажжубланиб қаради.

– Бу жуда керак, – деди Собиржон.

– Ҳозир, – деб Лола ичкарига кириб кетди. У қўлида катта қоғоз қути тўла хатларни кўтариб чиқиб, – мана, – деб столга қўйди.

– Ўн йил ичида хат келмаган кун бўлмаган чоғи, – деди Фарҳод хатларнинг кўплигидан ҳайратланиб.

Собиржон хатлардан бирини олиб ўқий бошлади. У ўқиб чиқиб, бошини кўтарди. Яна бирини олиб ўқиди. Кейин:

– Айтинг-чи, унинг яқин ўртоғи ким эди? – деди.

– У ҳамма билан яхши муносабатда эди, шунақа. Ҳа, уйлари Мардонларникига яқинлиги учунми ёки дарсларини тайёрлашда унга ёрдам бергани сабаблими иккаласи кўпинча бирга юришарди. Шунақа... – деди Лола одати бўйича «шунақа» деган сўзни такрорлаб. У бироз ҳаяжонланганида бу сўзни кўпроқ ишлатарди.

– Гапингизга қараганда, Азизнинг қамалишида асосий гувоҳ сиз бўлган экансиз. Далилий ашё ҳисобланган рўмолчани ҳам сиз кўрсатгансиз, марҳуманинг сўнгги сўзларини ҳам сиз айтгансиз. Ростини айтинг, сиз Азизнинг қотиллик қилганига озгина бўлса-да ишонганмисиз? – сўради Собиржон.

– Йўқ, ҳеч қачон...

– Унда нега бу ҳақда айтмагансиз, уни оқламагансиз?

– Агар бундай қилсам, одамлар нима дерди?

– Одамларнинг нима алоқаси бор?

– Ахир кўрнамак қиз онасининг қотилини оқлади-я, демасмидилар?

– Ўша рўмолча қандай қилиб сизларникига келиб қолгани ҳақида ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

– Мен бунга ўйлаб ўйимга етолмаганман.

Собиржон қошларини чимириб хаёлга чўмди. Анчадан сўнг: – Отахон, кетамизми? – деди.

Худоёр ота Лолага:

– Қизим, айбга буюрмайсан, сени анча овора қилиб қўйдик, – деди.

Терговчилар ҳам Лоладан узр сўрашиб, хайрлашдилар.

IX БОБ

Эрталаб Собиржон Фарҳодга:

– Мен Азизнинг жиноят ишини архивдан олиб, танишиб чиқаман. Бирор муаммо бўлса, қўнғироқ қиларсиз, – деб шошиб чиқиб кетаётган эди, Фарҳод уни тўхтатди.

– Бирпас тўхтанг, Собиржон ака. Сизни тушунолмай қолдим. Шунини қўлимиздаги ишни тутатгандан кейин бошласангиз бўлмайдими? Кечагина ишнинг муддати ҳақида гапириб, менга дашном бераётган эдингиз. Ҳозир эса худди ҳаммасини унутгандек, ишга алоқаси йўқ нарсалар билан чалғимоқчи эканингизни айтяпсиз. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки менинг метин иродали устозим бетакрор гўзаллик соҳибасининг унсиз севги қиссасидан шунчалик таъсирланган бўлса?

– Қандай тушуниш бу сизнинг ишингиз, бироқ бекорчиликдан аскиябозлик қилиб ўтирмай, «Меҳрибонлик уйи»га боринг.

– Ҳўш-хўш, у ерда нима қилай?

– Нима қилардингиз, Жамилованинг боласини олдига кимдир келган-келмаганини суриштиринг, вазиятдан хабар топинг.

– Фикри ожизимча, икки кун олдин ҳам борган эдим, умуман олиб қараганда кейинги пайтларда бебаҳо вақтимнинг асосий қисми «Меҳрибонлик уйи»да ўтяпти, десам хато қилмайман.

– Бугун яна боринг, яхшилаб суриштиринг.

– Майли, мен-ку боравераман-а, лекин яқинда устимдан шикоят қилиб қолмасалар, деб қўрқаман.

– Нимага?

– Негаки мен у ердаги норасидаларнинг ризқига шерик бўляпман. Болалар овқатланишни бошлади дегунча, менга ҳам олиб келишади. Биласиз, овқат кўрсам йўқ деёлмайман, айниқса, мазали таомларга.

– Демак, у ердагилар ҳам сизнинг ҳали гўдак эканингизни сезиб қолишибди, – деди Собиржон жилмайиб ва суҳбатга якун ясади. – Бўпти, боринг, вақтимиз зиқ, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишимиз керак.

* * *

Тушдан кейин Фарҳод компьютерда нималарнидир ёзиб ўтирарди. У ҳорғин кўринишда кириб келган Собиржонга:

– Нима бўлди, шаштингиз пастроқ? Ҳеч нима чиқмадими? Ишнинг терговини жуда тўғри олиб боришган эканми? – деди.

– Чарчадим, иккита семиз папкани кўриб чиқишнинг ўзи бўлмаслигини яхши биласиз. Саволларингизнинг биронтасига ҳам жавоб беролмайман, – деб Собиржон ўзини креслога ташлади. Бирпасдан кейин Фарҳодга қараб: – Хўш, ўзингизда нима гаплар? – деб сўради.

– Ўша-ўша, у боланинг олдига ҳеч ким келмаган.

– Наҳотки?

– Ўзиям у ердагилар мени яхши кўриб қолишди-да, Собиржон ака. Болаларни айтмайсизми, битта латифа айтувдим, бошим балога қолди. Амаки яна латифа айтиб беринг, деб қулоқ-миямни қоқишди. Мен ҳам у ерда ишлайдиган ҳамма ишчини беш бармоқдай билиб олдим. Бугун қизиқ воқеа бўлди. Бир нотаниш аёл тушликда овқат кўтариб келди. Ундан:

– Ишга янги келдингизми? – деб сўрадим.

– Йўқ, илгаридан ишлайман, – деди.

– Нега ёлгон гапирасиз? Мен ҳам уч ойдан бери ярим штат шу ерда ишлайман ҳисоб. Бу ерда мен танимайдиган одам йўқ, – дедим унга.

– Ука, сизни алдаб зарил кептими? Мен шу ерда ўн йилдан бери ишлайман, – деб овқатни қўйиб чиқиб кетди.

Аёлнинг қўрслигини кўриб, унга бошқа савол бермадим. Мен одатдагидек овқат қўйилган патнисни кўтариб, болалар овқатланаётган ошхонага тушдим. Овқатни еб бўлгунча ўйладим, наҳотки янглишган бўлсам? Ахир ҳаммани билардим. У аёл қаерда эди? Мен ошхонадаги Ойжамол холадан бу ҳақда сўраган эдим, у:

– Ҳа, Тўтихонни айтяпсизми? У уч ойдан кўп бўлди, ўз ҳисобидан таътил олиб кетганди, яқинда яна ишга тушди, деди. Биласизми, Собиржон ака, Мен Ойжамол холанинг овқат пиширишига қойилман. Ҳеч қаерда ўқимаган, маълумоти саккиз синф, бироқ пиширган таомларининг мазасини ҳеч қаерда татиб кўрмаганман. Ростини айтсам, ҳар сафар тўймай қоламан, яна озгина беринг демоқчи бўламан-у, тортинаман. Ўзи текиндан-текинга болаларнинг ризқига шерик бўляпман, бу ҳам етмагандек, яна ёрилгунча ейиш ноинсофлик, деб ўйлаб индамайман.

– Хайрият, текинтомоқ эканингизни биларкансиз. Менимча, сиз «Меҳрибонлик уйи»га у ердаги овқатлардан татиб кўриб, мазасига баҳо бериш учун бормагандингиз.

– Тўғри, ўзингиз ўша Тўтихон опа ҳақида гапиртиргани қўймаяпсиз-ку.

– Қайси Тўтихон? Янглишмасам оғзингиздан сўлагингиз оқиб, Ойжамол холанинг овқатлари-

ни мақтаяпсиз. Фарҳод, масалага жиддийроқ ёндашсангиз-чи. Хўш, Тўтихон опа ҳақида нима демоқчисиз?

– Ҳеч нима.

– Бу нима деганингиз, эсингиз жойидами ўзи? Сизга нима бўляпти? Бир у дейсиз, бир бу дейсиз, ҳаммасини чалкаштириб юборяпсиз.

– Мен у ҳақда эмас, Жамилованинг боласини олдига бундан тўрт ойча аввал келган киши ҳақида гапирмоқчиман.

– Хўш?

– Биласизми, Тўтихон опанинг айтишича, у баҳорнинг илиқ кунларидан бирида болаларни боққа олиб чиқиб айлангириб юрса, Санжар исмли бола олдига сочи тагидан олинган киши келибди. У болага:

– Мен сенинг отанг бўламан, – дебди.

– Сизни танимайман, – дебди бола.

– Агар истасанг, сени олиб кетаман, – дебди ҳалиги одам.

– Йўқ, бормайман, Жаъфар амаким менга ҳовлиларини берарканлар, – дебди Санжар.

– Ким у Жаъфар? Қанақасига беради? – дебди ҳалиги киши.

– Ойимнинг айтишича, уйларини менга мерос қилиб қолдирибдилар, – дебди Санжар.

Уларнинг гапларини чала-чулпа эшитган Тўтихон опа бояги одамга:

– Нимага ўзингизнинг ким эканингизни бизга таништирмай, болага ҳар хил гаплар гапиряпсиз. Санжарнинг кими бўласиз? – деса, у одам:

– Мен унинг отасиман, ўғлим билан кўришишни тақиқлай олмайсизлар, – деб кетиб қолибди.

У жуда тез келиб, яна тез қайтиб кетгани учунми Тўтихон опа бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган кўринади. Мен у билан гаплашиб ўтириб, бу ердалигимнинг боиси Санжар эканини айтганимдан кейин ўша воқеа эсига тушди.

– Демак, ўйлаганимдек, Фаниев Исмаиловнинг олдида борган экан. Янглишмабман, ниҳоят, калаванинг учи топиляпти.

– Сиз буни билар экансиз-да. Шунинг учун ҳам мени ҳадеб «Меҳрибонлик уйи»га жўнатаркансиз. Оббо, шунинг илгарироқ айтсангиз бўларди-ку.

– Ҳа, Худоёр ота расмини кўрсатган нота-ниш киши Жамилованинг собиқ эри эканлиги аниқданганидаёқ сезганман.

– Нега менга айтмадингиз? Мен эса у ерга бориб бошқа ишим бўлмаганидан Ойжамол хола билан нуқул у пиширган овқатнинг қандай тайёрланиши ҳақида валақлашибман-а. Қачон менга очиқ-ойдин гапирадиган бўласиз, Собиржон ака?

– Ҳеч қачон.

– Нега?

– Негаки Худо сизга бир қарич тилдан ташқари ҳамманикига ўхшаган бош ва мия бериб қўйибди. Ҳамиша таъкидлаганимдек, фаҳм-фаросатли киши нима қилиши лозимлигини ўзи билиши керак.

– Бу гапингизга қўшиламан, устоз, шунчалик фаросатли эканманки, мана, керакли фактни сизга айтдим. Ана шунинг учун ҳам ақлли эканимни ҳар қадамда бошқаларга билдириб юраман-да.

Собиржон Фарҳоднинг гапларига эътибор бермай, ўта жиддий оҳангда:

– Фарҳод, ўзингиз ҳам сезаётган бўлсангиз керак, тезда Фаниевни топиш керак. Бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар бериш лозим. Ҳаммаси билан ўзингиз шуғулланасиз, – деди.

– Сиз бир ёққа кетмоқчимисиз?

– Йўқ, ҳеч қаёққа кетмоқчи эмасман. Мен Мардон билан суҳбатлашиб кўришни кечиктириб бўлмайди, деган фикрга келдим. Тергов натижасидан келиб чиққан ҳолда ўша жиноят ишини кўриб чиқишга рухсат сўрайман.

– Наҳотки ҳамма ишни бир ўзимга юкласангиз.

– Қўрқманг, иккала ишни биргаликда олиб борамиз, ёнингизда бўламан.

Х БОБ

Собиржон Мардонни олиб келган участка но-зирига:

– Мажидов, сизга катта раҳмат, кетавери-шингиз мумкин, – деб рухсат берди.

Мардон бесўнақай гавдасининг офирлиги-ни гоҳ бир оёғига, гоҳ иккинчи оёғига ташлаб, терговчига беписанд назар ташлаб турарди. Со-биржон унга қаршисидаги стулни кўрсатиб:

– Ўтиринг, Шокиров, – деди.

– Мени бу ерга нимага олиб келишди? – сўра-ди безрайиб Мардон.

– Сиз билан гаплашиб олишимиз керак. Айрим тушунмовчиликларга аниқлик киритмоқчимиз.

– Қанақа тушунмовчилик? Ўша чол ҳамма-нинг жонига тегиб кетди, хўпми. Ахири сизгача келибди-да?

– Қайси чол? – деди Собиржон жойига ўти-раркан. У Мардоннинг кўкишроқ, бўриники-га ўхшаган, бурчаклари сал қисик, қўрқинчли боқувчи кўзларига тикилди.

– Худоёр отани айтаман-да. Хўш, нега чақир-ганингизни билсам бўладими?

– Ҳозир билиб оласиз.

– Нима, тўғри келган одамни чақириб, хоҳлаганча ушлаб ўтиришга ҳаққингиз борми?

– Хавотирланманг, қонундан четга чиқмаймиз. Сиз ҳаққингиздаги шубҳаларни тўғри-нотўғрилигини аниқлаш учун гаплашиб кўришимиз керак.

– Сўроқ қилаётган одамни ҳам ўйлайсизларми ўзи?

– Тушунмадим.

– Бегуноҳ бир кишини уйдан мелиса билан олиб келиб, тергов қилаверасизми?

– Шокиров, биринчидан, бу тергов эмас, шунчаки гаплашяпмиз, иккинчидан, агар айбингиз бўлмаса, ҳар қандай шубҳа-гумонлардан ҳоли эканлигингиз аниқланса, мен сиздан кечирим сўрайман. Шунинг учун ҳеч нимадан чўчимаслигингиз мумкин. Энди эса рухсат берсангиз, савол бериш навбати меники, майлими? Жавобларингизнинг қанчалик тўғрилиги ўзингиз учун жуда муҳимлигини айтиб қўяй.

– Қўрқоқларгина ёлгон гапиради. Мен қўрқадиган иш қилмаганман, ҳурматли терговчи, хўпми, – деди Мардон қўлларини бир-бирига чалиштириб.

– Хўп, ҳозир кўрамиз, нима ишлар қилганлигингизни, – деб Собиржон Мардонга бошдан-оёқ назар ташлаб, кейин унинг бежо боқаётган кўзларига қаради. Унинг ўтқир нигоҳига тоб беролмаган Мардон беихтиёр кўзларини олиб қочди. – Қаерда ишлайсиз?

– Бизнес-мизнес дегандай...

– Шокиров, мен унақа ишни эшитмаганман, аниқроқ гапиринг.

– Очигини айтсам, ҳозирча ишламайман. Иш қидириб юрибман.

– Тушунарли, илгари қаерда ишлагансиз?

– Сизга айтсам, мен аслида ишдан қочадиган одам эмасман, лекин ҳамма билан ҳам тил топишиб кетолмайман, шунинг учун бирор ерда ишлаганман деёлмайман, хўпми...

– Ҳа, тушунарли. Айтинг-чи, бу одамни танийсизми? – деб Собиржон унга расм кўрсатди.

– Ҳа, танийман.

– Қандай танийсиз?

– Мен шаҳардан иш излаётганда танишганман. Менга ёрдам беришини айтганди.

– Уйингизга нима мақсадда борган?

– Бир пиёла чой ичгани таклиф қилгандим. Нима, мумкин эмасми?

– Рашидни ҳамми?

– Йўқ, унинг ўзи келган экан. Умуман олганда, уй меники, хўпми. Шундай экан, ким келиб кетишини ҳам ўзим ҳал қиламан, хўпми. Тушунтира олдимми?

– Аниқланишича, уй сизники эмас, отангизга тегишли экан.

– Отанинг уйида фарзандининг ҳам ҳиссаси бўлади, хўпми. Ҳурматли терговчи, бизнинг ҳам қонундан анча-мунча хабаримиз бор.

– Қонундаги яна нималарни биласиз?

– Анча-мунча нарсани биламиз-да.

– Шунақами, жуда кўп билганингиздан бировни ўлдириб, қотилликни бегуноҳ бошқа бировга тўнкашни ҳам қойиллатган экансиз-да?

Терговчининг кутилмаган гапидан Мардоннинг ранги докадек оқариб кетди. У кўзларини олазарак қилиб ҳар томонга қаради. Терлаб кетганидан рўмолчасини чиқариб юзини, бўйнини артди. Тез-тез нафас олиб, ўзини босолмай анча ўтирди. Собиржон индамай уни кузатарди. Охири ғалати овозда дудуқланиб:

– Ни-ма де-деётганингизни ту-тушунмадим, – деди.

– Тушунмаган бўлсангиз, шунча терга ботар-мидингиз, Шокиров? Ахир ўн йилдан бери дўстингиз қамоқда ётибди, бир аёл эса сизнинг пи-чофингиз зарбидан тил тортмай ўлган.

– К...ким ҳақида гапиряпсиз?

– Бас қилинг, қўлингиз қонга беланганлигини яширишга ҳаракат қилганингизнинг энди фойдаси йўқ!

– А... Йўқ...

– Биладан, сизга энг алам қилгани, бирибир, жирканч мақсадингизга ета олмадингиз.

– Ҳеч нарсани исботлай олмайсиз! Ҳаммаси уйдирма! – деди Мардон жон ҳолатда бақириб.

– Агар айтаётган гапларим аллақачон ўз исботини топмаган бўлса, бундай гапирмасдим. Акс ҳолда туҳматчига айланардим.

– Нима? Ахир... Қандай қилиб?

– Қандай қилиб, дейсизми? Ана энди ўзингизга келдингиз. Ўн йил илгариги қотиллигимни қандай исботладингиз демоқчисиз-да, тўғрими?

– Мен ҳеч кимни ўлдирмаганман, хўпми...

– Бу гапингиз жуда ишонарсиз чиқди.

– Агар сиз рост гапираётган бўлсангиз, айтинг, нега мени қотил деб ўйлаяпсиз? – деди Мардон анча шаштидан тушиб.

– Мен ўйламаяпман, буни ишонч билан айт-япман.

– Буни исботлаб берсангиз, хўпми...

– Ўшанда марҳуманинг кафтларидан олинган, лекин аниқланмаган қора жун толалари эсингиздами?

– ...

– Яқинда уйингизга борган Худоёр ота билан участка нозири-чи, уларни ҳам эслайсизми?

Мардон терговчининг нима демоқчи эканини билмай кўзларини катта-катта очиб, киприк қоқмай қараб турарди.

– Худоёр ота отангиз устунга илиб қўйган қора қўйнинг терисидан тикилган нимча жунидан намуна олган экан. Экспертиза натижасига кўра мурданинг қўлидан олинган толалар билан ўша нимчанинг жуни толаси битта нарса экани аниқланди. Энди тушунгандирсиз, нега ишонч билан гапираётганимни?

– Йўқ, йўқ!

– Нимани инкор қилмоқчисиз? Бировнинг қизига ва мол-мулкига эга бўлиш мақсадида одам ўлдириб, қиз шўрликни севганидан айириб, қотилликни дўстига юклаган кимсадан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Мабодо, мен ўлдирмадим, қотил дадам, демоқчи эмасмисиз? – деб Собиржон ўрнидан туриб, Мардонга яқинроқ борди.

Мардон бошини чангаллаганича ўтирарди. У ерга тикилиб қимирламас, худди ҳайкалга айланиб қолгандек эди.

– Айбингиз алақачон исботланган, фақат ўзингизнинг тан олишингиз қолган холос, – деди Собиржон ундан кўз узмай.

Мардон бошини кўтармай:

– Ўн йилдан бери... Ўша кундан бери фақат бир одамдан қўрқардим – шу лаънати чолдан. Уни кўрдим дегунча титроқ босиши бежиз эмас экан. Қизик, ўйлаганим нақадар тўғри чиқди. Барибир, шу чол пайқади, агар у бўлмаганида эди, мен ҳеч қачон қамалмасдим, минг лаънат унга...

– Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслиги ҳақида сиз ҳеч эшитмаганмисиз? Худоёр ота

бўлмаса ҳам сизнинг қилмишингиз, барибир, фош бўларди, жазоингизни олардингиз, – деди Собиржон телефон гўшагини кўтараркан.

– Жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб, ҳаммасининг тагига етганман, фақат бир нарсани билолмадим, Азизнинг рўмолчаси. У қандай қилиб ўша жойда пайдо бўлган?

– Лаънати Азиз! Уни ҳамиша ёмон кўрганман. Анқов мени ўзига яқин олиб, ҳарбий хизматдалигида сотиб олган рўмолчаларини кўрсатаётганида, биттасини билдирмасдан олиб қўйдим. Уни шу рўмолчаси орқали йўқ қилмоқчи бўлгандим, афсус...

– Олиб кетинглар, – деди Собиржон.

Иккита милиция ходими Мардонни олиб чиқишди.

XI БОБ

Фарҳодга Ғаниев Исматни қўлга олишни ташкиллаштириш вазифаси топширилгани катта масъулият юкларди. У ички ишлардаги ходимлар билан қўлга олиш режасини ўйлаб чиқди. Мардонни участка нозири билан Собиржоннинг олдига юбориб, улар бешта ички ишлар ходими билан Ҳайдар аканинг ҳовлисига жойлашдилар. Оила аъзоларига вазият тушунтирилиб, уларга вақтинча алоқа воситаларидан фойдаланиш ва кўчага чиқиш тақиқлаб қўйилди. Эрталаб Мардонни олиб кетишдан олдин участка нозири томонидан келтирилган Рашидни Фарҳод Ҳайдар аканинг уйида сўроқ қилди.

– Суюнов, сиз Ғаниев Исмаат билан қандай танишгансиз? – деди у бу ердаги аҳволни кўриб, ҳеч нимани тушунмай анграйиб ўтирган Рашидга.

- Мардон ака таништирган.
- Нима учун, қандай мақсадда? Ҳаммасини бошидан гапириб беринг.
- Мен сартарошхонага келгандим, чиқиб кетаётганимда Мардон ака билан гаплашиб қолдим. У қаерда ишлаётганимни сўради. Маошимни сўради. Айтгандим, у агар истасам, катта пул топишим мумкинлиги ҳақида гапирди. Шу билганим...
- Аниқроғи-чи, нима деди?
- У менга чет элга бориб ишламоқчи бўлсам, танишлари борлигини айтди. Шу билганим...
- Қайси давлатга?
- Хитойга.
- Кейин нима бўлди?
- Мен розилик билдирганимдан кейин Исмат ака билан таништирди.
- У билан нима ҳақда гаплашдинглар?
- Ҳеч нарса, биз фақат Мардон ака билан гаплашардик. У шаҳарлик кишини катта одам, майда-чуйдаларни сўраб бошини қотирманглар, дерди. Шу билганим...
- Рашидбой, чет элга битта ўзинг кетмоқчимидинг ёки сенга ўхшаб кўп пул топишни орзу қилганлар анчамиди?
- Мен... бошқаларни билмайман. Шу билганим...
- Ҳозиргина ўзинг «Биз фақат Мардон ака билан гаплашардик», «майда-чуйдаларни сўраб бошини қотирманглар, деди» каби сўзларни гапирдинг-ку. Она тили грамматикаси фанидан яхши ўқиганмисан?
- Нимаиди? Шу билганим...
- Одатда, «Биз» деган сўз, «лар» қўшимчаси кўпликда ишлатилишини яхши биламиз. Мен

бекорга, чет элга йўл олган нечта бола эдинглар, деётганим йўқ, кўриб турганингдек, ўз сўзингдан келиб чиқиб савол беряпман. Хўш, ҳаммасини тушунган бўлсанг, айт-чи, нечта эдинглар?

– Мен билмасдан...

– Рашид, сен ҳалиям масаланинг моҳиятини яхши тушуниб етмаган кўринасан. Кел, бошидан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Мен – прокуратура бош терговчиси, анави бешта ички ишлар ходими бу ерга ишимиз йўқлигидан сенинг «Шу билганим...» деган сўзингни эшитишга келмадик. Агар бўш вақтим бўлганидами, ўзим билардим уни қандай ўтказишни. Юмшоққина диванда ётиб Антонио Вивальдининг мусиқаларини эшитиб маза қилардим ёки севимли спортизм дзюдо билан шуғулланардим ё бўлмаса энди тили чиққан ўғилчам билан гаплашиб роҳатланардим. Афсус, Мардонга, Исматга ўхшаган ғаламисларнинг жиноятларини фош қилиш ҳамма нарсадан муҳимлиги учун бу ердамиз. Тушундингми?

Рашид унга анграйиб қараб:

– Йўқ, – деди.

– Нимасига тушунмайсан? Гап шундаки, Фанниев Исмат деганлари икки марта судланган жиноятчи, учига чиққан товламачи. У Мардон билан тил бириктириб, сенга ўхшаган содда болаларни алдаб, чет элдаги шерикларига сотмоқчи бўлган. Биз уни қўлга олмасак, бошқа жойга бориб сенга ўхшаганларни яна топади. Шунинг учун сен сўраганларимга фақат тўғри жавоб бергин. Бу бизга берган ёрдамнинг бўлади.

– Сот...сотмоқчи...

- Ҳа, қул қилиб сотмоқчи бўлган.
- Қанақасига?
- Шунақасига, фақат сенга ўхшаган ҳамма гапга лаққа тушадиган, қонунни билмайдиган анқовлар топилса бас, пуллаб юборишади.
- Мени анқов деяпсизми?
- Чет элга кетиш учун қонуний йўлдан бормасдан, қандайдир бир товламачига алданиб, бизни шунча овора қилаётган лақмани бошқа нима деб аташ мумкин. Агар «анқов»га норози бўлсанг, ўзингда бошқа вариантлари бўлса айт, шундай деб атайман.
- Наҳотки?! Вой ярамаслар, вой ифлослар... Худоёр ота айтганди...
- Энди етиб борди, шекилли. Тушунган бўлсанг, кўпам «вой, вой»ламасдан гапир, нечта эдинглар, кимлар?
- Мен бу ердан битта ўзим, қўшни қишлоқдан яна учтаси бор.
- Уларнинг исmlарини, телефонларини биласанми?
- Ҳа.
- Жуда соз, қани, битта-битта айт-чи.
- Фарҳод ҳаммасини ёзиб олиб, уларга телефон қилиб чақиришни Рашидга тушунтирди.
- Сен уларга Мардоннинг номидан гапир, унинг тоби бўлмаётганини, тезда етиб келишларини айт.
- Қўнғироқ қилмасам ҳам бугун шу ерга йиғилишимиз керак эди. Паспортларингни ола келинглар дейишганди. Шу билганим...
- Соат нечада келадилар?
- Тушгача келишади, бирор соатлардан кейин ўша шаҳарлик ҳам келади.

– Ундай бўлса, ҳеч кимга ҳеч нима дема. Тўхта-тўхта, ўша одам келишидан олдин Мардонга телефон қилармиди?

– Менимча, ҳа. Бир марта гаплашаётганини эшитганман.

– Унда ишлар чатоқ, ука. Кутганимиз бефойда. Ўйлаб кўриш керак, Мардон телефонига жавоб бермаса, у кимга боғланади?

– Менга қўнғироқ қилиши мумкин.

– Ҳа, ундай бўлса, жуда соз. Фақат сен нима дейишингни билиб олишинг лозим. «Мардон акамнинг қоринлари оғрияпти. У кишининг телефонлари ўчирилган, шекилли. Қаттиқ оғриқдан қийналяптилар», дегин.

– Телефонни бер, деса-чи?

– Секин-секин калланг ишляяпти, баракалла Рашид. «Ҳозир, акажон» деб телефонни менга берасан.

– Овозингиз ўхшамайди-ку.

– Қара, миянг яхшигина ишляяпти. Гапинг тўғри, ўхшамайди, буни тўғриласа бўлади.

– Қандай қилиб?

– Мардон оғриқдан аранг инқиллаб гапиреди. Шундай пайтда унинг овозини туққан онасиам танимайди. Фақат сен унинг қайси сўзни кўп ишлатишини айтсанг, бас.

Уларнинг гапларига қулоқ солиб турган милиционер йигит кулиб:

– Пул ёки доллар деган сўзларни кўп айтса керак, – деди.

Рашид ўйланиб қолди ва:

– У гапининг охирида «хўпми» деб қўшиб қўярди.

– Яша, Рашид. Ҳайронман, шунча ақлинг билан қандай қилиб товламачиларнинг қўлига ту-

шиб ўтирибсан-а, – деди Фарҳод кулиб.

– Ака, устимдан кулманг, улар одамни илинтиришга уста экан. Бир гаплашиб кўрсангиз, биласиз, ўзингиз ҳам лаққа ишонардингиз.

– Йўқ, ҳеч қачон мени алдай олишмасди, қанчадан-қанча товламачию қотилларни қўлга туширганимни билганингда, бундай демасдинг.

– Қотилларни ҳамми? – деди Рашид ҳайратланиб.

– Ҳа, албатта... – деб Фарҳод оғиз кўпиртириб ўзини мақташга чоғланди-ю, бирдан бу ерда нега ўтиришгани эсига тушиб, иш бўйича савол берди.

– Сенинг нималар қилиб юрганингни ота-онанг биладими?

– Улар иш битмагунча ҳеч кимга, ҳатто уйдигиларга ҳам бу ҳақда бир оғиз айтмаслигимизни қаттиқ тайинлагандилар. Очигини айтганда, Фарҳод ака, ўзим ҳам уларнинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланаётгандим.

– Уларга унча ишонмаётган бўлсанг, бунақа таваккал қилишга сени нима мажбур қилди?

– Катта пул васвасаси-да, ака. Мардон ҳаммасини жуда кўпиртириб юборди. Назаримда, икки йилга қолмай данфиллама иморату чет эл русумидаги автомобил эгасига айланиб қоладигандек туюлгандим.

Эшикдан Ҳамдам кириб келди.

– Мардонни Собиржон аканинг қўлига топшириб, қайтиб келавердим. Бу ерда ишлар жойидами?

– Ҳозирча яхши, – деб Фарҳод Рашид билан суҳбатини давом эттирди. – Сени қара-ю, бу нарсаларга шу ерда меҳнат қилиб, секин-секин эришса ҳам бўларди-ку. Сал шошибсан-да, оғайни, тўғрими?

– Мен Худоёр отанинг маслаҳатига қулоқ солганимда эди, ҳозир майна бўлиб ўтирмасдим.

– Ҳалиям шу кишининг синчковликлари туфайли вақтида пайқадик. Агар кеч қолганимизда борми, майна эмас, бегона юртда кимнингдир эшигида эшшакдек ишлаётган қулга айланардинг, ука. Унда ҳақиқатан ҳам, додингни ҳеч кимга айтолмасдинг.

Рашиднинг телефони жиринглаб қолди. У рақамларни кўриб:

– Бу ўша одам, нима дейман? – деди шошиб.

– Ҳовлиқма, боя келишганимиздек, Мардоннинг қорни оғриётганини айтиб, телефонни менга бер, – деди Фарҳод унга яқин бориб.

Рашид гаплаша бошлади:

– Ассаломалайкум, ака. Ҳа, Мардон акамнинг мазалари бўлмаяпти. Қоринлари безовта қилипти. Мен у кишининг ёнларида ўтирибман. Мана, ўзингиз гаплашинг.

Фарҳод инқилаб телефонни олди.

– Ака-а, ўлама-ан, шекили-и. Қорни-им азоб бераяпти-и, хўпми-и. Сиз келсанги-из, ишни биткази-иб, кейин касалхонага-а, во-ой, кетама-ан, хўпми-и. Кўричак чоғи-и, оғриқ қўйвормаяпти-и, хўпми-и...

Фарҳод гаплашиб бўлгач, қўйганидан кейин милиционер йигит хавотирланиб:

– Ишқилиб «Хўпми» ни кўп ишлатиб юбормадингизми? – деди.

– Билмадим, менимча у ҳеч нимани пайқамади. Йўлдаман, тезда етиб бораман, чидаб туринг, деди.

– Йўқ, ака, Мардон ундан ҳам кўп такрорларди. Ўхшатдингиз.

– У ҳозир бораман, деди. Болаларингдан эса дарак йўқ. Агар у етиб келиб, болалар бўлмаса,

ҳамма ҳаракатларимиз пучга чиқади. Ахир уни жиноят устида ушлашимиз керак, акс ҳолда ҳеч нимани исботлай олмаймиз.

– Ундай бўлса, болаларга қўнғироқ қилиб кўрайми?

– Ҳа, фақат ҳеч нимани сезишмасин.

Рашид қўнғироқ қилиб, уларнинг машинада эканини, тезда етиб келишларини айтди.

Болалар келганларидан сўнг Фарҳод уларга вазиятни тез-тез тушунтирди, Рашид ёрдамлашди. Исматни жиноят устида қўлга олиш кераклигини, бўлмаса, унинг айбини тасдиқлаб бўлмаслигини уқтириб, шунга тайёрландилар. Болалар тўрталаси паспортлари билан уни кутиб бир хонада ўтирдилар, овоз ёзиш ускуналари ишларди. Исмат келди, уни Рашид кутиб олди. У болалар билан саломлашиб, Мардонни сўради. Унинг нариги хонадалигини айтдилар. У:

– Ҳаммангиз паспортларингизни олиб келдингизми? – деди.

– Ҳа, ўзи қачон чет элга жўнатасиз? – деди йигитлардан бири.

– Ўзим айтаман, шошманглар, – деди Исмат.

Шунда кутилмаганда нариги хонадан телефон қўнғироғининг жиринглаши эшитилди. Кимдир шивирлаб гаплашди. Исмат бу ерда нимадир борлигини пайқаб:

– Нима гап? – деди болаларга қараб.

– Ҳеч гап йўқ, – деди улар бараварига.

Исмат секин эшик томонга юрди. У эшикни очиб қочиб қолмоқчи эди, лекин у ерда милиция ходимини кўриб, ярим очиқ дераза томонга югурди. У чаққонлик билан сакраб, деразадан ўзини кўчага отди. Фарҳод Ҳамдамга сўкиниб:

– Ҳамма ишни барбод қилдинг, телефонингни ўчирмай қўйганинг нимаси, аҳмоқ?! – деб бақирди. – Тезроқ ҳаракат қилинглар, узоққа қочиб кета олмайди, – деб ўзи ҳам югуриб ташқарига чиқди.

У ташқаридаги манзарани кўриб, наҳотки уни дарров қўлга олишган бўлса, деб гап нимадалигини тушунмай қараб қолди. Кейин билса, воқеа бошқача бўлган экан.

Худоёр ота қотилликда Мардондан шубҳаланган кундан бери ҳар томондан кузата бошлади. Уни Ҳамдам терговга олиб кетганини ва энди ўша нотаниш шубҳали одамни қўлга олмоқчи эканларидан хабари бор эди. У саргарошхонадан туриб ҳаммасини кузатарди. Исмат Мардонларникига кириб кетганини кўриб, Ҳамдамнинг бундан хабари бор-йўқлигини аниқлаш учун қўнғироқ қилган ҳам ота эди.У:

– Ўша киши кириб кетди, хабарларинг борми? – деди телефонда.

– Худоёр ота, халақит қилманг! – деди Ҳамдам шивирлаб.

Ота, демак, қўлга оляптилар. Бориб деразадан қарай-чи, нима бўлаётганини ўз кўзим билан кўришим керак, деб шошиб катта йўлдан ўтиб, тўғри дераза ёнига келди. Ҳали қарашга улгурмай, дераза шарақлаб очилиб, кимдир сакраб тушди. У тиззалаб қолган эди. Ҳалиги одам ўрнидан тез туриб, энди югурмоқчи бўлганида ота қўлидаги ҳасса билан унинг боши аралаш бўйнига зарб билан туширди. Исмат оғриқдан узаласига йиқилади. Шу пайт етиб келган йигитлар унинг қўлига кишан солдилар.

ХII БОБ

Фарҳод эртасига ишга келгач, бу воқеани Собиржонга жуда кулгили қилиб ҳикоя қиларди. Иккаласининг баланд овозда хохолаб кулган овозига қўшни хонадагилар ҳам кириб, нима гаплигини билганларидан сўнг улар ҳам кулгидан ўзларини тўхтата олмасдилар. Улардан бири:

– Оббо, Худоёр ота-ей, аблаҳнинг бошига ҳассаси билан тушириб яхши қилибди, – деса, бошқаси:

– Чоли тушмагур, Фарҳодга ўхшаганларга иш қандай бўлишини кўрсатибди-да, – деб Фарҳодни калака қиларди.

Ҳамма хона-хонасига тарқалганидан кейин Собиржон Фарҳодга:

– Ўзи ёшлигида жасоратли бўлган одамни бу хислат кексайганида ҳам тарк этмас экан, гапимга қўшиласизми? – деди.

– Тўғри, мен шундай одам ҳақида бўлмагур фикрга борганимдан хижолатдаман. Отанинг ҳамма ишга аралашаверганини мен бошқача тушунган эдим. Энди билсам, у ўта жонкуяр, фидойи инсонлиги учун бошқаларнинг тинчлик, хотиржамлигини деб, ўзини ўққа, чўққа ураварар экан.

– Хижолат бўлманг, отага ўхшаганлар кам топилади. Бошда мен ҳам уни билмагандим. Фақат бир воқеадан кейингина тан берганман.

– Қайси воқеа?

– Жобировани эртага қамоққа оламан, бошқа чорам йўқ деб ўйлаётганимда, тиниб-тинчиманган чолнинг воқеадан озгина бўлса-да хабардор бўлган гувоҳни топиб келиши, менга қотил бутунлай бошқа одам эканини англашимга туртки бўлган. Ўшанда у мени қўпол хато қилишдан

сақлаб қолганди. Биласизми Фарҳод, ундан ҳар биримиз ўрнак олсак арзийди.

– Агар ота ўша Ғаниевдан шубҳаланиб, вақтида пайқамаганида, у ярамас жиноий мақсадини амалга оширган бўлармиди? Ким билади, ҳали у жазодан қутулиш мақсадида нималарни ўйлаб чиқаради. Мен танишимникига келгандим, милиционерларни кўриб кўрққанимдан қочдим, дейишини аниқ биламан. Уни одам савдоси билан айблашимиз қийин кечиши сезиляпти. Далиллар, гувоҳлар бору етарли эмас-да. Сиз нима деб ўйлайсиз, Собиржон ака?

– Бу кўриниб турибди, тажрибали жиноятчидан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Уни қўлга туширганимиз жуда катта иш бўлди. Бироқ назаримда бугун ундан-да улкан ишни амалга оширишимиз кутиляпти.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Ғаниевни сўроқ қилайлик-чи, Фарҳод, ўзингиз ҳам буни сезаётганингизга аминман.

– Ҳа, ниманидир пайқагандекман, фақат бундай катта тасодиф бўлишига унчалик ишонмаяпман-да.

Шу пайт эшик тақиллаб, Ғаниевни олиб келганларини хабар қилишди. У елкалари кенг, сочи тагидан олингани учунми, боши гавдасига нисбатан кичик кўринувчи, қорача юзи чўтир, кўзлари совуқ боқадиган одам эди. Унинг бўйи гавдасининг йириклигига нисбатан пастроқ бўлгани учун қандайдир ғалати кўринарди. У терговчиларга олазарак тикилиб турарди.

– Ўтиринг, – деди Собиржон ва соқчиларга рухсат берди.

– Менга қандайдир айб юклашга бекорга уринманглар. Жиноят қилганим йўқ. Адвокатсиз бир оғиз ҳам гапирмайман! – деди Ғаниев.

– Ҳимоячи чақирганмиз ёки ўзингизнинг ҳимоячингиз борми? – деди Собиржон.

– Мен адвокат Жабборовни чақиришингизни талаб қиламан!

– Талабингиз қондирилади, – деб Собиржон Фарҳодга қаради. У аллақачон қўнғироқ қила бошлаган эди.

Қўп ўтмай навбатчи қўнғироқ қилиб, ҳимоячи Жабборов етиб келганини маълум қилди. У ўрта яшар, бўйи новча, сочига оқ оралаган, довдирроқ одамга ўхшаб кўринарди. Собиржон ҳаммасини расмий ҳал қилишганидан кейин терговни бошлади. Фарҳод ёзишга тайёр бўлиб ўтирарди. Сўроқ гумондорнинг шахсини аниқлашдан бошланди. Терговчи савол берарди:

– Фаниев, илгари икки марта ўғирлик жинояти содир қилганингиз учун жазони ўтаб чиққан экансиз. Ҳали қайтганингизга тўрт ой ҳам тўлмай туриб, одам савдоси билан шуғулланишдан гумон қилиниб терговда ўтирибсиз. Бу ишга сизни нима мажбур қилди?

– Энди, братан, ҳаммаси хом сут эмган банда эканимдан-да.

– Нима, сизнингча бошқалар пишган сут билан боқилганми? Бундан чиқди, жиноят қилишингизга сабаб фақат сутнинг хомлиги, тўғрими?

– Бу билан ҳаммасига пушаймонман, хато иш қилганман, демоқчиман, братан.

– Сизнинг бу гапларингизга қараганда, «Лақаб» қишлоғидаги шеригингиз Мардон билан тўртта йигитни чет элдаги ҳамтовоқларингизга пулламоқчи бўлганингизни тан оляпсиз, тўғрими?

– Ҳа, тан оламан, братан.

Фарҳод, бунча тез иқроп бўлади деб ўйламагандим, деган маънода компьютердан бошини

кўтариб, Собиржонга қараб қўйди, у эса савол беришда давом этарди.

– Эслатиб қўяй, менга «братан» деб эмас, терговчи, деб мурожаат қилинг.

– Хўп.

– Бу воқеадан илгари нечта одамни алдаб, пуллагансиз?

– Ҳеч қанча, фақат шулар, ишонаверинг.

– Майли, ишондик ҳам дейлик, бироқ бошқа жиноий шерикларингизнинг исмларини биттадан айтишингизга тўғри келади.

– Мен ҳаммасига розиман, фақат енгиллик берсанглар, дегандим. Кўриб турганингиздек, сизларни кўп овора қилмасдан, дарров ҳаммасини тан олдим. Қилмишимга чин юракдан иқрорман. Ахир ҳали ҳеч нима қилмадим-ку. Болаларнинг ҳаммаси соғ-саломат юришибди, ҳеч қаёққа кетишмаган. Шуларни назарда тутиб...

– Албатта, қўлга тушганингиздан кейин бу гапларни айтяпсиз. Агар разил мақсадингизни амалга оширганингизда нима бўларди? Эндигина ўн саккиз-ўн тўққиз ёшга кирган навқирон йигитлар чет элда қул бўлармиди ёки сизга ўхшаган шахслар томонидан қайсидир органи олиниб, мажбурий донорга айлантирилиб, ҳаётдан кўз юмармидилар, ким билади. Сиз уларни чет элда даҳшатли тақдир кутаётганини билгансиз ва заррача раҳмингиз келмай, қасддан шу жиноятга қул ургансиз. Гапларим тўғрими?

– Ҳа, афсус, шундай. Лекин айбимни инкор қилмаяпман. Мени оғир жазо кутаётганини билсам-да, кўриб турганингиздек, жазодан қутулиш чораларини изламадим.

– Ҳа, кўриб турибман, кўзимни шамғалат қилишга жон-жаҳдингиз билан тиришяпсиз?

– Тушунмадим, братан?

– Жуда яхши тушундингиз. Сиз бу иқрорингиз билан қилган қотиллигингизни яширмоқчи бўляпсиз. Гўёки иккита одам ўлдиришдек ўта оғир жиноятингиз ундан сал енгилроқ жиноятингизга «чин юракдан иқрорлигингиз» соясида кўринмай қолиб кетадигандек. Бироқ ундай бўлмайди. Терговчининг кўзи ўткир бўлмаса, устомон жиноятчидан алданиб қолиши тайин.

– Мен ҳеч нимани тушунмаяпман, очигини айтаверинг.

– Сиз собиқ хотинингиз Сокина Жамилова ва унинг таниши Жаъфар Турдиевни ўлдиришда айбланасиз, – деди Собиржон хотиржам оҳангда.

– Нима деяпсиз братан, ўйлаб гапиринг. Мен ўша собиқ хотинингиз деётган аёлни кўрмаганимга ўн йил бўлган. Унинг таниши деб айтаётган кишини умуман билмайман. Уларни кимдир ўлдирган бўлса, бордир. Мени нега у жиноятга тикиштиряпсиз? Во-о, топдим, ахир сизлар очилмай ётган, тишингиз ўтмаган ишларни кимгадир илиб юборишни яхши кўрасизлар-ку. Йўқ, унақаси кетмайди, братан. Мен қилган ишимни қилдим, дейман. Қилмаганимни эса бўйнимга олмайман, так что, менга ёпиштиришга уринманг, фойдаси йўқ, – деди Исмат бармоғини бигиз қилиб.

– Сизнинг қотил эканингизни тасдиқловчи далил, исботлар бўлмаса, ишонч билан гапира олмасдим.

– Энди унақа эмас-да, ҳаммасини бўйнига олаверади, деб шаҳардаги очилмай ётган бари жиноятларни менга тўнкайверасизларми? Биринчи марта қамалишимда милициядагилар

нима қилишганини айтайми? Улар мени алдаб, жазоингни енгиллаштирамиз деб, бўйнимга иккита ўғирликни илиб юборганлар. Ўша текин-хўрлар кўзи олдидаги ўғирликни тергов қилишга эриниб ёки таниш-билиш қилиб менга ўхшаган тасодифан қўлга тушган ўғрининг бўйнига илиб юборишади. Бу сизларнинг ҳаммангизга теккан касал экан-да...

– Бас қилинг бемаъни гапларингизни, нега иккита одамни ўлдирдингиз, сабабини айтинг!

– Йўқ, йўқ, мен бу айтган жиноятингизни қилмаганман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, нима учун мен уларни ўлдиришим керак, нега ахир? Сабаби борми, ўзи?

– Ўша сабабни ўз оғзингиздан эшитмоқчиман, хўш?

– Уларга ҳеч қандай боғланадиган жойим йўқ, мени илинтиришга овора бўлманг.

– Демак, қотиллик қилишдан мақсадингизни яширмоқчисиз. Ундай бўлса, эшитинг. Биринчидан, сиз нега битта эмас, иккита инсоннинг ҳаётига зомин бўлдингиз, шуни аниқлаб оламиз. Жамиловани ўлдириб, ўғлингизга қачон мерос тегишини пойлаб юриш сизга катта аҳмоқлик бўлиб туйилган, бу сиз учун кўпга тушарди. Турдиевни шу сабабли ўлдиргансиз. Чунки у ўлса, ўша заҳотиёқ ўғлингиз Санжар катта мерос эгасига айланарди. Сиз эса табиийки, унинг отаси бўлганингиз учун ҳомийсиз. Кўрдингизми, сабаби жуда оддий.

– Мен норозиман. Ҳимоячи, эшитяпсизми, бу ғирт туҳмат!

– Ичкиликбоз Жаъфар сизнинг ўғлингиз номига мерос расмийлаштирган. Сиз эса гарчи

бечора болага на оталик меҳрини бермаган ва на унга ғамхўрлик қилмаган бўлсангиз ҳам, оталик ҳуқуқидан маҳрум этилмагансиз. Бу деган гап Сокина ва Жаъфар бўлмаса, каттагина ҳовли сизнинг ҳомийлигингиздаги ўғлингиз иккин-гизда қолади, дегани-да. Сиз жазони ўтаб келишингиз билан қулоғингизга чалинган бу гапнинг тасдиғини ўғлингиздан билиб олгансиз. Кейин разил мақсадингизни амалга оширгансиз.

– Ҳаммаси қуруқ гап. Айтганларингизнинг бирортасини ҳам исботлаб беролмайсиз.

– Мен ҳаммасини далилларга таяниб гапир-япман. Жиноят жойида оёқ кийимингиз ва бармоқ изларингиз қолган.

– Қанақа бармоқ изи?

– Тўғри, қўлқопингиз бўлган, бироқ газ калитининг қонларини ювиб, уни ердан олаётганда қўлқопни кийишни унутгансиз, у ерга жимжилоғингиз ва номсиз бармоғингизнинг излари тушиб қолган.

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас!

– Булардан ташқари, яна бир нарса борки, буни ҳам ҳеч қачон инкор эта олмайсиз, – деб Собиржон Исмагга синовчан назар ташлади. Унинг юзидagi ўзгаришни кўриб, кўнгли жо-йига тушди чоғи, гапини давом эттирди. – Ҳа, бу нарса тергов учун жуда муҳим ҳисобланади, – деди.

– Нима, нимани айтяпсиз?

– Сиз иккита одамни ўлдириб, у ердан чиқиб кетаётганингизни кўрган гувоҳ бор.

– Йўқ, мумкин эмас!

– Алламаҳалда кўчада ким бўлиши мумкин, деб ўйлаяпсиз-да, тўғрими?

– Албатта, ким... – деб бехосдан бошлаган га-
пини бошқа ёққа буриб юборди. – Мен у ерда
бўлмаганман, гапларингиз нотўғри!

– Қанчалик айёр бўлманг, тилингиздан илин-
дингиз. «Албатта, ким бўлиши мумкин?» демоқ-
чи эдингиз, лекин охирига етказмай, тўхтатдин-
гиз. Муҳими, айбдор эканингизни яна бир бор
исботладингиз.

– Йўқ, мен ўлдирмаганман, братан...

– Кўрдингизми, кейинги гапингиз жуда ишо-
нарсиз чиқди. Чунки ҳаммаси бизга маълумли-
гини сездингиз.

Исмат индамай ерга тикилганича ўтирарди. У
анчадан кейин секин:

– «Челак»нинг гапи қанчалар тўғри экан, –
деди ўзига-ўзи гапираётгандек.

– Нима деяпсиз?

– Ўзи бу ерга кирганимда сизнинг Мирзаев Со-
биржон эканингизни эшитганимдаёқ ҳаммаси
тугаганини билгандим. Чунки Мурод сиз ҳақин-
гизда гапириб берган. Биз уни «челак» дердик.

Бош кўтармай ёзиб ўтирган Фарҳод қизиқиб
кетганидан ўзини тўхтатолмай:

– Нима деганди? – деди.

– Агар қўлга тушиб қолсангиз, мабодо Мирза-
ев тергов қилса, ҳеч қандай ёлғон иш бермайди,
энг яхшиси, қийналиб ўтирмасдан айбингизни
тан олинг, деб маслаҳат берган...

Фарҳод бошини чайқаб:

– Битта бўлса-да тўғри маслаҳат берадиган
одам бор экан-ку, – деб ёзишда давом этди.

– Балки қилмишларингиз учун берилган жа-
зони ўтаётиб қамоқда ўтирганларингизда яна
терговчининг қўлига тушишни эмас, қора ўт-

мишингизга якун ясашни, бундан кейинги ҳаётларингда фақат эзгу ишлар қилишни гаплашсанглар, ўша Мурод эса ҳалол яшаш ҳақида маслаҳат берганида яхши бўлармиди... – деди Собиржон қошларини чимириб.

Исмат чуқур «ух» тортди.

* * *

Фарҳод хурсандлигидан атрофига одам йиғиб, латифа айтишдан бўшамай қолди. Собиржон унга:

– Бўлди-да энди, тушга яқинлашиб қолди, эрталабдан бери латифа айтасиз. Асалнинг ҳам ози ширин, дейдилар. Охирги «иш»ни тиккач, тайёрлаб судга юбориш битта ўзимга қолиб кетди-ку, – дерди қуюниб.

– Аслида-чи, иккаламизнинг номимизни «Гиннес»нинг рекордлар китобига киритиш керак.

– Нима учун?

– Бир ой ичида учта «иш»ни қойиллатиб тугатган моҳир терговчилар бўлганимиз учун-да.

– Буни қаранг-а.

– Нима, гапимга қўшилмайсизми? Унда бир ойда учта катта жиноятни фош қилиб, яна унинг терговини ҳам тугатиб, судга юборган терговчи бор бўлса, уларни менга айтинг, – Собиржон индамай иши билан шуғулланишда давом этди. – Ана кўрдингизми, айта олмадингиз. Бизлар қаҳрамонлармиз. Қанча латифа айтсам арзийди, ахир иккита қотилликни, яна битта одам савдоси билан шуғуланмоқчи бўлган аблаҳни фош қилиб қўйдик-ку.

Собиржоннинг кайфияти яхши эди. У Фарҳоднинг гапига бошини сарак-сарак қилганча жилмайиб қўйди ва:

– Сиздан бир нарса сўрайман, фақат чин юракдан жавоб беринг, – деди.

– Нима экан?

– Айтинг-чи, Жобировлар оиласи олдида ўзингизни озгина бўлса-да айбдор сезасизми? Ахир уларга озмунча маънавий зарар етказилдими?

– Уларни фақат мен тергов қилибманми? Янглишмасам, бу ишни иккаламиз бирга амалга оширдик.

– Мен шунинг учун ҳам чин юракдан жавоб беринг, дегандим. Агар сизнинг гапингизга қулоқ солсам, Жобировлар оиласининг ҳаммасини қамоққа олиш кераклигини қанча такрорлагансиз. Мен негадир шундай пок одамлардан қотилликда шубҳаланганим учун ўзимдан уялман, сиз эса...

Фарҳод ўзидан айбни соқит қилишга уриниб Собиржоннинг гапини бўлди:

– Бир нарсани унутган кўринасиз, Собиржон ака, эсингизда бўлса, шу оиладан тўртта одам Жаъфарни ўлдириш учун болта кўтариб унинг уйига борганини тан олганлар. Бу уларнинг ҳам озми-кўпми айби борлигини кўрсатади. Ахир бу одам ўлдиришга суиқасд дейилади.

– Йўқ, янглишяпсиз, одам ўлдиришга суиқасд дейишимиз учун унинг мақсадини амалга оширишига нимадир халақит бериб, тасодифан жиноят охирига етмасдан қолиши керак эди, бироқ улардан бирортасида бундай бўлмаган. У ерга Жаъфарни ўлдириш учун борган оила аъзоларининг ҳаммаси ўз хоҳишлари билан қотилликка қўл урмаганлар. Агар истаганларида, фирт маст аҳволда бўлган Жаъфарни бемалол ўлдиришлари мумкин эди. Фарҳод,

сиз уларнинг қотилликка қўл урмаганларига сабаб нимада деб ўйлайсиз?

– Ўзлари ҳаммасини гапириб бердилар-ку, сабабиниям айтишди... – деди Фарҳод гапи ўхшамаганга сал ўнғайсизланиб.

– Уларни алоҳида-алоҳида сўроқ қилганимда тўртта гумондорнинг кўрсатмаси деярли бир хил эди. Сиз ҳатто уларнинг устидан кулиб: «Булар бизни шунчалик гўл деб ўйлаяптиларми, тўтиқушдек бир гапни такрорлашларини-чи?» дегандингиз, эсингиздами?

– Эсимда, лекин бу билан нима демоқчисиз?

– Мен сизни бир нимада айбламоқчи эмасман, чунки терговда ҳар хил тахминлар бўлади. Қайсидир айбланувчи ёлғон гапиради, кимлардир жиноятни яшириш учун тил бириктириб, жазодан қутулиб қолишга уринишади, гап бунда эмас, мен сиздан бошқа нарсани сўрадим. Сиз, шахсан ўзингиз, ўша биз қотилликда гумон қилган Жобировлар оиласининг Жаъфардек бир разил кимсани ўлдирмай уйларига қайтишларига сабаб нимада деб ўйлайсиз? – деб Собиржон саволини такрорлади.

– Улар ҳаммаси бир хил фикрлар эканлар, тўғрими, Собиржон ака? Мендан шу жавобни кутганмидингиз? Менга энг қизиқ туюлгани, уларнинг келини Нилуфар. У қиз ўзининг гапларига кўра, Жобировларга келин бўлиб тушганида бошқача дунёда яшаган. Кейин эса у ҳам худди шуларга ўхшаб қолган. Айниқса, менинг қаттиқ таъсирланганим, унинг «ҳаммасига мен айбдорман, агар кимнидир қамамоқчи бўлсанглар, мени қаманглар» дегани бўлди.

– Ҳа, у оилада ҳамма бирдек пок қалбли инсонлар эканликлари сабаб, бир хил фикрлаган-

лар, қандай вазиятда бўлмасин, қўлларини қонга белашдек гуноҳга ботмасликнинг, пешаналарига қотил деган тамға босилмасликнинг олдини ола билганлар. Айниқса, Жобирова Гулҳаёнинг қотилликдан ўзини тўхтатиб қолиши мени ҳанузгача ҳайратга солади. Кимдандир қасд олиш, қасос ҳиссини енга олмаслик одамзоднинг энг ожиз тарафи, деб ўйлайман. Буни ҳисобга олганда, ўша нозик-ниҳол аёлнинг бу ҳисни енгилшини катта қаҳрамонликка ўхшатаман.

– Очиғини айтганда, Собиржон ака, мен ҳам ичимда ҳамиша Гулҳаёнинг бардошига, сабр-чидамига тан берганман.

– Биласизми, биз фақат унинг матонатига тан бериб ўтирмасдан, узр сўраш маъносида бир иш қилишимиз мумкин, деб ўйлайман.

– Ие, ҳаммаси яхшилик билан тутаган бўлса, яна нима қилиш мумкин? – деди Фарҳод.

– Уни бу ерга чақириб, яхшигина маслаҳат берамиз.

– Қандай? Йўқ, тўхтанг ўзим топаман. Ҳа, менимча, унга бундан кейин сал дадилроқ бўлинг, ота-онангизга ўз хоҳиш-истакларингизни билдириб, орзуларингиз учун курашинг, деймиз. Тўғри топдимми?

– Агар шундай десангиз, унинг ўғитларингизни болаларингизга беринг, мен тарбияни вақтида ота-онамдан олганман, дейиши аниқ.

– Унда ўзингиз айтинг, қандай маслаҳат берамиз?

– Ўйлаб кўрсам, Гулҳаёнинг иккита фарзанди билан отасиникида сиқилиб яшаётгани маълум. Бу ҳозирча унга билинмаслиги мумкин, лекин болалар катта бўлсалар каттароқ уйга эҳтиёж се-

зилиши муқаррар. Болаларнинг қонуний уйлари бор. Бу ичкиликдан ақдини йўқотган Жаъфарнинг бегонага қолдирган мероси – уй-жойидир. Гулҳаё судга бу ҳақда мурожаат қилса, унинг талаби қондирилиши кўриниб турибди.

– Тушундим, тўппа-тўғри, ноҳақликка барҳам бериш керак. Мен ҳозирнинг ўзида унга қўнғироқ қилиб, бу ерга чақираман. Кейин эса ҳаммасини тушунтирамиз, деб Фарҳод гўшакни оларкан Собиржонга юзланиб: – Хайрли иш қанча эрта бажарилса, шунча яхши. Жобировани тушдан кейин келишини айтсам, қарши эмасмисиз? – деб сўради.

* * *

Эшик секин тақиллаб, Муниса опанинг боши кўринди.

– Мумкинми? – деди у оҳиста.

– Кираверинг, – деди Собиржон.

Улар саломлашиб бўлганларидан сўнг Муниса опа:

– Гулҳаёдан ниманидир сўрамоқчи бўлсанглар, мен ташқарига чиқиб тура қолай, – деб эшик томонга юрди.

– Йўқ, йўқ, чиқиб овора бўлманг. Биз қизингизни сўроқ қилмоқчи эмасмиз, аксинча, унга ҳақиқий айбдорлар топилганини расман айтмоқчимиз, – деди Собиржон.

– Ҳа, эшитдик, болам...

– Муниса опа, хизматчилик, ўшанда сизларни ҳам анча безовта қилдик.

– Нега ундай дейсиз, болам, ҳеч кимни безовта қилмасангиз, айбдорни қандай топардингиз. Ҳайтовур, қотилни қамабсизлар, шунисигаям шуқр.

Собиржон ерга қараганича жим ўтирган Гулҳаёга бир қараб қўйиб, гапни нимадан бошласам экан, деб бироз ўйлаб қолди.

– Невараларингиз яхши юрибдиларми? – деди Муниса опага.

– Ҳа, шукр, яхши юришибди, лекин улар дадаларининг ўлимини ҳали билишмайди. Ўғилчаси дадам қачон келади, деб ойисидан сўрагани сўраган, – деди Муниса опа.

– Отасидан қолган уй-жойни болалар номига ўтказишга ҳаракат қилмадингларми? – деди Собиржон Гулҳаёга қараб.

– Йўқ, – деди Гулҳаё.

– Суд орқали болаларга ўзларининг қонуний уйларида фойдаланиш ҳуқуқини беришни талаб қилсанглар, балки уй-жойни марҳумнинг фарзандларига беришармиди, дейман.

– Бунинг асло кераги йўқ, – деди Гулҳаё қатъий оҳангда.

– Нимага, ахир ўғлингиз...

– Ўғлимнинг ўша беҳосият уйда яшашини ис-тамайман. Сизнинг хабарингиз йўқ, чоғи...

– Нимадан?

– Яқинда қўшнимиз қўнғироқ қилиб қолди. Улар тунда нимадир гурсиллаб йиқилганини эшитишибди. Югуриб кўчага чиқсалар, ўша уй қулаб тушган эмиш.

– Қанақасига? – деди Фарҳод ажабланиб.

– Мен ишонмадим, лекин оёғим ўша ёққа тортмаса ҳам бориб кўрдим. Ҳақиқатдан ҳам уй деворлари қулаб, том ер билан битта бўлиб ётибди. Нимагадир енгил тортдим, назаримда, яшаган одамга бахтсизлик келтирувчи уйнинг йўқ бўлиб кетгани яхши бўлганди, – деди Гулҳаё

ва қўшиб қўйди: – Узр, мен болаларимнинг ўша кўчадан ўтишиниям истамайман.

– Наҳотки уй қулаган бўлса? – сўради Собиржон ҳайратланиб.

– Ҳа, ўғлим, бу ҳақиқат. Ҳамма бало-қазолар ўша хосиятсиз жойда қолиб кетган бўлсин. Ҳеч ким ўша уй эгалари каби ўлим топмасин, уларга ўхшаганлар қайта дунёга келмасинлар. Мен бу гапларни ҳар куни такрорлайман, – деди Муниса опа кўзлари ёшланиб.

– Муниса опа, бизни айбга буюрмайсизлар, айтмоқчи бўлганларимиз шулар эди, – деди Собиржон хижолат бўлиб.

– Майли, хайр болам, – деб Муниса опа Гулҳаё билан эшикдан чиқдилар, лекин Муниса опа яна қайтиб кириб, эшикни ёпаркан: – Вой ўлай, кечирасизлар, бир нарсани айтишни унутибман, – деди.

– Нимани?

– Қизимнинг тўйига айтишни эсимдан чиқарибман.

– Қайси қизингизнинг?

– Ўзи битта қизим бор-ку. Гулҳаёни узатяпмиз.

– Кимга?

– Маҳалламиздаги Бунёд исмли йигитга. Э, бу қизни кўндиргунча балого қолдим. У йигит шунақанги яхши эканки, болаларини олиб борсин, битта болам учта бўлади, деб қўймапти. Яратганга шукрки, бўлажак куёвимиз жуда бамаъни, хотини вафот этганига беш йил бўлган. Оиласини бутун маҳалла мақтайди, отаси нафақага чиққунча бизнинг дадамиз билан ишлаган.

– Бахтли бўлишсин, – деди Собиржон.

– Айтганингиз келсин, менгина ўлгур қизимни бахтсиз қилдим. Шўрликни мажбурлаб севма-

ганига узатдим-а. Гулҳаё энди йигирма еттига тўлди. Мен шошилмай ҳар нарса бўлгур, уни ўн тўққизида узатибман. У ҳаётга тайёр эмаслигини ҳам ўйламабман, норозилигига ҳам қарамабман. Қизимнинг кўрган қора кунлари ортда қолгани рост бўлсин. Майли, саккиз йил азоб чекиш пешанасига ёзилган бўлса, нима ҳам қилардик. Лекин ҳозир ўз ихтиёрига қўйиб бердик, кўришиб турибди, у йигитни ёқтиради.

– Бўлажак куёв мабодо ўша куни болта кўтаришган йигит эмасми? – деди Фарҳод қизиқсиниб.

– Вой менгина ўлай, қанақа болта, кимга кўтаришади? – деди Муниса опа тушунмай.

– Сизга... ҳа...

– Менга?

– Ўзингиз болта кўтариб собиқ куёвингизни кига борганингизни айтгансиз-ку, шунда қайтаётганда кимдир ёрдамлашди, дегандай бўлудингиз чоғи, – деди Фарҳод қовун тушириб қўйганини сезиб, гапни бошқа ёққа бураркан.

– Йўғ-э, унақа гапни оғзимга олмаганман. Болам, сиз ҳам менга ўхшаб сал паришонхотирроқмисиз, дейман.

Собиржон Фарҳоднинг хатосини хаспўшлаб:

– Тўғри топдингиз, бу йигит кейинги пайтларда шунақароқ бўлиб қолган. Менимча, психиатрга кўриниши керак, – деди.

– Кўришиб турибди, болам касал билан ҳазиллашиб бўлмайди. Докторга чиқинг. Ҳа, нима деётгандим-а. Куёвим ҳақида гапираётгандим, шекилли. У Гулҳаёни анчадан бери кўз остига олиб юрган экан, бироқ қизимнинг оғзи куйган эмасми, шунинг учун бошқа турмуш қурмайман, деб туриб олди-да.

– Шундай қилиб, Муниса опа бу ёғи тўй денг. Қачон энди? – деди Фарҳод.

– Вой ўлай, сизларнинг вақтларингни олиб ўтириб қолибман. Ўзи аслида тўйга айтишга қайтиб келган эдим-ку. Тўй эртадан кейин, бо-ринглар, азиз меҳмонимиз бўласизлар.

– Тўй қаерда бўлишини ҳам айтсангиз, адаш-май борардик, – деди Фарҳод кулиб.

– Вой менгина ўлай, болам, ҳали айтмадим-ми? – деб тўйхонанинг манзилини тушунтириб хайрлашди.

У кетганидан сўнг Собиржон:

– Фарҳод, Гулҳаёнинг «илтимос, ҳеч кимга айт-манглар», дегани эсингиздан чиқдимми? Сал қол-ди-я ҳаммасини сайраб юборишингизга, – деди жаҳли чиқиб.

– Ҳа, бутунлай унутибман, ўзим ҳам қўрқиб кетдим. Оғзимдан лоп этиб чиқиб кетса, неча пулик одам бўлардик, бироқ тезда хатоимни тўғриладим-ку, шунисигаям шукр.

– Гулҳаёнинг турмушга чиқаётгани жуда яхши бўлибди. Ёшгина боши билан қанча азоб-уқубат-ларни кўрган шўрлик қиз энди бахтли бўлишга ҳаққи бор, – деди Собиржон.

– Ҳеч қандай гуноҳи йўқ қизнинг қамалишига сал қолди-я, – деди Фарҳод бошини чайқаб.

– Шунинг учун ҳам, бизнинг ишимизда етти ўлчаб, бир кес, деган мақолни етмиш ўлчаб, бир кес, деб ўзгартириш керак, деган фикрдаман. Сиз бунга нима дейсиз? – деди Собиржон ҳов-лиқмароқ ҳамкасби Фарҳодга синовчан назар ташлаб.

– Гапингизга қўшиламан, – деди Фарҳод ерга қараб.

ХIII БОБ

«Лақаб» қишлоғида шов-шув гап, уларнинг ҳаммаси фақат бир мавзуда гаплашадилар. «Азиз келибди, у бегуноҳ экан. Мардон ўлгур қотиллик қилиб, ялло қилиб юрганини қаранг. Қандай қилиб шуни сезмабмиз-а? Ҳалиям қишлоғимизда Худоёр ота бор экан, отанинг умри узоқ бўлсин...»

Азизнинг қадди букилган ота-онаси ҳам ўғлининг айбсизлиги аниқлангандан сўнг жонланиб қолишди.

Терговчилар келиб, ундан бўлган воқеани сўраб кетганларидан бери Лоланинг сўниб бораётган умиди яна учқунлагандек бўлганди. Унинг хаёлида «Наҳотки ҳақиқий қотил аниқланган бўлса? У Мардонмикин? Ярамас... Аблаҳ! Мен бирор марта ҳам Азизнинг айбдорлигига ишонмаганман, қалбим алдамаган экан...» деган гаплар такрорланарди.

Кун ботишига яқин Лола супада қизариб богаётган қуёш нурларига тикилиб, хаёл суриб ўтирганида:

– Лола опа, сизни бир киши чақиряпти! – деди жиянининг беш яшар ўғилчаси.

– Ким?

– Билмайман, лекин катта бўлсалар ҳам сочлари ҳали чиқмаган экан.

Лоланинг юраги бир қалқиб тушди.

– Сочлари чиқмаган дейсанми? Азиз келибди! Ниҳоят, келибди. Шунча кутдим, интизорлик билан кутдим, ҳеч кимга айтмай кутдим, ишонч билан кутдим... – дея пичирлаб, кўзларида ёш билан эшикка югурди.

У қаршисидаги ранги синиққан, кўзлари ичкарига тортган, ёноқ суяклари бўртиб чиққан,

чиройли тўлқинсимон сочлари тагидан олиб ташланган Азизни кўриб, ўкириб йиғлаб юборди. Азизнинг кўзларидан ҳам ёш оқарди. Улар шу кўйи анча туриб қолишди. Лола билан бирга чиққан болакай ҳеч нимага тушунмай унинг қўлидан ушлаб:

– Лола опа, бу одам сизни йиғлатдимми? – деди.

– Йўқ, аксинча, мен у кишини йиғлатдим, шунча йил панжара ортида азоб чекишига йўл қўйдим, – деди ҳиқиллаб Лола.

– Сен қотил эмаслигимга ишонганинг учун ҳам яшадим. Бўлмаса, бу ёруғ дунёнинг менга кераги йўқ эди.

– Ахир мен сизга бу ҳақда ҳеч нима демаганман-ку.

– Суд залида сенга қараганимда, кўзларингда менга нисбатан заррача нафратни кўрмаганман. Шунинг ўзи кифоя эди. Жавобини олмасам-да, хатларимнинг биронтаси қайтиб бормади. Демак, сен уларни ўқигансан. Бу эса менга яшашга иштиёқ бағишларди, акс ҳолда бу ерга тирик қайтмаган бўлардим.

– Мен худди мана шу кунни кутиб яшаганман...

– Мен ҳам...

Лола Азизга қаради, у ҳам қизнинг ёш тўла кўзларига тикилди. Уларнинг қалблари нигоҳларида гаплашарди.

– Сиз улғайиб қолибсиз, – дерди қиз.

– Сен эса ўша-ўшасан...

* * *

Бугун қишлоқ гузаридаги тўйхонада Азиз билан Лоланинг ўн йилга кечиккан тўйи. Қишлоқда

каттадан-кичик тўйга боришга тайёргарлик кўришмоқда. Худоёр ота ҳам сал олдинроқ бориб, кам-кўстини тузатишга ёрдам бериш учун йўлга чиқди. Ҳайдарнинг уйи олдидан ўтаётганида беихтиёр тўхтаб қолди. У йўлини ўзгартириб, ўша томонга қараб юрди. Эшикни очиб:

– Ҳайдар, Ҳайдар, уйдამисан? – деб чақирди.

– Ҳа, келаверинг, Худоёр ота, – деган синиқ овоз эшитилди. Ичкаридан чиққан Ҳайдар худди азадор одамга ўхшарди.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом, яхшимисан, соғликларинг жойидами? – деди ота унга тикилиб.

– Бир нави...

– Ишқилиб мендан хафа эмасмисан?

– Сиздан нега хафа бўлай, ўзимдан хафаман, ўзимдан.

– Ўзимдан хафаман, дегин...

– Келинг, ўтиринг, ота, – деб Ҳайдар уни ҳовлидаги супага таклиф этди.

– Раҳмат, – деб ота супанинг чеккасига омонатгина ўтириб, атрофга назар ташлади. Супага соя ташлаб турган гилос дарахтининг барглари сарғайиб тўкила бошлабди. Нарироқдаги олма дарахтининг ҳам у ер-бу ерида кўзга ташланган нимжон меваларини ҳисобга олмаганда, новдаларидан бошқа ҳеч вақоси қолмаган. Барглари тўкилиб, сўппайиб турарди. Нега пайқамаган эканман, бу йил куз эрта тушдимикин? Йўғ-э, кунни кеча боғдаги юмушлар билан шуғулландим, аксинча, битта ҳам сарғайган баргга кўзим тушмади. Боғимиз яшнаб турарди, балки бу дарахтлар қаровсизлигидан эрта баргларини тўккандир, деб хаёлидан ўтказди, ота.

– Ичкарига кирсам, юрагим сиқилади, худди деворлар тўрт тарафдан сиқиб, эзиб ташлаётган-дек туйилади. Шунинг учун куни билан мана шу супада ўтираман, – деди Ҳайдар йиғламсираб.

Отанинг унга раҳми келиб:

– Сиқилма, Ҳайдар, кел ўтир, – деди.

– Ҳой, чой-пой келтиринглар, – деди Ҳайдар ичкарига қараб, овозини баландлатиб. У супага беҳол чўкди.

– Ҳеч нарса керакмас, тўйга шошиляпман.

– Мардонни кечирмайман, ундай ўғлим йўқ менинг! Минг лаънат унга! Бировни ўлдириб қўйиб, уйда юраверибди, мен басир ҳеч нима сезмабман. Аслида Мардондан кўра ўзимни кечиролмаяпман, Худоёр ота, – деб Ҳайдар кўз ёшларини артди.

– Бўлар иш бўлди. Энди фойдаси йўқ. Вақтни орқага қайтаролмаймиз. Ҳаммаси ўтиб кетади, сиқилма.

– Тўғри айтасиз, ҳеч нимани орқага қайтаролмаймиз. Агар мен гўрсўхта қайтаролганимда эди... – деб Ҳайдар пешанасига бир шапати туширди.

– Қўй, Ҳайдар, ўзингни қийнама.

– Биласизми, мен гўрсўхта бошим тошга теккандагина ўз айбимни тушуниб етдим. Аслида қотилликни Мардон эмас, мен қилганман.

– Нима, наҳотки?

– Ҳа, шундай, агар унга ҳаром луқма едирмаганимда, у ҳам бошқаларнинг болаларига ўхшаб ҳалол яшашни, меҳнат қилишни ўзига одат қиларди. Бироқ мен боламга ёмон ўрнак кўрсатганман. Шунинг учун ҳам у ҳозир қамоқда, энди ўша ерда ўлиб кетади.

– Пешана-да...

– Йўқ, сиз менга таскин беришга уринманг. Мен бунга арзимайман, расвоман, гўрсўхтаман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Толиб кал болалари билан ўз фермер хўжалигида эртадан кечгача меҳнат қилади. Мен эса унинг пахталари кўсагидан юлиб, молларга берганман. Уста Зокир ўғиллари, неваралари билан ўз устахонасида қанчалик машаққатли меҳнат қилишини билсам-да, уларнинг кўзини шамғалат қилиб, тахталарини ўғирлаганман. Бундай ишларим жуда кўп. Шунинг учун ҳам мени «Ҳайдар криминал» дейишади. Мен каллаварам шу озгина нарсани уйга олиб келсам ёки кимнингдир экинини пайҳон қилиб, қўйимни қўйиб юборсам, нима қипти, бу катта жиноят эмас-ку, деб ўйлардим. Мана, қилмишимнинг оқибатини кўриб ўтирибман. Катта жиноятни Мардон қилди. Нима эксанг, шуни ўрасан, деганлари тўғри экан. Вали полвон ҳамиша олманинг тагига олма, ўрикниккига ўрик тушади, деган гапни такрорлайди. Мен унинг мағзини энди чақдим.

– Ҳа...

– Худоёр ота, мен Мардоннинг ўн йилдан бери қизнинг кўнгли йўқлигига қарамай совчи жўнатишини уни қаттиқ севганидан, деб билибман. У гўрсўхта қизнинг мол-мулкини кўзлаган экан, шу мақсадда ҳатто одам ўлдирган. Мен бунчаликка боролмасдим. Тўғри, майда-чуйда ўғирлик, кимнингдир кўзини шамғалат қилиб нимасинидир олиш билан шуғулланганман, аммо бунчалик разилликка бормасдим. Олтмиш ёшдан ошгандагина тушундим, кимки ўзи ҳалол

бўлиб, фарзандига яхши тарбия берса, болалари ўзидан ҳам пок бўларкан. Агар кимдир нопок бўлиб, фарзандига нотўғри тарбия берса, зурриёти ўзидан минг чандон расво одам бўлиб ўсаркан. Мана, Мардоннинг қилмиши бунга мисол. Гўрсўхта...

Ҳайдар индамай қолди. У ерга тикилганича ўтирарди. Худоёр ота ундан нафратланишни ҳам, раҳм қилишни ҳам билолмай жим қараб ўтирарди. У Ҳайдарнинг фикрини чалғитиш учун:

– Мен ўзи сени тўйга айтгани кирувдим. Неварамни уйлантиряпмиз, болалар қўярда-қўймай менинг етмиш беш йиллик юбилейимни ҳам бирга ўтказамиз дейишяпти. Ўн учинчида, қишлоқ гузарида, албатта боргин, хўпми? – деди ота.

– Худоёр ота, ростини айтсам, кеча-кундуз ўзимга ўлим тилаяпман. Қандай қилиб тўйга бораман, ахир қотилнинг отаси яшашга ҳақлими? Мен бояги айтган гапимни хаёлимдан чиқаролмайман, Саодатнинг ўлимида Мардондан кўра мен кўпроқ айбиман-ку, агар ўғлимга ёмон тарбия бермаганимда, у қотилликка қўл урмасди.

Худоёр ота Ҳайдарнинг гаплари тўғри эканини билар, лекин барибир унга тасалли бериб:

– Ҳайдар, кеч бўлса ҳам ҳаммасини тушунибсан, бу сенинг яхши томонинг. Ҳали хатоингни тўғрилашга вақтинг бор, – деди.

– Нималар деяпсиз, вақт аллақачон ўтиб бўлган, менинг хатоим энди тўғриланмайди ҳам, кечирилмайди ҳам. Инсон бир кунмас-бир куни ўлади. Аммо нега шунчалар кўп хато қиларкин. У арзимаган нарсани деб, одам ўлдиришгача борса-я. Ахир мен гўрсўхта ҳалол меҳнат қилсам

ҳам бўларди-ку, тўрт мучам соғ эди-ку, нима учун номаъқул ишлар қилдим?

Худоёр ота нима деб таскин беришни билмай ўрнидан турди.

– Хайр, Ҳайдар, ўзингни кўпам қийнайверма,
– деб уларникидан чиқди.

XIV БОБ

Эрталаб Собиржон ишга келса, Фарҳод уни кутиб ўтирарди.

– Янгиликнинг сабабини билсам бўладими? – деди Собиржон у билан саломлашаркан.

– Қанақа янгилик? – деди Фарҳод тушунмай.

– Биринчи марта эрталаб, ҳатто мендан олдин ишга келибсиз, бу оламшумул янгилик эмасми?

– Устоз, минг бор узр сўрайман, балки ўзлари ишга кечикиб келгандирлар-а, бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрдингизми? – деди Фарҳод кулиб.

– Йўғ-э, мумкин эмас.

– Жуда мумкин-да, мана қаранг, соат роса тўққиз бўлибди. Ахир сиз соат саккизда шу ерда бўлардингиз. Биринчи марта ишга кечикишингизга сал қолди, – деб Фарҳод унга телефоннинг соатини кўрсатди.

Одатда, Собиржон соатга қарамайди, у иш кўпида тонггача ўтирган пайтлари ҳам бўлган, иш ўртача вақтлари соат тўққиз бўлмасдан уйига кетмасди. Унинг аксарият вақтларда эрталаб соат саккизда ишда бўлишини ҳамма яхши билади. Соатга қарамай ишлаш Собиржоннинг одати эди. У кайфияти яхшилигидан Фарҳодга:

– Битта янгисидан бор, айтайми? – деди

– Наҳотки сиз латифа айтиб, мен кулсам-а? Мана бунини оламшумул янгилик деса бўлади, – деди Фарҳод.

Шу пайт Собиржоннинг телефони жиринглаб қолди.

– Ассалому алайкум, эшитаман, Худоёр ота, – деди у ва гаплашиб бўлиб хайрлашди.

– Ота нима деяптилар, наҳотки яна бирор жиноят ҳақида хабар берган бўлсалар? – деди Фарҳод хавотирланиб.

– Намунча қўрқасиз?

– Нега қўрқмай, неча ой деганда бугун эркин нафас оляпмиз. Қотиллик жинояти бизни шундай шошириб қўйдик, жуда тезкор ишлаганимиздан ҳатто ўн йил олдинги қотилликни ҳам очиб ташладик. Бугун елкамиздан бир эмас, иккита тоғ, йўғ-э, учта тоғ ағдарилгандек бўлиб, сиздай одам ишга кечикиб келди-я. Яна нега қўрқасиз, дейсиз. Хўш, отахон нима дедилар?

– Бизни қишлоққа таклиф қиляптилар.

– Йўғ-э. Ишқилиб, сабабини айтдиларми?

– Албатта, тўйга айтяптилар.

– Хайрият, хайрият. Кимнинг тўйига?

– Неваралари уйланаркан, ўзларининг етмиш беш йиллик юбилейлариям бўларкан.

– Ниҳоят, у ёқларга яхши кунларгаям борарканмиз. Ўйлагандимки, ўша қишлоққа фақат нохушликлар сабаб йўлимиз тушадими, деб.

– Отанинг етмиш беш йиллик тўйига жамоамиз номидан бир нарса қилишимиз керак. У кишининг терговга озмунча ёрдами тегдими? Эртагача ҳаммаси тайёр бўлиши лозим, – деди Собиржон.

– Тўй эртага эканми?

– Ҳа, шошилмасак улгурмаймиз, мен раҳбарият билан гаплашаман, сиз ҳам тезроқ бўлинг, – деб Собиржон чиқиб кетди.

XV БОБ

«Лақаб» қишлоғида катта тўй. Қишлоқ гузарининг орқа томонидаги замонавий услубда бир хил, чиройли қилиб қурилган уйлардан йигит-қизлар ясан-тусан қилиб чиқиб, тўйхонага шошилишарди. Куёв бола шаҳарда яшагани учун у ердан ҳам меҳмонлар келади, деб тайёргарликлар жуда катта. Худоёр отани ҳеч бўлмаса, ўзингизнинг тўйингиз куни тинч ўтиринг, деб тўрга ўтқазиб қўйишди. Хосият холани ҳам унинг ёнига ўтқазишди. Тўйхонанинг бошқа томонида – уларнинг рўпарасида ёш келин-куёв – Учқун билан Манзура ўтирардилар. Улар Англиядан таътилга келганларида тўйларини ўтқазиб юборишни режалаштиришган. Ўғиллари отанинг раъйига ҳамда Учқуннинг илгаридан тузган режасига кўра тўйни қишлоқда ўтказмоқдалар. Куй-қўшиқлар авжида, табрик сўзларининг кети узилмади. Ниҳоят, сўз шаҳарлик терговчи Собиржонга берилди.

– Мени вилоят прокуратураси номидан юборишди. Мана бу ерда Худоёр ота жиноятчиликка қарши курашда берган беминнат ёрдамлари учун вилоят прокурорининг чуқур миннатдорлиги ҳамда муборак ёшлари билан табриги битилган, – деб Собиржон чиройли папка ичига жойланган табрикни отага топширди ва сўзини давом эттирди. – Агар улар юбормасалар ҳам, ҳамма ишимни ташлаб бўлса-да, вақт топиб, ўзим келаверардим, чунки Худоёр ота менга қадрдон бўлиб қолган. У кишини таниганимдан бери уларнинг жасоратидан, фидойилигидан ҳайратдаман. Мен гоҳида кексайганимда қандай бобо бўларканман, деб ўйлардим, Худоёр отанинг ёш йигитлардек ғайратини кўриб, насиб қилса, қарисам, худди отадек

бўлишга ҳаракат қиламан, деб ўзимга сўз берганман. Ахир инсон ҳаракат қилса, астойдил истаса, ҳаммасига эришади. Айтишади-ку, бу дунёда ҳар ким қидирган нарсасини топади, деб. Ҳаммамизга Худоёр ота каби эзгулик излаш ва эзгулик улашиш насиб этсин.

Мен келин-куёвга бобоси ва бувисиникига ўхшаган бахт-саодат тилайман. Ўрталарингдаги меҳр-муҳаббат ҳеч қачон сўнмасин, ёшлик гайрати сизларни асло тарк этмасин, худди бобонгизникидек, дейман.

Собиржон жойига ўтирганидан кейин Фарҳод:
– Ҳамманинг ичидагиларини айтдингиз. Ишонасизми, мен ҳам худди шуларни гапирган бўлардим, – деди.

– Раҳмат.

Хосият хола ўрнидан туриб, келини Жамилага бир нималар деди ва яна жойига келиб ўтирди. Навбатдаги қўшиқ тугади, диктор микрофонни олиб:

– Ҳурматли тўй қатнашчилари, Хосият холамиз умр йўлдошларининг муборак етмиш беш йиллик тўйларига атаган совғаларини олиб келибдилар. Ҳозир у киши шу совғани топширадилар, – деди.

Жамила ўғли билан даврага думалоқлаб ўралган гилам кўтариб чиқди. Худоёр ота холага қараб:

– Бу нима қилганинг, ахир гиламни бегоналарга совға қилишади-ку. Эй, Худо, сени тўйдан олдин даволатишим керак эди, – деди бошини чайқаб.

– Дадаси, энди даволаш ҳақида умуман гапирманг, чунки томга бошқа чиқмайман, – деди жилмайиб.

– Нима деяпсан, овсар?

– Ҳозир тушунтираман, сабр қилинг, – деб хола кечани олиб бораётган йигитнинг ёнига бориб микрофонни қўлига олди.

– Илтимос, гиламни ёйиб, тик кўтариб, бу ёққа қаратинглар, – деди Хосият хола.

Эни тахминан икки метрча, бўйи уч метрдан ортиқроқ, тўқ ҳаво ранг, оппоқ майда гулли гиламни икки йигит стулга чиқиб ҳамма кўрадиган қилиб ёйиб кўтаришди. Хосият холанинг бирор бемаънироқ иш қилиб қўйишидан қўрққан отанима гаплигини тушуниш учун гиламга диққат билан тикилди. Кўк гиламга майда оқ гуллар тикилган бўлиб, тундаги юлдузлар тўла осмонни эслатарди. Чиройли, лекин бунинг нимаси бошқача, деб ўйлаб, кўзойнагини тақиб қаради ва оқ шаклар гуллар ҳам, юлдузчалар ҳам эмаслигини, улар ҳарфлар эканини кўриб, ўқий бошлади.

Умр йўлдошимнинг муборак 75 ёшли тўйига

СИЗ БАХТНИ АНГЛАТДИНГИЗ

*Ёшлигимда кимдандир сўрашга мен ийманган
Бахт қайдалигин билмай, хаёлларга кўн толдим.
Бахтнинг макони борми ё бойликка жойланган?
Балки бахт илмдадир, деб шаҳарга йўл олдим.
Олийгоҳни тугатиб қайта уйга шайланган
Кезда ногаҳон йигит юрагидан жой олдим.
Тангри инояти-ла тақдиримиз бойланган
Шу Инсон самимияти, мардлигига лол қолдим.
Ва ниҳоят, У бува, мен момога айланган
Чоғда ҳаёт йўлида бахт манзилин туюлдим.
Бахт олтин-зарда эмас, бахт – қалбнинг бойлигида,
У тор феълни хушламас, бахт – кўнгил кенглигида,
Толе бусиз ҳеч кулмас, бахт – эзгулик улашда.
Бахт – қаср, кулбадамас, бахт – Ким билан яшашда
Ва турмуш муштларига биргаликда бардошда...*

Хосият хола диктор йигит гиламдаги ёзувни ўқиб тугатгунча қараб турди. Кейин секин гапира бошлади:

– Азиз ҳамқишлоқларим, фарзандларим. Мен эллик икки йил бирга яшаган инсонни сизлар ҳам озми-кўпми биласизлар, бор бўлгурлар. Мен унинг қалбини, қўйинги, ҳамма қирраларини жуда яхши билиб олганимдан сўнг, у кишига нисбатан ҳурматим чексиз бўлган. Фақат оиласи учун фидойи, жонкуяр десам янглишган бўламан, эл-юрт учун ҳаммага бирдай, оғирини енгил қилишга, хатосини тўғрилашга астойдил уринадиган шу хокисор инсонга муборак тўйида нима совға қилсам экан, деб ўйладим. Чунки шу пайтгача у кишига ҳеч қачон ҳеч нима ҳадя қилмаганман-да, – деб хола бироз ҳаяжонланганиданми, индамай қолди. Кейин атрофга қараб олиб яна сўзини давом эттирди. – Шунда ёшлигимда гилам тўқишни ўрганганим эсимга тушиб, буни ҳеч кимга билдирмай, томга гилам тўқиш ускунасини қуриб, ҳеч кимдан ёрдам сўрамай, битта ўзим амалга оширишга жазм қилдим. Ростини айтсам, мен шу пайтгача ғайриоддий ҳеч нима қилмаганман, ҳатто тўрт мис-ра шеър ҳам ёзмаганман.

Умрим давомида бир марта бўлса-да ҳамманни, айниқса, болаларимнинг дадасини қойил қолдирадиган иш қилайки, бу – мени ҳаётда бахтли инсонга айлантирган турмуш ўртоғимга бўлган беқиёс ҳурматим ва муҳаббатимнинг ифодаси бўлсин, деган қарорга келдим. Мана, беш йиллик меҳнатимнинг натижасини кўриб турибсизлар. Тўғри, гилам жуда текис, чиройли тўқилган, унга битилган шеър ҳам рисоладагидек, мукамал ёзилган, деёлмайман.

Очиғини айтсам, мен шу беш йил ичида шеър ёзиш қанчалик қийин эканини, гилам тўқиш инсондан анчагина сабр-тоқат талаб қилишини ҳам ҳис қилдим. Шу ўн беш сатр шеърни эпақага келтириш учун беш йил давомида паришонхотир, тентакнамо бўлиб қолганимдан, ҳатто мени телбага чиқаришларига ҳам оз қолди. Фурсатдан фойдаланиб, барча ижодкорларга, машаққатли касб эгаларига офаринлар айтаман. Биламан, шеър ёзиш учун шоирларга ўхшаб чиройли сўзлар топа олмадим, фақат юрагимдаги айтмоқчи бўлганларимни қўполроқ бўлса-да ифодаладим, холос. Кекса момонгизнинг дил изҳоридан кулмайсизлар, деб ўйлайман, бор бўлгурлар.

Менинг истагим, бугун никоҳ тўйлари нишонланаётган азиз невараларимизга бизнинг бахтли ҳаётимиз ўрнак бўлсин, дейман. Болаларим, ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб сизларга шуни айтмоқчиманки, аҳил бўлинглар, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам доимо бир-бирларингни қўллаб-қувватлаб юрсанглар, ҳамдард бўлсанглар, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтасизлар. Бахтни бошқа ёқдан эмас, оиладан изланг ва шу ердан топинг. Сизларга ягона тилагим, бахтли бўлиб, қўша қаринглар.

Хола сўзини тамомлаб, жойига бориб ўтираркан, Худоёр отага:

– Совғам сизга ёқдимиз? – деб сўради.

– Шеърдаги сўзлар худди ўзинг гапираётганингдек бироз қўполроқ эканини ҳисобга олмаганда, тузук, – деди ота кўз ёшларини билдирмасликка ҳаракат қилиб, бошқа томонга қараркан.

– Агар сўзлар ўзимникига ўхшамаса, кўзларингизга ёш келиш даражасида таъсирланмасдингиз, дадаси, бор бўлинг-э, – деди жилмайиб хола.

– Сен билан фахрланаман, Хосият. Сен дунёдаги энг кўнгли тоза аёл эканингни ҳамиша ҳис қилганман, ҳаммаси учун раҳмат, – деб ота унинг кўлини сиқиб қўйди.

Тўй қизигандан-қизир, одамларнинг кайфияти эса ниҳоятда кўтаринки эди.

– Мен қишлоқда тўй бунчалик қизиқарли ўтишини кутмагандим, – деди Фарҳод сомсани иштаҳа билан еб туриб.

Ҳалиям гиламга тикилиб, ҳайратланганича ундаги сатрларни қайта-қайта ўқиётган Собиржон:

– Анави охирги мисраларнинг: «Бахт – қаср, кулбадамас, бахт – Ким билан яшашда» – деган сўзларига эътибор беринг. Худди шунингдек, тўйнинг чиройли ўтиши ҳам қишлоқ ёки шаҳардалигига, хонадон соҳибининг жуда бадавлат ёки ўртаҳол эканига қарамайди, менимча, ҳаммаси тўй қилаётган инсон қалбининг қандайлиги билан боғлиқ, – деди.

2014 – 2015 йиллар

Адабий-бадиий нашр

ЗУЛАЙҲО МАШАРИПОВА

ҚАСОС ҲИССИ

Детектив қисса

Муҳаррир

Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадиий муҳаррир

Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳиҳ

Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир

Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи

Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2015 йил 29 майда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 12.5. Шартли босма тобоғи 21.0.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 108.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru